

Абдулла
АВЛОНИЙ

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР



Истиқлол қаҳрамонлари

АБДУЛЛА
АВЛОНИЙ

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР

2 ЖИЛДЛИК

2-ж и л д

ПАНДЛАР, ИБРАТЛАР, ҲИҚОЯТЛАР, НАБИЙЛАР
ҲАЕТИ, ДРАМАЛАР, МАҚОЛАЛАР, САЕҲАТ
ХОТИРАЛАРИ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1998

Таҳрир ҳайъати

Озод Шарафиддинов, Неъмат Аминов, Наим Қаримов,
Бегали Қосимов, Дилором Алимова, Суннат Аҳмедов,
Шуҳрат Ризаев, Усмон Қўчқор.

Абдулла Авлонийнинг таълимий-ахлоқий асарлари, хусусан, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласи асрий қадриятларимиз, миллий маънавиятимиз тикланаётган бугунги кунларимиз учун гоят долзарб бўлиб турибди. Машҳур маърифатчининг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» дарсликларидан келтирилган икчам ҳикоялар, «Тарихи анбиё»сидаги маълумотлар ёш авлод тарбияси учун фойдадан холи эмас. Адиб драмалари эса, ўзбек театрчилигининг тамал тошини қўйган театр арбобининг интилиш ва имкониятларини, ўзбек драмачилигининг илк қадамларини яқинроқдан кўриши ва англашга ёрдам беради.

Ниҳоят, ушбу 2-жилддан ўрин олган «Афғон саёҳати» кундаликлари хиёнат ва алдов, қилич ва қон билан дунёга келган қизил саятанатнинг фожиаларга тўла 1919 йили ҳақидаги ёрқин ҳужжатдир.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи — Бегали Қосимов.

Изоҳлар ва луғатни Олим Тўлабоев тузган.

84937
А 22


Авлоний, Абдулла.

Танланган асарлар: 2 жилдлик. 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набиёлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари//Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов ва бошқ.; Тўпловчи: Б. Қосимов; Изоҳлар ва луғатни О. Тўлабоев тузган/.—Т.: «Маънавият», 1998. — 304 б. — (Истиқлол қаҳрамонлари).

У32

4202620204—9
А М 25(04)—98 — 16—98

© «Маънавият», 1998 й.



ПАНДЛАР, ҲИКОЯТЛАР, ИБРАТЛАР

«БИРИНЧИ МУАЛЛИМ»*
КИТОВИДАН

* 1915 йилги 3-нашри (Т., Порцев литогр.) асосида тайёрланди.

МУАЛЛИМ АФАНДИЛАР ДИҚҚАТИНА

Муҳтарам муаллим афандиларимиздан рижа қилурманки, бизнинг «Биринчи муаллим»имиздан ҳам олуб, тажриба қилуб, ўқутуб кўрсалар. Чунки ҳар гулнинг бир иси, ҳар меванинг бир таъм ва мазаси вордур. Бу «бўй» ва таъм эса тажриба соҳибларина кашф ва маълум ўлур. Шояд, миллат болаларина фоидабахш ўлур умидинда бир неча муаллимларимизнинг илтижолари ила кўб вақт тажриба сўнгиндан бу рисолаи ожизонамни «Биринчи муаллим» исми-ла майдони интишора қўйдим. Маорифпарвар муаллим биродарларимиз илтифотсиз қолдурмасалар керак. Инсон нуқсондан холи ўлмадиғи каби қилғон амали ҳам қусур ва хатодан ори(й) ўлмас. Шул сабабли муаллим афандиларимиз ҳар бир қусур ва камчиликларимдан танбиҳ ва танқид ила огоҳ қилсалар эди.

Тошканд, муаллим Абдулла Авлоний

ЯМОНЛИҚ ЖАЗОСИ

Бир кишининг Қосим исмли бир ўғли бор эди. Ота ва онасининг сўзиға кирмасдан ҳар хил ямон ишларни қилур эди. Болалар бирла урушуб, яқолашуб, кийимларини йиртуб келур эди. Уйда онаси меҳмон учун асраб қўйган таомларини егон вақтда, онаси:

— «Қосим ўғлим! Таомни сен едингму?»—деса,— «Мен еганим йўқ, мушук егандур», — дер эди. Бора-бора отасини пулини ҳам ўғурлаб оладургон бўлди. Отаси билиб, «Ўғлим, пулни ким олди?»—деса,—«Онам олгандур»,—деб онасини ўғри қилур эди. Бир куни отаси устол устиға бир танга пул қўюб, ўзи ухлаган киши бўлуб ётди. Қосим келуб, секин тангани олиб оғзиға солди. Шул вақт отаси ушлаб олмоқчи бўлгонда тангани ютуб юборди. Танга боруб, Қосимнинг ҳалқумиға тиқилиб, жон берди.

Эй болалар! Кўрдингизми, ямоннинг ямонлиги ўз бошиға етди.

ҚАНОАТ

Бир кишининг Али ва Вали исмли икки ўғли бор эди. Али қаноатли, Вали қаноатсиз эди. Бир кун отаси бозордан олма олуб келуб, болаларини синамоқ учун чақируб, мана, сизга олма бераман, — деди. Вали тезлик бирла келуб: «Отажон, менга ҳаммасини беринг», деди.

Али секингина келуб, манга биргина олма берсангиз бўладур, — деди. Отаси Алининг қаноатига офарин қилуб, қучоғига олуб, пешонасидан ўпуб, икки олма берди. Аммо Валига олма бермак қайда, балки қаноатсиз бўлма, деб адаб берди.

Қаноат бирла қорин тўйғузурсиз,
Қаноат бўлмаса, кўп оч қолурсиз.
Қаноатсиз киши бағрини доғлар,
Қаноатлик киши оғзини ёғлар.

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛУР

Бир кун бечора Хурус аёғлари ила хашак аросини ахтаруб тургон замонда бир дона марварид топди. Ул марваридни чўқуб-чўқуб, нола қилуб: «Оҳ, ақлсиз одам болалари! Ҳеч нарсага ярамайдургон нарсаларни қадрлик билуб, энг қадрлик нарсаларни қадрин билмаслар. Ҳозирда ман буни тобғунча, бир дона буғдой тобсам эди, манга овқат бўлур эрди», — деб хафа бўлурди.

Ҳар киши ўз нафсига бир пул учун гавғо қилур,
Бошқага минг сўм зарар келса, қачон парво қилур.
Ҳар ким ўз қорнин адосидур, агар эшондур,
Қушдур, инсондур, ўзининг қорнига қурбондур.

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАС

Бир ари сув устинда учиб борур эди. Бирдан сувга йиқилуб кетди. Қанотлари ҳўл бўлуб учарга кучи етмади. Улар ҳолатга етди. Буни бир Кабутар кўруб, Арига раҳми келуб, дарҳол бир чўбни тишлаб, сувга ташлади. Бечора Ари бу чўбни кема қилуб, сув балосидан қутулди. Ародан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўюб, Кабутарни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўргон замон келуб, болани қулоғини чоқди. Бола қулоғининг алаמידан тузоқни ташлаб, қулоғини ушлади. Кабутар вақтни ганимат билуб, учуб кетуб ўлумдан қутулди.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,
Сўз ямон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

ТУҒРИЛИК

Бир кампирнинг уйинда бир туп балх тути бор эди. Ниҳоятда тўғри ўсган эди. Бечора кампирнинг шул тутдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Пишган вақтда қурутуб олуб, бордонга солуб, бойларга тортуқ қилуб, пул олуб, бутун авқотининг тут сотуб ўтқарур эди. Бир кун ул шаҳарнинг подшоҳи бир айвон солмоқчи бўлуб, устун охтарганда кампирнинг тути тўғри келди. Подшоҳ тути минг олтунга сотуб олди. Бечора кампир бой хотин бўлиб қолди. Бир кун тутини кўргали борди. Кўрдик, тути жаннат каби бир айвон ўртасинда турубдур. Кампир тутига қараб дедик:

Эй тутим, тўғрилигинг қилди бизи давлатга ёр,
Эгри бўлсанг, сан ўтун бўлғай эдинг, ман хор-зор.
Тўғрилар жаннатнинг айвониндадур,
Уғрилар ранжу алам кониндадур.

ИТТИФОҚ

Ҳайвонлар ичинда энг кичиклари чумолилардур. Лекин ўзлари кичик бўлсалар ҳам ниҳоятда ғайратлик, иттифоқ ҳайвонлардур. Ўзларича подшоҳлари, катталари, аскарлари бўладур. Улуғлари нимани буюрса шуни қилур. Иттифоқ ва ғайратлари соясинда ўзларидан катта-катта душманлардан қўрқмаслар. Агар Ари каби душман келуб, бирларига тегса, ҳаммалари бирдан душманга ёпушуб, бири қўлини, бири аёғини, бири қанотини қаттиқ тишлаб, ўзлариндан неча баробар катта бўлса ҳам тезгина қочурлар.

Кўрдингизми, юнг ўзи хўб майдадур,
Бирлашуб арқон бўлса, фил бойланур.
Иттифоқа куч-қувват кор айламас,
Иттифоқа жин ҳам озор айламас.

«ҚУШМА СЎЗЛАР»ДАН

Ҳозирги асрда илмсиз кишилар бошқаларга қул ва асир бўлудан бошқа ҳеч ишга ярамаслар.

*ШАВКАТИ ИНСОН ЭРУР ИЛМУ АДАБ,
ЭЪТИБОР ЭТМАС АНГА МОЛУ НАСАБ.*

**ИККИНЧИ МУАЛЛИМ*
КИТОБИДАН**

Биринчи мактабларимизнинг шогирдларина алифбодан сўнг ўқутмак учун очуқ тил ва осон таркиб ила ёзилуб, ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланмиш УҚУВ КИТОБИдур.

* 1915 йилги (Т., «Мактаб» нашриёти, Ильин литогр.) иккинчи нашрига асосландик.

МУҚАДДИМА

Ерни ва кўкни, ер ва кўкдаги нарсаларни (нг) барчасини яратгон ёлғуз Аллоҳ таоло ҳазратларидур. Кўзларимизга кўринган ва кўринмаган катта ва кичик нарсаларни, инсон ва ҳайвонларни, кўкдаги қуёш, ой ва юлдузларни, ерни ёрутмак ва бизларни тарбия қилмак учун яратқучи яна жаноб Ҳақдур. Бизлар шул Аллоҳ таолонинг бандасимиз, Аллоҳ таоло бизнинг Тангри-миздур. Жаноб Ҳақ бизларга ниҳоятда кўп неъматлар бермишдур. Бизларга берган неъматларининг мингдан бирини санаб — ҳисоблаб битирмак мумкин эмасдур. Аммо, бизга берган неъматларин орасинда **АҚЛ**дан азиз ва қимматли неъмат йўқдур. Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳ таоло бандаларига берган неъматлари орасинда **АҚЛ**дан яхшироқ нарсаси йўқдур», — демишлар. Эй ўғлонларим! Сиз ҳам улуғ неъмат қадрини билингиз! Жаноб Ҳақ бизларни ақлли инсон қилиб бошқа ҳайвонлардан ортуқ қилди. Ва бу ақлни нурландирмақ ва орттурмақ учун ўқумақ, ёзмақ, илму маърифат ҳосил қилмоқ керак. Ва бу неъматларни қўлга олмақ учун ёшликдан ҳаракат қилмақ, чолишмак ва бу улуғ неъматлар баробарига Аллоҳ таолога шукр қилмак ҳар биримизга вожиб ва лозимдур.

АҚЛ

Бир кун отамиз Одам алайҳис-саломга жаноб Ҳақ тарафиндан ҳазрат Жаброил **АҚЛ**, **ДИН** ва **ҲАЁ**ни келтуруб: «Аллоҳ таоло сизга бу уч нарсдан бирини олуб қолурга сизни ихтиёрлик қилди. Хоҳлаганингизни олиб қолингиз, сизга ҳадядур», — дедилар. Одам алайҳис-салом: «Ақлни ихтиёр қилдим», деганларида, ҳазрат Жаброил Дин ила Ҳаёга боқуб: «Сизлар ўз жойингизга кетингиз. Одам сизларни қабул қилмади», — дедилар, алар: «Жаноб Ҳақ бизларни, Ақл қайда бўлса, сизлар ҳам шунда бўлурсиз, деб амр қилган эди, бизлар Ақлдан айрилмасмиз», — дедилар. Эмди очуқ маъ-

лум бўлдики, Ақл қайда бўлса, Дин ва Ҳаё ҳам шунда бўлур экан. Ақл қанча ортса, юқориланса, Дин ила Ҳаё ҳам шунча қувват топар экан.

Ҳар киши қилса илм учун ҳаракат,
Версун Аллоҳ ақлини баракат.

САЛАВОТ

Ҳадсиз-ҳисобсиз раҳматлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломга бўлсунки, бизларга шарият йўллариин кўрсатган ва дин ҳукмларин ўргатган, бизларни мусулмон бўлишимизга сабаб бўлган, Исломи динин тарқатмак учун қанча машаққатлар чеккан, Макка кифирларининг жабру жафоларига сабр қилган, Аллоҳ амрин тутуб ўз ватанларин ташлаб, Мадинага кўчган, Уҳуд тоғиндаги урушда муборак тишлари синган, бутун умрларинда Аллоҳнинг амриндан бир қилча ойрилмаган, бор кучларини(нг) дини Исломи йўлинда сарф этган, бизларга энг муқаддас китоб Қуръони карим ила суннатларин қолдириб кетган, баданлариндан жонлари чиқғунча «уммат», «уммат» деб оламдан ўтган, бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом афандимиз ҳазратларидурлар. Мана бизларга шул суюклу пайғамбаримизга, авлоду саҳобаларига доим Аллоҳ таоло тарафиндан раҳмат сўрамак лозимдур. Бизлар шул зотнинг умматларидурмиз. «Умматман» демак фақат қуруқ тил ила бўлмас. Балки жону дил ила пайғамбаримизни(нг) буюрган ишларини қилуб, кўрсатган йўлларииндан айрилмаслик, тандан жонимиз чиқғунча биз ҳам «миллат», «миллат» деб дунёдан кетмаклик ила бўлур.

МАКТАБ

Мактаб уйи — доруламон,
Мактаб ҳаёти жовидон,
Мактаб сафойи қалбу жон,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб эрур доруладаб,
Мактаб эрур эҳсони Раб,
Мактаб эрур гулзор ажаб,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сиза жаннат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб берур Қуръон сиза,
Мактаб берур иймон сиза,
Мактаб берур ҳурон сиза,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб ўқувни кўрсотур,
Мактаб ёзувни ўрготур,
Мактаб йуқудин уйғотур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий хаёл,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб демак масжид йўли,
Мактаб эрур жаннат гули,
Мактабни сизлар булбули,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб миси тилло қилур,
Мактаб сизи мулло қилур,
Мактаб сил (л) иқ салло қилур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

САХИЙЛИК

Бир кишининг Саид исмли ўғли бор эди. Отаси ҳар кун мактабда таом олиб емак учун ўн тийин пул берур эди. Бир кун мактабга кетуб борганда, бир фақир киши йўлуқуб:

— Уғлим, икки кундан бери очман. Таом олиб ей десам устимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нар-

сам йўқ. Бир оз оқчанг бўлса, берсанг, савоб топура эдинг, — деди.

Саид фақирнинг сўзига тоқатсиз бўлуб, ҳолига раҳми келуб, атоси берган ўн тийин пулни фақирга берди. Фақир бу ёш Саиднинг қилгон шафқату марҳаматига офарин қилуб, йиғлай-йиғлай дуолар қилуб кетди. Саид ул кун ўзи оч қолса ҳам, очлигини ҳеч кимга билдурмай, сабру қаноат ила ўткарди. Мактабдан озод бўлуб, уйига борган замон қилгон ишини отасига сўзлади. Отаси ҳам «сахий Саидим», деб хурсанд бўлуб, дуо қилди ҳам бундан сўнг Саидга ҳар кун йигирма тийиндан берурга ваъда қилди. Саодатлик Саид отаси берган йигирма тийиннинг ўн тийинини еб, бешини фақирларга беруб, бешини йиғуб, тездан бой бўлуб кетди.

БАХИЛЛИК

Бир бахил кишининг уйига бир неча яқин дўстлари меҳмон бўлуб келди. Ул бахил меҳмонларни (нг) зиёфат қилмак ўрнига беҳуда сўзларни (нг) сўзлаб ўлтурди. Ародан кўп вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чоқируб:

— Бор, таом пишган бўлса, олиб кел! — деди.

Шул вақт хизматчи бир табоқ устида пишгон хўрозни олиб келган замон, бахил хизматчига боқуб:

— Бошини нима қилдинг? — деди. Хизматчи: — Афандим, нима қилур эдим, ташладим. Бахил: — Нодон! Киши хўрознинг бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товукнинг аёғини ташласа, ман боруб олур эрдим. Бош деган аъзоларнинг хўжасидур. Ул боши ила қандай яхши қичқирар эди. Маржон каби тожи ҳам бошинда эди. Энг ширин аъзолариндан саналгон тили, энг улуг аъзолариндан мияси, икки шахло кўзлари барчаси бошинда эди. Бор, топиб кел! Биз емасак, меҳмонларга дедурумиз! — деди.

Кўрдингизми, бу бахил киши ҳеч нарсага арзимайдургон бир хўроз бошидан бир неча хосиятлар баён қилуб, ўзининг қандай киши эканлигини билдурди.

АХЛОҚИЙ ҲИКОЯ

Эшитдимки, машҳур Мажнун зор.
Бўлуб мавти Лайлосидан беқарор,
Қетиб ҳушидан бўлди ҳоли хароб,
Равон бўлди Лайлони қабрин сўроб.

Йўлиқди: бир ўғлон эди ҳушёр,
 Замондан хабардор эди, ақли бор.
 Деди: «Эй ўғул! Қабри Лайло қаён?»
 Уғил кулди, берди жавобин равон.
 Деди: «Сизмусиз ишқ лофин уран?!
 Топар сўрмайин ишқ кайфин суран.
 Мазора боруб иста ҳар гўрдан,
 Олиб хокини иска мазкурдан.
 На ердан ке(л)са ишқ-савдо иси,
 У туфроғ эрур Лайлонинг турбаси».

АРСЛОН ИЛА АЙИҚ

Бир кун Арслон ила Айиқ иккиси дўст бўлуб, ов қилмоқчи бўлдилар. Саҳрога чиқуб, югуриб-елиб бир кийикни тутдилар. Емакчи бўлуб тургон вақтларинда ароларинда уруш пайдо бўлди. Арслон: — Ман каттаман, манга кўброғ берурсан. Айиқ:—Ман кичик бўлсам ҳам сандан кўб ҳаракат қилдим, югурдим, елдим. Сан бир жойда қараб турдинг. Сергўшт ерини ман ерман, деб уруш бошладилар. Шул даражага етдиларки, иккиси ҳам ўлар ҳолатга етуб, ерга йиқилуб, қимирлашга мажоли қолмади. Буларнинг ҳолидан бир неча бўрилар хабардор бўлуб, келишуб тайёргина кийик гўштини еб, суягини қўюб кетдилар. Бу икки жанжол қилгон бечоралар бир-бирларига дер эдиларки, агар бизлар урушмагон бўлсак эди, иккимизнинг ҳам қорнимиз тўйгон бўлур эди. Мана, урушгонимиз учун иккимиз ҳам оғзимиздаги ошимиздан айрилдук, деб афсус қилуб, охирда сурголиб боруб, молимизнинг сўлакайи деб, қуруқ суякни чайнадилар.

Урушгонлар суякни зўрға чайнар,
 Тамошочи суяксиз этни пойлар.
 Кетиб қаймоғи, сут қолгай ўзига,
 Сут ҳам ширин кўрингай оч кўзига.

БУЛБУЛ ИЛА ЭШАК

Бир куни булбул ила бўлди эшак ўртоғлар,
 Юрдилар айлаб тамошо, ҳар тараф гулбоғлар.
 Бир замон Эшак дейди: Эй, булбули ширин забон,
 Сайрагил, дўстим, бу дам, кетсун юракдан доғлар.
 Ултуруб гул шохига Булбул чунон қилди фиғон,

Бўлди ҳайвонларда иш ташлаб қулоқ солмоғлар.
 Барча қушлар офаринлар қилди Булбул товшига
 Гул бўлиб очди у дам гул ғунчаси яфроғлар.
 Бир замон Булбул садосини (нг) қилиб эрди тамом,
 Ҳангради Эшак, ҳама қочди йиғилгон зоғлар.
 Кўрди Эшак ул замон, ҳеч кимса йўқ гулзорда.
 Ерга оғнаб сочти бошига қуму туфроғлар.
 Айтди: Эй булбул, ажойиб! Сайрашинг яхши экан,
 Ман каби товшинг сани қилмас димоғ (н) и чоғлар.
 Сайрашинг ишсиз кишиларга эшитмак яхшидур,
 Ман бақирсам, ишларига қилдилар кетмоғлар.
 Кўйлаги йўқлар тизи йиртуқ кишилардан кулар,
 Хоҳ ҳайвон, хоҳ инсондур — ўзини соғлар.
 Ҳар киши ўз айбини кўрмас, киши айбин кўрар,
 Ўзгани бир игнача айби кўрунгай тоғлар.

НАФСИ БУЗУҚ ҲАЙИТДА УЛАР

Бир қишлоқи тоғдан ўтун кесмак учун борди. Бир
 кўзада олиб борган сутини дарахт остига қўюб, ўзи
 ўтун кесмак учун кетди. Шул вақт бир тулки келуб,
 кўзага бошини суқуб, сутдан бир оз ичган замонда ақ-
 ли дедики, бас, бундан нари борсанг, балога йўлуқур-
 сан. Нафси айтдики, ичабер, камбағалнинг бир тўйго-
 ни — чала бой бўлгони, деди. Тулки ақлин сўзига кир-
 масдан, нафсин йўлиға юрди. Бир вақт сут тамом бўл-
 гондан сўнг тезгина қочмоқчи бўлгон замонда кўза бо-
 шини маҳкам сиқуб қолди. Бечора тулки қанча ҳаракат
 қилса, кўза ҳам шунча сиқа бошлади. Югурди, елди,
 ёлборди кўза асло яқосини бўшатмади. Охирда аччи-
 ғи келуб, — сани сув ичинда бўғуб ўлдурмасам бўлмас
 экан, — деб кўзани олиб боруб бир катта сувга суқгон
 замонда, кўза тулкини тўғри сув остига олиб кируб
 кетди. Тулки сув остинда дер эдики:

Балойи нафс учун, охир, сурундим,
 Келуб сайёд домига илиндим.
 Агар ақлим сўзига кирсам эрди,
 Азиз жоним саломат бўлгай эрди.

АҚЛЛИ ҚАРҒА

Кунлар ёз фасли ўлдиғиндан ҳар ерда сувлар қуру-
 миш. Бечора Қарға сув йўқлиғиндан ниҳоятда сувсамиш
 эди. Тиллари осилуб, ҳар тарафдан сув ахтармоқда.

экан, бировининг олдинда тургон кўзанинг кўруб, ёнига келуб боқса, ичинда суйи бор. Лекин бўйинини суқуб ичай деса, бўйи етмайди. Бир оз ўйлади-да тумшуғи ила тошларни йиғуб, кўзанинг ичига ташлай бошлади. Оз вақт ичинда кўзанинг остиндаги сув устига чиқуб, тоша бошлади. Ақлли қарға сувдан ичуб, ташналик балосидан қутулуб, учуб кетди.

БОҒЧА

Боғчаларнинг хўб яхшидур ҳавоси,
Жонға роҳат верур завқи, сафоси.
Яғочлар-да яшил яфроғ ичинда,
Ранг-баранг гулларинг яшнар зиёси.
Сабза ўтлар аросинда очилган
Бинафшау қизил гулу раъноси.
Лекин гулнинг ёшлик каби умри оз,
Тез йўқ бўлур хуш қомати зебоси.
Яхши верур боғ, ишласа боғбон,
Чўнчокинда кўб бўлғуси ақчоси.
Ёшлигида кўб ўқуғон болани
Қариганда обод ўлур дунёси.

ҲАСАД БАЛОСИ

Бир кун Зоғча инсонлар кабутарларни(нг) боқуб, аларга дон беруб, яхши уялар ясаб берганларига ҳасад қилуб, кўролмади. Бул ҳам кабутар бўлуб, текин донлардан еб, роҳатда яшамоқ бўлди. Ўзини оқ бўрга бўяб, кабутархонага келуб, кабутарлар ила бирга яшамоқға бошлади. Бир кун осмонда учуб борадурғон бир неча зоғчаларни кўруб, бирдан «чағғ» деб қичқируб юборди. Ҳамма кабутарлар буни зоғча эконин билуб, ҳар тарафдан ёпишуб чўқий бошладилар. Бечора Зоғча кабутарлар аросиндан зўрға қочуб, зоғчалар аросиға боруб қўшилди. Зоғчалар ҳам буни Зоғча эконига ишонмадилар. Ҳар қанча «чағ... чағғ...» деб ёлборса ҳам: — Ҳо нодон, бизни(нг) алдайман дерсанми? Бор, зоғча бўлсанг оқ чопонингни ешиб кел! — деб булар ҳам (анинг) бошларига чўқуб-чўқуб жўнатдилар.

Ҳисса: Бечора Зоғча ҳасад балосиға йўлуқуб, икки жаҳон овораси бўлуб қолди.

АҚЛЛИ БОЛА

Бир бола қўшнининг уйига ўралмиш табақда таом олиб борур эди. Бир киши учраб:

— Эй ўғлим, табақда нима олиб борурсан? — деди.

Ақлли бола жавоб бериб:

— Эй отажон, табақ ичиндаги нарсани(нг) кишига айтмоқ ва кўрсатмоқ мумкин бўлса эди, усти ўралмаган, очиқ бўлур эди, — деди.

ҚАЛАНФИР ИЛА ЧЎЛ ЯЛПИЗИ

Саҳрода ўсган Чўл ялпизидан сўрдиларки: «Сан аввалда ярамас бир ўт эрдинг, бу хушбўй исни қайдан олдинг?» — деб. Ялпиз жавоб бердики, «Рост, ман аввалда ямон бир ўт эрдим. Лекин бир неча вақт қаланфир ёнинда ўсуб, бирга яшадим. Аромизда дўстлик пайдо бўлди. Шул сабабли аввалги ямон исларим кетуб, дўстимнинг яхши ислари манга юқуб қолди», деди.

Яхшиларнинг суҳбати — жон роҳати,
Сўзлари — дарду аламнинг офати.

ОВОЗ

Бир бола мактабдан келуб, китобларини қўюб, таомларини еб, ўйнамоқ учун боғга кируб, шул кун ўқугон сабақини қичқируб ўқугон замон қулоғига қўшнининг девори тарафиндан бир боланинг ўқугон товши келди. Бу овозни эшитган замон боғда мандан ҳам бошқа бола бор экан деб суюнуб:

«Кел ўртоғ! Иккимиз бирга ўқушуб, бирга ўйнаймиз», деса ул ҳам шул сўзни айтди. Боланинг бир оз аччиғи чиқуб, атрофни охтара бошлади. Кўп вақт излади, ўзидан бошқа ҳеч кимни кўрмади. Охирда жаҳли чиқуб, ямон сўзлар айтса, ул тарафдан ҳам ямон сўзлар эшитди. Бола ниҳоятда хафа бўлуб, йиғлаб, боруб онасига айтди: «Эй онажон! Боғда бир ямон бола бор экан, ман нимани сўзласам, шуни айтур. Манга ямон сўзлар сўзлади. Қанча изласам ҳам тополмадим», — деди. Онаси боланинг ўзининг овози эканин билуб: «Эй ўғлим! Сан анга ямон сўз айтма. Яхши сўз айтсанг, ул ҳам санга яхши сўзлар ила жавоб берур», — деди. Бола яна боғга боруб яхши сўзлар сўзласа, жавобига яхши сўзлар

эшитди. Ақллик бола билдики, яхши сўзга инсонлар яхши жавоб, ямон сўзга ямон жавоб берурлар эмиш. Бундан сўнг бола ҳеч кишига ямон сўз айтмайдурғон бўлди.

ЯЛҒОН ДУСТ

Бир вақт ики киши дўст бўлуб, сафарга чиқмишлар эди. Бир тоғ ичиндан кетуб боргонларинда узоғдан бир йўлбарсни кўрмишлар. Дўстларнинг бири дарҳол югуруб бир дарахт устига чиқмиш. Иккинчиси шошилуб қолуб, нима қилишин билмай, ерга чўзулуб, ўлукга ўхшаб ётмиш. Йўлбарс келуб искаб-искаб ўлук гумон қилуб қайтуб кетмиш. Ўртоғи дарахтдан тушуб: «Биродар, йўлбарс қулоғинга нима деб сўзлаб кетди», — деб сўрамиш. Йўлдоши: «Оҳ, дўстим! Шодлиғингда ўртоғ бўлуб, ҳам вақтингда ташлаб қочадурғон номард кишилар ила йўлдош бўлма!» — деб сўзлаб кетди, деб жавоб бермиш.

ЧИН ДУСТ

Икки одам бир-бирига дўст бўлдилар чунов,
Бир нафас айрилмас эрди бир-биридан икки жон.
Маслаҳат бирла сафар қилмоқни айлаб ихтиёр,
Бўлдилар сахро тамошоси учун бир кун равон.
Йўлда бир дарёдан ўтмак тўғри келди дўстлара,
Ўлтуруб бир кемага кетмоғда эрдилар ҳамон.
Бир замон тўлқун келуб ул кемани қилди хароб,
Ул ики ўртоғ йиқилдилар сув узра ногаҳон.
Сув юзинда ул замон кетмакда эрдилар оқиб,
Сувчилар келдилар ушлаб олғали сувдан амон.
Ул ики дўстнинг бирини тутса, сувчиға деди:
Қўй мани, аввал боруб, дўстумни қутқар безиён.
Сувчи боруб ушласа ўртоғини,
Ул ҳам айлар дўст қутулсун деб фиғон.
Кўрдингизми, эй сучук ўғлонларим,
Дўстлиғдан бу сиза бир достон.

ХУРУС ИЛА БҶРИ

Бир Бўри дарахт устинда ўлтурғон Хурусни кўруб, тутуб емак учун дарахт остига келди. Ҳийла бирла бечора Хурусни дарахтдан тушурмақчи бўлуб: «Эй, Хурус ўртоғ!

Ман санга бир яхши хабар кетурдим. Ҳайвонлар ила қушлар орасинда сулҳ бўлди. Бир-бирига зулм қилмасга, бири иккинчисин тутуб емасга қарор верилди. Кел, биродар, пастга туш! Бир-биримизга дўст бўлуб, бирга ўйнашайлук», — деди. Хурус Бўрининг сўзига алданадурғон даражада нодон ва аҳмақ бўлмадиғиндан бўрига боқуб дедики:

— Дўстим, сўзинг ростдур, тўғридур. Лекин бир оз сабр қил. Сандан бошқа икки ит ҳам сулҳ хабарин кетурурлар. Алар ҳам келсунлар. Ҳаммамиз бирга ўйнашурмиз, — деди. Бўри Хурусдан бу сўзни эшитган замон думини орқасига қўйуб қоча бошлади. Хурус: «Ҳо, биродар, нима учун қочурсан, арода сулҳ бор-ку?» — деса, Бўри:

— Оҳ дўстим! Бу золим итлар сулҳни бузгонга ўхшайдур, — деб қочуб кетди. Хурус орқасиндан «қуққ... қурии... қуу...» деб қичқируб қолди.

Ақл эгаси ҳийлага алданмагай,
Ҳийлагарнинг ҳийласи бошин егай.
Дўст ила душман сўзининг фарқи бор,
Фаҳм этар ҳар кимки, ўлса ҳушёр.

ЖАНЖАЛЧИЛИК ЗАРАРИ

Бир сув устига кўпрук каби бир тахта қўйилмиш эди. Бу тахтанинг устиндан ўтмак учун икки эчки икки тарафдан келуб, бир-бирига йўлуқти. Бири дедики: — «Ман сандан каттаман, сан ёшсан, арқангга қайт, манга йўл бер», — деди. Иккинчиси:

— Сан катта бўлсанг, улуғлиғинг ўзингга, ман сандан қувватли. Сан қайт, Мандан сўнгра ўтарсан, — деб ароларинда зўр ғавғо чиқди. Иккиси ҳам бўйинларин эгишуб, шохларин шохларига қўюшиб, чунон сузишди-ларки, охирда сувга юмалаб тушуб, иккиси ҳам сувда фарқ бўлди.

ТАМАЪ БАЛОСИ

Бир Сичқон қофқонни кўрган замон:

«Ёху, инсонлар қандай ҳийлакордурлар. Ажабо, манга ов учун ичига бир парча ёғ қўймишлар-да, мани алдаб қофқонга тушурмак истарлар. Амон, ё раб! Ман яхши билурманки, бу ов эмас, манинг учун қурилмиш бир тузоқдур. Хайр, бу-ҳийла ила мани алдай олмас-

сиз», — деб қайтуб кетмак бўлди. Шул вақт бир оз ўйлаб, ўз-ўзига дедик: «Бу ёғдан емасам ҳам бир оз искамак мумкин. Аммо ман ёғ исини кўб яхши кўраман. Қел, бунн искамакда нима зарар бор», — деди-да, қофқон ёнига келуб, ёғни искай бошлади. Ёғнинг исн думоғига хуш келуб, тез-тез искаб турган замон бурни ёғни туртиб юборуб, қофқон «шарт» этуб кетди. Бечора Сичқон тамаъ балосига гирифтор бўлуб қолди.

Б а й т

Оз тамаъ кўб зарарлари кетирур,
Нафсини тиймаган ўзин йитирур.

АҚЛСИЗ БОЛА

Бир киши ўғлина бериб теша,
Ўғлин ақлин қилурға андиша.
Деди: «Ишлат бу тешани, ўғлим,
Бундан ақлинг менга бўлур маълум».
Ўғлон ушлаб қўлига тешасин,
Кўр, нечук кўрсатур тамошосин.
Борди масжид деворининг тагина,
Ковлади теша бирла яхшигина.
Кўрди ул дам ота ўғил ҳолин,
Бўлди маъюс, бузди аҳволин.
Ўғлин ики қулоғидан бурди,
Оҳ тортуб бу сўзни айтурди:
«Теша бердим: ўтун кесу бовла,
Қим деди, масжид остин ковла».
Ибрат олмақ керак бу ўғлондан,
Ҳақ бизи мамнун этди эҳсондан.
Тутмака қўл, юрар учун по (й)лар,
Берди бир неча бошқа аъзолар.
Ҳар бирин ишлатур ери бордур,
Ишлатур билмаган киши хордур.
Уйламай миллат уйини бузсак,
Йиқилур уйимиз ипин узсак.

БӨЛАЛАР БОҒЧАСИ

Йигитликда ўқувдан қолсанг, ўғлон,
Қариганда пушаймонсан, пушаймон.
Улуғлик молу давлат бирла эрмас,
Саломат бўлса ақлинг, сенга шул бас.

Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар,
 Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
 Сўзинг оз ўлсуну кўб маъни бўлсун,
 Эшитганлар қулоғи дурга тўлсун.
 Такаббур бўлмағил, бўлғил мулойим,
 Бўлурсан шоду хуррамликда доим.
 Биров қилса ғазаб сен сўкма они,
 Будур яхши кишиларнинг нишони.
 Ямонлик қилсалар, сан яхшилик қил,
 Ямонлиғни ҳўкузни бўйнига ил.
 Насиҳатни қулоғингга илиб ол,
 Ямон сўзни эшитмай тез кетиб қол.
 Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
 Миси чиқғай, сўзинг кўб бўлса бир кун.
 Кўпайган сўзни бўлғай тўғриси оз,
 Шакарнинг кўпидин ози бўлур соз.
 Бировдин бир нимарса сўрма зинҳор,
 Кишининг миннати санга на даркор?!
 Талаб қилғил муродингни худодан,
 Гадосан, сўр муродинг подшодан.
 Жадал қил илм учун, ўғлим, ҳамиша,
 Кучинг борида ғайрат бирла пеша.
 Экин вақтида ухлаб ётса деҳқон,
 Уроқ вақтида бўлғай кўзлари қон.

ТАҚСИМ

Бир кун икки бола кўчада ўйнаб юрган замонда бир адад янғоқ топдилар. Бири айтди: «Ман олурман, аввал ман кўрдим». Иккинчиси: «Йўқ биродар, ман олурман, ердан ман олдим», — деб иккиси ғавғо қилуб туруб. эдилар. Бир йигит қелуб: «Эй чароғларим! Шошманг, талашманг, ман сизларга яхшилаб тақсим қилуб берурман»,—деб янғоқни қўлларидан олуб, икки палла қилуб, бир палла пўчоғини биринчи болага, иккинчи палла пўчоғини иккинчи болага беруб: «Мана, қолғони тақсим қилгон кишига», — деб мағзини оғзига солуб, жўнаб кетди. Болалар бўлса, пўчоғини ушлаб, бақраюшуб қолдилар.

Ҳисса: Озга қаноат қилмаган кўбдан қолур.

БОЛАРИ ИЛА ПАШША

Бир Пашша қир тарафдан учуб келмакда ўлан Арини кўруб:

«Дўстим, қайдан келурсан?» — деди. Ари: «Қирдан келурман. Бир оз бол йиғдим. Уй ясамоқ учун мум ҳам ҳозирлаб келдим», — деди. Пашша: «Оҳ биродар! Бир бошинг учун мунча ҳаракат қилурсан! Нима бўлурки, сан ҳам ман каби роҳатда яшасанг. Чунки менинг яшамоқимда ҳеч бир машаққат йўқ. Инсонлар тарафиндан ҳозирланган дастурхонлардан ҳар хил таомларни ебичуб умр ўткарурман. Баъзи вақтларда сани ясаган болингдан ҳам тўйганимча ерман. Мана! Яшамоқ мана! Умр кечурмақ учун оламда мундан яхши турмуш бўлурми? На манда бол ҳозирламак машаққати ва на уя солмак кулфати бор», — деди. Ари бу сўзларга жавобан дедики:

«Оҳ дўстим! Бу сани турмушинг ўз бошингдан бери келмасун. Машаққатсиз таомда лаззат бўлурми?!»

Инсонлар сани суфрадан қуварлар, урарлар, ўлдирурлар. Сан оламда ўғрилар каби умр ўткарурсан. Охирда бир ўргумчак луқмаси бўлмакдан бошқа бир нарсага ярамазсан. Аммо менинг тайёрлаган мумим ҳамма ибодатхоналарни ёруттар. Болим дунёнинг ҳамма еринда мақбулдур. Инсонларнинг оғизларини тотли қилур. Шул сабабли инсонлар мани ўзлари тарбия қилурлар ва ҳар ерда мани мақтарлар, деди-да, қўй, биродар, мани ишим кўб, сан ила беҳуда сўзларни сўзлашуб турурга вақтим йўқ», — деб учиб кетди.

Ҳисса: Меҳнат — охири роҳат, ялқовлик охири хорликдур.

ЙИЛ, САНА

Бир йил ўн икки ойдур. Бир ой тўрт ҳафта, бир ҳафта етти кундир. Шанба, якшанба, душанба, сешанба, чаҳоршанба, панжшанба, жумъа. Бир кун йиғирма тўрт соат, бир соат олтмиш дақиқа — «минут»дир. Ой ҳисоби икки хил бўлур. Бири қамарий, иккинчиси шамсий.

ҚАМАРИЙЯ ҲИСОБИ

Қамарийя ҳисоби ила ойларнинг арабча исмлари: муҳаррам, сафар, рабиъ-ул-аввал, рабиъ-ул-охир, жумод-

ул-охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа.

Қамарийя ойларининг олтиси 30 кундан, олтиси 29 (кун)дан келадур. Бу ҳисоб ила бир йил уч юз эллик тўрт кун бўладур. Бу ҳисоб мусулмонларнинг диний ибодат, байрамлари учун юритилур. Мусулмонча йил боши биринчи муҳаррамдан ҳисобланур. Учинчи муҳаррамда ҳазрат имом Ҳусайннинг Карбалода шаҳид бўлган кунларидур. Бу кун мусулмонларнинг мотам ва дуо кунидур. Рабиъ-ул-аввалнинг ўн иккинчи куни Пайғамбаримиз саллаллоҳи алайҳи васалламнинг туғилган кунларидур. Бу кун мусулмонларнинг улуғ байрам ва шодлиғ кунларидур. Биринчи рамазондан бошлаб биринчи шавволгача рўза тутилур. Биринчи шавволда Ийди-фитр намози ўқилур. Уч кун мусулмонларнинг улуғ байрамлари бўлур. Учинчи зулҳижжада Ийди қурбон намози ўқилур. Қурбон(лик)лар сўйилур. Тўрт кун байрам қилинур.

Санаи шамсийя ҳисоби ила ойларнинг исмлари.

АРАБЧА	РУСЧА	РУМЧА ¹	КУН
Ҳамал	Март	Март	31
Савр	Апрел	Нисон	30
Жавзо	Мой	Маис	31
Саратон	Июн	Ҳазиран	30
Асад	Июл	Таммуз	31
Сунбула	Август	Оғстус	31
Мезон	Сентабир	Эйлул	30
Ақраб	Уктабир	Ташрини аввал	31
Қавс	Нўябир	Ташрини соний	30

¹. Туркия туркчасида.

Жадий	Декабир	Конуни аввал	31
Далв	Январ	Конуни соний	31
Хут	Феврал	Шубот	28

Санаи шамсийя ойларининг баъзилари 30 ва баъзилари 31 кун. Ёлғуз хут ойи 28 кундур. Ҳар тўрт йилда хут 29 (кун бўлиб) келур. Бу йилни зўр йил деб аталур. Арабчада йил боши биринчи ҳамалдан, русчада биринчи январдан, румчада (биринчи) конуни сонийдан бошланур.

ЙИЛНИНГ ФАСЛИ

Бир йил тўрт фаслга бўлинур. Бири ёз, иккинчиси куз, учинчиси қиш, тўртинчиси баҳордур. Ёз ойлари: июн, июл, августдур. Куз ойлари: сентябир, ўктабир, нўябирдур. Қиш ойлари: декабир, январ, февралдур. Баҳор ойлари: март, апрел, майдур.

ЕЗ ФАСЛИ

Ёз фаслида дарахтларнинг барги яшил бўлуб, яшил барглари орасида мевалари тарам-тарам қизоруб, экинлар фишуб, оқил инсонлар каби бошларини эгуб салом қилурлар. Боғлар ўзларини гуллаб, ранг-баранг яфроғлар ила ясатурлар. Мактаб ва мадрасаларда ўқушлар тўхталуб, шогирдлар ҳар тарафга саёҳат қилурлар.

КУЗ ФАСЛИ

Куз фаслида кунлар қисқарур, биринчи сентябирдан бошлаб ҳар ерда мактабу мадраса очилур. Шогирдлар елкаларига жилдларини осуб, одобу яхши ният ила мактабларига борурлар. Ҳаволар салқинланиб, экинлар ўрилуб, дарахтлардан мевалари, барглари тўкилуб, яшил ўтлар сарғаюб, ҳар нарсадаги гўзал манзара — кўриниш тамом бўлур.

ҚИШ ФАСЛИ

Қиш фаслида қуёш биздан йироқлашур, ҳаволар со-
вур, сувлар музлар, ер юзи қор ила қофланур, учар
қушлар оз қолур, саҳрода ўтлайдурғон жониворларга,
сафарда юрадурғон савдогарларга кун кўрмак машақ-
қат бўлур. Қурту қумурсқалар ер остига кирарлар. Паш-
ша ва арилар баҳоргача ўлган каби қотуб ётурлар.

БАҲОР ФАСЛИ

Баҳор фаслида кунлар узаюр, дарахтлар барг чиқа-
рур, қишнинг зулмидан ҳар тарафдан қочган қушлар
келур, ер устига ўтлар яшил гилам каби ёзилур, сувлар
тошар, ёқимли еллар турар, гуллар яшнар, отлар киш-
нар, булбуллар сайрар, ер юзидаги инсонлару ҳайвон-
ларнинг юзида шодлигу севинч бир асар кўрилур. Ху-
сусан, саҳрову боғларнинг манзараси, ҳар тарафдан
сувларнинг шалоласи, гулларнинг хуш иси, қушларнинг
ғўзал овоз-нағмаси инсонларнинг думоғларини чоғ қи-
луб, янги ҳаёт, янги руҳ, янги сафо берур.

МАКТАБА ДАЪВАТ

Боқди гунаш панжарадан бизлара,
Ётма! деюр барча ўғул-қизлара.
Нолаи фарёд қилиб барча қуш:—
Мактабингиз вақти, деюр сизлара.
Бошлади ҳар ким ўз ишин ишлара,
Сиз-да, туринг мактабингиз излара.
Учди ари боғчалара бол учун
Бузов турур уйда чўкуб тизлара.
Сиз-да, китобларни(нг) олинг шавқ ила,
Тез югуринг илм йўлин гезлара.
Дангасани суймаюр Аллоҳ ҳеч,
Кетсун оқуб дангаса денгизлара.

БҮРИ ИЛА ХОТУН

Бир оч Бўри таом охтаруб юргон замонда бир уйдан
бир хотуннинг товшин эшитурки, боласига боқуб: «Ийг-
лама, сани бўрига берурман», — дер. Бечора Бўри қа-
чон боласини менга чиқоруб берур экан, деб эшигида
ўлтирур эди. Ародан бир неча соат ўтар. Хотун яна
боласига боқуб: «Ийглама, қўзим, ман сани бўрига

бермасман. Бўрининг ўзи ҳам бу ерға кела олмас. Агар келуб қолса, ман ани бошига калтак бирла уруб, ўлду-
рурман», — дер. Бўри хотундан бу сўзларни эшитуб,
дер: «Оҳ, ёлғончи инсонлар, ҳеч бир тўғри сўзламас-
сиз! Ҳозир бир хил сўзлаб туруб, бир нафасдан сўнг
бошқа сўзга кўчурсиз! Оламда сиздан айёр жонивор
йўқтур!» — деб жўнаб кетди.

Ҳисса: Ҳар киши бу оламда ўз нафсин балосиға қол-
мишдур.

ИККИ ДЕВОНА

Утган замонда бир девона бир шаҳарга боруб, ҳар
кимни уруб, сўкуб, нима учун одамлар ҳаммаси бир
тарафга қараб юрмаслар. Бири бу тарафга кетса, бири
у тарафга кетар, деди. Одамлар жавоб бердиларки,
ҳар ким ўз иши бор тарафга борур. Бири бозорга борса,
бири уйига қайтур, дедилар. Девона буларнинг сўзини
қабул қилмади. Охирда аролариндан бири туруб, бу
девонадур. Девонанинг сўзига шояд девона жавоб бер-
са, деб бир девонани олиб қелди. Биринчи девона сўр-
дики: «Ер юзидаги одамлар нимага бир тарафга қараб
юрмаслар?» Иккинчи девона: «Ер кемага ўхшаш сув
устинда турадур. Агар одамлар ҳаммаси бир тарафга
қараб юрсалар, барчамиз сувга оғдарилуб кетармиз», —
деб жавоб берди. Биринчи девона: «Балли, дўстим!
Ҳаммадан сан яхши жавоб бердинг!» — деб жўнаб кетди.

Ҳисса: Ҳар кишига ўз маслакдошининг сўзи мақбул-
дур.

БҮРИ ИЛА УЗУМ

Бир бўри боғни айланурди кириб,
Боқди ҳар ёнга кўзларини йириб.
Кўрди: Бир бош узум ажаб пишгон,
Турданур қизил бўлуб тизилиб.
Нафси қилди анга қараб ҳаракат,
Оғзидан келди сувлари сизилиб.
Ирғиди, сакради, узумға қараб,
Нафаси оғзи-бурниға сиқилиб.
Бўйи етмай ололмади, жўнади,
Қайта-қайта боқиб-боқиб, тикилиб.
Йўлда айтур Бўри узумга қараб:
— Хомсан ва ғўрасан, бўлмайди тегиб,

Тишласам, тишларим қамаштирасан,
Пишмагансан экан ҳануз, эзилиб.
Бўйи етмай узумга бечора,
Кетди навмид ўлуб суяк қидириб.

ЯХШИЛИК

Бир кун бир яхши киши кўчадан ўтиб борғонида бир неча ҳаёсиз кишилар орқасидан ямон сўзлар ила сўкиб қолдилар. Бу киши аларнинг сўзини (нг) эшитиб, қўлини кўтариб: «Ё Раб, бу нодонларга ўзинг ақл бергил ва тўғри йўлга солгил!» — деб дуо қилди. Бу ҳолдан хабардор бир киши сўрадики, «Нима учун сиз ул кишиларнинг ҳаққиға яхши дуо қилдингиз?» — деб. Ул киши: «Эй биродар, ҳар ким ўзида борини берур. Менда яхшилик бор эди, шуни бердим, онларда ямонлиғ бор экан, они бердилар. Ўзингда йўқ нарсани қайдан олиб берурсан, ҳар ким қилганича топар, ямоннинг ямонлиғи ўз бошиға етар», — деб жавоб берди.

Ҳаё-номус иймона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.

ОЧКЎЗЛИК

Бир бола кўчада йиғлаб ўлтуруб эди. Утуб-кетуб тургон кишилардан бири: «Ўғлим, санга нима бўлди? На учун мунча йиғларсан?» — деб сўради. Бола: «Бир тийин оқчам бор эди, йўқотиб қўйдим. Шунинг учун йиғларман», — деди. У кишининг болага раҳми келуб, «Мана ўғлим, оқчанг йўқолган бўлса, ман санга бошқасини берурман», — деб чўнтагидан бир тийин ақча чиқоруб берди. Бола ақчани олуб яна аввалгидан ортуқ йиғламоқға бошлади. Ул киши: «Дахи нимага йиғларсан?» деса, бола: «Оҳ, отажон! Агар ўз ақчам йўқолмаган бўлса эди, ҳозир ақчам икки тийин бўлур эди», — деди.

Кўзинг оч бўлмасун, ўғлим, кўзинг оч.
Қаноатсиз кишини ухлатуб қоч.

ИЛМСИЗЛИҚ БАЛОСИ

Бор эди бир киши, хат билмас эди бечора.
Бўлди бетоб, юрак-бағриға чиқди ёра.
Эртаси ўғлина айтдики, аё тифл адиб,

Бор, кетур боқмоқ учун қошима бир яхши табиб.
 Уғли келтурди табибни атосин қошиға,
 Ултуруб боқди табиб, ул дам, аёғу бошиға.
 Икки хил дору ёзиб берди ўшал бемора,
 Бирини ичмак учун, бирисини суртора.
 Уғли дору уйидан олди икки шиша даво:
 Бириси шарбат эди, бириси оғуйи бало.
 Шиша устинда давонинг бор эди таърифаси,
 Уқумоқдан йўқ эди хастанинг ҳеч маърифаси.
 Шишалардан бирини ушлади аввал қўлина,
 Ичди шарбат дебон оғуни — сурарди дилина.
 Ул замон бағри ёниб, айлади фарёду фиғон,
 Бўлди бир неча нафас, сўнг танидан жони равон.
 Отаси ўлди, ўғил йиғлади фарёд айлаб,
 Қўшниси олим эди, чиқди белини бойлаб.
 Қилди ўғлона насиҳат, деди: эй, тифл забун,
 Илмсизликдан отанг жонидан айрилди букун.
 Уқумоқ, ёзмоқи билсайди отанг, эй ўғлон,
 Балки бошиға қазо келмас эди ушбу замон.
 Қувватинг борида хат билмоқ учун қил ҳаракат,
 Сан жадал қилсанг ўзи, бергуси Аллоҳ баракат.
 Ибрат ол, ўғлим, отангдин, бўлмағил сан ярамас,
 Қилмағил умрингни зое, дема қиш-ёз, ўқу, ёз!

АҚЛЛИ БОҒБОН

Бир боғбоннинг уч ўғли бор эди. Учи ҳам дангаса ва ишқмас эдилар. Боғбон бир кун касал бўлди. Уғилларин ишга солмак учун ёнига чоқируб: «Уғлонларим, мани ажалим етган ўхшайдур. Ман сизларга васият қилуб кетайин. Боғнинг ичига бир кўза олтун кўмуб қўйғонман. Мандан сўнгра ўзингиз кавлаб, топуб, бўлашуб олурсиз», — деди. Ародан бир неча кун ўтмай, боғбон дунёдан ўтди. Уғиллари олтун ахтаруб, боғни чунон қазидиларки, туфроғлари кул бўлиб кетди, лекин тоқнинг илдизидан бошқа ҳеч нарса тополмадилар. Аммо шул йили ток чунон узум қилдиқи, ақчаси неча кўзага тўладургон олтун бўлди. Сўнгра бу ялқовлар билдиларки, олтун ерда эмас, ишловда экан.

Ҳисса: Ҳамма ямонлиқларнинг оноси — дангасалик, кўрқоқлик — отосидур.

БУРИ ИЛА ҚҶЗИ

Бир Бўри сув ичмак учун сув бошига келди. Паст тарафда сув ичуб тургон бир Қўзини кўрди. Они (нг) бир ҳийла билан тутуб емакчи бўлуб: «Эй ярамас, нима учун ман ичодургон сувни булғотурсан», — деди. Қўзи: «Афандим, бу қандай сўз! Сиз сувнинг юқори ёғинда, ман қуйи ёғинда бўлсам, ман қандай сувни булғатурман?!» деса, Бўри яна қичқируб: «Ўтган йил сан мнинг отамни (нг) ҳам сўккан эдинг, эмди манга ҳам қаршилиқ қилурсан», — деб келуб, Қўзига ёпушди. Бечора Қўзи:

«Афандим! Ман ўтган йил отангизни сўкмак қайда, ўзим онадан ҳам туғилғоним йўқ эди», — деса ҳам: «Ҳа, нодон, ҳоло ҳам адабсизлик қилурсан», — деб бечора Қўзини парча-парча қилиб, еб қўйди.

Ҳисса: Ямоннинг кучи япалоқға етар.

ШАЙХ САЪДИЙ

Шайх Саъдий ҳазратлари кичиклик вақтларинда оталари ила бирга саҳар туруб ибодат қилур эдилар. Бир кун уйларига бир неча меҳмонлар келуб, ётиб қолмиш эди. Ул кеча турган вақтларинда меҳмонларнинг «пиш-пиш» ухлаб ётганларин кўруб, оталарига: «Булар қайдоқ¹ инсондурларки, ибодат учун ҳеч бирлари бошларини кўтармаслар, ибодатдан ғафлатни яхши кўрурлар экан», — деганларида, оталари: «Эй ўғлум! Ибодат қилурман деб саҳар туруб, бировни айбини кўрганингдан, сан ҳам булар каби тошдек қотиб ётганинг яхши эди», — дедилар. Ҳисса: Ўз қабоҳатини кўрган кишини (нг) ўзгаларнинг қабоҳатларини кўрмакка вақти бўлмас.

ҚҶРҚОҚ

Бир киши гоят қўрқоқ ва юраксиз ўлуб, кечалари асло кўчага чиқмас эди. Бир куни ўртоғлариндан бири: «Биродар, сан ҳам кечаси кўчага чиқ, нимадан қўрқасан. Агар бир киши санга қараб қорайиб келур бўлса, сан ҳам онинг устига босуб боравер. Сан қандоқ қўрқсанг, ул ҳам сандан шундоқ қўрқар. Санинг юраклик ва ботирлигини кўруб, сандан қочар», — деб они юраклик қилмак учун насиҳат қилса... «Оҳ дўстим, бу иш асло бўлмас. Агар бу насиҳатни ул одам ҳам

¹. Қандоқ

эшитган бўлса, ул ҳам манинг устумга қараб бостуруб келса, ман ул вақтда қайга қочуб қутулурман. Қўй, биродар, санинг билгонинг ўзингга, мени билгоним ўзимга»,—деди.

Тарбият қилгон била ноасл одам бўлмагай,
Ифни юз алвон ила ранг этсалар бўлмас ифак.

ИТ ИЛА ГАДО

Бир Ит эгасининг эшигини пойлаб ётмиш эди. Елкасида хўржин, қўлида таёқ кўтарган бир Гадо кириб келди. Ит буни кўргон замон вовуллай бошлади. Бечора Тиланчи Итга боқуб, ёлворуб: «Ҳе, жонивор, манга боқ, марҳамат қил. Икки кундан бери таом егоним йўқ»,—деди. Ит Тиланчига боқуб: «Бу мани санга қилгон марҳаматим эмасму? Уйдаги кишилар мани товушимни эшитуб, чиқуб санинг қорнингни тўйғазурлар»,—деди.

Ҳисса: Баҳоси арзонни сўзи қимматли бўлур.

МАҚТАНЧОҚ ҒОЗ

Бир ғоз сувда сузуб юруб: «Оламда мандан ҳунарманд қуш йўқтур. Ерда югурарман, сувда сузарман, ҳавода учарман. Бир ўзимнинг уч хил ҳунарим бор»,—деди. Ғознинг бу сўзини бир Қурбақа эшитуб: «Биродар, сан мунча мақтанмасанг... балиқдек сузолмайсан, кийикдек югуролмайсан, лочиндек учолмайсан. Чалачулпа уч ҳунарни билгунча, бирини яхшилаб билгонинг яхши эди»,—деди.

Мақол: Мақтанма ғоз, ҳунаринг оз.

АЙИҚНИНГ ДЎСТЛИҒИ

Бир Қишлоқи Айиқ бирла йўлдош бўлуб, иккиси бирга яшар эдилар. Ҳар вақт Қишлоқи ухласа Айиқ тепасида, дўстимга бир нарса зарар қилмасун, деб пойлаб ўлтирар эди. Бир кун Қишлоқи ухлаб ётканда бир пашша келуб пешонасига қўнди. Ҳар қанча қувса кетмади. Охирда аччиғи келуб: «Бу золимни уруб ўлдурмасам бўлмас»,—деб, бир катта тошни олиб келуб, Қишлоқининг бошига чунон урдик, пашша учуб кетуб, Қишлоқи ўлуб қолди.

Ҳисса: Дўсти нодондан душмани зийрак яхши.

КАЛАМУШ ИЛА СИЧҚОН

Бир кун Сичқон Каламушнинг уйига боруб: «Қўшни, ман сизга бир яхши хабар кетурдим. Мушук Йўлбарснинг қўлига тушган эмиш.. Бизларга Мушук каби зolim душмандан қутулмоқ зўр шодлиғдур»,— деди. Каламуш Сичқонга боқуб:

«Эй қўзим, сан ҳоло ёшсан, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Йўлбарс Мушукни ўлдурур, деб ўйлайсанми? Йўқ, жоним, алданурсан. Бутун оламда Мушукдан зўр ҳайвон йўқдур. Ман бир-икки марта синаганман. Аллоҳ ҳеч кимни онинг чанголига гирифтор қилмасун», — деди.

Ҳисса: Ҳар киши ўз кушандасидан қўрқар.

Кесак қаноти синиқ қуш кўзига тош кўринур,
Элакда турса кефак, оч кўзига ош кўринур.

КҶР КИШИ

Ҳазрат Мусо алайҳис-салом Тур тоғига борурларида йўлларидан тўсуб бир кўр киши оёғларига йиқилуб: «Мени ҳақимга дуо қилинг, кўзим очилсун», — деб ёлборди. Ҳазрат Мусо дуо қилдилар, кўзи очилди. Эртаси яна Тур тоғига боришларида кўрдиларки, ул кўр киши кўчада ким кўринса шуни уруб, ҳамани тўполон қилуб юрибдур. Мусо алайҳис-салом, Аллоҳ сени билиб кўр қилган экан, неъмат қадрин билмас экансан, сендек кишиларнинг кўзини очуғидан кўр бўлгани яхшироқдур,—деб яна дуо қилдилар, аввалгидек кўр бўлуб қолди. Ҳисса:

Мушукни бўлса гар икки қаноти,

Қолурми дунёда чумчуқни зоти.

Эшак бўлса ҳўкиздек икки шохлик,

Берурми бошқа ҳайвонларга соғлик.

АҲМАД ИЛА ОТАСИ

Бир кишининг Аҳмад исмлиқ ўғли бор эди. Аҳмад бир кун мактабдан келурида бир бола бирла урушуб, бир мушт уруб, бошини ёруб қўйди. Ул бола келуб Аҳмаднинг отасига арз қилди. Отаси Аҳмадни чақируб, маҳкам икки қулоғини(нг) бураб: «Эй ўғлим, ман ҳам ёш вақтимда санга ўхшаш муштзўр эдим, чанголимга тушгон кишини амон қўймас эдим. Иттифоқо, бир кун ўзим ҳам бир муштзўрнинг қўлига тушуб қолдим, чу-

нонам адабимни бердики, иккинчи ўзимдан кучсизларга асло муштзўрлик қилмайдургон бўлдим», — деди.

Ҳисса:

Улуғларни адаб сақлаб, қил иззат,
Кичикларга мурувват қил, мурувват,
Уқувни ёқасини қўйма зинҳор,
Кучинг етса, қаламнинг бошини ёр.

СОҶИ ИЛА ОНАСИ

Соқи бир кун мактабдан келуб, оносидан таом сўради. Оноси олдиға бир коса шўрбо келтуруб қўйди. Соқи шўрбодан бир қошуқ оғзига олуб: «Она, ман бу мазасиз шўрбонгни ичмасман», — деди. Оноси: «Ичмасанг қўй, ўғлим, бошқа пишируб берурман», — деб олдидан олуб қўйди. Соқини (нг) кечғача хазон тошитуб, ишлатди. Соқи ҳоруб, чарчаб, қорни очуб ўлтургон эди. Оноси яна шул шўрбони иситуб олиб келуб, олдиға қўйди. Соқи шўрбодан бир оз ичиб кўруб: «Мана, онажон! Бу қандай тотли шўрбо бўлмиш. Умримда асло мундоғ ширин шўрбони ичконим йўқ», — деди. Оноси кулуб: «Эй, ўғлим, бу бояги ўзинг ичмагон шўрбодур. Ҳозир сан ҳаракат қилдинг, ишладинг, қорнинг очди, иштаҳанг очилди. Шўрбо ҳам ширин бўлди», — деди.

Ҳисса:

Ишламак иштаҳа очар,
Дангаса ишдан қочар...

КҶР ИЛА ЧҶЛОҚ

Бир кўр киши ила чўлоқ — иккиси бир катта сув лабидан кетиб борур эдилар. Буларга сув устиға ташланган яғочдан ўтмак лозим бўлди. Чўлоқ айтдики: «Биродар бу яғоч устидан ўтарға мани аёғим ярамас». Кўр айтдики: «Агар менинг кўзим бўлса эди ўтар эдим», — деди. Чўлоқ айтдики: «Бўлмаса, сан (мани) орқанга офич, ман санга йўл кўрсатуб, оёқ қўёдургон ерингни айтуб турай, иккимиз ҳам ўтиб кетармиз», — деди. Шундай қилуб бир-бирларини ёрдамлари ила икки ёрти бир бутун бўлуб сувдан ўтдилар. Ҳисса: Жаноб Ҳақ ер юзидаги инсонларни бир-бирига муҳтож қилуб яратмишдур. Муҳтож вақтида қўлдан келганча бир-бирига ёрдам қилмак, ҳожат чиқармак лозимдур.

ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ*

Мен бу асари ночизонамни биринчи мактабларимизнинг юқори синфларида таълим бермак ила баробар улуғ адабиёт муҳиблари, ахлоқ ҳаваскорларининг анзори олийлари тақдим қилдим.

Ҳар кун ўлурам шомғача мен ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнарам оташа парвона каби зор.
Ҳеч кимса эмас бу мени аҳволима воқиф,
Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор.

* 1917 йилги 2-нашри (Тошкент, Нар. Соц. Рев. литогр.) асосида нашрга тайёрланди.

БИСМИЛЛАҲИ-Р-РОҲМАНИ-Р-РОҲИМ

АХЛОҚ

Инсонларни (нг) яхшиликга чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур. Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Ҳақ на-учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмакга саъй ва кўшиш қилган киши чин баҳодир, паҳлавон кишидур. Расули акрам набийи муҳтарам афандимиз: «Мезон тарозусига қўйиладурган амалларнинг ичида яхши хулқдан оғирроқи йўқдур. Мўъмин банда яхши хулқи сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат қилган кишилар даражасига етар», демишлар.

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.
Уйласанг, яхши фикрлар ўйла,
Йўқса, гунг бўлмоқинг эрур яхши.
Ишласанг, ишла яхши ишларни,
Йўқса, бекорлигинг эрур яхши.

ХУЛҚ

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бирини жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрар. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдуран, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлуб ўсдими, «аллоҳу акбар», бундай кишилардан яхшилик кутмак, ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур. Расули акрам

набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

«Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз, ишонмангиз», — демишлар.

Хулқи ёмон юз, кўзлидин на суд,
Юз, кўзли хулқни қилмас кашуд.
Хулқ маризига даво истасанг,
Марг давосин берилур қистасанг.

Хулқи ёмонинг кетурар кўп зарар,
Хулқинг ўзи бошинг (г) а калтак урар,
Хулқи фано бўлса дегил, алҳазар,
Хору залилликда қолур дарбадар.

ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлоқ уламози инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб «яхши хулқ», агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб «ёмон хулқ» деб аталур. Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур. «Қуш уясинда кўрганин қиладур». Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатлануб, катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулуб ўсса, Аллоҳдан қўрқмайдурган, шариятга амал қилмайдурган, насиҳатни қулоғига олмайдурган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур.

Расули акрам набиййи муҳтарам афандимиз: «Имони комил бўлган кишилар яхши хулқли бўлурлар. Сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик қилганларингиздур», — демишлар.

Худонинг раҳмату файзи ҳама инсонга яксардур, Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур. Туғуб ташлов ила бўлмас бола, бўлгай бало сизга, Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.

Темурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлгуси золим.
Ёмонларга қўшулди Нуҳнинг ўғли ўлди беимон,
Юруди Кахф ити ҳўблар ила бўлди оти инсон.

ТАРБИЯ

Тарбия «Педагоғия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг бада-нидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруи, катта қилмак лозимдур. Зероки, «Ҳассину ахлоқикум» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлоқимиз (нинг) биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Баъзилар «тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас»,

Ёмон хў тузалмайди дармон ила,
Ипак ўлмас ип, ранги алвон ила,
Боқинг, бир дарахт мевасидур ёмон,
Бўлур яхши пайванд, парво билан.
Билур ҳар киши аслини рангидан,
Ва ёким улангандаги зангидан»,—

демишлар.

Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоққа, албатта таъсири бўладур. Аромизда масал борки, «сут ила кирган, жон ила чиқар», маъна бу сўз тўғридур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

«Бешикдан то мозорга боргунча илм ўрган»,—демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлидур»,—демиш. Шариасти исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айи, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи

кифоядур. Пайғамбаримиз: «Болаларингизни етти ёшида намозга ўргатингиз. Агар ўн ёшида ўқумаса урингиз»,—демишлар.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият
Балки охирида эрур доруламони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила рузвонлара,
Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.

Э, оталар! Жонларингиздан сучук фарзандингиз,
Гайрат айланг ўтмасун вақт-замони тарбият.
Мояи зилли ҳумодур тарбиятнинг сояси,
Бизда анқо тухмидек йўқ ошиёни тарбият.

ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ

Эмди очуқ маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизи нурландурмак, ахлоқимизи гўзалландурмак, зеҳнимизи равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?—деган савол келадур. Бу саволга, «биринчи—уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи —мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур», деб жавоб берсак, бир киши деюрки, «қайси оналарни айтурсиз, билимсиз боши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар», дер. Мана, бу сўз кишини юрагини эзар, бағрини ёндурур. Отасига нима дерсиз, десак, «қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдур»,—дер. Мана бу сўзни эшитгач, умид қўллари қўлтуқға урилур.

Хайр, бўлмаса, муаллим-чи десак, «қайси муаллим? Мақсади пул, маслаги шуҳрат, юқори мактабларда ўқи-маган, «усули таълим» кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари «дорилмуаллимин»ларда ўқи-маклари сўнгра дарс бермаклари лозимдур»,—дер. Мана бу сўз инсонни ҳайрат дарёсига фарқ қилур.

Мударрисларга не дерсиз десак, «қайси мударрис? Матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб, нафсларидан кечуб, замонга мувофиқ равишда дарсларини ислоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур»,—дер. Мана бу

сўз ҳар кимни «Ал-ислоҳ» демакка мажбур қилур. Бўл-маса, ҳукумат-чи? десак, «хайр, ҳукумат ҳамманинг отасидур. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмак лозим. Шунинг учун бизнинг Русия ҳукумати ўғай бўл-сак ҳам, ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очуб, бо-лаларимизни текин ўқитур. Лекин ўзимиз иш билмаган, ялқов, уйда она тарбияси, отадан пул тарбияси, муал-лимдан ахлоқ тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмаганимиздан, ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳис-саларимизни ололмаимиз», — дер. Мана бу сўз бизлар-ни тарбиядан маҳрум, ҳуқуқнинг на эканин билмаганли-гимизни билдирур.

Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт—ё мамот, ё нажот—ё ҳалокат, ё саодат—ё фалокат масаласидур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Инсонларнинг карами динидадур, муруввати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур», демиш-лар.

Агар бир қушнинг ёш боласин олиб,
Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.
Онасин олиб асрагон бирла ром
Қилмас, киши саъй қилса мудом.

Керак тарбият ёшлиқдан демак,
Улуғ бўлса лозим келур ғам емак.
Эгур бемашаққат киши навдани,
Тўғунчи¹ эгур куйдириб кавда²ни.

БАДАН ТАРБИЯСИ

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларин-да, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Маишатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлидур. Биз сиҳатимизни сақламак ила амр ўлинганмиз, шунинг учун вужудимизни ҳифзи сиҳатга зид бўлган ёмон одатлар ила чуритмакдан сақлан-маклигимиз лозимдур.

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила

¹ темирчи маъносиди

² тақа

терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик қилмай, тезлик ила табиб ё дўхтурга боқизмак керак.

Имом Шофеъи ҳазратлари: «Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчи дин илми»,—демишлар. Бунга қараганда энг аввал ҳифзи сиҳат қоидаларини билмак, саломатликга терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладур.

Ичкулик, кўкнор, наша, афъюн, тарёк, чилим, нос, попирус каби баданнинг саломатликига зарарли, оғулик, баъзиси ҳаром, баъзиси макруҳ, баъзиси исроф бўлган нарсалардан қочмак, сақланмак шарият, ақл, ҳикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ҳар нарса кўп ичганда маст қиладургон бўлса, ман сизни онинг озгинасиндан ҳам наҳйи қиламан»,—демишлар.

Саломатликни сақлов лозим ишдур,
Гунаҳдан сақла жисминг ёзу қишдур.
Касал бўлсанг, бўлур дунё қоронғу,
Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишдур.

Ҳарому шубҳадан пок эт ўзингни,
Бу дунё айшу ишратдан кечишдур.
Ҳама ишратчи ҳижронликда кетди,
Бу оламдан бир иш ишлаб кетишдур.

ФИКР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйнинг ичида ўтирмак мумкин ўлмадиғи каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуруб зийнатланган эски иморат ҳам ўлту-

рушга ярамайдур. Башарти ўлтурулса; инсонлар: «Эски уйга янги золдевор», «кир кўйлакка жун жияк», «мис қозонга лой тувоқ» деб «ҳажв» кулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикринг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан замир ўлур бенур.

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Ахлоқ тарбияси: инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи ахлоқ тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки: дарс олувчи билувчи, тарбия олувчи амал қилувчи демакдур.

Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлиб, шогирдларга ҳам берган дарсларини амал ила чоқуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиш таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилуб, муллоийи боамал бўлурлар.

Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Энг ёмон кишилар илмига амал қилмайдурган кишилар»,—демишлар. Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлуб, амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладур. «Домламнинг ўзи фалон жойда фалон ишни қилди. Аммо бизларга қилманглар, ҳаромдур, деб ваъз айтадур», деб фикр ва хаёлларига бўйла шак ва шубҳа туншуб қоладур.

Б а й т

Минбар узра жилва айлаб ваъз этарлар қилма деб, Узларин хилватда кўрсанг, они қилмоқда эмиш.
Ичма сув дерлар биза олтун-кумуш асбобда,
Билсамиз мақсудлари қўлтуқға урмоқда эмиш.

ЯХШИ ХУЛҚЛАР

Яхши хулқ — бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулқлар: фатонат, диёнат, исломият, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон,

иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат ва авфдур. Мана бу ёздиғимиз яхши хулқлар ақл ва шаръи ша-рифга мувофиқ, Аллоҳ таоло ҳам бандалар қошида мақ-бул ва мўътабардур. Эмди бу яхши хулқларни қўлга олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз ҳазратлари-нинг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинг-лаб, доим хотирда тутмак, ахлоқи яхши кишилар бир-ла улфат бўлмак, ахлоқи бузуқ ёмон кишилардан қочмак лозимдур. Бизим шариати исломияда «ахлоқи ҳасана» —яхши хулқлар ила хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кў-зи ила боқуб, хулқини тузатмак вожибдур. Расули ак-рам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Исломиятда бузуқлик йўқдур, бузуқликни устига олув ҳам йўқдур. Исломиятда энг мўътабар кишилар яхши хулқ эгаларидур»,—демишлар.

Б а й т

Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб қотил бўлур.
Катталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,
Оқибат хулқи бузуқ бир беадаб жоҳил бўлур.

ФАТОНАТ

Фатонат ақл эгаси бўлув демакдир. Ақл инсонлар-нинг пири комили, муршиди яғонасидур. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидур. Инсон ақли ила дину эътиқодини- (нг) маҳкам қилур, шариат ҳукмларига буюнсунар. Ақл-сиз, жинни кишилар буларга бўюн қўймас, шариатдан ташқари ишларни ҳам қилур. Жаноби Ҳақ инсонни ҳай-вонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидан келадургон зулм ва жабр-ларни шох, тиш, тумшук, тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин инсон жаноби Ҳақ тарафидан берилмиш ақл ва идроки соясида ўзига келадургон зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйни-дан бойлаб, ипларини учини қўлларига берган инсонлар-нинг ақлидур.

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажоти-дур.

Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим, ақлсиз кишилар на мактабга кирар ва на муаллимни (нг) билур.

Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алай-

ҳи васаллам афандимиз: «Эй инсонлар! Ақлингизга тавозеъ қилингиз. Сиз жаноби Ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз»,—демишлар.

Ҳукамолардан бири: «Агар ақлингни қули нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур»,—демиш.

Ақлдек зебо сифатни кўрди Ҳақ, инсонга эб,
Оқил инсонлар билан берди жаҳон — оламга зеб.
Ақл нури бирла тўлди дунёга илму ҳунар,
Ақлсиз инсон қачон билгусидир нафъу зарар.
Ақлсизлар билмагайлар дин надур, дунё надур?
Бўлмаса ақли билурми фарз ила суннат надур?

ДИЁНАТ

Диёнат Аллоҳ ҳузурина яқин қиладурган муқаддас эътиқоддурки, оламда мундан суюкли нарса йўқдур.

Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, мундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойда йўқдур. Дин жаноби ҳақ тарафидан бандалари учун қурилмиш тўғри йўлдурки, банда дунё ва охиратда бу йўл ила соҳили саломатга чиқар. Дин уламолари диний китобларда Аллоҳ таолога ибодат қилишни йўл ва қондаларини баён қилмишлар. Ибодат икки турли бўладур. Бири тан ибодати, иккинчи руҳ ибодати. Тан ибодати таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллардурки, буларнинг ҳар бирини ўз вақтида шаритатга мувофиқ равишда миннат қилмасдан, риё қилмасдан дилни поклаб, ниятни холис қилиб, шавқу завқ ила адо қилмоқ лозимдур. Руҳ ибодати қалб ила адо қилинадурган ибодатдурки, эътиқодни маҳкам, дилни пок қилуб, Қуръон, Ҳадис, фикҳ каби диний китоблар ўқилганда жон қулоғи ила тинглаб асарланмақдур. Бир киши тан ибодатини қилуб, руҳ ибодатини қилмаса, ё руҳ ибодатини қилуб, тан ибодатини қилмаса ўз вазифасини адо қилмаган бўладур. Ақл дин ила, дин амал ила, амал тақво ила камол топар. Дин инсонларнинг дилидан саховат, марҳамат, шафқат, улфат, мурувват эшикларини очуб, саодату саломат бўстониға олиб борур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллал-

лоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳни кўз олдинда кўруб тургандек ибодат қил, зероки, сан они кўрмасанг ҳам, албатта, ул сани кўрадур, нафсингни ўлган ҳисоб эт», — демишлар.

Б а й т

Пок қилғил дининг (н)и, имонингни,
Қул ҳува-р-раҳмон оманно биҳ.
Динингни ёқмасун ҳавас зинҳор,
Ва қино, раббано, азоба-н-нор.

ИСЛОМИЯТ

Исломият бутун инсониятдур. Инсоният эса яхши хулқдан иборатдур. Исломиятни расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимизнинг ёлғуз ўзлари бутун дунё юзига яхши хулқлари соясида тарқатдилар. Саҳобалар ҳам пайғамбаримизнинг орқаларидан эргашуб, маҳкам эътиқодлари, яхши ахлоқлари, пок қалблари, ўткур шижоатлари ила ер юзини титратдилар. Кундан-кун исломиятнинг шавкат ва қуввати ортди. Оламга маданият, маърифат, мусовот, адолат уруғлари Арабистон ярим отосидан¹ ёйилди. Бунинг сабаби саҳобалардаги метин эътиқод, бузулмас иттифоқ, соф қалб, яхши амал, холис ният, туганмас ғайрат, гўзал ахлоқ эди. Ҳар нарсанинг офати ўлдиғи каби замонларнинг ўтуви ила исломиятнинг иттифоқина кўз тегди.

Мусулмонлар орасига тафриқа тушди. Ҳикмат эгалари, фунун соҳиблари исломиятдан қувланди. Илму ҳикмат ҳазиналари қулфланди. Жаҳолат, адоват ҳукм сурди-да, бўйла ўлди:

Афсус экинзорни селоб олибдур,

Деҳқонни фалокат босуб, уйқуда қолибдур.

Мусулмонларнинг дилига иттифоқ ўрнига нифоқ, адолат ўрнига зулм, муҳаббат ўрнига адоват, ғайрат ўрнига атолат, мурувват ўрнига ғазаб, саховат ўрнига булх, тавозеъ ўрнига кибр, садоқат ўрнига ифтиро, шафқат ўрнига ҳасад, ҳилм ўрнига ҳамоқат, ҳурмат ўрнига хусумат, қаноат ўрнига тамаъ, сабр ўрнига ғурур, иқтисод ўрнига исроф, афв ўрнига даҳшат, саъй ўрнига сафоҳат, ғайрат ўрнига хурофот ерлашди. Мана, шул ёмон хулқлари сабабидин асри саодатдан

¹ оролдан маъносида (Б. Қ.)

буён исломият кейин қараб кетди. Ғариб-миллатнинг чин хулафоси, уламоси, ҳукамоси тахтиндан, мансабиндан, мазҳабиндан сурулди. Одиллар ерина золимлар, олимлар ерина абу жаҳллар, булбуллар ерина қарғалар, қумрилар ерина бойқушлар, билмам ва ҳокимлар ерина кимлар ўтурди. Шул сабаблара мабни исломият дунёси инқироз саҳросина юзланди. Ислом ҳукуматлари-да бирин-бирин кўздин ниҳон ўлди.

Етса навбат ўлтурар бойқуш Сулаймон томига,
Урмагучлар¹ ин қўяр Афросиёб айвониға.

НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, ас-бобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилуру.

Поклик зеҳну идрокингни кенг ва ўткур қилуру. Халқ орасида эътибору шуҳратга сабаб бўлуру. Поклик ила ҳар хил касаллардан қутулуб, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадур. Пок бўлмаган киши Аллоҳ ҳам халқ қошида севимсиздур. Йиртиқ, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир қилуб ёғини чиқаруб юрмак зўр айб ва гуноҳдур. Чунки бу иш шариатга терс, тарбияти баданга зид, ажнабийлар кўзига исломиятни чиркин қилиб кўрсатмоқ бўладур, ҳам бир йилга етадурган кийимлар олти ойга етмай, қирқулуб тамом бўладур. Бу исроф, мол қадрини билмасликдур. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиғи каби, инсоннинг саломатлиғи ҳаво иладур. Агар тан пок бўлуб ювилуб турмаса, қулоқ кир бўлса, эшитмагани каби бадан ҳам ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ичидаги рутубат ҳам кирдан ўтуб чиқуб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзликдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув ҳам ўтмас, шунинг учун тамиз бўлмаган кишилар қўрқинч касалларга тезгина гирифтор бўлурулар. Шодлиқлари ғамда, олтундан қадрли умрлари касалхоналарда ўтар. Мана шуларни рия қилуб, шариатимиз бизга покликни фарз қилмишдур. Поклик мусулмонлиғнинг илдизидур. Шунинг учун тани, кийими, жойномози пок бўлмаган кишининг ибодати ҳам дуруст бўлмайдуру. Расули акрам набийий

¹ ўргумчак

муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:
«Ислом дини пок диндур. Бас, пок бўлингиз, пок бўл-
маган киши жаннатка кирмас»,—демишлар.

Халқи олам суйгусидур тозалик ва покни,
Поклик ортургусидур фаҳм ила идрокни.
Ҳар кишини кўксида поклик нишони бўлмаса,
Тозалик майдонидан қувғайлар ул бебокни.

САЪЙ ВА ҒАЙРАТ

Саъй ва ғайрат деб устига юкланган ибодат ва хизматларни ҳаракат бирла адо қилмакни айтилуру. Шариат ҳам ақл юзасидан ялқовлик қилуб, ишсиз, бекор юрмак дуруст эмасдур. Зероки Қуръони карим бизларни саъй қилмоқга амр этмишдур. Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тамаъ балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтни ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндур. Ғайрат вужудимизга қувват, масъуд ва бахтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саъй қилуб, ўз кучимиз ила маишати- тимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга муҳтож бўлмай роҳат-роҳат яшамоқ лозимдур. Сиҳати- тимиз, саодатимиз, сарватимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алҳосил, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлидур. Ҳаракатлик кишилар тезгина мақсудларига етурлар. Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлуб хорликда қо- лурлар. Киши ёш вақтида илму маърифат, ҳунару санъатга бўйин қўймаса, тараддуд қилмаса, албатта, қора ишчи бўлуб қолур. Шариатга терс, қонунга зид бўлмаган хизматларни қилмак айб эмасдур. Агар бунга ҳам бўйин қўймай, бу кўмурчилик, бу темирчилик, манга муносиб иш эмас деб, дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур. «Ғайратликдан имон қутил- мас» деган масал бор. Бунга қараганда дунё ва охи- ратимиз учун ғайратни қўлдан бермаслик лозимдур. Ғайрат имона, салобати виждона далолат эдар. Ҳаз- рати Умар эшик олдида бекор ўтирган бир кишини кўруб: «Ғайратсиз кишилардан худо безор, исломият ғайрат ила ривож топди, сендек ялқов кишилардан исломият ҳазар қилур»,—демишлар.

Ҳақ буюрди: «Лайса лил-инсонни илло мо саъйю»,
Ғайрат ила ўтди оламдан Муҳаммад Мустафо.

Биз-да умматмиз, қилайлук саъй ила хайру сахо,
Қилсалар шояд шафоат соҳибн рўзи жазо.

РИЪЗАТ

Риъзат деб савоб ишларни қилуб, гуноҳ ишлардан сақланмоқни айтилуру. Риъзат адабнинг кони, руҳнинг дармонидур. Инсонларни тўғри йўлга солуб, эгри йўлдан қайтаргувчи риъзатдур. Шул сабабли риъзат қилгувчилар оқил ва фозил бўлуру. Аллоҳ ҳам халқ қошида мақбул ва мўътабардур. Ялқовлик, кўп ухламак, ёмон одамлар ила юрмак, вақтни бекор ўткармак, айшу ишрат қилмак, кўп ошамак, фойдасиз сўзлар сўзламак, самоварларда, кўчаларда азиз умрни бўш ўткармак каби ишларнинг ҳаммаси риъзатга зид, умрнинг эгови, худонинг ғазабидур. Аллоҳнинг буйруғи, расулуллоҳнинг суннатлари, шариат қил деган ишларни (нг) бирин-бирин ўз вақтида қилмак ибодат ҳам риъзатдур.

Риъзатни риоя қилган кишилар ҳеч вақт шариат йўлидан айрилмас, Аллоҳ буйруғидан четга чиқмас ва бу йўл ила охират азобидан қутулуру, роҳат ва раҳмат саройига кирар, риъзатни риоя қилмаган кишилар Аллоҳ таолонинг ризосини тополмас, хор-зор бўлиб, охиратда аламлик азобига гирифтор бўлуру.

Афлотун ҳақим: «Мен риъзатдаги лаззатни ҳеч нарсада кўрмадим, зероки, вужудимнинг саломати, руҳимнинг саодатини риъзатда топдим. Шунинг учун риъзат айни саодатдур деярам, чунки фикрнинг, тилнинг ислоҳи баданнинг риъзатига боғлидур»,—демиш.

Ибн Сино ҳақим: «Тан риъзатидан кўпроқ руҳ риъзати лозимдур. Мард киши ўзини риъзат ва адаб ила кўрсатсун, инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ ёлғуз маишатда эмас, яхши ахлоқ касб қилмоқдадур»,—демиш.

Риъзат мевасидур мисли бодом,
Юзи қаттиғ ичидур ишта инъом.
Кишин мақсудини элтар риъзат,

Риъзатсиз иш ўлгай бесаранжом.
Агар сабру риъзат чексанг, эй жон,
Пишуб олдинга тушгай меваи хом.

ШИЖОАТ

Шнжоат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилуру. Шажий киши ҳеч нарсадан қўрқмайдурган ботир ва юракли бўлуру. Саъй ва ғайратнинг зидди дангаса ва ялқовлик ўлдиғи каби шнжоатнинг зидди қўрқоқликдур. Қўрқоқ савдогар фойда қилмас. Қўрқоқ киши ўзини (нг) соясидан ҳуркар, ҳеч бир иш қилишга юраги бўлмас. Кўп кишилар ваҳима ва қўрқоқлик орқасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурулар. Шунинг учун ҳар ишда шнжоатни қўлдан бермаслик лозимдур. Шнжоат инсониятнинг соф ойинаси, иффат, ғайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нурунийсидур. Шнжоатнинг ҳақиқати қалбнинг матонатиндан, руҳнинг саломатиндан иборатдур. Ҳозирги замонда ботирлик—бойликда, қайси давлат ва миллатнинг давлати бўлса, шул устун бўлмакдадур. Чунки ҳукумат учун халқ, халқ учун ҳунар, ҳунар учун илм, илм учун оқча лозимдур.

Сарватли миллатлар миллиятларини йўқотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айландурдилар ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сеҳргар ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишкон Ёвропо, Африқо ва Осиёни ўзинга асир ва мусаххар қилмакдадур.

Бу замонда фил ила жанг айламак эрлик эмас, Эр ўшалдурким тутар илму ҳунарнинг ёқасин. Бешлаб, ўнлаб сўм топишса, илм ила ағёрлар, Биз бўлуб ҳаммол, олодурмиз тийинлаб чоқасин. Бошқалар санъат, тижорат-ла тараққий айласа, Бизни эл тортар аёғдин ўлган отнинг тоқасин.

ҚАНОАТ

Қаноат деб жаноби Ҳақ тарафидан ихсон бўлган аҳволга етишдугимиз неъмату молга шукр, бошимизга келган фақр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилуру. Қаноат ҳасад тамаъ, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг ғиносидур.

Қаноат бир хазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини (нг) шавқу роҳатда кечирурулар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳасад деган жоннинг

энг зўр душманидан қутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, маишатина ҳасад қилмас, қаноатдан айрилмас, умрини роҳатда ўтқарур. Инсон ҳар бир ишга кучи етгунча чолишмоқ, жаноби Ҳақ тақдирдаги нарсасидан нимани берса, шунга қаноат қилмоқи лозимдур.

Зероки, инсон ўз маишатини, номусини сақламак учун фидойи жон даражасига боргунча саъй қилмоқга буюрилмишдур, лекин бу саъйнинг машруи ҳар бир ишда қаноатни қўлдан бермасликдир. Оламда қаноат каби дилни поклайдурган нарса йўқдур. Жаноби Ҳақнинг амрига итоат қандай саодат эса, тақдирига қаноат зиёда бахтиёрликдур. Ҳазрати Али афандимиз: «Дунёда саъй-жадал ила маишат ўтқарган қаноат эгаси ҳеч кимга муҳтож бўлмаган зўр бойлар каби роҳатда, саодатда яшар»,—демишлар.

Афлотун ҳаким: «Инсоннинг саодати қаноатини қўлда тутмакда, сарват ва маишат тўғрисида жаноби Ҳақнинг тақдирига рози бўлмакдадур»,—демишлар.

ИЛМ

Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилар. Илм—дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун роят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўтқур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айуруб берур, тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабудур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёрдўстига, дин ва миллатига фойда етқурмак бир тарафда тўрсун, ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қилолмас. Илмнинг фойдаси у қадар кўпдурки, таъриф қилғон бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат қаронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдиур, жаноби Ҳақнинг азамату қудратини билдиур. Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур. Пай-

ғамбаримиз: «Илмга амал қилгучилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилгучилардан бўлмангиз»,—демишлар.

Илм бир дарё ичи тўлмиш дуру гавҳар билон,
Қиймату қадрин қачон билғон они жоҳил йилон.

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидур. Шариатимизда қайси илмга муҳтож бўлсак, шуни билмак бизга фарздур. Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакга жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдур.

АҚСОМИ ИЛМ

Илм диний ва фанний қисмлар ила иккига бўлинув.

Диний киши бўлмак учун улуми диния ўқумақ ила баробар ҳисоб, ҳандаса, тарих, ҳикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни ҳам билмак, чин олим бўлмак лозимдур. Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам дунё ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардур.

Уткан замондаги ислом уламолари ҳар бир илмга тиш-тирноқлари ила ёпишдилар¹, ўқидилар, ўқитдилар, улум ва фунун соясида исломият тараққий қилди, маданият тарқатди, китобхоналар, қироатхоналар, етимхоналар, камбағалхоналар, касалхоналар очилди. Ҳозирги мусулмонлар таассуб ва жаҳолатлари ила мақтанувлари каби, аввалги замон мусулмонлари илм ва маърифат, китоб ва асарлари ила мақтанурлар эди. Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ёшларининг илм ва маърифатига, ҳунар ва санъатига боғлидур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

«Илм ўқимак ҳар бир мўъмин эр ва хотунга фарздур»,—демишлар. Ажабо, қуръонимиз, пайғамбаримиз ўқингиз, деб амр қилғон ҳолда, бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз, бошқа миллатларнинг ўғиллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, ёз демай, қиш демай илм йўлида жонларини фидо қилуб, қуву-

¹ Ислом уламосиндан Имом Ғаззолий ҳазратлари тўқуз юзга яқин китоб тасниф қилмишлар. Имом Ғаззолий бешинчи асрнинг зўр уламосиндандурлар. Тус шаҳридан бир фақир кишининг ўғлидурлар. Қўб шаҳарларни саёҳат қилуб, 55 ёшларида 505-ҳижрийда вафот қилмишлар. (Авлоний ивоҳи.)

шуб, югурушуб кўзларимизни қамашдируб турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, гафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз. Пайғамбаримиз: «Олим бўл, илм талаб қилувчи бўл ёки илмни эшитувчи бўл, ҳеч бўлмаса, шуларга муҳаббат қилувчи бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўлурсан», — демадиларму?

Топар илм ила одам ўғли камол,
Етурмас камола жамол ила мол.
Керак ўртанур илм учун шамъдек,
Танумоқ худони илмсиз маҳол.

Талабгор ўлур илма оқил киши,
Сотар илм бозори моли ҳалол.
Талаб айламак фарздур бизга илм,
Бу амр узрадур эр-хотун, ёш, чол.

САБР

Сабр деб бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлмакни айтилуру. Ҳар бир ишда сабр ва совуққонлик ила ҳаракат қилмак лозимдур. Чунки бошимизга келадурғон бало ва қазо, заҳмат ва машаққатларнинг барчаси жаноби Ҳақнинг иродаси ила ўлдиги учун буларга сабрсизлик қилган кишилар ажр ва савобдан қуруқ қолурлар. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдурки, жаноби Ҳақ собирларни суяр. Қуръони карим ичида кўп ерда сабрни(нг), собирларни(нг) мадҳ қилмишдур. Шариати исломияда жаноби Ҳақ тарафидан келган бало ва қазога сабр қилмоқ фарзи айндур. Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юртса, мақсудиға тинч ва роҳатда боруб етар. Ҳамиша саодатда яшар.

Секин борган киши мақсудга етгай,
Шошуб бесабрлар каж йўлга кетгай.
Агар сабринг бў(л)са нафсингга йўлдош,
Сани тавфиқ раббонига элтгай.

Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, ғуррдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни ифбатга, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, катталикни тавозуъга, ёмонликни яхшиликга айландурмакга қуввати етар.

Шул хусусда сўйланмиш бир ҳадиси шарифнинг маъноси «илм имонли кишиларнинг муҳиби, ҳилм ҳо-

мийси, ақл далили, яхши амал сармояси, мулоимат волиди, авф аҳавони, сабр ҳокими виждонидур», — дейилмиш. Араблар «ас-сабру мифтоҳул фараҳ» — сабр шодлиғни (нг) калидидур»¹, — деюрлар.

Сабр ила ҳар мушкил иш зойил бўлур,
Сабр эдан мақсудина нойил бўлур.
Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,
Нафс кўйинна юруб сойил бўлур.
Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.

ҲИЛМ

Ҳилм деб бўлар-бўлмас ишга аччиғланмайдурган, арслон юракли, юмшоқ табиатли бўлмоқни айтилуру.

Ҳилм инсонларнинг табъидан хусумат, адоват, ғазаб, ҳиддат каби ёмон хулқларни йўқ қиладурган ҳар кимча мақбул бир сифатдур. Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга энг керакли нарсадур.

Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг ҳаловати ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам, ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомила қилмас. Фикри саломат кишиларнинг қалби ҳалим, табъи карим ўлур. Зероки, вужудимиздан пайдо бўладирган афъол ва ҳаракотимизни манбаи ҳавас ва орзудур. Бу ҳавас ва орзуга фақат ҳилм ила ғолиб келурмиз ва бу васила ила тўғри йўлга кируб, яхши хулқ соҳиби, дину миллат ходимларидан бўлурмиз. Дунёда чин инсон бўлмак учун ҳаваснинг қўлига нафснинг жиловини бермайдурган, бўлар-бўлмас нарсалардан аччиғланмайдурган, совуққонли, юмшоқ табиатли, мулоим сўзли, ҳалим ва сабрли бўлмак лозимдур.

Зотига, ҳилмияти мавсуф қилса ҳар киши,
Икки оламда бўлур роҳат, ҳаловатда иши.

Расули акрам набиййи муҳтарам афандимиз: «Ал-ҳилму саййидал ахлоқ — Ҳилм хулқларнинг саййидидур», — демишлар.

Суқрот ҳаким: «Шиддат ила муомала қилган ки-

¹ «Ассабру мифтоҳул фараж» — сабр нажот калитидир», — ҳам дейдилар (Б. Қ.)

шиларга ман виқор ва ҳалимлик ила муқобила қилурман, чунки ҳилм шиддатни ва хусуматни паст қилур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадурган ҳалимликдан ман безор»,—демиш.

Бу сўзга қараганда саховатнинг ифроти исроф ўлдиғи каби ўринсиз ерда ҳилм истеъмол қилмак инсоннинг виқор ва эътиборини поймол қилур. Шунинг учун ҳилмият ҳудудидан—чегарасидан чиқмай, ғазаб, ҳиддат каби ерларда ҳилм истеъмол қилуб, нафснинг ҳароратини паст қилмалидур. Лекин теҗса тебранмайдургон, турса тинг этмайтургон бўлуб, ғайрат, шижоат ўрунларига ҳам мулоимлик ишлатув ҳалимлик ҳудудидан ошуб, бўшлик, анқовлик дунёсига чиқмакдур. Бундай ҳалимликдан қочмак, ҳазар қилмак керак.

Ҳалимликни қилсанг агар ихтиёр,
Бўлур халқи олам санга дўсту ёр.
Бўлур мевалик шохни боши паст,
Ҳалим ўлғуси оқили ҳушёр.

ИНТИЗОМ

Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилуру. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар. Жаноби Ҳақ еру осмонларни, ой ва юлдузларни, инсон ва ҳайвонларни, қурт ва қушларни шундай бир низом ила тартиб бериб ярағмишдурки, ақл билмакдан, қалам ёзмакдан, тил сўзламакдан ожиздур. Дунёга келган пайғамбарларнинг ҳар бирлари дин ва шариатларини тартиб ва низом ила юрутмишлар. Хусусан, ислом дини мукамал равишда тартиб ва низомни риоя қилмишдур. Ва бу сояда озгина замонда ислом уруғлари бутун дунё юзига ёйилмишдур. Ислом давлатларининг барпоси низом ва интизом ила ўлдиғи каби барбод ва инқирози ҳам тартиб ва низомсизлик ила бўлмишдур. «Хайр, ўтган ишга салавот». Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вақтида низомдан чиқармай тартиби ила юритмакга боғлидур. Шогирдлар мактаб ва мадрасалардаги замонга мувофиқ равишда қурилмиш, низом ва тартибларни риоя қилмаклари лозимдир. Чунки тартиб ва низомни риоя қилмаган кишиларнинг ишлари ҳамма вақт нотамом, ўзлари паришон бўлурулар. Аммо ишларини тартиб узра юритган кишилар-

нинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўт-
карурлар. Ҳозирги замонда бизнинг Туркистон бой-
ларининг ишлари тўхтаб, синувларининг биринчи са-
баби ишларини ахлоқсиз, билимсиз, мусриф, ялқов
кишиларга топширувлари ила баробар ўзларининг
замонга мувофиқ тартиб ва низомдан хабарсизликла-
рининг емушидур. Пайғамбаримиз: «Қасбларнинг ор-
туғроғи хиёнатсиз, ёлғонсиз қилгон савдо ва тижорат
ила банданинг ўз қули бирлан ишлаган ишидур»,—
демишлар.

Давлатни кони манбаи, тартиб-интизом,
Сарватни пайдори эрур иқтисоди том.
Муҳтожлиғ юзини кўрар деб гумон қилманг,
Тартиби бирла юрса, кишининг иши мудом.

МИҚЕСИ НАФС

Миқеси нафс деб қиладурган амалларимизни, иш-
ларимизни шариат, инсоният қонунига мувофиқ ўлуб-
ўлмадиғини виждонимиз ила ўлчаб кўрмакни айтилу-
р. Нафс ўлчови ҳақиқий бир ўлчовдурки, инсоннинг ўз
нафсига лойиқ кўрмаган муомалани бошқалар ҳақида
ижро этмоқға қўймас, фикр эгалари, инсоф соҳиблари
ҳар вақт нафс ўлчовидан ташқари ҳаракат қилмас.

Агарда бир сабаб ила шариат ҳукмидан, инсоният
қонунидан чет кетса, бу қабоҳатини нафс ўлчови ила
билуб, иккинчи мартаба қилмасга қасд ва ният қилуб,
шариат низомидан, инсоният чизигидан чиқмасликға
саъй ва ғайрат қилур.

Алҳосил, нафс ўлчови таърифдан ташқари инсонлар
учун энг фойдали, ҳар кимча мақбул буюк бир фази-
латдур.

Буюк Искандар: «Дунёда энг ҳақиқий, тўғри ўлчов
нафс ўлчовидурки, бу мезонда зарра нуқсон йўқдур»,—
демиш.

Ибн Сино ҳақим: «Инсоннинг фазлу камолнинг
ўлчови нафснинг ўлчови ила ўлчанур»,—демиш.

Дунёда ҳар нарсанинг махсус ўлчови бўлар,
Банда афъолини виждони ила тортиб кўрар.
Бир ишига вазнда келса оғир ўз нафсига,
Ул ишинг қандоғ бўлакларга раво, лойиқ кўрар.

ВИЖДОН

Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладурган ҳиссиёт, яъни сезув-туймақдан иборат маънавий қувватни айтулур. Биз ҳар вақт афъол ва ҳаракотимизни яхши ва ёмонлиғини, фойда ва зарарлиғини онжақ виждонимиз ила билдурмиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракотини сезур. Агар ишлаган иши шариат, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур. Қабоҳат ва ёмон ишларни қилса нафрат қилур. Биз жаноби Ҳақнинг амр ва наҳйини фикр ва руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз ила оюра билдурмиз.

Виждон яхши хулқларнинг манбаи ўлдиғиндан виждон соҳиблари ҳар бир ишни беғараз, холис ният ила ишлар.

Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида, ният ва амалларида, дўст ва ошнолиқларида яширин бир ғаразлари ўлдиғиндан ҳар вақт ҳасрат ва надомат чекуб, виждон азобиға гирифтор бўлурлар.

Ҳар бир инсоннинг ҳақиқий фоили виждонидур, Меваси яхши амалдур, ҳосили виждонидур.

Инсон диний вазифаларини, улуввиятини виждони соясида тақдир қила билур. Чунки, виждони саломат кишилар имон ва эътиқодларини камолга еткурмак учун жаноби Ҳақнинг буйруқларини, дин ва миллатға фойдалик ишларни шоду хуррамлик ила ишлар.

Алҳосил, виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракотини (нг) кўрсатадурган мусаффо бир ойнадурки, бу кўзгуга чин назар қилган киши ўз айб ва камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва қусурларини охтармоқға вақти бўлмас. Бизим исломиятда виждон ахлоқини ислоҳи учун саъй-ҳаракат қилмак лозим ўлдиғиндан шул доирада ҳаракат қилгон кишилар икки жаҳонда азиз ва мукаррам бўлурлар. Арасту ҳаким: «Руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз фикримизга қувват бергувчи бир воситайи идрокия дейилур. Яъни, ҳиссиётимизнинг руҳимизга таъсир эттирғувчи бир робитайи электриқий-сидур», —демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Виждон руҳ ва фикримизни туй-
гун қилмакға биринчи воситадур»,—демиш.

Соф виждон каби ҳеч комила мезон ўлмаз,
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.
Шод-масрур ўлур инсоф ила виждонли киши,
Кимки виждонсиз эса, тўғри, чин инсон ўлмаз.

ВАТАННИ СУЙМАК

Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айирилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиғ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди.

Боболаримиз: «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», — демишлар.

Мен айблик эмас, эй ватаним, тоғларим,
Бевақт ташлаб кетдим аё, боғларим.
Ҳижрон қилодур мени жудолиғ,
Дўнди ғама рўзу шаб чоғларим.

Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидур. Расули акрам набийий муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ҳуббул-ватани мина-л-имони — ватанни суймак иймондандур», — демишлар.

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам, қолур авлодима ўю ватаним.
Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,
Чароки, ўз ватаним хокидур гўру кафаним.

Туғуб ўсан ерим ушбу ватан вужудим хок,
Ўлурса аслина рожеъ бўлурми ман ғамнок.

ҲАҚҚОНИЯТ

Ҳаққоният деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилуру. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдур. Жаноби Ҳақнинг шу номи муборакини муқаддас билган киши ҳеч вақт ҳаққониятдан айрилмас, чунки ҳаққоният нури қайси дилда жилвагар ўлса, жаноби Ҳақнинг тавфиқи раббонийси шу дилда нашъу намо қилуру. Ақл эгалари, виждон соҳиблари ҳар вақт кўрган, қилган ва билганларини, ҳақиқатни ва тўғрисини сўзлар. Ишда тўғрилик—бировнинг нафсига, молига хиёнат қилмов, сўзда тўғрилик ҳар вақт рост сўзламакликдур.

Ростлиғ Ҳақни ризосини топар,
Тўғри йўлда йўқ бўлурму ҳеч чопар?

Бизим шариати исломияда агар бир кишининг ҳақиға бўҳтон қилинуб, қилмаган ишни қилди деб сўз сўйланса, билган киши ростини сўзлаб, шул кишини оқламак вожибдур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аннажоту фиссидқи — нажот ростликдадур», — демишлар. Ҳазрати мавлоно Румий: «Исломият айни ҳаққониятдур. Ҳақни қабул қилувчилар ҳуқуқи шаръияни сақламоқға буюрулмишдурлар. Чунки шариат ҳукмларининг энг асосий илдизи ҳаққониятдан иборатдур»,—демишлар.

Ҳақшунослик ўлмоқ шарофатдур жаҳонда одама,
Ҳақни изҳор айламак бирла кўрук вер олама.
Ярашур инсона сидқу тўғрилик гар кўрса гириҳ,
Тўғрининг ёрдамчисидур Ҳақ таоло, ғам ема.
Тўғриларнинг маскани фирдавс айвонидадур,
Эгрилар икки жаҳонда ғам-алам конидадур.

НАЗАРИ ИБРАТ

Назари ибрат деб ҳар бир нарсага синчиклаб боқуб, шундан ўзига бир ҳисса ибрат олмоқни айтилуру.

Хулқларнинг энг афзали, инсонлар учун энг кераклиси назари ибратдур. Инсон ибрат назари ила боқуб

дунё китобиндан ўз қадр-ҳиссасини билуб олмак лозимдур. Маърифат соҳиби бўлмак учун аҳволи оламдан хабардор бўлмак керак. Шунинг учун ақл соҳиблари, фатонат эгалари ўзларига фойдаси бўлса-бўлмаса синчиклаб қараган нарсаларидан бир ҳисса олмай қўймаслар. Ҳозирги замондаги тараққий қилган миллатларнинг ҳунар ва санъатларининг барчаси илм ва назари ибрат соясида намоён ўлуб, оламни мунаввар ва мусаххар қилмишлар. Бизим шариати исломияда ҳар нарсани эътиборга олуб, шундан ибрат ҳосил қилуб, ахлоқини тузатмак вожибдур. Ҳазрати Али разийаллоҳу анҳу: «Дунёда энг мунтазам дорил-улум назари ибратдур. Ибрат кўзларининг пардаси очилмаган кишилар дунё китобида ёзилган ҳақиқатни кўролмастар. Қоинот каби мукаммал бир саҳнаи ибратдан фойдаланмаган киши ҳеч бир муаллими ҳикматдан баҳраманд бўлолмас», — демишлар.

Мавлоно Румий: «Жаноби ҳақнинг осори қудратларини басират кўз ила, назари ибрат ила тамоша қилинса, кўп ҳикматлар кўрилуру. Чунки ҳақиқат илмининг муаллими чашми ибратдур. Ҳақ чашми ибрат ила мушоҳада қилинур», — демишлар.

Бир кўр ҳазрати Луқмоннинг олдиларига келуб, «агар кўзимни очсангиз, мен сизга қул бўлурман», демиш. Ҳақим кўрни маърифат соҳиби эканини билуб «жоним, кўзингни пардасини очмоқ мумкин, лекин назари ибратни очмоқ қўлимдан келмайдур», — демишлар. Кўр: «Ё Луқмон! Сизнинг шуҳратингиз фақат парда очмоқдан иборат бўлса, сизни ҳақим демай, табиб демак лозим экан», — деб ҳазрати Луқмоннинг ибрат кўзини очмишдур. Жаноби Ҳақ биз мусулмонларнинг ҳам кўзимиздан ғафлат пардасини кўтаруб, ибрат, кўзларимизни (нг) очса эди.

Оч кўзларингни, бас, бу қадар ғафлат, эй кўзим,
Умринг ғанимат, оч назари ибрат, эй кўзим!
Ибрат кўзингни очмасанг, атрофингга боқуб,
Бир-бир кетар қўлингдан учуб давлат, эй кўзим!
Мол ўлса барча ҳамдаму ёру биродаринг,
Қочгай уруғларинг йўқ эса, сарват, эй кўзим!
Ҳосил: замонда илм ила давлатда эътибор,
Сармоян саодат ҳар миллат, эй кўзим.

ИФФАТ

Иффат деб нафсимизни гуноҳ ва бузуқ ишлардан сақламоқни айтилуру. Бизларни гуноҳ ва маъсиятдан сақлагувчи, ҳаром-ҳаришдан нафсимизни асрагувчи фақат иффатимиздур.

Ахлоқ соҳиби, иффат эгаси қалбини, виждонини поклаб, тилини ёлгон, ғийбат, бўҳтон ва молюяъни каби ёмон сўзлардан сақлар.

Чунки инсонга иффатидан кўпроқ тил иффати лозимдур.

Бошимизга келадурган кулфат ва заҳматларнинг аксари ёмон тилимиздан, андозадан ортуқ сўйлаганимиздан келур.

Уйламай сўйлаган оғримай ўлар,
Фикр ила сўйлаган йиғламай кулар.

Иффат эрлардан кўпроқ хотунлар учун олмосдан қиммат, инжудан қадрли зийнат ва фазилатдур.

Иффатли киши ҳар вақт назари ибрат ила ҳаракат қилур. Кеча ва кундуз фикри, зикри ватандошларига, қариндошларига яхшилик, хайрихоҳликдан иборат бўлуру.

Сўзида, феълида содиқ бўлуб, виждонга терс, инсониятга келишмаган муомаладан ҳазар қилур. Ҳазрати Али разиаллоҳу анҳу: «Иффат хотунларнинг энг зийнатли либоси, эрларнинг сармойяи улуввиятидур»,—демишлар.

Ҳазрати Луқмон: «Иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғидур. Нафсинг ҳужумига шул қувват ила муқобила қилинур»,—демишлар.

Афлотун ҳаким: «Иффат хотундан кўпроқ эрларга ярашадурган бир сифатдур. Хотун иффати адаб ва номусини сақловдур. Эрларнинг иффати бутун инсоният адабларига шомилдур. Иффатсиз инсон яланғоч жасад кабидур»,—демишлар.

Зотингга зийнат ўлан иффатни дилда сақлагил,
Шаҳвату нафсинг сани бўлғусидур ақлингга қул.
Ҳар кишининг дунёда йиртилса иффат пардаси,
Нафси шайтондек ани бир кун солур бўйнига ғул.

ҲАЁ

Ҳаё деб ишда, сўзда адабни риоя қилмакни айтилуру. Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдурки, инсон

ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождур. Шариат буюрмаган, одамлар суймаган ишларни ишламак—ғийбат, ҳажв, масхара, сафсата, сўкув каби одамларнинг нафсига, иффатига тегадурган адабсиз сўзларни сўзламак зўр ҳаёсизликдур. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдур.

Шунинг учун ҳар бир ҳаракатимизда, сўзимизда ҳаёни қўлдан бермаслик лозимдур. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Ва бу чодир шундай муборакдурки, анча-мунча саҳв-хато-ларни беркитуб йўқ қилур.

Ибн Сино ҳақим: «Инсонда доим турадурган ҳусн ва латофат ҳаё ила иффатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур»,—демиш.

Расули акрам набийи муҳтарам афандимиз: «Ал-ҳаё минал-имони» — ҳаё иймондандир; «Иза лам тастаҳ фааснаъ мошиъта»—ҳаё қилмаз эсанг, истаган ишингни ишла»,—демишлар. Муҳйиддин: «Инсоннинг суратидаги қизиллик секин-секин кетар, ҳаё қизиллиги асло кетмас. Ёшлик ҳуснининг қизил ранги(нинг) ҳаё ила зийнат-латофатга эга бўлурлар»,—демишлар.

Сукрот ҳақим: «Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидур»,—демиш.

Ҳаё, номус имона далилдур,

Ҳаёсиз доимо хору залилдур.

Уялма маърифат ҳосил қилувдан,

Маорифсиз кишилар мурда дилдур.

ИДРОК ВА ЗАКО

Идрок ва зако деб очуқ фикрли, хуштабиат, зийрак бўлмакни айтилур. Идрок ва зако яхши хулқларнинг равзаи ризвони, ибрат кўзларининг нури раҳмонийсидур.

Чунки идрокли кишилар ҳар бир мақсад(н)инг остида яширин ўлган замирларнинг маънолари на ердан бориб чиқишини билур. Илму маърифат соҳиби бўлмак учун саъй ва ғайрат керак ўлдиғи каби зеҳн ва идрокнинг ҳам саломат бўлмоғи шартдур. Шунинг учун ёшликдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватландурмак учун азиз умримизни ўйин-кулги, сафсата, моляъни каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, газита ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмак лозимдур. Зеҳнсиз кишилар-

нинг ўлчовсиз сўзлари ўзларини уялтиргони каби эшитувчини ҳам зериктирур.

Ҳар кишининг фикр, идрокин сўзи билдирғуси,
Пистан бемағз, агар лаб очса, расво бўлғуси.

Идрок соҳиби ўзини фозил ва улуг билуб, ҳамжинсларига ҳақорат кўз ила боқуб: «Биласанми? Ман қандай бой ва обрўлик кишиман» деб мақтануб, ўзини катта қилуб кўрсатмас. Устига юкланган диний, миллий ва маиший вазифаларни ҳар бирини ўз вақтида адо қилур. Мана, шундай кишилар икки дунёда обрўлик бўлуб, ўлганларидан сўнг «фалони хўб, яхши зот эди, худо раҳмат қилсун, миллатга кўб хизмат қилди, халқга фойда еткурди», деб бошқалар тарафидан мақталурлар.

Ҳушёр ва зийрак кишилар куч ва қувватлари бор вақтида келадурган замонларни тушунуб, пул ва молларини ўринсиз ерларга, тўй ва маъракаларга ҳаддан ортуқча исроф қилмаслар, ўзларининг роҳати, болачақаларининг саодати учун керак бўладурган ер ва боғларини сотмаслар, замонага мувофиқ киши қилмак учун болаларини ўқутмак ва тарбия қилмак тўғрисида оқчаларини асло қизғонмаслар.

Идрок ила ақлинг-ла аюр яхши ямонни,
Беҳудага сарф этма шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни.

ҲИФЗИ ЛИСОН

Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тил ва адабиётини (нг) сақламагини айтилурур. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадургон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур. Ҳайҳот! Биз, туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз. Дуруст, бизларга ҳукуратимиз бўлгон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур. Зиғир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур.

Еҳу! Бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқуб кетдук. «Яхши қўшнингдан олгунча, ёмон уйингни қидир», — демишлар. Боболаримизга етушгон ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқолганларини ҳам топурмиз. «Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди», — деб Европо қалпоғини киюб, кулги бўлмак зўр айб ва уятдир. Пайғамбаримиз: «Эрларда жамол лисон ва тилдур», — демишлар.

Эй она тил, азиз қадрдоним,
Илтифоти руҳим, раҳмоним,
Туғдиғим кундан айладинг улфат,
Ўлгунимча айилма, эй жоним.
Менга илму адаб сан ўргатдинг,
Чин адиб, муаллим шоним.
Миллатинг руҳини кўтаргучисан,
Энг муқаддас карамли султоним.

Умумий миллий тилни сақламак ила баробар хусусий оғиз орасидаги тилни ҳам сақламак лозимдур. Чунки сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон тарозусидир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қийматини сўзлаган сўзидан билурлар «Қуруқ сўз қулоқга ёқмас», — демишлар.

Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадургон бўлмаса, асарилари орасида гунгурлаб юрган қовоқари каби қуруқ гунгурламоқ фақат бош оғригидан бошқа бир нарса эмасдур. Бошимизга келадурган қаттиғ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун: «Кўп ўйла, оз сўйла», — демишлар.

Тилларнинг энг яхшиси сўзга уста тил, сўзларнинг энг яхшиси билуб ва охирини ўйлаб сўйланган сўздур.

Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар,
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсун,
Эшитканлар қулоғи дурга тўлсун.
Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиқғай, сўзинг кўп бўлса, бир кун.
Кўпайган сўзни бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидан ози бўлур соз.

ИҚТИСОД

Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтулур.

Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдур. Аллоҳ таоло исроф қилғучиларни суймас. Иқтисодни риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар, арилар қиш кунда емак учун бол йиғганидек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб, оқ пул йиғурлар. «Тома-тома кўл бўлур»,—демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюр.

Кўпни озайтурғучи хотун киши,
Озни кўпайтурмак эрур эр иши.

Ҳозирги замонда мақсудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқга мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанадур. Ҳар ерда бой миллатлар оғир келуб, паллани босуб, хўжа ўлганидек фақирлари енгил келуб, қул ва асир бўлуб, осилиб қоладур. Мол топмакнинг энг баракатли йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Боболаримизнинг «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «Билган битар, билмаган йитар» замони келди. Америкалилар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, ёвруполилар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз осиелилар, хусусан, туркистонлилар, думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз. Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур.

Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Сўнг замонларда динни сақламак мол ила бўлур. Иқтисод узра ҳаракат(ли) кишилар фақир бўлмас»,—демишлар. Яна: «Ҳар нарсада ўрта иқтисод йўлини тутмак лозимдур. Ифрот ва тафритдан ихтироз қилмак керак, ҳатто дин амринда ҳам бир одам ортуқ сўфийлик сотса, охиринда ўзи мағлуб бўлур»,—демишлар.

Халқ ичинда мўътабар бир нарса йўқ давлат каби,
Бўлмагай давлат жаҳонда қуввату сиҳҳат каби.
Иқтисод, инсоф зийнатдур вужуди одама,
Яхши неъмат йўқ кишига саъй ила ғайрат каби.

ВИҚОР

Виқор деб кибр ва ғурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламакни айтилуру. Виқор шаръ ва ҳикмат юзасидан инсон учун энг керакли яхши хулқларнинг биридур. Виқорсиз одам эътиборсиз бойга, кибрли киши иллатлик фақирга ўхшайдур. Ҳар кимнинг қадр ва эътибори нафсининг виқори ила ўлчанадур. Вуқур кишилар кибру ғурурга асло яқин юрмаслар. Чунки ғурур, манманлик, такаббурлик кишини хор, халқ орасида беэътибор қилур, ҳар қанча илм ва давлат соҳиби бўлса ҳам, бир пулча қадр ва қиймати бўлмас. «Мани билурсанми? Мундай қилурман, ундай саховат қилурман»,—деб ўзини (нг) ўзи мақтамоқлик, риёкорлик, зўр айб ва виқорсизликдур.

Виқорлик киши ёмон хулқлардан пок, адолатлик ишида, сўзида тўғри, шафқат ва марҳаматли, ўз диндошларига хайрихоҳ, миллат фойдасига тиртишувчи, соф қалбли, арслон юракли бўлур. Ҳазрати Али: «Вуқур киши кибр ва ғурурдан пок бўлур. Виқор одамгарчиликнинг мадори, ифтихори, инсониятнинг ҳомийи эътиборидур. Лекин виқорнинг ҳақиқий даражасига етмак учун илм ва маърифат лозимдур»,—демишлар.

Афсус бу замонда бизим эътибор йўқ,
Ёшу қарида ғайрату номусу ор йўқ.
Фисқи фужур ила гирифтор барча жон,
Илми амалда бизда сабот, виқор йўқ.
Ўтмоқда умр ҳойи ҳавас бирла барҳаво,
Миллат ғамини ўйлағувчи хушёр йўқ.

ХАВФ ВА РАЖО

Хавф ва ражо деб қўрқмоқ ва умидвор бўлмоқни айтилуру. Банда ҳар ишда жаноби Ҳақдан қўрқмоқ ила баробар умидини ҳам узмаслик лозимдур. Чунки жаноби Ҳақдан қўрқган инсон ҳеч нарсадан қўрқмас. Ҳар вақт жаноби Ҳақнинг лутф ва марҳаматига умид кўзларини тикуб турар. Хавф ва ражо шундай бир яхши сифатдурки, бу хислатни ўзига ҳамроҳ қилган киши

энг фозил, ҳеч нарсадан қўрқмайдурган шер табиатли, арслон юракли бўлур. Ҳазрати Иброҳим алайҳис-саломни Намруд оташка ташлай деб турган замонда: «Е, Иброҳим! Сиз мени бу ҳароратли оташимдан қўрқмасиз-ми?»—демиш. Ҳазрат Иброҳим: «Эй, золим! Аллоҳ таолодан қўрқган киши Намруднинг оташидан қўрқарми?»—демишлар.

Ҳеч кишидан қўрқмағай Тангрисидан қўрқган киши, Оташа ёндурсалар, бўлғай умид бирла иши.

Дунёда умиддан яхши нарса йўқдур. Ҳамма инсонлар умид орқасида яшарлар. Ноумид шайтондур, умидсиз кун кечурмак мумкин эмасдур. Бойлар мол умидида, шогирдлар илм умидида кеча-кундуз тиртишурлар. Агар бойлик, олимлик умиди бўлмаса эди, кеча-кундуз жонларини фидо қилуб, кўзларини (нг) нурларини умид орқасида тўкмас эдилар.

Умид гар ўлмасайди, ҳеч ҳаёта қиймат ўлмазди, Низому интизому тарбият ҳам давлат ўлмазди. Жаҳон айвони бўйла зийнаторо бўлмағай эрди, Ҳукумат, тахту бахту саъй бирлан ғайрат ўлмазди.

ИТОАТ

Итоат деб бўйинсунмакни айтилуру. Аллоҳ таолонинг амрига бўйинсунуб, ибодат ва итоат қилмак фарзи айндуру. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳ таолонинг амрига муҳолиф бўлган ҳолда ҳеч кимнинг амрига итоат қилмак вожиб эмасдур», — демишлар. Ота-она, устод, муаллим каби ўзидан улуғ кишиларга бўйинсунуб итоат қилмак энг яхши сифатлардандур. Бу сифатга эга бўлмак учун ҳар вақт буларнинг фойдалик кенгаш ва насиҳатларини тинглаб, буйруқларини маҳкам тутмак лозимдур. Чунки онлар дунёга биздан илгари келганлар, биздан кўпроқ тажриба ҳосил қилганлар, ватан ва миллатнинг ҳолига ошно бўлганлар. Табиблар дардларга даво ҳозирлагандек, булар ҳам турмуш ва яшамакни офати бўлган фақирлик, ялқовлик, нодонлик каби вужудимизни чуритадурган маразларга даво ҳозирлаганлар. Шунинг учун бизга қилган холисона, беғараз насиҳатлари ҳозирда оғир ва аччиғ кўринса ҳам, охири роҳат ва тотли бўлуб чиқар.

Насиҳат бўлса холи гар ғараздан,
Ач(ч)иғ дору каби сақлар мараздан.
Биза лозим эрур билмоқ, эшитмоқ,
Зиёндан бошқа бир шай йўқ ғараздан.

ҲАҚШУНОСЛИК

Ҳақшунослик деб бир кишининг қилган яхшилигини унутмасликни айтилуру. Бутун оламдаги инсонлар ҳақшунослик ва дўстлик орқасида яшарлар. Қарс икки қўлдан чиқар. Шариатда яхшилик қилган кишига яхшилик қилмак вожибдур. Ҳукамолар ёмонлик қилган кишига ҳам яхшилик қилмак лозимдир, дерлар. Ҳосил, яхшиликдан зарар кўрган, боши ёрилган киши йўқдур.

Яхшиликдан дўстлик, меҳрибонлик туғар, икки кўнгил орасида улфат ва муҳаббат чўжуқлари югуришур, қувушурлар. Бу дўстликни жамол ва камоли ҳақшуносликдурки, бировдан кўрган яхшиликни унутмай, шунинг баробарига биз ҳам ўз вазифамизни адо қилмак лозим экан, ҳеч бўлмаса, тақдир қилмак ила биродарлик ва дўстлик ҳурматини адо қилмакимиз лозимдур. Чунки, мўмин биродари мўминдур.

Дилдан дил узра очиладур икки хил йўли,
Меҳра меҳр йўли очилур, кина кин йўли.

Маълумдурки, ҳар бир миллатни тараққий ва таолийси ўз миллатига жон, мол, қалам ила ишлаган кишиларнинг хизматларини тақдир қилуб, вазифалар, ҳайкаллар, қаламлар ила ёд қилуб, ўтуб кетган баҳодир, олим ва шоирларини(нг) руҳларини шод қилуб, ишловчи кишиларнинг ғайрат ва жасоратларини зиёда қилмакда экан. Афсус, бизлар тақдир қилмак бир тарафда турсун, таҳқир, масхара, ҳатто тақфир қилмак ила қаршу олурмиз.

Яхши ишдур ҳақни тақдир айламак ҳар хизмата,
Ҳақшунос ўлмак ҳаққиқий бир қувватдур миллата.
Ҳақшунос ўлмак-ла машҳур эрдилар пайғамбарим,
Тўғри йўлни ташламак асло ёқишмас уммата.

ХАЙРИХОҲЛИК

Хайрихоҳлик деб, нима ила бўлса бўлсун, бир-биримизга фойда етурмакни айтилуру. Хайрихоҳлик бир-биримизга қаршу ишлатиладурган бир вазифайи ин-

сониядурки, киши ўз нафсига лойиқ кўрмаган бир ишни бошқа бир мусулмон қариндошига муносиб кўрмасдан эгри йўллардан, ёмон ишлардан куч етганича қайтармак ва ёрдам қилмак лозимдур. Жаноби Ҳақ инсонларни бирининг дигарининг ёрдамига муҳтож қилуб яратмишдур. Шунинг учун ер юзидаги инсонлар замонанинг қурган низом ва қонуни узра бири иккинчисининг ёрдами ила умр ўткарур. Бир киши ҳар қанча бой ва эътиборли бўлса ҳам, ҳеч вақт муҳтожлик балосидан қутулолмас.

Ҳаммол(н)инг оғир бўлса юки, меҳнати ортур,
Ҳар кимки улуг бўлса, бўлур кулфати осон.

Бой фақирга, фақир бойга, муаллим шогирдга, шогирд муаллимга, ота-она фарзандга, фарзанд ота-онага муҳтождур. Шунинг учун ҳар ким ўз устига юкланган вазифасини тўғрилик ва хайрихоҳлик ила адо қилмак(и) лозимдур. Шариатда иймонлик кишиларга дунё роҳати ва охират саодати учун қўлдан келганча миллий хизмат ва ёрдам қилмак вожибдур.

Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳ таолога имон кетурдикдан сўнгра, амалларнинг афзали бандалар бири-бирига муҳаббат этмак(и) дур»,—демишлар.

Хайрихоҳлик холисона бўлмаса бекордур,
Манфаат йўқ, айлаган назру ниёзингдан сани.
Бир кўнгилни шод қилмак неъмат эҳсон ила,
Яхшидур ҳар дамда минг ракъат намозингдан сани.

МУНИСЛИК

Мунислик деб ҳар ким ўз тенги, маслакдошини топуб, улфат бўлмакни айтилуру. Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмакдан иборатдур.

Илми ахлоқ юзасидан чин дўст ва ёри содиқ ила улфат қилмак лозимдур. Чунки баъзи касалларнинг юқиши бўлганга ўхшаш нодон ва аҳмоқ кишиларнинг урфу одатлари ва ёмон хулқларининг таъсири, сирояти юқиши муқаррардур. Баъзи дўст суратида кўринмиш иккиюзлама, мунофиқ, душманлар ҳам кўб бўлурулар. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишига синамасдан, билмасдан дўстлик қилмак, сир айтмак зўр ақлсизликдур. Чин дўст бўлган киши бошингга кулфат ва қайғу келган вақтларда сан ила баробар қайғуруру. Хотирангда-

ги қайғуни бўлушуб олур. Сирингни ноаҳил ва нодон кишиларга айтмас, айбингни орқангдан сўйламасдан юзингга айтур. Шодлик вақтингда сан ила баробар шодланур. Ёлғон дўст сандан бир фойда умидида ёки ўз бошига келган зарарни қайтармак учун мунофиқона дўстлик қилур. Сирингни ноаҳил кишиларга сўзлаб, қадр ва эътиборингни поймол қилур. Бундай кишиларга дўст бўлмакдан дўстсиз яхшироқдур.

Яхши дўст айби ёру дўстини,
Кўзгудек рўбарўсида сўзлар.
Емон ўртоғ тароғча минг тил ила,
Орқадан бирмалаб териб сўзлар.

САДОҚАТ

Садоқат деб киши ўз вазифасини тўғрилик ила ишламакни айтилуру. Содиқ киши дин ва миллатига, ватан ва давлатига тўғрилик ила хизмат қилуб, обрў ва мукофотлар олур. Садоқат гулшани саломат, бўстони нажотдур. Садафдан инжу, илондан заҳар ҳосил бўлдуғи каби ростликдан фойда, хиёнатдан зарар ҳосил бўлуру.

Жаноби Ҳақ содиқларни суяр. Ёлғончиларни суймас. Тўғриликдан йўқолган киши йўқ, хиёнатдан йўқолганлар чўқдур. Ростлик ила хиёнат иккиси жамъ келмас.

Агар бир кишининг дилига тўғрилик тухми экилса, ҳар қанча оч ва сувсиз бўлса ҳам тўғрилик ўсар. Хиёнат кўкармас. Ахлоқ юзасидан тўғри фақир ёлғончи бойдан эътиборлидур. Чунки содиқ киши аҳдиға вафо қилур. Ёлғончи эса ваъдасида турмай, ўзини хижолат, бошқаларни овора қилур.

Садоқат бир файзи маънавийдурки, у файздан ҳисасини олмак ҳар бир кишининг муқаддас вазифасидур.

Ҳазрати имом Ҳусайнға ҳазрати Али: «Сўзингда тўғри бўл, ёлғончилар каби мунофиқ ўлинмассан»,—деб насиҳат қилмишлар. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Тўғриликни ихтиёр қилингиз, агарчи ҳалокат каби кўринса ҳам, нажот тўғриликдадур. Ҳар қанча нажот каби кўринса ҳам, ёлғондан сақланингиз, зероки оқибати ҳалокатдур»,—демишлар.

Сидқу сафойи ростлиғ ўлса қаробатинг,
Шулдур жаҳонда роҳат, файз, саодатинг.
Оламда тўғрилиқча йўқ одамни(нг) зийнати,
Қалбинг алифдек ўлдими, айни шарофатинг.

АДОЛАТ

Адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмакни айтилуру.

Адолат яхши хулқларнинг фоили, зулмнинг муқобилидур. Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Киши адолат ва инсоният вазифасини ёлғуз ўзи бузуқ ишлардан сақланмак ила адо қилолмас. Балки ўзи ила баробар жинсдошларини хато ва фанолиқларини тузатмак ва яхши йўлга саъй қилмак ила адо қила билур. Адолатни риоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру зулмни хоҳламас ва жонлик нарсаларга бекорга озор бермас. Ақл ва шариатга мувофиқ равишда ҳаракат қилур. Жабру зулм ила бошқаларнинг дилини озор қилган кишиларнинг ёқалари жазо қўлидан қутула олмас. Зеро, жаноби Ҳақнинг адолати золимларнинг жазо ва сазосини бермакдадур. Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳ ризосини истар эсангиз, болаларнинг ҳаққинда ҳам адолат қилингиз!» Яна: «Мазлум кишининг дуосиндан, кофир ҳам бўлса, сақланингиз! Чунки мазлумнинг дуоси доимо мақбулдур», —демишлар. Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлидур. Адолатдан айрилган подшоҳларнинг давлатлари йўқ бўлуб, тарих саҳифаларида фақат исмлари қолганлиги ҳаммага билгулидур.

Адл ўлса подшоҳнинг, оёғ остида палос,
Бошингда бўлғусидур онинг тожи барқарор.
Ғолиб бўлурга чиқса, агар енгидан қўли,
Бўлғай насиб гарданиға ҳийладан тумор.

МУҲАББАТ

Муҳаббат деб бир нарсани суймакни айтилуру. Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясида яшарлар. Ҳар бир ишни муҳаббат орқасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишни ишламакға ғайрат ва жасорат қилолмас. Дунё неъматидан лаззат ололмас. Агар

бир шогирд илм ва муаллимни суймаса, иштаҳа ила ўқимаса, мақсудига етолмас. Ер юзидаги инсонларни уришма-талашмаларга қовушдирган, сийналарини душман ўқига нишона қилдурган нарса дин ва миллатларнинг, ватан ва давлатларнинг муҳаббатидур. Кишининг кеча ва кундуз тиндурмасдан қул каби меҳнат ва машаққатларга кўкрак беруб ишлатадурган нарса ватан ва бола-чақаларнинг меҳру муҳаббати эмасми? Қуш яхши кўрган донасига қизиқуб, тузоқға илиниб қолгани каби инсон суюкли нарсасига бойлануб, асир бўлуб қолмоғи табиийдур.

Расули ақрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ўз нафсинг учун қайси нарсани суяр эсанг, шул нарсани бошқа кишига ҳам суй», яна «Ота муҳаббатини сақла! Агар сан отаға бўлган муҳаббатни узсанг, Аллоҳ таоло сани ҳар турли файзлардан маҳрум қилур»,—демишлар.

Муҳаббатлик баҳорнинг куз ҳусули ҳеч оз ўлмас, Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдур асли ёз ўлмас. Суюб илму фунун таҳсил эдан учгай ҳаволарга, Қаю бахти қаро жоҳил қолур, дасти дароз ўлмас.

ОЛИҲИММАТ

Олиҳиммат деб дин ва миллатга фойдалиқ ишларни мол ва жон ила ишламакни айтилур.

Ҳиммат шундай бир олижаноб фазилатдурки, инсониятнинг кони, яхши хулқларнинг посбони демак жоиздур. Ҳиммат соҳиблари карим сифатлик, раҳим табиатлик бўлур. Ўз жинсининг авлодидан ҳар вақт ёрдамини аямас. Хайру саховатлик ишлардан ўзини тортмас. Пул ва молини йўлида сарф этмакдан қизғанмас. Олиҳиммат киши сояси латиф, меваси лазиз дарахт кабидурки, бу сояга яқин бўлган кишилар ҳар вақт фойдаланурлар.

Ҳимматлик инсон лутфу марҳамати ила дунё юзида жилвагар ўлур. Оламини равшан қилгувчи гунашнинг қувват ва фойзига зарар етмагани каби ҳиммат арбобининг ҳам, сарф ва харожот ила, шаън ва молина заррача халал етмас. Инсоннинг моҳияти виждонидан билинур. Виждон эса фақат олиҳиммат кишилардан топилур. Алҳосил, ҳиммат инсоннинг камолоти, тараққий ва маданиятнинг олатидур. Ҳар иш ҳиммат соясида юзага чиқар. Олиҳиммат ва холис ният ила иш иш-

лаган кишилар тавфиқи раббонийга рафиқ, раҳмати раббонийга шафиъ бўлурлар. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Улуввил ҳиммати минал иймони»,—демишлар. Нўширавон: «Инсон олиҳиммат вазифаси ила мукаллафдур, олижаноб ўлан бир ҳаким кўрган беморни давоий ҳиммат ила дармонлаюр. Жаҳоннинг касби умронийси олиҳимматлар соясидадур»,—демишлар.

Ибрат кўзингизни очингиз, «Ё, улал-абсор».

Ҳиммат-ла тикилмиш шу гўзал масжиди дилдор,

Журъат-ла музайян ўлур олам, яшар инсон.

Ҳимматли қўлинг суйгуси ҳар ерда харидор.

АФУ

Афу деб кечурмакни айтилуру. Бир киши қилган камчиликларини бўйнига олуб, ўкунуб, кечурмакни сўраса, афу қилмак лозимдур. Чунки афу яхши хулқларнинг афзали, инсониятнинг акмалидур. Жаноби Ҳақ Қуръони каримда афуни мақтаб, мадҳ қилмишдур. Олижаноб кишилар узрни қабул қилур. Бир киши қусур ва қабоҳатини бўйнига олуб, узр этса, афу қилур, кечуруру. Катталиқ ва улуғликнинг лаззати бировдан ўч олмакда эмас, балки афу қилмакдадур.

Масалан, Аҳмад Маҳмудга бир ёмон иш қилуб, дилини оғритди. Маҳмуд Аҳмаддан ўчини олди. Бас, Аҳмад ила Маҳмуднинг орасидаги ёмонликдаги фарқ на ўлди? Ҳолбуки ҳар иккиси ҳам бир-бирига ёмонлик қилди. Ҳар иккиси ҳам ғамлик ва паришон бўлди. Бир ёмонлик икки бўлди. Агарда Аҳмаднинг қабоҳатига Маҳмуд афу мукофотини берса, иккиси ҳам шоду масрур ўлур, ҳамда жаноби Ҳақ афу қилувчиларни(нг) суяр. Ўзи ҳам афу ва мағфират қилувчидир. Нўширавон: «Бир гуноҳкорни афу қилмакдан қандай лаззат олганимни ҳеч кимга айтмайман»,—демиш.

Улуғларнинг иши авф айламакдур,

Кичиклар узр учун бел бойламакдур.

Мусулмонлиғда йўқ кину адоват,

Дила авфу, адолат жойламакдур.

Бизим ишлар ҳасад, буғзу хусумат,

Худуддан чиб-чиқуб, чет пойламакдур.

Бутун афъолимиз бир-бирга зидлик,

Уруб-тортуб, оғизни мойламакдур.

ЕМОН ХУЛҚЛАР

Инсонларни (нг) саодати абадиядан маҳрум қиладурган, жаноби Ҳақ қошида ва халқ назарида мазмум, ҳаёти жовидонимиз учун масмум бўлган ахлоқи зами-малар ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат, ҳамоқат, атолат, ҳасосат, раҳоват, аноният, адоват, намимат, ғийбат, ҳақорат, жибонат, ҳасад, нифоқ, тамаъ, зулмдур.

Бу санаган ёмон хулқларнинг фанолиқларини, юқорида санаган яхши хулқларнинг гўзаллигини инсоф мувозанаси ила ўлчаб, виждон муҳокамаси ила таҳқиқлаб, яхшиларини тинглаб амал қилмак, ёмонларини онглаб, ҳазар қилмак, лозимдур. Зероки, инсоннинг иззати, дунёнинг лаззати яхши сўзларни эшитуб ва кўруб ҳисса олмак, ёмон ва зарарликларини ўқуб, билуб, ўзини тиймак, қўлдан келганча халқ ва миллат фойдасига тиртишмак ва бу фано дунёдан яхшилик отини олуб кетмакдадур. Чунки ҳар нарсани ҳаддан ортуқчаси исрофдур. Лекин яхшилик ва яхши сифат қанча кўб бўлса, шунча мамдуҳ ва мақбулдур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Бандаларнинг яхшироғи бандаларга фойдали бўлганидур»,—демишлар.

Яхшилик бозоридур дорул омон,
Яхшилик қил, яхшилик қилмас зиён.
Мақтабу дунёда касб эт яхши хулқ,
Фарз, вожиб, суннат, истиҳбобдан бер имтиҳон.
Қилма макруҳ, ҳаром, кибру ғурур манманлиғинг,
Чақма инсон жисмини ё мор, ё мисли чиён.
Яхшилик, адлу саховатлар сани (нг) ёринг эса,
Ғибта айларлар санга инсу малак, ҳуру жинон.

ҒАЗАБ

Ғазаб деб бир киши иккинчи ила шиддат ва ҳиддат ила муомала қилишмакни айтилур. Ғазаб инсонга махсус бир қувваи мудофаадурки, табиатда мавжуд ўлан ғазаб туйғуси ила бошқалар тарафидан келадурган зарар ва ҳалокатдан ўз нафсини фақат шу сояда сақлар. Лекин ғазабнинг жабр ва зулм тариқи-ла ишлатмакдан ниҳоятда эҳтиёт бўлмак лозимдур. Нафсининг ғуруридан пайдо бўлган ғазаб инсонни (нг) аламлик азобларга гирифтор қиладур. Чунки бу шиддат ва ҳароратнинг таъсири вужуддаги қонни бузуб, ҳаракат

қилдуруб, димоғига ҳужум қилуб, ақлни паришон қилур-да, кишини(нг) ихтиёрини қўлидан олур. Ва бу сояда ўзини ёхуд бошқа бир кишини ҳасрат ва надоматга дучор қилур. Ғазаблик кишилар қанча ақл ва идрок соҳиби бўлса ҳам, ғазаб қони қўзғалган замонида ўзини тўхтатолмас, ақл ва идрокдан айрилуб, бир ёмон ишни қилуб қўяр-да, сўнгидан пушаймон бўлур.

Сукрот ҳаким: «Ғазабнинг аввали жунун, охири надоматдур», — демиш.

Имом Шофеъи ҳазратлари: «Қилич ва найза ила ҳосил бўлмаган кўб ишлар юмшоқлик ва мулоимлик ила ҳосил бўлур. Ғазабнинг зарари эгасига қайтур», — демишлар.

Афлотун: «Ҳаяжон ила пайдо бўлгон бир ҳол, албатта, пушаймонлик ила тамом бўлур. Ғазаб ғазаб қилинувчидан кўпроқ ғазаб қилувчиға зарар қилур. Ақлни ғазабга солувчи инсон нафсини ҳароратлик ўтга ёқмиш ўлур. Надоматдан аввал матонатни ихтиёр қилувчилар ҳеч бир таҳлика ва азобга дучор ўлмаслар», — демиш.

Сиютий: «Ғазаб ва шиддат вужуд иқлимни(нг) даҳшатли бир офатидур. Бунинг дафъи ва чораси топилмаса у иқлимни(нг) хароб қилур. Ғазаб бир иллати муҳликадурки, ягона давоси сабр ва таҳаммулдан иборатдур. Тадови этилмаган бир мараз инсоннинг ҳаётини маҳв ва барбод этар, ҳазар қилмак лозимдур», — демиш.

Ғазаблик бўлмағил, бўлғил мулоим,
Бўлурсан шоду хуррамликда доим.
Ғазаб ўтдур, ёқодур жисму жонинг,
Ғазаб барбод этодур хонумонинг.
Ғазаблик ўтни бўш сув паст қилғай,
Ғазабни жинни ёки маст қилғай.

ШАҲВАТ

Шаҳват нафсининг тааййишиндан, тааддисиндан ҳосил бўладурган бир қувватдур. Ҳикмати табиий қонунининг аҳкоми азалиясина қараганда, ҳиссиёти шаҳвония бақойи ҳаётга маҳсус бир қуввайи фатриядур. Шаҳват инсоннинг хазинаи зи қиймати ўлдиғи учун сурати машруъада сарф қилинса, вужуднинг закоти, балки бани башар наслининг мадори ҳаётидур. Ҳар ишда ифрот ва тафрит мақбул бўлмагани каби бу хусусда ҳам

хасислик ила исрофдан сақланмак лозумдур. Агар шаҳватни ғайри машруъ бир йўлда суистеъмол қилинса, амонатга хиёнат қилган бўладур. Зеро, емак учун яратилган бир неъматнинг қадр ва қийматини билмасдан, хорлаб, ўринсиз ерларга ташламоқ, оёқ ости қилмоқ зўр куфрони неъматдур. Яхши хулқларнинг ичида фаришталарни(нг) ғибта қиладурганлари шаҳватни(нг) машруъ ерларга сарф қилмакни риоятдан иборатдур. Шаҳват инсон учун яратилмиш бир салоҳдурки, агар ўрнига истеъмол қилинса, вужудимизни ҳар хил таарузлардан сақлар, ўринсиз ерларга сарф бўлса, инсоннинг иффатини барбод қилмак ила баробар ҳаётини хароб қилур. Бир киши қўлидаги асбобига мағрур бўлуб, нобоб ерга урса, ул асбобни ўтмас қилгани каби масъулиятдан нафсини ҳам қутқаролмас. Афсус, бизим ёшларимизни аксарлари шаҳват ғалабаси-ла нафси амораларина мубтало бўлуб, сифлис, заҳм маразларина гирифтор бўлурлар. Қанча меҳнат ва машаққат ила топкан олтуларини боқузмак учун сарф қилуб, олтундан қадрли азиз умрларини касалхоналарда исроф қилурлар. Уламолардан бири: «Ҳаёт ибодатнинг асбоби ўлдиғи каби шаҳват ҳам убудиятия хизмат вазифасини адо қилур. Ва бу вазифалар ҳақ ила адо қилинмаса, инсоният ила ҳайвоният орасида нима фарқ бўлур», — демиш.

Агар шаҳватка дил берсанг, бўлур қалбинг қаро,
кам-кам,

Кетар наслинг ўқи, бел қуввати, кўздан зиё, кам-кам.
Тамоми ихтиёринг нафси бадни илгина берсанг,
Маразларга дучор айлар, бўлур рангинг, фано, кам-кам.
Бузуқ йўлларга исроф айласанг, молингни, жонингни,
Қўлингдан дину дунё, иш кетар, шарминг, ҳаё, кам-кам.

АҚСОМИ ЖАҲОЛАТ

Жаҳолат икки қисмдурки, бирини «жаҳли басит», иккинчисини «жаҳли мураккаб» дейилур. «Жаҳли басит» маразига мубтало бўлган кишилар бир нарсани билмаслар ҳам билмаганликларини иқрор ва эътироф қилурлар. Шунинг учун бунинг давоси осон: фақат билмак ва ўрганмак йўлида жаҳду жадал қилмак ила бўлур.

«Жаҳли мураккаб» маразига мубтало бўлган кишилар бир нарсани билмас, билмаганини ҳам билмасдан

биламан, деб даъво қилур. Бизда мундай кишиларга «ўз-бошимча» ва «ўзим билармон» исмини берурлар. Бу дарди бедавонинг иложи жаноби Ҳақнинг лутфу инояти ила ҳал ўлинмаса, тузалмоғи мушкул ва оғирдур.

ЖАҲОЛАТ

Жаҳолат деб ўкумаган, билимсиз, ҳеч нарсага туншунмайдурган нодонлиғни айтилур. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур. Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларини (нг) орасида хамир каби эзилгандек, афъоли замимадан ҳам ўз нафсини (нг) ёқасини бўшатоламас. Илм ва маърифат соҳиблари, фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсани (нг) моҳиятини мушоҳада қилурға ақл ва фаросатлари етмас. Чунки жаҳл худбин ва зоҳирпарастдан иборатдур. Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати ақл ва ирфон, илм ва дониш соҳибларина махсус бир мазийят, жоҳил ва нодонлара зўр азийятдур. Жаҳолат арбоби қаю ерда бўлса бўлсун, лойиқи эътибор ўлмақ шарафиндан маҳрумдур. Моддий жиҳатдан қанча бой ва сарватдор бўлса, маънавий жиҳатдан шунча фақир ва залил ҳисобланур. Зероки, жаҳолат энг қўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур. Ақл ила илмнинг яхшилиғи ва фазилати қанча баланд бўлса, жаҳолатдан туғуладургон ёмонликлар балолари шунча остин ва хорликдур. Ҳазрат Али: «Арбоби фазлу камол жоҳилдан қанча изо ва жафо чекса, жоҳил ҳам ақл ва ирфон соҳибидан шунча мутаассир бўлур»,—демишлар.

Б а й т

Суймагай фазл эгаси жоҳилни,
Жоҳил аҳли улума душмандур.

Сукрот ҳаким: «Дунёда энг ҳазар қилинадургон иллат жаҳлдур. Ман жоҳилга ачинганимдек, кўрга ачинмайман, зероки, жоҳилнинг ўз ихтиёри ила қилган ҳаракоти аъмонинг ихтиёрсиз қилган ҳаракотидан менинг назаримда хунук»,—демиш. Араблар: «Аж-жоҳилу маййиту-л-аҳё—нодон киши тирик ўлук»,—деюрлар. Бизлар эса «дўсти нодондан, душмани зийрак яхши», деймиз. Баъзи оқил душманлар бўлурки, кетургон за-

рарлари нодон дўстларнинг фойдаларидан натижада яхши ва фойдалиқ бўлуб чиқадур.

Афлотун ҳаким: «Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан зарарлироқдур. Инсон энг юқишлиқ бир касалдан сақланган каби жаҳлдан ҳазар қилмақ лозимдур», — демиш.

Алҳосил, жаҳолат инсоният номина ярашмаган бир сифат ўлдиғиндан баҳамаҳол илм йўлида ҳаракат қилмақ, ақли салим соҳибларининг ҳикматли сўзларидан ҳиссаланмақ, азиз жонимиздан азизроқ (авлодларимизни) жаҳолат ва нодонлик балоларидан қутқармақ учун жонимиз борича, кучимиз еткунча чолишмоқимиз лозим ва лобуддур.

Эй жаҳолат нори бирла ёнди жисми покимиз,
Илмсиз қолдук аёғ остида мисли хокмиз.
Ўсди илму маърифат-ла бошқалар, ар-ар каби
Тарбиятсиз мажмаил монанди занги токмиз.
Жисман ахлоқин тузатди нослар, таннослар,
Қир чопон, кўкрак очуқ, яхтак яқоסי чокмиз.
Ғайрилар ташлаб жаҳолат бодасин ғамдан халос,
Биз эса масти жаҳолат кўкнори, тарёкмиз.
Айшу ишрат бўлса ҳар қанча қилурмиз бемалол,
Диний ишлардан, ибодатдан қочар бебокмиз.
Дори дунё илм пурнур ўлан бир вақтда,
Жаҳл водийсинда ёткандур хотун, эркокмиз.
Ўйламақ лозим эмасми, эй Муҳаммад уммати?
Фарзу суннатдан чиқуб, бизлар қаён кетмокмиз?
Жоҳилон билгайми, нафъи, судини, эй олимон?
Тобакай яхши-ёмонга етмагай идрокимиз.
Илм яхшими, жаҳолатми, тушунмаймиз ҳануз,
Ақлимиз йўқми бизим, Мажнунми ё тентокмиз?
Ичкулуқ «Уммул хабоис», дедилар пайғамбарим,
Кеча-кундуз хўб ичармиз, жоҳили нопокмиз.
Басдур, эй Ҳижрон, жаҳолатдан гапурмақ шунчалар,
Тўғри сўз тувғонга ёқмайдур дегон ўрнокмиз.

САФОҲАТ БАЛОСИ

Сафоҳат деб бузуқ ва ғайри машруъ ерларга сарфи умру мол қилмақни айтилуру. Сафоҳат энг ёмон хулқлардан саналган бир сифати замимадурки, кишини дучори яъсу надомат этмақдан бошқа, шуҳрат ва эътиборини ер ила яксон қилур ва ўринсиз ерга сарф қилинган нарсанинг қийматини қайтаруб олмақ мумкин ўлма-

диги (каби) сафоҳат дунёсига исроф қилинган азиз умр ва ҳаётининг-да иодасининг имкони йўқдур. Инсон ҳар ҳолда ўз нафсининг идорасини таъмин қилуб, бахтиёрона бир маишатга қодир бўлса, ҳақиқатан масъудияти инсониясини йўлга солган бўлур. Сафоҳат ёлғуз бир оиланинг эмас, бутун бир қавмнинг мол ва сарватини маҳв этмакка қодирдур. Ҳатто номус ва фазилатига махсус бўлган ҳурмат ва риоятини ҳам барбод қилур. Шунинг учун инсон кўрпасига қараб оёғ узатмаса, даромадига қараб харожат қилмаса, иқтисод йўлини риоят қилмаса нафсининг ёқасини сафоҳат қўлидан кутқаролмас. Мол ва ҳаёт қадрини билмаган ва кўрнамаклик қилган бўладур. Сафоҳат балосига мубтало бўлган кишиларнинг бошларига шундай бир қора кунлар келадурки, «Оҳ, сафоҳат, офатижон, балойи мол экансан», деб фиғон қилмак фойда бермайдур. Афсуски, манбаи вужудимиз бўлган ёхуд ҳақиқий онамиз бўлган ватанимиз, яъни тупроғимизни озгина баҳога сотуб, пучак пуллар олғанимизга ўхшаш, осори атиқаларимизни(нг) эвазина сохта ашёлара молик ўлдимиз каби бисотимизда бор илм ва маърифатимиз, мол ва сарватимизни(нг) ҳавойи нафсониямиз учун «гардкам» уруб, бой беруб, кўзимизга зийнатлик либосга ўралмиш фоҳиша хотун каби жилвагар ўлуб кўринган сафоҳат бозоридан бузуқ ва фасод ишларни сотуб олурмиз.

Ҳосили калом, инсон умриндан бир дақиқасини, молиндан биргина чақасини ўринсиз ва ғайри машруъ ерлардан бирига сарф қилса, бу дунёда хор, охиратда аламлик азобга гирифтор бўлишида шубҳа йўқдур.

Б а й т

Сафоҳат офатижондур жаҳонда,
Сафоҳат биздадур ушбу замонда,
Юқумли бир мараздандур сафоҳат,
Юқуб ондин туғулур ҳар фалокат.
Сафоҳат маҳв эдар умринг, ҳаётинг,
Умид этма сафоҳатдан нажотинг.
Сафоҳат айлагай молингни торож,
Бўлурсан охири номарда муҳтож.
Берубдур Ҳақ санга жуз ихтиёри,
Ризо эрмас, бузуқ корингга бори.
Азиз умрингни ғафлатда кечурма,
Сафоҳат жомини нафса ичурма.

Шариат йўлида қил истиқомат,
 Сафоҳат охири ҳасрат, надомат.
 Душун, жони азизинг эҳтиёт эт,
 Мусаффо йўл пай (ғ) амбар ортидан кет.
 Сафоҳат, ўйлама, ороми жондур,
 Бутун виждон ила жонга зиёнду.
 Фақирликни пула сотуб олурсан,
 Душунгил, душмана муҳтож қолурсан.
 Сафоҳат душмани номус, шонинг,
 Буюк бир офати руҳи равонинг.
 Қабоҳатдур, сафолатдур сафоҳат,
 На «Ҳижрон» лиғ, фалокатдур сафоҳат.

ҲАМОҚАТ

Ҳамоқат ақл ва маърифатнинг камлигиндан ҳосил бўладургон энг ёмон хулқларнинг биридур. Ҳамоқатнинг маънийи луғавийси балоҳатга яқин ўлдиғиндан баъзи ҳукамо аҳмақларнинг жаҳли мураккаб асҳобиндандур, демишлар. Аҳмақ кишиларни (нг) бир ишда ақлий ва нақлий далиллар ила кўндуруб бўлмас, ҳамон ўзум биларманлиғларидан айрилмаслар.

Ибн Сино ҳақим: «Очуқ ва моддий далил ила исбот қилинмаган бир нарсани инкор қилмак асари ҳамоқатдур. Оқил инсон бир масаланинг ҳар бир жиҳатини ўйлар, тадқиқ ва тафтиш қилур, қатъий ҳукм қилмоқда шошмас, маънавий жиҳатини ҳам тушунар. Далилсиз, ҳужжатсиз бир жумланинг қиёсини рад ё қабул қилмак аҳмақликдан ҳисобланур», — демиш. Аҳмақлик давосини топмак мушкил бўлган бир иллатдур. Луқмони ҳақим: «Ман ҳар бир маразнинг дафъини ва чорасини топдим, фақат аҳмақлик давосини тополмадим», — демиш.

Ҳар бир касалнинг давоси вордур,
 Аҳмақ касалини (нг) йўқ давоси.

Суқрот ҳақим: «Аҳмақ киши сукут ила аҳмақлигини ёпса, ўртача оқиллардан ҳисобланур эди. Лекин аҳмақлик ила сукут иккиси бир одамда жам келмас», — демиш.

Ахлоқ уламолари қошинда ҳамоқат жаҳолатдан ёмонроқдур. Зероки, жоҳилда фақат бир жаҳл бор. Аммо аҳмақда бир неча соҳиби ақлни алдайдургон ёлғон-яшшиғ сўзлар бўлурки, кўб кишиларни алдаб йўлдан чиқарадур. Жаҳолатнинг давоси илм ўлдиғи каби

ҳамоқатнинг дармони ақл ва фикрdir. Инсон ўз нафсига жабр этуб бўлса ҳам, назари диққат ила ибрат кўзини очмак учун саъй ва ғайрат қилса, аҳмақлик балосидан қутилуру. Тарбия, назариядан маҳрум бўлган инсон ҳар вақт фалокат ва ҳасрат тузоғига тутилуру.

Доруси йўқ деди ҳукамолар ҳамоқатинг,
Суду зиённи билмагай аблаҳ қиёфатинг.
Ҳар ким ўзини билмаса, билгайми ўзгани?
Қайғусина тушунмагай афроди миллатинг.
Жаҳл ўлса бир балодуру аҳмақ бедаво,
Ҳар иккисидур очғучи олому ғурбатинг.
Аҳмақ билурми, дин ила миллатни қадрини?
Аблаҳ билурми, қиймати меҳру муҳаббатинг?

АТОЛАТ

Атолат деб дангаса ва ялқовликни айтилуру. Атолат инсоннинг саодатлигини(нг) зўр офатидур. Танпарварликдан пайдо бўладургон ёмонлик маишат жиҳатидан наслга ҳам таъсир қиладур. Ҳар хил файз ва камолотдан маҳрум қилуб, кишини хор ва залил яшатмак ила баробар умр(и)и сафолат чуқурига иргитадуру. Киши ҳаёти борича, кучи еткунча чолишмоқға мукаллафдуру. Лекин дунёда ҳар бир саъйдан мақсуд бўлган самара дарҳол ҳосил бўлмайдур. Ҳалво деган ила оғиз сучимайдур. Шунинг учун саъй ва ғайрат асҳоби ҳар вақт жиддий ҳаракатда бўлуб, доимо саъй машруъада, сабот ва матонатда шавқ ва завқ ила давом қилурлар. Ҳар бир саъйнинг мукофот ва натижасини кўрмак мумкин бўлса ҳам, ул мукофотнинг зоҳир бўлиши, кўриниши етушган вақтдан маълум бўладур. Масалан, бир дарахтнинг меваси тўрт-беш йил тарбия қилингандан сўнг, мева етушдургони каби бир шогирднинг мактаб ва мадрасада саккиз-ўн сана доимий саъй қилганидан сўнг, емиш ва ҳосилоти илмияси зоҳир ва мушоҳида ўлунур. Шунга ўхшаш ҳар ишнинг самараси бир неча вақт чолишмоқ ва саъй қилмак сўнгидан зоҳир ва хувайдо бўлур. Алҳосил, ялқов ва ишсизликка хўй қилгон кишилар дунё ва охиратда моддий ва маънавий саодати инсониядан маҳрум ва бебаҳра қолурлар. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: — «Эй, Аллоҳ! Санга сиғинаман, қайғу ва ҳасратдан, довдираб қолув ва ялқовликдан,

бахилликдан ва қўрқоқликдан, қарз оғирлигидан, ҳам одамларнинг устин бўлувиндан (сақлагайсан)», — демишлар.

Атолат душмани жондур, ёмондур,
Чақар жисмингни, бир афъи йилондур.
Магас қувғин егай ялқовлиғидан,
Ари меҳнат қилур ороми жондур.
Бу дунёга киши ишловга келган,
Тузук тикмаса, косибга зиёндуру.

ХАСОСАТ

Хасосат деб тамаъ ва зиллатни бўйнига юклаб, ортуқча ҳирсини дунёга қўймакни айтилуру. Ҳирс ва тамаъга ифрот даражада юз тубан кетган бахил, қанча шону шараф соҳиби бўлса ҳам, нафсини (нг) ёқасини фақирона бир мазаллатдан ва хорликдан қутқаролмас.

Фақир ва муҳтожликдан сақланмак фикри ила бахил ва хасислик йўлини тутган кишилар ақл ва ирфон соҳиби саналмаслар. Зероки, хасислик соясида жаноби Ҳақнинг раззоқ ва халлоқи олам ўлдигини ёдларидан чиқаруб, зўр хатоларга дучор ўлурлар. Хасис ўлан инсон қанча зиллат ила жам қилган сарватиндан закот ва ушрини адо қилмакдан ожиз, саодати инсониядан маҳрум бўлуб, жазойи абадийга маҳкум бўлуру. Ипак қурти пилла ичида ўралуб ҳаётини маҳв қилуру. Қанча меҳнат ва машаққат ила ҳосил қилган ипагидан бошқалар фойдаланурулар. Шунга ўхшаш хасис инсон мол ва дунё жам қилмак ила ўралуб, овора ва саргардон бўлуб, азиз жонини бошқалар учун фидо қилуру. Дунё иззатидан, ҳаёт лаззатидан бебахра кеткони каби вафот вақтидаги надоматидан ҳам фойда йўқдуру. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Бор давлати ила аҳлу аёлига торлик қилган кишилар ёмон кишилардуру», — демишлар.

Хасислик бирла йиғган мулку молинг,
Ҳамач¹дек тўплаган ашё, манолинг²,
Лаҳад кирсанг, қолур ворисларингга,
Нечук кечгай сени ул кунда ҳолинг?
Китобингдан ҳисобни сан берурсан.
Халос ўлмак баиди эҳтимолинг.

¹ зиқна, хасис тимсоли.

² бойлик

РАХОВАТ

Раховат деб танпарварлик, ғайратсизликни айтилуру. Умид ва саъйнинг энг зўр душмани раховатдурки, ҳиссиёти ғайратпарваронамизни маҳв ва барбод этар ва бир неча маъюсона фикр ва хаёлларга дучор ва гирифтор этар.

Ибн Сино ҳақим: «Саъй ва ҳаракат ила ўлмак мавти мусаммо¹дур. Раховат ила жон бермак ажали қазодур. Ғайратсизлик тирик ўлукдан иборатдур. Ўлукларнинг макони тириклар орасида эмас, тупроғ орасидадур», — демиш.

Луқмон ҳақим: «Танпарварлик умид ва муваффақиятнинг қувватини кесадурган бир мараздур. Саодати инсониядан маҳрум бўлуб, маъюсона яшамак раховат, ғайратсизлик асаридур», — демиш.

Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳга сиғинингиз! Фақирликдан ҳам муҳтожликдан, ҳам кишига зулм қилмакдан, ўзингизга зулм қилдурмакдан (сақланинг)», — демишлар.

Кишига дангасалик шаън-шарофатми верар?
Ялқов инсон кишига хайру саховатми верар?
«Бўлмаганларга бўлишма» — дейдилар боболариз,
Бўлса ғайратсиз агар, миллата хизматми верар?

АНОНИЙАТ

Анонийят деб худбин, мутакаббир, манманликни айтилуру. Манманлик жоҳиллона кибру ғурурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишини ҳар ерда маъюс ва маҳжуб қилуру. Керак инсон ўзини оламга тонутмасун, керак бўлса олам ўзини тонуб олсун. Бу сифат эса ёмон хулқлардан ҳузур қилган кишиларгагина муяссар бўладур. Кеккаюб ўсуб кетган дарахт яхши мева қилмагани каби кибр ва манманликдан фазилат ҳосил бўлмас. Ахлоқи яхши инсонлар ўзларидаги фазлу камолот асарини халойиқга хуш хулқлик ва тавозуъ ила кўрсатурлар. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ибодатнинг афзали тавозуъдур», — деб, бизларга кибру манманликни қандай зиллат ва хорлик ўлдиғини баён қилмиш-

¹ шарафли ўлим

лар. Алҳосил, кибр ва манманлик балосига гирифтор бўлган кишилар қаю ерда бўлса бўлсун, дучори ажзу ҳақорат бўлурлар.

Азозил кибр қилди, бўлди шайтон,
Такаббурлик қилурми оқил инсон?
Тавозуъ пеша қил, аслингни қил ёд,
Вужудинг хок эрур, эй одамизод!

АДОВАТ

Адоват деб бировга хусумат ва душманлик қилмакни айтилурур. Адоват виждонни(нг) беҳузур қиладургон энг ёмон хулқлардан ўлдигини инсон яхши билса эди, ҳеч вақт азиз жонини аламлик азобга гирифтор қилмас эди.

Суқрот ҳақим: «Ман душманам бўлгон бир одамга адоват қилмайман. Зероки, манинг адоватим душманнинг хусуматини зиёда қиладур. Ман адоватга қарши дўстлик ила муқобала қилуб, хусуматни(нг) муваддатга айландуруб, душман кишиларни ўзумга эл қиламан», — демиш.

Афлотун ҳақим: «Дилдаги адоват темирдаги зангга ўхшар. Занг темирни егани каби адоват қалбни азобга соладур», — демиш. Ҳазрати Муҳйиддин: «Хусумат ва адоватдан қутулмоқ, бировга жабру зулм бўладурган ишдан эҳтиёт бўлмак, душман пайдо қиладургон ҳаракотдан эҳтироз қилмак ила бўладур. Ман ҳеч кимга адоват қилмоқга лузум кўрмадим, чунки ҳозиргача ман ҳеч душманга учрамадим», — демиш.

Алҳосил, ёмон хулқларнинг ёмони бўлгон адоват шундай бир ёмон сифатдурки, барча бузуқ ишларни(нг) туғуб, катта бўлуб чиқадургон ери адоватдур. Адоват эса нафсониятдан пайдо бўлур. Нафсоният эса фаришталарнинг устои ўлан азозилга Шайтонур-ражим исмини берган шоёни эҳтироз бир сифати замимадур. Адоват ила нафсоният иккиси тарбиясиз дилга ҳосил бўладурган бир иллоти жисмониядурки, бунинг биринчи иложи виждон ва инсоф узра ҳақимона тадбир ва ҳаракотимизга боғлидур. Ҳаммага очуқ ва ойдиндурки, адоват дарахти хусумат мевасини чиқарур. Агар адоватни кесуб ташлаб ўрнига мухоласат новдаси уланса ва бу сояда муҳаббат ва улфат меваси нишона қилур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам

афандимиз: «Аллоҳ таолони суймаган одам хусумат ва даъвосинда қаттиғлик қилган одамдур», — демишлар.

Адоват балоси бизларни нетди,
Адоват қилма деб ҳақ бизга айтди.
Зидлик қилдук, мол ва давлатлар кетди,
Молдан ўтуб, охир жонларга етди.

НАМИМАТ

Намимат деб сўз юритмак, чоқимчиликни айтилур. Наммомлик фасод ахлоқдан туғуладургон ёмон хулқларнинг биридур. Наммомлик нифоқ ва фасоднинг асоси ўлдиғи учун бу ёмон сифатни ўзига маслак қилган кишилар халқ назарида мунофиқ ёд ўлунурлар. Икки мўъмин орасида сўз юрутуб, бирини(нг) бирига душман қилуб, икки арога нифоқ ва адоват оташларини солуб, бир-биридан жудо ва хонавайрон қилмакни дилида зарра қадар иймон ва инсонияти бор инсонларнинг виждонлари асло қабул қилмаса керак. Баъзи адоват ва ҳасадчи кишилар бировнинг шаънида йўқ сўзларни ифтиро ва бўҳтон қилуб, ул кишини(нг) қадр ва обрўсини тўкмак ва эътибордан тушурмак ниятида ҳар кимга сўзлаб юрурлар. Мундай кишиларни(нг) шариятда шаҳодатлари мақбул эмасдур, ҳамда уйдурма сўзларининг ҳақиқати билинуб қолуб, бировга қазиган чуқурларига ўзлари йиқилуб, халқ орасида чоқимчилик исми ила ёд ўлунуб, тезгина қадр ва эътибордан тушуб қолур. Қалби пок, виждони саломат ўлан инсон бу каби ҳийла ва тазвирдан тилини тияр. Чунки мундай фасод ахлоққа мубтало бўлган арбоби нифоқ фақат халқ қошида эмас, жаноби Ҳақ назаринда ҳам суюмсиздур.

Наммом ва ғийбатчи кишилар дарахт илдизига тушган бузоғбош каби халқ оросида иттифоқ ва ўлфатнинг ковокини кемуруб, умумий халқ ва миллатнинг яшамоғи учун лозим бўлган муҳаббат дарахтини емурурлар. Бировни ёмонламак, ёлғон сўйламак, ҳақиқатни беркитмак, мудоҳана йўлига кетмак, шаръан ҳаром бўлган ғийбатни иртикоб қилмак бўладур. Шахсий ғараз ёхуд манфаати шахсияси учун бир кишидан эшитган сўзини ўз мақсадига мувофиқ бир неча турли маънолар ила бузуб сўйламак зўр айб ва гуноҳдур.

Ҳосили калом, ўз жинсига ёмонлик қилмак ва ёмон сўзлар ила ёд қилмакни одат қилган кишилардан қочмак ва ҳазар қилмак лозимдур. Расули акрам набиййи

муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Асҳобимдан бири иккинчисининг сўзин кетурмасун, зероки, ман Сизга садрим саломат, қалбим роҳат ўлдиғим ҳолда учрамакни суярам», — демишлар.

Ҳукамолардан бири: «Мол ва ашё ўғриларидан кўпроқ одамлар орасидан дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдурган одамлардан сақланмак лозимдур», — демиш.

Б а й т

Чоқимчилар бузар улфат ҳисорин,
Нифоқа ўғратур миллатни корин.
Чоқимчи тил ёмон аждар тилидан,
Солур жонға аламлик захри морин.
Ёмон тил минг тилим бўлғони яхши,
Сочар уммат аро кину ниқорин.
Ёмон тил соҳибининг душманидур,
Йўқотгай шаъну шавкат эътиборин.

ҒИЙБАТ

Ғийбат деб бир кишининг камчилик ва қусурини орқасидан сўйламакни айтулур. Ғийбатни сўйламак ҳаром ўлдиғи каби эшитмак ҳам ҳаромдур. Киши ўз нафсига лаззат умиди ила бировни(нг) ғийбат қилуб, этини чайнамак гуноҳ ҳам инсоният номина ярашмаган энг ёмон ахлоқи замималардандур.

Инсон бошқа гуноҳларни нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ёки бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки сўз боруб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. Ғийбатчидан ўч олмак фурсатини пойлар. Шундай қилуб, ғийбат соясида икки мусулмон орасига зўр душманлик тушар. Охири ўлумгача боруб тиралур. Шул тариқа ғийбатдан туғилган адоват чўзулмоқға оид бўлуб, душманлик зўраюб, ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азият умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадургон миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқалувиға сабаб бўлурлар.

Алҳосил, қайси бир миллатнинг орасида бирлик кўтарилуб, нифоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзланганлиғи тарих саҳифала-

ридан маълумдур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ғийбатдан сақланингиз, ғийбат зинодан ҳам ёмонроқдур»,—демишлар.

Агар журму гунаҳ бўлсун десанг оз,
Тилингни сақла ғийбатдан қишу ёз.
Қулоқға пахта тик, ғийбат эшитма,
Шикоятчи кишига бўлма дамсоз.

ҲАҚОРАТ

Ҳақорат деб бир кишининг нафсига, иффатига тегадургон сўзлар ила қадр ва эътиборини тушурмак ниятида ёмон муомала қилмакни айтилар. Уламолар диний китобларда: «ташбиҳи зино гуноҳи кабирадур — бировни ҳақорат қилиш улуғ гуноҳлардандур», — демишлар. Лекин бизларнинг орамизда хотун, қизга борушуб, бир-биримизни ҳақорат қилмак одат ҳукмига кирмишдур. Бунинг сабаби ахлоқсизлик, гуноҳ ва савобни фарқ қилмағонимизнинг самарасидур. Ҳақорат таҳқир қилинган кишининг дилига ўрнашуб, шундай ёмон жароҳатларни очурки, фурсатни ғанимат топуб ўч ва интиқом олмагунча тузалмайдур. Расули акрам набийи муҳтарам афандимиз: «Икки одам бир-бирини сўкса, гуноҳи бошловчига бўлур. Магар қарши бўлган киши ортуқ кетса, ҳар иккиси ҳам гуноҳда ўртоқ бўлурлар». Яна: «Муъмин қариндошини сўкмак фосиқлик, онлар ила урушмак куфрдур», — демишлар. Шул хусуда Мирзо Бедил:

Зи ҳарфи но мулойим заҳмати дилҳо машав Бедил,
Ки ҳар жо жинси санги ҳаст, бошад душмани айно.

Таржимаси:

Ёмон сўзлар илан дилларга заҳмат бермагил, Бедил,
На ерда тошни жинси бўлса, бўлғай шишага душман
деб, инсонларнинг дилини шишага, ҳақорат ва ёмон
сўзларни тошга ташбиҳ қилуб, ёмон сўз кишининг
шиша каби нозук дилини парча-парча қиладур, — де-
мишлар.

ҚАРИМТАЛИК ДУНЁДУР

Мол ва дунёга мағрур бўлуб, ҳар кимга ҳақорат кўз ила қараган кишилар тезгина ўзлари ҳам хор ва ҳақоратга дучор бўлурулар. Ҳақорат ва бировни хўрламак сўз ва иш ила ўлдиғи каби қалам ва ёзув ила ҳам бўладур. Баъзи адаб ва тарбиядан маҳрум муҳаррир ва шоирлар бўладурки, дилларига келган нарсаларни қайтармасдан, ахлоқ ва адабни риоя қилмасдан, хулқдан ибo қилмасдан, бачча ва жувонлар шаънига мувашшаҳми, ёки бир мўъмин биродарларининг ҳақида ҳажв ва истехзоми ёзуб, матбуот ва адабиёт дунёсини ифлос ва мулаввас қилмак ила баробар ўзларига ҳам-суҳбат бўладургон ёшларнинг ахлоқини бузулмоғига сабаб ва намуна бўлурулар.

Кўп ўтурма ёмоннинг суҳбатида,
Пок бўлсанг, сени қилур ифлос.
Кўр, нечук офтоб равшандур,
Хира қилса булут, кўруб бўлмас.

ЖИБОНАТ

Жибонат деб қўрқоқ ва юраксизликни айтилуру. Қўрқоқ кишилар ваҳм ва хаёлот асири бўлуб, бир ишни ишламакга жасорат қилолмаслар. Қўрқоқлик энг ёмон хулқларнинг биридур. Чунки қўрқоқ кишиларнинг сўз ва ваъдаларига ишонуб бўлмагани каби йўл ва сафарда ҳам ҳамроҳ бўлмак хатодур. Зероки, юраксиз кишиларда сабр ва сабот, журъат ва матонат каби яхши сифатлар бўлмайдуру.

Қўрқоқликни(нг) боши тарбиясизлик ўлдиғи каби охири ўлумдуру. Бирдан бир нарсадан қўрқуб, юраги ёрилиб, ўлуб қолган қўрқоқлар ҳам бўладур. Шулу хусусга биз, туркистонликлар, ҳеч аҳамият бермаймиз. Болаларимизни яхши тарбия қилмаймиз, «ана ола бўжа келвотти» деб қўрқоқ ва юраксиз қилуб ўстурамиз. Шунинг учун бизларнинг болаларимиз ҳеч нарсага жасорат қилолмайдуругон, кеч бўлса уйдан эшикга чиқолмайдуругон, ҳатто ўзининг соясидан қўрқодуругон юраксиз бўлуб ўсадур. Булар киши бўлганда ҳам фойдалик ишларни ишловдан маҳрум бўлуб, фақир ва муҳтожликда қолурулар. Бас, қўрқоқлик соясида ўзларига энг бўлмаган юраксиз кишилар дин ва миллатга бўй бў-

лолмасликлари табиийдур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Дунёлар йиғдуруб, оҳ-воҳ чекдуруб, қайгуга соладургон бахиллик каби юраги ёрилуруб даражада қўрқоқлик каби эр кишида бўлгон сифатларнинг ёмони йўқдур», яна: «Қўрқоқ савдогар ҳар замон фойдадан маҳрум бўлуруб. Жасоратли, баҳодир савдогарларнинг доимо ризқи ортар», — демишлар.

ҲАСАД

Ҳасад деб бир одамга жаноби Ҳақ тарафиндан берилган неъмат ва давлатнинг заволини тиламакни айтилуруб. Гийбат, бўҳтон, сўъизан каби ёмон хулқлар ҳасаддан туғилуруб.

Ҳасад ахлоқи замималарнинг энг зарарлигидур. Жаноби Ҳақ Қуръони каримда «Ва мин шарри ҳосидин изо ҳасад» деб ҳосиднинг шарриндан ўзига сиғинмоқни амр этмишдур. Ҳукамолар ҳасадни(нг) оташга ўхшатмишлар. «Оташ ўзидан-ўзи ёнуруб кул бўлгани каби ҳасудларнинг ҳасади ҳасад ўти ила эруб маҳв ва барбод бўлуруб», — демишлар. Ҳасаднинг ёмонлигининг сабаби Аллоҳ таолога қаршу эътироз ўлдигиндадур. Зероки, ҳасуднинг «Оҳ! Фалончининг мол ва давлати, иззат ва саодати манда бўлса, роҳат ва сафони ман сурсам эди», зимниндаги хаёлоти ҳарисонаси жаноби Ҳақнинг ўлчаб берган ризқиға қаноатсизлигининг нишонасидур. Ҳолбуки, жаноби Ҳақ бир неъматни бировға абас ва бекорға эҳсон қилмайдур. Бунинг сир ва ҳикмати ўзининг илми азалийсига маълум шайлардандур. Банда ҳасад қилгани ила йўқ, ёрдам қилгани ила бор қиллолмайдур.

Алҳосил, ҳасуд доимо яъс ва ҳасрат орасида умргузаронлиғ қилуруб. Қанча молу дунёға молик бўлса, яна ҳасадиндан фароғат ва роҳат юзини кўрмасдан дунёдан кетар. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Мўмин гибта қилуруб, мунофиқ эса ҳасад қилуруб», — демишлар.

Гибта деб бир одамнинг даража ва молини(нг) заволини орзу қилмай, «кошки мен ҳам шундай бўлсам эди», — орзусида бўлмоқни айтилуруб. Гибта эса мазмум эмас, мамдуҳ бир сифатдур.

Инсон дунёда яхши ишларға гибта қилуруб, ўрناق олуруб, ўзини саодати абадияға эришдируруб. Ҳазрати Али:

«Ҳасад ҳосиднинг адоватиндан, кибр ва шақоватиндан пайдо бўладургон ахлоқи замимадур. Шунинг учун ҳасуд доимо азоби руҳоний ичинда яшар. Бир кишининг саодатини кўргон замон ҳасад оташига ёнар. Ҳосидга мундан қаттиғ жазо бўлурми?», — демишлар.

Сукрот ҳаким: «Ҳасадчи киши бир он ва бир замон роҳат ва фароғат юзини кўрмас. Дунёда қанча меҳнат ва мусибат бўлса, барчаси ул бечорани ўраб олмишдур», — демиш.

Арасту ҳаким: «Дунёда ҳаммадан ҳосиднинг юки оғирдур, чунки ул бечора бутун дунёдаги шод ва масрур одамларнинг қайғуларини ўз устига юклаб юрадур», — демиш. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ҳасад қилувчилар, сўз юрутқувчилар, ғайбдан хабар бергувчилар мандан, ман ҳам онлардан эмасман», — демишлар.

Б а й т

Бутун бўлмас ҳасуднинг парча нони,
Куяр ҳосидни доим жисму жони.
Ҳасадчи хоҳ фақир ўлсун ва ё бой,
Ҳасад норила ёнгай устихони.
Очар доим куюб мақсуда ҳосид,
Чиқар тандан азиз руҳи равони.

КИЗБ

Кизб деб ёлгон сўзни айтилуру. Ёлгончи кишиларни каззоб дейилуру. Пайғамбаримиз: «Ал каззобу ло уммати» — ёлгончи менинг умматимдан эмасдур», — демишлар. Жаноби Ҳақ Қуръони каримда: «кизбни иймони йўқ кишилар сўйларлар», — демишдур. Оқил ва диёнатлик кишиларга ёлгон сўзлардан тилларини сақламак ила баробар, авлодларини ёлгонга одат қилдурмасдан тарбия қилмаклари энг муқаддас вазифайи инсонияларидур.

Баъзи ўғриликка одат қилгон ўғрилар бўлуру эмишки, бировнинг молини ўғирламоқға қодир бўлмасалар, ўз молларини (нг) ўғирлар эмишлар. Шунга ўхшаш ёшлиқдан ёлгонга хўй қилгон ва ёлгондан лаззат олгон кишилар бировни алдамак гуноҳлигини билсалар ҳам «тарки одат амри маҳол» мафҳуминча тилларини ёлгондан тиёлмаслар.

Баъзи вақтларда ўз оилаларини ҳам вайрон ва па-ришон қилмакдан тортинмаслар. Ҳеч бўлмаса наммом-лик ва мудоҳана йўлларига икки мўъмин орасига ни-фоқ ва адоват солуб, ҳатто бутун бир оиланинг бузули-шига сабаб бўлурлар.

Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: «Ёлғондан сақланингиз, чунки ёлғон иймондан йироқдур», — демишлар. Пайғамбари-миз фақат уч ерда ёлғоннинг мубоҳлигини баён қилуб, «бири муҳораба замонида, иккинчи эр ва хотунни ризо қилмоқда, учинчи икки мўъмин орасини тузатмакда ёл-ғон сўйлов жоиздур», — демишлар.

Б а й т

Агар қилса киши ёлғонга одат,
Разолатда яшаб чекғай надомат.
Халойиқ ичра бўлмас эътибори,
Тегар бошига чўқ санги маломат.
Киминг бўлса агар ёлғончи исми,
Бу исми ўзга бўлмас то қиёмат.
Ишонмас эл ёлғончининг сўзига,
Агар бўлса сўзи кашфу каромат.

НИФОҚ

Нифоқ деб кишининг олдида бир хил, орқасидан бош-қа хил сўзланадургон сўзни айтилур. Мундай сўзларни сўзловчи икки юзлама кишиларни (нг) мунофиқ дейилур. Баъзи ҳийлакор, кўрнамак, ёлғончи мунофиқлар бў-лурки, манфаати шахсиялари учун сизни қурбон қилур. Ош ва нонингизни емак учун олдингизда изҳори дўст-лик ва миннатдорлик қилуб, орқангиздан сирру асро-рингизни душманларингизга элтуб, ғийбат ва шикоя-тингизни қилуб, алардан ҳам ўз нафсига бир ҳисса чиқарур. Мундай мунофиқлар дўстлик ва иттифоқнинг душмани ўлдиғиндан дунёда иззат, охиратда роҳат юзи-ни кўрмаслар. Ҳар вақт инсонлар орасида тўғри сўзлик, оқ кўнгилик яхши кишилар ўлдиғи каби мунофиқ, икки юзлик кишиларнинг бўлиши табиийдур. Шунинг учун ҳар ҳолда ақл ва тажриба соясида эҳтиёт узра ҳаракат қилмак, оқ ила қорани, яхши ила ёмонни, дўст ила душманни аюрмак, қалби пок, хулқи тоза, ахлоқи яхши кишилар ила ҳамнишин бўлмак, икки юзлама,

ахлоқсиз, ҳаром-ҳаришни фарқ қилмайдургон мунофиқлардан ҳазар қилмак ва жирканмак лозимдур.

Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Бир одам икки юзлик бўлса, қиёмат кунда тили ўздан бўлур», яна: «қайси киши мусулмонлар орасига жудолиғ солса, биздан эмасдур», — демишлар.

Б а й т

Мунофиқ ёд ўлунса исми покинг,
Жаҳон бўлгай жаҳими ҳавлнокинг.
Ҳаётинг ранжишу кулфатда барбод,
Тузалмас то қиёмат бағри чокинг.
Кезарсан дарбадар ғурбат чекиб зор,
Белинга етмагай асло этокинг.

ТАМАЪ

Тамаъ деб бировдан бир нарса умидвор бўлмакка айтилуру. Аъзо ва жавоҳирлари саломат, куч ва қувватлик кишиларга тамаъ қилмак ҳаром, ожиз ва нотавон, кучсиз кишиларга мубоҳдур.

Тамаъ балосига гирифтор бўлган кишиларда номус ва ҳаё деган яхши сифатлар бўлмайдуру. Ҳозирги замонда орамизда тамаъ нони бирла қорни тўйғузадургон кишиларнинг ҳисоби йўқдур. Агар буларнинг биридан: «биродар сени оёқ-қўлинг бутун, танинг соғ, тамаъ қилмак санга ҳаром эмасми?», — деб савол қилинса, «қандоғ қилай, ота-бобомни(нг) касби тиланчилик эди, ман ҳам тамаъ орқасидан овқот қилурман», — деб тамаъни касбга иснод беруб, турлук-турлук баҳоналар баён қилур. Шариатда мундай кишиларга тамаъ орқасидан касб қилмаклари мамнуъдир. Алҳосил, тамаъ нони ила суяги қотган, иш ва касбга бўйин қўймай, дангаса ва ялқовликка ўрганган ва одат қилган кишиларнинг ўзларидан яхшилик умиди ўлмадиғи каби болаларидан ҳам яхшилик кўруб бўлмайдуру. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Киши қўлинда бўлган нарсага қизиқма! Тамаъдан сақла! Зероки, тамаъ ўзи ҳозир бир фақрдур. Намозингни адо қил! Сўнгиндан узр истарга тўғри келадургон ишлардан сақлан», — демишлар.

Б а й т

Бўлмагил мубталон дучор тамаъ,
Айлар инсонни хору зор тамаъ.
Йўқ қилуб ҳиммату қаноатни,
Оладур алдан ихтиёр тамаъ.
Нони миннат учун эгур бўйнинг,
Қиладур кўзни интизор, тамаъ.
Юздан откай ҳаёу шармингни,
Ғайратнинг куйдурад нор, тамаъ.
Ҳирси дунё қилади Қорундек,
Ҳотам исминг ютар мори тамаъ.

ЗУЛМ

Зулм деб бировни (нг) жонига ёки молига зарар ет-
турмакни айтилуру. Жаноби Ҳақ бутун ер юзидаги ин-
сонларни ҳуқуқда мусовий — баробар қилуб яратмиш-
дур. Мансаб ва давлатга, куч ва қувватга мағрур бў-
луб, бировнинг ҳақиға таарруз ва тажовуз қилмак зулм-
дур.

Катталикнинг иззати зулм ва тааддида эмас, шаф-
қат ва марҳаматдадур. Кичикликнинг лаззати нафрат
ва қаршуликда эмас, садоқат ва ҳурматдадур. Шул
хусусда Шайх Саъдий:

Ғами зери дастон бехўр, зинҳор,
Батарс аз забардасти рўзгор.

Таржимаси:

Қувватсизлар ғамин еб юр ҳамиша,
Қувватликлардан этгил хавф пеша!

деб кичикларни иззат қил, катталарни ҳурмат қил,
маолиндаги ҳикмат ва ибратлик шеъри балиғасини сўй-
ламишлар.

Дунёда мазлумнинг оҳи (дан) ўткир нарса йўқдур.
Мазлумнинг дуоси ижобатга яқиндур. Қўрқмак ва ҳа-
зар қилмак лозимдур. Боболаримиз: «пичоқни ўзингга,
оғримаса, бошқага ур», — демишлар.

Бир киши зулмнинг ёмонлиғини билмак учун бошқа
бир одам тарафидан ўз нафсига қилинса, чекадургон
азобини ўйласа, ёмон фанолиги очиқ маълум бўладур.
Ўткан замонлардаги ҳукуматларнинг барпоси адолат
ила пойдор ўлдиғи каби, инқироз ва барбоди ҳам зулм
ила пойтахтга етуб ва ул золим ҳукуматларнинг та-

рих саҳифаларида фақат исмлари қолганлиғи ҳамма-нинг маълумидур. Расули акрам набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Эй бандалар! Аллоҳдан қўрқингиз, Аллоҳни исми ила онт ичманки, бир мўъмин бир мўъминга зулм қилса, Аллоҳ таоло қиёмат кунида ул одамдан ўч олур», — демишлар.

Б а й т

Адолат оби ҳаёту, ситам эрур зулумот,
Бу зулмат ичра киранларга йўқ ҳаёт ва нажот.
Ҳазон замони келса, гулистон йўқ ўлгондек,
На ерда ҳукм сураб зулм, маҳв ўлур баракот.
Харобазора дўнур зулм ила билод обод,
Яшар у манзили вайронада бойқуш, ҳашарот.
Агарчи шоҳу гадо иккиси олур бир гўр,
Қафандан ўзгаға етмас бутун кучу ҳаракот.
Ўзингдан ожизу кучсизлара ситам қилма,
Қимки золим эрур, кўрмагай улуғ даражот.
Ҳазар қил оҳидан, афғонидан у мазлуминг,
Бир оҳ бирла солур бошингга бутун арасот.
Худони ёдида бўл, бўлмагил дилозори,
Элан Аллоҳингга, Ҳижрон, талаб қилуб ҳажот.

Котиб:

Абдулманнон ибн Абдулмажид (Уйғур)

БИР-ИККИ СЎЗ

Бан бу асари ночизонами бир неча муаллим биродарларимнинг илтижолари ила ёзмоқ ва нашр қилмоқға ғайрат ва жасорат қилмиш эдим. Алҳамдулиллоҳ валминна иккинчи табъина-да муваффақ ўлдум.

Чунки Туркистон мактабларида ўз шевамизда ёзилмиш мукамал «Ахлоқ» китобининг йўқлиғи афроди миллатнинг шундай бир асарга ташна ва муҳтож эканлиғи, ўзум муаллимлар жумласидан ўлдиғимдан, манга ҳам очиқ маълум ўлди. Шунинг учун кўп вақтлар тажриба сўнгидан адиби муҳтарам шайх Саъдий усулида ёзмоқни, гарчи оғир иш бўлса ҳам, ўзимга муқаддас бир вазифа адо қилароқ, бу камчиликни орадан кўтармакни муносиб кўрдим.

Ва шул мақсадга мабни ҳар бир сўзнинг охирига,

икки-уч банд шеър ҳам ёздим ва бу ёзган шеъримни (нг)
орасида баъзи арабий, форсий шеърларнинг таржима
ва мазмуни ҳам кўрилур.

Маорифпарвар муаллим биродарларим мени бу
асари ожизонамни илтифотсиз қолдурмай, бу хизмати
ночизонамни кўздан кечуруб ва бундан сўнг ҳам қа-
ламим ила нашр ўлинажақ китобларни лутфан май-
дони таълима қўймақ ила баробар табиий ўлан нуқсон-
ларини танбеҳ ва танқид қилмакда ҳиммати маориф-
парвароналарини бандадан дариг тутмасалар эди,

*Тошканд, Абдулла Авлоний,
тахаллус «Ҳижрон».*

МУХТАСАР ТАРИХИ АНБИЁ ВА ТАРИХИ ИСЛОМ*

Одам алайҳис-саломдан Муҳаммад алайҳис-саломгача
ораларинда ўтган пайғамбарларнинг қиссалари ва
зуҳури ислом

Бу китоб ибтидоий мактабларнинг учинчи ва тўртинчи
синф шогирдларина махсусдир.

* Биринчи марта 1910 йилда Мунавварқори томонидан Тошкентда Ильин босмахонасида босилган. Сўнг Зоқирхон Афзалов Шоқирхон ўғли томонидан 1994 йилда «ФАН» нашриётида чоп этилган. Биринчи нашри асос қилиб олинди.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ояти карима: Наҳну нақуссу алайка аҳсанал-қасаси бима авҳайна илайка ҳазал-қуръана ва ин кунта мин қаблиҳи ламинал ғофилин¹.

Маъноси: Эй Муҳаммад! Биз Қуръонни санга ваҳий қилуб, қиссаларнинг гўзалини ҳикоят қиламиз, агарчи биз қисса қилмасдан илгари бул гўзал қиссалардан хабарсиз бўлсанг ҳам.

Биринчи пайғамбар

ҲАЗРАТИ ОДАМ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Жаноби Ҳақ одамни бор қилуб, отамиз Одам алайҳис-саломни лойдан яратуб жон берди. Фаришталарни ушбу Одамга сажда қилурға буюрди. Фаришталар сажда қилиб, иблис сажда қилмади. Шул сабабли Аллоҳ таоло даргоҳидан қувлануб, малъун ўлуб, одам болаларига душман бўлди. Сўнгра жаноби Ҳақ ҳазрат Одамнинг чап қобирғалариндан онамиз Ҳавони яротуб, иккиларини жаннатга қўйуб, буғдойдан емангиз, деди. Душман шайтон бир ҳийла ила жаннатга кируб, васваса қилуб: «Агар буғдойдан есангиз, доим жаннатда қолурсиз», деб алдаб иккиларин ҳам едирди. Шул сабабли жаноб Ҳақ аларни жаннатдан ерга тушурди. Ҳазрат Одам Ҳиндистонга яқин (Сарандиб) отосига², ҳазрат Ҳаво Маккаи Мукаррама ёнидаги Жидда тоғига тушдилар. Ҳазрат Одам жаннатдан чиққонларига кўп вақт йиғлаб, қилғон гуноҳларига тавба қилдилар. Ҳақ таоло тавбаларини қабул қилуб (Маккага бор деб) амр қилди. Маккага бориб Ҳазрат Ҳаво ила топишуб, бирга яшадилар. Онамиз момо Ҳаво ҳар туғушда бир қиз, бир ўғул туғуб, фақат Шис алайҳис-саломни ёлғуз туғдилар. Тамрин³.

¹ Қуръони каримнинг 12-«Юсуф» сурасидаги 3-оят.

² Ҳозирги Шри Ланка (олдинги Цейлон).

³ Ҳар бир қиссага тамрин (саволлар) илова қилинган. Тушириб қолдирилди.

ҚОБИЛ ИЛА ҲОБИЛ

Одам алайҳис-саломнинг Қобил ила Ҳобил исмли икки ўғиллари бор эди. Қобил ўзи бирла туғушган Иқлима исмли синглисини олмоқчи бўлди. Одам алайҳис-салом ўз шариятлари узра Ҳобилга бермоқчи бўлганларида Қобил рози бўлмади. Одам алайҳис-салом «Иккинги ҳам Аллоҳ таолога қурбон сўйунгиз, қайсиларингизни (нг) қурбонингиз қабул бўлса, Иқлимани ул олур», — дедилар. Қурбон сўйдилар. Ҳобилники қабул бўлди, Қобил ҳасад қилуб, Ҳобилни тош бирла уруб ўлдуруб, ерга кўмди. Жаноб Ҳақ Одам алайҳис-саломни ўз болаларига пайғамбар қилуб, 10 саҳифа китоб юборди. Минг йил яшаб, жума куни вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Сарандибдадир. Бир ривоятда Маккада—Абу Қубайс тоғиндаги горда дейилур. Ҳазрат Ҳаво ҳазрати Одамдан бир йил сўнгра вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Жилда тоғиндадир.

Иккинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ШИС АЛАЙҲИС-САЛОМ

Одам алайҳис-салом вафотларидан аввал Шис алайҳис-саломни яхши кўруб, барча болаларига подшо қилуб қўймиш эдилар. Вафотларидан сўнг жаноб Ҳақ Шис алайҳис-саломга пайғамбарлик беруб, 50 саҳифа китоб юборди. Шис алайҳис-салом Каъбаи муаззамани тош ва лойдан бино қилдилар. Аллоҳга осий бўлган Қобилнинг авлоди бирла урушдилар. Одам болалариндан энг аввал қилич бирла урушган ҳазрат Шисдурлар. Болалари ниҳоятда кўпайгандан сўнг тўққуз юз ўн икки ёшларинда вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Маккаи мукаррама ёнида Абу Қубайс тоғиндадир.

Учинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ИДРИС АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ҳазрати Одам болалари орасинда тўғри йўлдан чиқуб, бутларга чўқунмоқ каби ёмон ишлар кўпайди. Ҳақ таоло аларни тўғри йўлга солмак учун Идрис алайҳис-саломга пайғамбарлик беруб, 30 саҳифа китоб юборди. Ҳазрат Идрис қавмларини тўғри йўлга солуб, халқни уламога, подшога, амирга, авомларга тақсим қилдилар. Ер юзинда

аввал кийим тиккан, қалам бирла хат ёзгон Идрис алайҳис-саломдирлар. Бундан аввал Одам болалари ҳайвон терисига қоплануб юргандилар. Идрис алайҳис-саломга кўкларнинг асрори очилуб, жаноб Ҳақ тирик ҳолларинда юқори маконга кўтарди, ул вақт уч юз олтмиш ёшда эдилар.

Тўртинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ НУҲ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Идрис алайҳис-саломдан сўнг одам болалари орасинда тўғри йўлдан чиқуб, бутларга чўқинмак каби ёмон ишлар кўпайди. Жаноб Ҳақ аларга тўғри йўлни кўрсатмак учун Нуҳ алайҳис-саломни пайғамбар қилуб юборди. Ҳазрат Нуҳ қавмларини иймонга даъват қилдилар, фақат уч ўғиллари ила саксон киши иймон келтурди. Бошқаларига насиҳат қилсалар изо ва жафо қилдилар. Аларни иймонлариндан умид узуб, жафоларига сабр қилолмай, дуои бад қилдилар. Дуолари қабул бўлуб, Аллоҳ тарафиндан: «Кема яса», — деб ваҳий келди. Нуҳ алайҳис-салом кемани бир ҳоли ерда тайёр қилгонлариндан сўнг тўфон аломатлари пайдо бўлди. Ҳазрат Нуҳ мўминларни олуб, ҳам ҳар хил ҳайвонлардан бир жуфт олуб, кемага тушдилар. Ём исмли ўғиллари: «Ман тоғга чиқуб қутулурман», — деб турган замонда бир тўлқун пайдо бўлуб ҳалок қилди. Бутун ер юзи сув бирла тўлди, сув баланд тоғлардан ҳам ошуб, ер юзиндаги барча инсонлар ва ҳайвонлар ҳалок бўлдилар. Тўфон олти ой давом этуб, сўнгра сувлар камайди. Нуҳ алайҳис-саломни кемалари Эронистонда (ги) Қорабоғ деган ерда (Жуди) исмли тоғда тўхтади. Кемада уч ўғиллариндан бошқа инсонлар ҳалок бўлдилар. Ҳозирги инсонлар ҳазрат Нуҳнинг (бу) уч ўғиллариндан тарқалди. Ҳом исмли ўғилларидан ҳабаш ва занжийлар, Сом исмли ўғилларидан араб, фурс ва рум қавмлари, Ёфас исмли ўғилларидан турк, тотор, мўғул халқлари тарқалди. Шунинг учун Нуҳ алайҳис-саломни иккинчи Одам дейилур. Нуҳ алайҳис-салом минг йилча умр кўруб, тўфоннинг уч юз элтигинчи йилинда вафот бўлдилар.

Бешинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ҲУД АЛАЙҲИС-САЛОМ

Тўфондан сўнгра (Яман) вилоятинда (Ҳазрамаъват) атрофинда Аҳқоф деган ерда Од қавми пайдо бўлуб,

шаҳарларини обод қилуб, ниҳоятда маҳкам иморатлар солдилар. Бу қавм ҳам тўғри йўлдан чиқуб, бутларга ибодат қилур эдилар. Жаноб Ҳақ бу қавмга Ҳуд алайҳис-саломни пайғамбар қилуб юборди. Ҳазрат Ҳуд алайҳис-салом қавмларини иймонга даъват қилдилар. Мўъжизалар кўрсатдилар. Ниҳоятда оз киши иймон келтуруб, бошқалари ширк ва залолатда қолдилар. Сўнгра уч йил қаҳатчилик бўлуб, шаҳар ва боғларнинг сувлари тўхтади. Хотунлари етти йил бола туғмади. Барча ҳайвонлар ўлуб битди. Буларни кўруб ҳам иймон келтурмадилар. Жаноб Ҳақ ул қавмни «сарсар» исмли шамол бирла ҳалок қилди. Ҳазрат Ҳуд мўминлар ила Маккаи мукаррамага боруб, умрларини тоат ва ибодатда кечурдилар. Қабри шарифлари Маккаи мукаррама шаҳриндадир.

Олтинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ СОЛИҲ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Од қавмидан сўнг Шом ила Ҳижоз орасинда Ҳажар деган ерда Самуд қавми пайдо бўлди. Булар ҳам Од қавми каби тоғларни, тошларни тилуб, мустаҳкам уйлар солдилар. Лекин тўғри йўлдан чиқуб, бутларга ибодат қилдилар. Жаноб Ҳақ буларга Солиҳ алайҳис-саломни пайғамбар қилуб юборди. Солиҳ алайҳис-салом Ҳақ динга даъват қилдилар. Ниҳоятда оз киши иймон келтуруб, бошқалари ширк ва залолатда қолдилар. Бир кун мушриклар: «Пайғамбар бўлсангиз, шул тош ичиндан болалик тева чиқаринг», дедилар. Солиҳ алайҳис-салом дуо қилдилар. Аллоҳнинг амри ила ул тошдан болалик тева чиқди. Кофирлар ул теваинг онасини сўйдилар. Боласи яна шул тош ичига кируб кетди. Бу мўъжизани кўруб ҳам мушрикларнинг озлари иймон келтурдилар. Сўнгра Жаноб Ҳақ ул қавмни кўкдан бир овоз юборуб, ҳалок қилди. Солиҳ алайҳис-салом мусулмонлар ила Маккаи мукаррамага боруб, умрларини тоат ва ибодат ила ўткардилар.

Еттинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ИБРОҲИМ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ҳазрат Нуҳнинг болалари аввал Ироқ шаҳринда туруб, сўнгра Фурот наҳрига яқин Бобил шаҳрини бино

қилдилар. Ичлариндан бир тоифа чиқуб, Дажла наҳри лабинда Мўсул шаҳрига яқин Найнаво шаҳрини бино қилдилар. Сўнгра Найнаводан бир тоифа чиқуб, Найнаво пойтахт қилуб, кўб шаҳарларни олғонларида Қалдони тоифаси пайдо бўлуб, ниҳоятда тез қувват топдилар. Лекин тўғри йўлдан чиқуб, юлдузларга ибодат қилдилар. Жаноб Ҳақ аларни тўғри йўлга солмак учун, Иброҳим алайҳис-саломга пайғамбарлик беруб, ўттуз саҳифа китоб юборди. Ҳазрат Иброҳим қавмларини ва Бобил ҳокимини иймонга даъват қилдилар. Намруд Иброҳим аллайҳис-саломга ишонмасдан, бир улур ўт ёқдируб, Иброҳим алайҳис-саломни ўтга ташлади. Аллоҳ таоло пайғамбарни куйишдан сақлаб, ўтни бир яхши гулзор қилди. Бу мўъжизани кўруб, баъзилари иймон келтурдилар. Иброҳим алайҳис-салом аҳли байтлари¹ бирла Ҳарон тарафига, андин Шомга, андин Маккага боруб, ўғиллари Исмоил алайҳис-салом ила Қаъбаи муаззамани бино қилдилар. Хатна қилмак, тирноқ олмак, мўйлаб олмак, мисвок қилмак, мусофирларни иззат қилмак Ҳазрати Иброҳимнинг суннатлариндандир. Қабри шарифлари Қуддуси шарифга яқин Халилу-р-Раҳмон деган ердадир.

Саккизинчи пайғамбар

ҲАЗРАТИ ЛУТ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Лут алайҳис-салом ҳазрат Иброҳимни қариндошларидирлар. Иброҳим алайҳис-салом ила бирга Мисрга, андин Шомга бордилар. Фаластинга келганларида жаноб Ҳақ (у кишини) Садум халқига пайғамбар қилди. Садум халқи бу замонгача Одам болалари қилмагон фиққ-фужурларни қилур эдилар. Лут алайҳис-салом аларни тўғри йўл ила ҳақ динга даъват қилуб, ёмон ишларини ташлатурга ҳаракат қилдилар. Қавмлари насиҳатларига қулоқ солмай, қабоҳат ва ёмон ишларда давом қилдилар. Ҳазрат Лут Аллоҳга муножот қилуб: «Ё Раб, мани бу золимлардан қутқар», — дедилар. Жаноб Ҳақ ул қавмни бошларига тошлар ёғдуруб, зилзила бирла шаҳарларин остун-устун қилуб, ҳалок қилди. Лут алайҳис-салом мўминлар ила Маккага боруб, Иброҳим алайҳис-салом ёнларида ибодат ила умр кечурдилар.

¹ уй ичи билан.

Тўққизинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ИСМОИЛ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Исмоил алайҳис-салом Иброҳим алайҳис-саломнинг ўғлиларидирлар. Иброҳим алайҳис-саломни (нг) хотунлари Сора бола туғмас эди. Шояд боласи бўлса, деб Ҳожар исмли канизакни Иброҳим алайҳис-саломга берди. Ҳожардан Исмоил алайҳис-салом туғилдилар. Сора буларни кўра олмади. «Бирга турарга сабрим қолмади», — деб Иброҳим алайҳис-саломга арз қилди. Иброҳим алайҳис-салом Ҳожар ила Исмоил алайҳис-саломни Маккага элтуб қўйдилар. Исмоил алайҳис-салом Маккада ўсдилар. Ямандан келган Жарҳум қабиласи Макка атрофинда турар эдилар. Исмоил алайҳис-салом алар бирла қатнашуб, алардан қиз олдилар. Ун икки болалари бўлди. Ҳазрат Исмоил Иброний¹ бўлсалар ҳам арабча сўзлашур эдилар. Шул сабабли бу кишининг авлодларини «араби мустаъриба»² дейилди. Жаноб Ҳақ Исмоил алайҳис-саломни Ямандаги амолиқа тоифасига пайғамбар қилуб юборди. Оталарининг шариятлари узра қавмларини элик (50) йил иймонга даъват қилдилар, авлодлари кўпайди. Ҳар ерга борсалар, ғолиб бўлдилар. Амолиқа тоифасини (нг) тургон ериндан қувуб чиқордилар. Юз ўттуз тўрт ёшларинда вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Ҳижр деган ерда, оналари Ҳожар ёниндадир.

Унинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ИСҲОҚ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ҳожардан Исмоил алайҳис-салом туғилгон замонда Сора ниҳоятда маъюс бўлмиш эди. Жаноб Ҳақ қаригон вақтларида Исҳоқ алайҳис-саломни берди. Исҳоқ алайҳис-салом оталарига ниҳоятда ўхшар эдилар. Жаноб Ҳақ Шом ва Канъон халқларига пайғамбар қилуб юборди. Исҳоқ алайҳис-саломнинг Иъса ва Яъқуб исмли икки ўғиллари бўлди. Иъса Исмоил алайҳис-саломнинг қизларини, олуб, авлодлари кўпаюб, Рум вилоятини ёйилдилар. Ҳозирги Рум халқи Иъса авлодидандурлар. Яъқуб алайҳис-салом оталарининг юрти Канъонда

¹ яҳудий

² «Араби мустаъриба» аслида араб бўлмай, арабликни бошқадан олуб араб бўлувчи деган сўздир (*Авлоний изоҳи*).

қолуб, лақаблари Исроил бўлди. Шунинг учун авлодларига бани Исроил дейилди.

Исҳоқ алайҳис-салом юз йигирма ёшларинда вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Қуддуси шариф яқинида Халилу-р-Раҳмон деган ерда, оталари Иброҳим алайҳис-салом ёнларидадур.

Ун биринчи пайгамбар

ЯЪҚУБ ВА ЮСУФ АЛАЙҲУМОС-САЛОМ

Ҳазрат Яъқубнинг ўн икки ўғиллари бор эди. Ҳаммасиндан ҳазрат Юсуфни ортуқ суяр эдилар. Ҳазрат Юсуф туш кўруб, оталарина «ўн бир юлдуз, офтоб ва ҳам ой манга сажда қилди», — дедилар. Ҳазрат Яъқуб билдиларки, ўн бир юлдуз ўн бир оғаларига, офтоб пайгамбарликларига, ой давлатларига ишоратдир. «Юсуф, ўғлум! Бу тушингни оғаларингга айтма, душман бўлурлар. Жаноб Ҳақ санга пайгамбарлик ва зўр давлат берур», — дедилар. Оғалари тушни эшитдилар. Ҳазрат Юсуфга ҳасад этуб, баъзилари ўлдирмоқ, баъзилари холи ерга ташламоқ бўлуб, охирида қирга ташларга қарор бердилар. Оталариндан сўраб, қирга олиб боруб, қудуқга ташладилар, йўлда бир бўрини бўғизлаб, қониға Ҳазрат Юсуфни (нг) кўйлакларини булғаб, оталарига ёлғондан: «Юсуфни молларимиз олдиға қўйуб овға кетсак, бўри еб кетубдур», — деб йиғлашиб келдилар. Ҳазрат Яъқуб сабр этдилар. Сўнгра оралариндан бирлари ҳазрат Юсуфга таом олиб борсалар, ҳазрат Юсуфни карвонлар қудуқдин чиқарубдур. Бу ҳолни бошқаларига хабар берди. Қелишиб ҳазрат Юсуфни: «қулимиз», деб ниҳоятда оз баҳоға карвонларға сотдилар. Ҳазрат Юсуф карвонлар бирла Мисрға келдилар. Карвондин Мисрнинг молия вазири Азиз сотиб олди. Фарзанди йўқ эди, ўзиға фарзанд этуб, хотуни Зулайҳоға: «Бун эъзоз-икром қил», деб топшурди. Зулайҳо Юсуф алайҳис-саломға ошиқ бўлди. Бир кун бир уйға олиб кируб, эшикларни берки-туб: «Қани, тайёр бўлингиз!» — деди. Ҳазрат Юсуф: «Сақлан! Аллоҳ золимларға нажот бермас», — деб қочдилар. Зулайҳо ҳазрат Юсуфни бўҳтон ила зиндонға солдирди. Зиндонда икки қул бор эди, бири подшонинг шарбатчиси, бири нончиси эрди. Алар туш кўрдилар. Таъбирин ҳазрат Юсуфдан сўрдилар. Ҳазрат Юсуф: «бирингиз қутулурсиз, иккинчингиз осилурсиз», — дедилар. Айтганларидек бири қутулди, иккинчиси осилди. Ҳазрат

Юсуф зиндонда етти йил қолдилар. Бир вақт Миср подшоҳи бир туш кўрди, таъбирчилари таъбирдан ожиз ўлдилар. Шарбатчининг ёдиға ҳазрат Юсуф алайҳис-салом тушди. Боруб подшоҳнинг тушини сўради. Ҳазрат Юсуф: «Мисрда етти йил тўқлик, етти йил очлик бўлур», — дедилар. Бу таъбирларин подшоҳға еткурди. Подшоҳ ҳазрат Юсуфни олдуруб келди. Бу сабаб-ла ҳазрат Юсуф зиндондин чиқуб, подшоҳ ила сўйлашдилар. Азиз ўлган эди. Подшоҳ (ўрниға ҳазрат Юсуфни) вазир этуб, Зулайҳони никоҳлаб берди. Ҳазрат Юсуфнинг таъбирлари баайна¹ келди. Тўқлик йилида омборларни ғаллаға тўлдурдилар. Очлиқ йилинда ҳар тарафдан кишилар ғаллаға келдилар. Ҳатто Канъондан ҳам ўн оғалари келдилар. Оғалари Юсуфни танимадилар. Ҳазрат Юсуф оғаларини танидилар. Қай ердин келдингиз, кимни ўғлисиз, неча қариндошсиз деб сўрадилар. Оғалари: «Канъондан келдук, ҳазрат Яъқуб ўғилларимиз, ўн икки қариндош эдук. Биримиз қирда ҳалок бўлди, биримиз отамиз ёнларида қолди», — дедилар. Ҳазрат Юсуф ўзларин билдирмасдан эъзоз-икром ила ғалла беруб, Бинямин учун ҳам ғалла бердилар. «Иккинчи келишингизда қариндошингизни келтурингизлар, бўлмаса ғалла йўқ», — деб жўнатдилар. Иккинчи келишларинда Биняминни олиб келдилар. Юсуф алайҳис-салом Биняминни бир ҳийла ила олуб қолдилар. Оғалари бу ҳолни оталариға боруб айтдилар. Оталари сабр қилдилар. Оғаларин Мисрға яна юбордилар. Ҳазрат Юсуф ўзларин бу мартабада тонитуб, кўйлаklarин бериб юбордилар. Оталари жудолиғ оташи бирла кўр бўлғон муборак кўзлариға суртдилар, очилди. Сўнгра Мисрға боруб, Ҳазрат Юсуф ила ўн етти йил умр кечуруб, вафот этдилар. Васиятлари узра Канъонға оталари Исҳоқ алайҳис-саломни(нг) ёнлариға кўмулдилар. Ҳазрат Юсуф оталаридан эллик тўрт йилдан сўнгра бир юз йигирма беш ёшларида вафот ўлуб, Мисрда омонатан қолдилар.

Ўн иккинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ АЙЙУБ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Исҳоқ алайҳис-саломнинг Иъса исмли ўғилларининг наслидан Аййуб алайҳис-салом туғулдилар. Жаноб Ҳақ Аййуб алайҳис-саломга ниҳоятда кўб мол ва кўб фар-

¹ Тўғри

зандлар беруб, имтиҳон учун болаларини ўлдуруб, молларини ҳалок, уйларини хароб қилди. Ўз нафсларига ҳам ниҳоятда бир ёмон касал берди. Баданлари эруб, қуртлар пайдо бўлди. Танларинда гўшт деган нарса қолмади. Бу балоларнинг барчасига сабру таҳаммул қилдилар. Охирида жаноб Ҳақ шифо беруб, саломатландилар. Аллоҳ таоло мол ва фарзандларини аввалгидан зиёда қилуб берди. Чеккон машаққатларининг ажри ва мукофотини кўруб, тўқсон ёшларида вафот бўлдилар. Бу зоти шарифнинг Бишр исминда бир ўғиллари дунёга келуб, ўринларига пайғамбар бўлуб, бу зот ҳам тездан дорулфанодан дорулбақога риҳлат қилдилар.

Ун учинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ШУЪАЙБ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ҳазрат Лут авлодиндан Шуъайб алайҳис-салом дунёга келдилар. Жаноб Ҳақ Мадян ва Эка халқига пайғамбар қилуб юборди. Шуъайб алайҳис-саломнинг тиллари ширин, сўзлари таъсирлик бўлса ҳам қавмларига таъсир қилмади. Иймон кетурмадилар. Жаноб Ҳақ Эка халқига иссиғлик юборди. Иссиғ етти кун давом этди. Ҳамма жилға ва булоқлар қайнади. Сўнгра бир булут пайдо бўлди, ҳамма халқ иссиғдан қочуб, булут остига йиғилгонларида, бир ўт пайдо бўлуб, ҳалок қилди ва Мадян аҳли ҳам бир овоз ила ҳалок бўлдилар. Шуъайб алайҳис-салом мўминлар ила Маккага боруб, қолган умрларин ибодатда кечурдилар. Икки юз йилдан ортуғроқ яшаб вафот бўлдилар.

Ун тўртинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ МУСО АЛАЙҲИС-САЛОМ

Яъқуб алайҳис-саломнинг лақаблари Исроил ўлуб, авлодларига бани Исроил¹ дейилур. Мусо алайҳис-салом бани Исроилдан Умрон исмли кишининг ўғлидирлар. Бани Исроил Ҳазрат Юсуф замонларида Мисрга бордилар. Мисрнинг асли халқи қибтийлар ўлуб, санамларга ибодат қилур эдилар. Бани Исроилга душманлик қилуб,

¹ Бани Исроил ўн икки қабила ўлуб, ҳар қабила Яъқуб алайҳис-саломнинг бир ўғилларина мансубдир. Бу ўн икки қабилага бирдан «Асботи бани Исроил» дейилур (*Авлоний изофи*).

ҳақоратлар ила оғир машаққат ишларни ишлатар эдилар. Боболарининг юрти Канъонга кетар бўлсалар, йўл бермай, асорат занжиринда турар эдилар. Бир кун ғоибдан хабар бергувчилар Миср подшоҳи Фиръавнга бани Исроилдан бир бола туғулуб, санинг давлатингни инқирозига сабаб бўлур дедилар. Фиръавн Бани Исроилдан туғулгон болаларни ўлдирмакка буюрди. Жаллодлар ахтаруб ўғул болаларни ўлдира бошладилар. Шул вақт Мусо алайҳис-салом туғулдилар. Оналари қўрқуб сандуқга солуб, «Аллоҳ ҳофиз» деб Нил дарёсига отдилар. Оқиб борганларида Фиръавннинг хотуни Осиё тутуб олди. Кўрдик, чиройлик бир боладир: яхши кўруб, ўзига бола қилуб олди. Эмизмак учун сут оналар¹ кетурди. Ҳеч бирин эмчакин олмай, ўз оналарин кетурғонда эмдилар. Оналари ўзларин билдирмай, Фиръавн уйинда тарбия қилдилар. Қатта бўлуб, кўчада юргонларинда кўрдиларки, қибтийлардан бири Бани Исроил бирла урушуб турубдир. Мусо алайҳис-салом қибтийнинг кўксина бир мушт ургонларида жони чиқди. Шул сабабли Фиръавндан қўрқуб, Мадян шаҳрига боруб, Шуъайб алайҳис-саломнинг қизи Сафурони никоҳлаб олуб, Мадянда ўн йил турдилар. Сўнгра Мисрга аҳли аёллари ила жўнадилар. Йўлда Тур тоғига етгонларида Аллоҳ таоло ила сўзлашув, асо ва яди байзо каби мўъжизалар ила укалари Ҳорун алайҳис-саломни ҳам пайғамбар қилди. Жаноб Ҳақ иккиларини Мисрда давон худлик қилгон Фиръавнни қавмлари ила ҳақ динга даъват қилурга буюрди. Мисрга боруб, Фиръавнни иймонга даъват қилганларида мўъжиза талаб қилди. Асоларини ташладилар, зўр аждаҳо бўлуб, Фиръавнни тахти ила ютарга ҳаракат қилди. Фиръавн: «Ё Мусо! Сабр қилингиз», деди. Қўлга олдилар, яна асо бўлди. Фиръавн бунга ҳам инонмай, сеҳрчиларни (нг) йиғуб, аждаҳолар қилдуруб, Ҳазрат Мусонинг йўлларига қўйди. Ҳазрат Мусо асони ташладилар, яна аждаҳо бўлуб, сеҳрчиларнинг аждаҳоларин ютуб йўқ қилди. Бу мўъжизани кўруб, барча сеҳрчилар иймон келтурдилар. Фиръавн иймон келтирмасдан сеҳрчилардан ғазаблануб: «Сиз Мусо ила бирлашдингиз, қўл-оёқларингизни кесуб, хурмо шоҳларига осарман», — деди. Сўнгра Мусо алайҳис-салом Шоб денгизининг лабига боруб, асони денгизга урдилар, сув ёрилуб йўл очилди. Бани Исроил ўтмакда эдилар. Фиръавн ҳам орқаларидан келуб, дарёга кирди. Бани Исроил

¹ Эмизукли хотинлар, дейилмоқчи.

чиққан замон йўллар бекилди. Фиръавн аскарлари бирла фарқ бўлди. Бу сабаб ила Мусо алайҳис-салом душманларига ғолиб бўлдилар. Канъоннинг катта шаҳарлари Ариҳо, Наблус, Қуддус шаҳарлари бўлуб, Бани Исроилга Ариҳога кирмак учун жабобира халқи бирла урушмоқ лозим бўлди. Бани Исроил жабобира ила жанг қилмай-миз, деб кетларига қайтдилр. Мусо алайҳис-салом дуои бад қилдилар. Бани Исроил қирқ йил Тиҳ саҳросинда қолдилар. Қавмларини Ҳорун алайҳис-саломга топшуруб, ўзлари Тур тоғига боруб, жаноб Ҳақ бирла сўзлашдилар. Ҳақ таоло Таврот исмли китоб юборди. Турда юргонларида Бани Исроилдан Сомирий деган бир мунофиқ чиқуб, Бани Исроилни Ҳорун алайҳис-саломга итоат қилдурмасдан, бир бузоқ суратига чўқинтирди. Мусо аллайҳис-салом Таврот ила Турдан келуб кўрдиларки, Бани Исроил бузоққа чўқинурлар. Ниҳоятда аччиғлануб, суратни дарёга отдилар. Қавмларига Тавроти шарифни ўргатуб, эътиқодларини (нг) жадид қилгонларидан сўнг-ра Ҳорун алайҳис-салом вафот бўлдилар. Мусо алайҳис-салом ҳам Бани Исроилни Юшаъ¹ алайҳис-саломга топшуруб, юз йигирма ёшларида вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Канъонга яқин, Тиҳ саҳросиндадир.

Ўн бешинчи пайгамбар

ҲАЗРАТ ЮШАЪ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Юшаъ алайҳис-салом Бани Исроилни чўлдан чиқоруб, Шариа йилғасининг лабига кетуруб, кўпрук ва кемасиз ҳолда мўъжиза ила сувдан олуб ўтдилар. Боболарининг ватани асли бўлгон Канъонга келдилар. Ҳазрат Мусо Мисрдан чиққонларида Ҳазрат Юсуфнинг жасадларин бирга олуб Тиҳ саҳросига кетуруб, вафотларинда Юшаъ алайҳис-саломга топширмиш эдилар. Ҳазрат Юшаъ Ариҳони фатҳ қилуб, Наблусга боруб, Ҳазрат Юсуф жасадларини биродарлари тарафиндан сотилган ерга дафн қилдилар. Юшаъ алайҳис-салом Шоми шарифга ҳам молик бўлуб, йигирма саккиз йил Бани Исроилни идора қилуб, бир юз ўн ёшларинда вафот бўлдилар.

¹ Юшаъ алайҳис-саломдан сўнг Ашмуил алайҳис-салом пайгамбар бўлдилар. Бунлари «Хуккоми Бани Исроил» дейилур.

Ўн олтинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ДОВУД АЛАЙҲИС-САЛОМ

Бани Исроил Амолиқа тоифаси бирла урушмак бўлуб, Ашмуил алайҳис-саломдан ўзларига бир раис сўрадилар. Ашмуил алайҳис-салом Толутни тайин қилдилар. Толут аскар бирла Фаластинга боруб, Амолиқа аскарлари бирла урушди. Толут аскариндан Довуд алайҳис-салом Амолиқанинг раиси Жолутни ўлдирдилар. Бу сабаб ила Довуд алайҳис-салом шуҳрат топуб, қадру эътиборлари ортмоқда эди. Толут ҳасад қилуб, ўлдирмак бўлгонда қочиб қутулдилар. Сўнгра бир муҳоробада Толут вафот бўлди. Бани Исроилдан ўн бир қабила Толутнинг ўғлига, бир яҳудо қабиласи Довуд алайҳис-саломга тобеъ бўлди. Ашмуил алайҳис-саломдан сўнг жаноб Ҳақ Довуд алайҳис-саломга пайғамбарлик беруб, «Забур» исмли китоб юборди. Бани Исроилни ҳаммасини ўзларига тобеъ қилуб, Қуддуси Шарифни пойтахт қилуб, Ҳалаб, Аммон, Насбин каби кўп мамлакатларни идора қилдилар. Ҳазрат Довуд ниҳоятда хушовоз эдилар. Забуру шарифни ўқигонларинда эшиткон кишилар беҳуш бўлуб қолур эдилар. Муборак қўлларинда темур мум каби эрур эди. Байт ул-муқаддас¹ биноти бошлаб тамом қилолмасдан қирқ йил ҳукумат суруб, ҳазрат Мусо вафотлариндан беш юз ўттиз йил сўнгра етмиш ёшларинда вафот бўлдилар.

Ўн еттинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ СУЛАЙМОН АЛАЙҲИС-САЛОМ

Сулаймон алайҳис-салом оталари каби ҳам ҳукмдор, ҳам пайғамбар бўлдилар. Оталарининг васиятлари узра Қуддуси шарифда Байт ул-муқаддаснинг бинотини етти йилда тамом қилдилар. Шарқ, Ғарб тарафларидаги ҳукуматларни ўзларина тобеъ қилдилар. Ямандан Билқис исмли хотун подшо ҳам келуб тобеъ бўлди. Қирқ йил подшолик қилуб, олтмиш ёшларинда вафот бўлдилар.

¹ Байтул муқаддас Қуръони каримда Масжид ал-Ақсо деб зикр қилинган муборак уйнинг исмидур.

Ун саккизинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ИЛЁС АЛАЙҲИС-САЛОМ

Сулаймон алайҳис-саломдан сўнг Бани Исроил икки синфга бўлинув, бири яҳудойи, иккинчиси исроилий, ўлуб, тўғри йўлдан чиқуб Баъл исмли санамга чўқунмакда эдилар. Ҳақ таоло буларга Илёс алайҳис-саломни пайғамбар қилуб юборди. Илёс алайҳис-салом қавмларига насиҳат қилуб, мўъжиза кўрсатуб, иймонга даъват қилдилар. Қавмлари инонмасдан изо ва жафолар қилдилар. Ночор Илёс алайҳис-салом ичлариндан чиқуб, бир тоғда танҳо турдилар. Жаноб Ҳақ мамлакатлариндан баракатни кўтарди, қаҳатлик бўлди. Қавмлари Илёс алайҳис-саломни излаб топуб, тавба қилдилар. Илёс алайҳис-салом дуо қилдилар. Аллоҳ балони кўтарди. Қавмлари яна кофир бўлдилар. Илёс алайҳис-салом қавмларининг иймониндан умид узуб, такрор ичлариндан чиқуб кетдулар.

Ун тўққизинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ АЛЙАСАЪ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Илёс алайҳис-саломнинг ўрнига Алйасаъ алайҳис-салом ўтуруб, халқни ваъз ва насиҳат ила тўғри йўлга солмакни ҳаракатинда бўлдилар. Жаноб Ҳақ Алйасаъ алайҳис-саломга пайғамбарлик беруб, Бани Исроилни Ҳазрат Мусонинг шариатлари узра иймонга даъват қилурга буюрди. Қавмларини (нг) кўб замон ислоҳ қилмак учун ҳаракат қилдилар. Лекин қавмларига сўзлари таъсир қилмай, баъзилари мусулмон бўлсалар ҳам яна кофир бўлдилар. Охирида жаноб Ҳақ бошларига Осурийа давлатини (нг) юборди. Кўп вақтлар асорат занжиринда қолдилар.

Иигирманчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ЮНУС АЛАЙҲИС-САЛОМ

Жаноб Ҳақ Юнус алайҳис-саломни Найнаво халқига пайғамбар қилуб юборди. Қавмларини иймонга даъват қилганларинда икки кишидан бошқа иймон кетурмади. Қавмларига Аллоҳ тарафиндан азоб келишини сўзлаб, ўзлари оралариндан чиқуб, Дажла наҳрин лабига боруб,

кемага тушдилар. Кемачилар кемани юрутмоқчи бўлгонларинда кема юрмади. Кемадаги кишилар ичимизда гуноҳли киши бор, шунинг учун юрмас, деб қуръа солганларида қуръа Юнус алайҳис-саломга чиқди. Юнус алайҳис-салом Аллоҳ амрин ташлаб, Найнаводан чиққанлари зўр гуноҳ бўлгонлиқин билуб, ўзларин дарёга отдилар. Дарҳол бир катта балиқ ютди. Юнус алайҳис-салом балиқ қорнида тавба қилдилар. Жаноб Ҳақ тавбаларин қабул қилди. Балиқ қорниндан четга чиқориб ташлади. Танлари балиқ қорнинда ниҳоятда нафисланмиш эди. Жаноб Ҳақ янги қувват ато қилуб, яна Найнаво аҳолисига юборди. Юнус алайҳис-салом кемага тушган кунлари Найнавони қоронғулиқ босуб, қавмлари тавба теваси деган ерга боруб, тавба қилмиш. Жаноб Ҳақ тавбаларини қабул қилмиш эди. Юнус алайҳис-салом келуб, қавмларини иймонга даъват қилдилар. Қавмлари Юнус алайҳис-салом кўрсатган тўғри йўлдан айрилмадилар.

Йигирма биринчи пайғамбар

ҲАЗРАТ АШЪИЁ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Юнус алайҳис-саломдан сўнг Бани Исроил орасинда санамларга ибодат қилмак каби ёмон ишлар пайдо бўлди. Ашъиё алайҳис-салом қавмларига дунё ва охира азобин баён қилуб, ёмон ишларинда давом қилсалар, ўзларига халос йўқлиғин маълум қилдилар. Тездан Исо алайҳис-салом келувларин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларин ва Бани Исроил ўзларига келгон пайғамбарларга ишонмасдан изо ва жафо қилгонларин, жаноб Ҳақ ҳар бир қавмни(нг) бир бало юборуб, ҳалок қилгонин баён қилгонларинда бадбахт халқ тўғри сўзига ишонмай, ул зоти шарифни шахид қилдилар.

Йигирма иккинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ УЪЗАЙР ВА ДОНИЕЛ АЛАЙҲУМОС-САЛОМ

Бани Исроилни фиқу фужурда давом қилувлари, устларига юборилган пайғамбарларига жафо қилувлари, бошларига бало бўлуб, жаноби Ҳақ Бобил шахрининг подшоҳи Бухтуннасрни устларига юборди. Бухтуннаср Бани Исроил давлатини бузуб, Қуддуси шарифни олуб, Байт ул-муқаддасни хароб қилуб, Бани Исроил уруғла-

рини асир қилуб, Бобилга кетурди. Аларнинг орасида ҳазрат Уъзайр ила Дониёл алайҳимос-саломлар ҳам бор эдилар. Бани Исроил бир неча вақт Бобилда асир қолуб, Қалдония¹ давлатининг инқирозидан сўнг асирликдан қутулуб, ўз мамлакатларига келуб, Байт ул-муқаддасни янгидан бино қилдилар. Тавротни шариф ёдлариндан чиқмиш эди. Таврот нусхалари Бухтуннаср тарафиндан ўтга ёқилмиш эдигиндан бир нусха ҳам қолмамиш эди. Уъзайр алайҳис-салом Тавротни ёддан ўқуб, ёздуруб тарқатдилар.

Иигирма учинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ЗАКАРИЁ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Закариё алайҳис-салом ҳазрат Сулаймон наслиндан ўлуб, Байт ул-муқаддасдан қурбонлик қилмак, Таврот ёзмак каби ишларга раис эдилар. Жаноб Ҳақ пайғамбарлик юборди. Фарзандлари йўқ эди. Хотунлари Айсоғ ниҳоятда қариган сабабли, бола туғув эҳтимоли ҳам йўқ эди. Жаноб Ҳақнинг инояти бирла бир кун Жаброил алайҳис-салом келуб, Айсоғдан Яҳё исмли бир ўғул туғулушини хабар бердилар. Сўнгра Яҳё алайҳис-салом дунёга келдилар. Закариё алайҳис-салом яҳудийларнинг бўҳтон² ва ҳужуминдан қочуб, борганларида бир дарахт ёрулуб, ичига бекинганларида, дарахт бирла кесуб шаҳид қилдилар.

Иигирма тўртинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ЯҲЁ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Яҳё алайҳис-салом Закариёнинг қариган ҳолларида дунёга келуб, оталариндан сўнг жаноб Ҳақ пайғамбар-

¹ Калдония давлати Бобилда 68 йил ҳукумат сургандан сўнг Эрондан Каёниён давлати зухур эдуб, Бобилни забт қилуб, Калдония давлатини барбод ва инқироз қилдилар. Шул вақт Бани Исроил асорат заңжириндан қутилуб, жонлариндан суюкли ватанларига келмишлар (*Авлоний изоҳи*).

² Закариё алайҳис-саломнинг хотунлари Айсоғнинг синглиси Ҳанабиби Марямни туғуб, Байтул муқаддасга назр қилуб, Закариё алайҳис саломга топширмиш эди. Биби Марям Ҳазрат Исони (нг) отасиз туққанларига яҳудийлар ишонмай, отасиз бола туғилурму, деб Закариё алайҳис-саломга бўҳтон қилгонлар (*Авлоний изоҳи*).

лик юборди. Ҳазрат Яҳё қавмларини Мусо алайҳис-саломнинг шариатлари узра иймонга даъват қилмакда эдилар. Сўнгра Исо алайҳис-саломга жадид шариат келуб, Яҳё алайҳис-салом қавмларин шариати жадида узра даъват қилмакга бошладилар. Бир куни Бани Исроил подшоҳи Ҳирдавс қиз қариндошини олмак бўлди. Ҳазрат Мусонинг шариатлари узра никоҳ қилмакга Яҳё алайҳис-саломни зўрлади. Яҳё алайҳис-салом никоҳ қилмадилар, чунки Исо алайҳис-саломнинг шариатларинда қиз қариндошин олмақ ҳаром эди. Подшоҳ дарғазаб бўлуб, Яҳё алайҳис-саломни қўй каби сўйдирди.

Йигирма бешинчи пайғамбар

ҲАЗРАТ ИСО АЛАЙҲИС-САЛОМ

Закариё алайҳис-саломнинг хотунлари Айсоғнинг синглиси Ҳинна Бани Исроил улуғлариндан Имрон исмли кишининг хотуни ўлуб, асло бола туғмас эди. Агар Аллоҳ менга бола берса, Байт ул-муқаддас хизматига назр қилдим, деганларинда жаноб Ҳақ бир қиз ато қилди. Исmlарини «Биби Марям» қўйуб, Байт ул-муқаддасга элтуб қўйдилар. Закариё алайҳис-саломнинг тарбияларинда катта бўлдилар. Бир кун Аллоҳнинг амри бирла ҳазрат Жаброил келуб, Биби Марямнинг ёқалариндан дам солганларинда ҳомила бўлдилар. Яҳё алайҳис-саломдан олти ой сўнг Исо алайҳис-салом туғулдилар. Яҳудийлар ҳазрат Исонинг отасиз туғилганларига ишонмасдан, Закариё алайҳис-салом ила Биби Марямни бўҳтон ила ўлдирмак учун борганларинда Ҳазрат Исо бешикда сўзга кируб: «Ман Аллоҳнинг қулиман, Аллоҳ манго тездан китоб юборуб, пайғамбар қилур ва ҳар ерда мани муборак қилур», — дедилар. Бул сўзни эшитуб яҳудийлар ҳайрон бўлуб, Биби Марямни қўйуб юборуб, Закариё алайҳис-саломни шаҳид қилдилар. «Таажжубки, яҳудийлар ҳазрат Одамнинг отасиз, онасиз яратилганларига ишонуб, ҳазрат Исонинг ёлғуз отасиз туғулгонларига ишонмадилар». Биби Марям ҳам яҳудийлар шарриндан¹ қўрқуб ҳазрат Исони олуб, қариндошлари «Юсуф нажжор» ила Мисрга боруб, ўн икки йил туруб, андин Қуддуси шарифга келуб, «Носирия» қариясинда турдилар. Исо алайҳис-саломга ўттиз ёшларинда пайғамбарлик келуб, «Инжил»и шариф нозил бўлди. Ҳазрат Исонинг ша-

¹ Шарр—ёмонлик.

риятлари чиқуб, ҳазрат Мусонинг шариятлари мансӯх бўлди. Халқни шарияти жадида ила иймонга даъват қилдилар. Улуқларни тиргузмак, туғма кўрларнинг кўзини очмак, сув устинда юрмак каби мўъжизалар кўрсатдилар. Фақат ўн икки киши иймон кетурдилар. Буларни «ҳавориюн» дейилур. Ҳазрат Исо яҳудийлардан кўрқуб, ҳавориюнлар ила ёширун мажлислар қилур эдилар. Яҳудийлар доим ўлдирмак учун излаб юрур эдилар, бир кечаси Исо алайҳис-салом ҳавориюнларни йиғуб, «сиздан бирингиз тонгдан аввал мани инкор этуб, оз ақчага яҳудийларга сотур» — дедилар. Дарҳақиқат, аролариндан «Юдо Шамъун» исмли киши яҳудийлардан бир оз оқча олуб, жойларини кўрсатди. Ул вақт Аллоҳ таоло Исо алайҳис-саломни олий маконга кўтарди. Жойларин кўрсаткон Юдони ҳазрат Исо суратларига киргузди. Яҳудийлар ани тутуб, дорга осдилар. Ҳазрат Исонинг васиятлари узра ҳавориюн(лар) ҳар тарафга ёйилуб, ўзларин ёзгон «Инжил» китобларин тарқатмакка ва насоро динини нашр этмакка бошладилар.

Исо алайҳис-саломдан сўнг дини исломни зуҳуригача олти юз йил миқдори ўтуб, бу орада пайғамбар келмай, ваҳийи илоҳий кесилуб, дунё кўзи бир пайғамбарнинг зуҳурига тикилуб, замон қучоғи бир раҳнамонинг вужудина очилуб қолди.

Барча пайғамбарларнинг аввали ва барча инсонларнинг оталари Одам алайҳис-салом ўлуб, охирлари ва ҳаммадан афзаллари «Хотам ул-Анбиё Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи-вассаллам» дурлар. Бу икки пайғамбар ораларинда ниҳоятда кўп пайғамбарлар келуб кетгонлар. Ҳисоблари фақат Аллоҳ таолога маълумдир. Ҳаммалар Аллоҳнинг севиқли бандасидирлар. Энг афзали ва шариятча мукаммали бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо «саллаллоҳу алайҳи-васаллам» афандимиз Ҳазратларидур.

ЗУҲУРИ ДИНИ МУБИН ИСЛОМ

Охир замонда Жазираи Арабдан дини ислом зуҳура келмаси авлоди Исмонл алайҳис-саломдан Хотам ал-анбиё ҳазратларининг вужуда келмаси кутуби самовияда ёзилмиш эди. Ва анбиёи солифадан баъзилари васф ва тарифларини баён буюрмиш¹ эдилар. Жазираи Араб эса Осие қитъасининг ғарби-жанубинда катта ярим

¹ қилган.

ото¹дирки, ул ерда аввалдан бери араблар яшамоқдадирлар. Араблар эса, ҳазрат Нухнинг Сом исмли ўғлининг наслиндан ўлуб, «Араби боида», «Араби ориба», «Араби мустаъриба» исмила уч фирқага бўлуб, Боида араблари ҳазрат Худ ва Лут замонлариндаги Од ва Самуд қавмларидирки, онлардан маълумоти тарихия йўқ кабидир. Ориба араблар эса, Бани Қаҳат қабиласи бўлуб, эски замонларда Яманда Бани Ҳамир исмли бир зўр ҳукумат барпо қилуб, Сабо шаҳри пойтахтлари ўлуб, икки минг йилдан ортиқ ҳукумат сурмишлар. Мустаъриба араблар эса, Ҳижоз қитъасинда ҳазрат Исмоилнинг Журҳум қабиласиндан олган хотунлариндан тарқалган кишилардир. Бу араблар ҳозирдаги каби савдогар ва қўйчилик ила касбу маишат қилур эдилар. Лекин аввалда Иброҳим алайҳис-саломни шариятлари узра амал қилсалар ҳам сўнгра эътиқодлари бузулуб, булутларга ибодат қилуб, ҳар қабиланинг ўзига махсус санамлари ўлуб, Таврот ва Инжилларга амал қилғувчилар ниҳоятда оз эдилар. Қурайш қабиласи араби мустаърибадан ўлуб, Маккаи мукарраманинг эски аҳолиси ҳам ҳасаб ва насаб ва бойликда бошқа фирқалардан муқаддам ўлуб, Қаъбаи муаззаманинг хизмати қўлларинда ўлдиғиндан барча фирқаларнинг ашрафи эдилар. Қаъбаи муаззамани бино қилгондин бери Муқаддас қиблагоҳ ўлуб, куфр ва залолат замонинда азиз тутсалар ҳам, ичларига ва атрофларига бутлар қўймишлар эди. Бутлар воситаси-ла — ҳар йил ҳаж вақтинда зиёрат учун ҳар ердан одамлар келушуб, қурбонлар кесишуб, Зул-Қаъда ойинда Маккага яқин «Аккоз» исмли ерда бир майдон қурилуб, улуғ бозор бўлур, ҳар тарафдан келган хатиблар фасих ва балиғ хутбалар сўзлаб ва шоирлар орасинда шеър ёзишлар бўлур эди. Устун бўлгон шоирлар офаринлар олуб, шеъри Қаъба деворина осилур эди. Ул вақтларда Қаъба деворига осилмиш етти қасида бор эдики, онларга «муаллаққоти сабаъ» дейилурди.

ВОҚЕАИ АСҲОБИ ФИЛ

Яман днёринда ҳукумат сургон Бани Ҳамир давлати бир вақт ҳабашлар тарафиндан маҳв этилуб, Яман қитъаси ҳабашлар қўлина кирди. Ҳабаш подшоҳи Абраҳа Санъа деган ерга бир бутхона солдуруб, бундан муроди арабларнинг Каъбатуллоҳ зиёратиндан қайтаруб, ушбу

¹ орол.

бутхонага кетурмак эди. Араблар бу йил Каъба зиёрати-га боровларинда йўлда янги солингон бутхонани кўрдилар. Кируб ибодат қилмак бир тарафда турусун, ҳақорат бирла боқуб, ҳатто оралариндан бири ул бутхонага кируб, нажаслаб кетди. Бу ишга Абраҳанинг ниҳоятда жаҳли чиқуб, Каъбани вайрон қилмак учун аскар бирла Маккага қараб юрди. Жаноб Ҳақ Каъбаи муаззамани сақлаб Абраҳа аскарларига Абобил исмли қушларни юборди. Ул қушлар оғизларинда ва оёқларинда майда тошлар келтуруб, Абраҳа аскарининг устларига ёмғир каби ёғдируб барчасини ҳалок қилдилар. Абраҳа аскаринда бир фил бўлуб, ул фил ила қайси муҳорабага борсалар, устун бўлмоқни эътиқодинда ўлуб, неча мартаба тажриба ҳам қилгон эдилар. Маккага яқин келганда фил илгари юрмасдан, ерга чўкди. Макка тарафга юрутмак учун ҳаракат қилсалар, юрмасдан, бошин бошқа тарафга бурсалар, дарҳол сакраб юруб кетар эди. Шул воқеага «Воқеаи Асҳоби фил», шул йилни фил йили дейилур. Шул вақтларда Қурайш қабиласининг раиси фахри коинот афандимиз ҳазратларининг боболари Абдул Муталиб эдилар. Бу воқеа санаи милодийнинг беш юз олтмиш тўққизинчи йилинда эди.

НАСАБИ ВА МАВЛУДИ ФАХРИ ОЛАМ САЛЛАДЛОҲИ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Фахри коинот Пайғамбаримиз ҳазратларининг исми шарифлари Муҳаммад ўлуб, оталари Абдуллоҳ бин Абдул Муталиб бин Ҳошим бин Абдул Манноф бин Қусо бин Килоб бин Муръа бин Каъаб бин Луъи бин Ғолиб бин Фахр бин Малик бин Назор бин Кинона бин Ҳузайма бин Мудрик бин Илёс бин Музар бин Наззар бин Маъд бин Аднондир. Бундан юқору боболарининг исмлари очиқ маълум бўлмаса ҳам, Иброҳим пайғамбарнинг ўғиллари Исмоил алайҳис-саломга тутошуларинда уламолар орасинда хилоф йўқдир. Онолари Бану Зуҳра қабиласининг улуғлариндан Ваҳаб бин Абдул Манноф бин Зуҳра бин Килоб бин Мурра қизи Омина эдилар. Икки тарафдан ҳам фахри олам афандимиз араб қавми орасинда аъло насаб ўлмак ила машҳур Қурайш қабиласиндан Ҳошим уруғиндан ота ва онолари мусулмонлар ўлуб, ўз замоналарининг шаръий никоҳлари ила қўшулуб, сафоҳ ва сафоҳат каби бузуқ ишлардан пок ва барий эдилар. Никоҳланмиш вақтларинда отолари Абдуллоҳ ҳазратлари 18 ёшда, онолари Омина жаноблари 14 ёшда

эдилар. Отолари сафарда юргонларинда хасталануб, Мадина шахринда тахминан 25 ёшларинда вафот бўлуб, қабру шарифлари Мадинадир. Шул вақт фахри олам афандимиз икки ёки саккиз ойлик ҳомила эдилар. Сурури олам афандимиз Фил йилинда¹ найсон ичинда Рабиъул-аввал ойининг ўн иккисинда душанба кун тонг вақтинда олам бошқа олам бўлди. Дунё юзи нур ила тўлди. Хотам-ал-анбиё ҳазратлари Макка шахринда туғулуб, Муҳаммад деб исмландилар (Саллаллоҳу алайҳи таоло алайҳи васаллам). Шул вақт бир неча ҳориқулудда ишлар зоҳир бўлуб, Каъбадаги бутлар йиқилуб, ерга тушди. Кисронинг айвони тебрануб, ўн тўрт манзари йиқилди. Форс вилоятинда оташпарастрларнинг минг йилдан бери ёнмоқда ўлан ўтлари ўчди. Сова кўли ерга ботуб, Сомовада сувлар тошди. Бу аломатлар эса, фахри олам афандимиз вужудлариндан дини мубини исломнинг зуҳуриндан ер юзиндаги гумроҳ халқларни огоҳлантирмак учун Халлоқи олам тарафиндан верилмиш бир хабар эди.

ТАРБИЯТИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАССАЛЛАМ

Макка халқи аввалдан бери янги туққан болани ҳавоси яхши ерларда бир сут онага беруб, тарбия қилурлар эди. Шул сабабли фахри олам афандимиз туғулгон замон бадавий араблардан — Бани Саид қабиласиндан Ҳорис бин Абдул Аъзо хотуни Ҳалима² Аби Дуайб қизи олуб кетуб, бадавийлар ичинда сут эмизуб, тўрт йил тарбия қилуб, сўнгра оналари Омина жанобларина тобширмишдир. Ҳаммадан аввал Абу Лаҳаб чўриси Савиба ҳам бир оз вақт эмизмишдир. Отолари йўқ сабабли боболари Абдул Муталлиб тарбиясинда қолуб, Абдул Муталлиб араблар орасинда мўътабар ва ҳурматли зот ўлдиғиндан ниҳоятда кенгчиликда ўсдилар. Омина жаноблари Умми Айман ила пайғамбаримизни бирга олуб Мадинага боруб, қариндошларини кўруб, Ҳазрат Абдуллоҳни қабри шарифларин зиёрат қилуб қайтишларинда Мадинага яқин Абвоъ исмли қаряда хасталануб, вафот бўлдилар. Ушбу кундан эътиборан пайғамбаримиз отодан ҳам, онодан ҳам етим қолдилар. Ёшлари олти ё еттида ўлуб, Маккага Умми Айман қучоғинда келдилар. (Оҳ, кошки

¹«Фил йили» ҳижратдан ўттиз икки сана муқаддам мелодиянинг 571-да фарангий ҳисоб ила 20-румий, русий ҳисоб ила 17 апрелга тўғри келади (Авлоний изоҳи).

² Ҳалима сўнгра мусулмон бўлмишдир (Авлоний изоҳи).

ул вақт Умми Айман аёғининг туфроғи бўлсам эди) Ҳазрат Абдуллоҳ Оминадан бошқа хотун олгон эмас ва Омина ҳам иккинчи эрга боргон эмас. Пайғамбаримиздан бошқа болалари ҳам бўлгон эмасдир. Саккиз ёшларинда Абдул Муталлиб боболари вафот бўлуб ва бу суюклу боболариндан айрилгонларина мурда ёнинда йиғлагонлари ривоят қилинур. Бундан сўнг Абу Толиб амакиларининг тарбиясинда ўсуб, Абу Толиб ҳам ниҳоятда шафқатли ва марҳаматли бир зот ўлдиғиндан пайғамбаримизни ўз болалариндан ҳам ортиқ суяр эди.

НАШОТИ ФАҲРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Фаҳри коинот афандимиз тўққиз ила ўн ёшларин орасинда амакилари Абу Толиб ила савдогарлик учун Шом тарафига бордилар. Басра ном шаҳарга кирганларинда бир савмаъада ибодат қилғучи «Бухайро» лақабли «Жиржис» исмли насоро роҳиб кутуби самовияда ёзилмиш аломатлар юзасидан Муҳаммад алайҳис-салом афандимизин пайғамбар бўлишларидан башорат бериб, Абу Толиб амакиларига дедик: «Бу зотни Шомга олиб борманг; Шомдаги яҳудийларнинг олимлари китобларда ёзилмиш аломатлардан бу зоти бобаракотдаги пайғамбарлик нишонасини билуб, эҳтимолки, Бани Исроил пайғамбарларига қилган жафоларни бу зоти шарифга ҳам қилса», — деди. Абу Толиб роҳибдан, бу сўзни эшитуб, молларин Басрада сотуб, Маккага қайтдилар. Йигирма ёшга етконларидида қурайш қабиласида Хадича исмли хотун ила шерик бўлуб, ниҳоятда кўп мол ва Майсара исмли бир қул ила тижорат учун яна Шом тарафина юрдилар. Бу сафар ҳам Басра шаҳрига кирдилар. Бу вақт Бухайро вафот бўлуб, савмаъанишинликга Настуро ўтурмиш эди. Настуро келиб Майсара ила кўрушуб, айтдики, «Эй Майсара! Ҳазрат Исо хабар бергон охир замон пайғамбари бул зотдирлар: Шомга кирмангиз, хоин яҳудийлар жафо қилурлар», — деди. Шул сабабли бул сафар ҳам молларин Басрада сотуб, Маккага қайтдилар. Бу сафарлариндан бир-икки ой сўнг фаҳри олам афандимиз Хадича разналлоҳу анҳимни никоҳлаб олдилар. Шул вақт пайғамбаримиз 25 ёшда, Хадича жаноблари 40 ёшда эдилар. Ҳазрат Хадича ниҳоятда бой, ақлли ва эътиборли ўлдиғиндан Расули акрам афандимиз тездан зўр давлатга соҳиб бўлдилар. Шул вақтларда араб халқи Каъбани янгидан бино қилмак бўлдилар. Чароки, Каъба

одам бўйи девор, усти очиқ ўлуб, кўп ерлари бузилмиш эди. Шул сабабли деворларин баланд (қилиб), устини ҳам ёфуб, янгидан бино қилдилар. Лекин Ҳажарул-асвадни ўрнига қўймоқ учун араб қабилалари орасинда низоъ чиқуб, ҳар қабила ўзларининг муносиб кўруб: «Ҳажарул-асвадни биз қўямиз», — дедилар. Охирида масжид эшигиндан ким илгари кириб келса, шул зотни ушбу даъволарига ҳоқим қилурға қарор бердилар. Шул вақт эшикдан фахри коннот афандимиз кируб келдилар. Ҳаммалари шод ва масрур ўлуб, Муҳаммад ал-Амин¹ келдилар, деб ораларинда бўлгон муоҳадани баён қилуб, тадбирин рижо қилдилар. Пайғамбаримиз Ҳажарул-асвадни бир чодир устига қўйдуриб, чодирни атрофин ҳар бир қабилага ушлатуб кўтартируб, ўзлари яди мубораклари ила ўрнига қўйуб, зўр бир даъвони оҳисталик ила тамом қилдилар.

РИСОЛАТИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Фахри олам афандимиз ҳазратларина 40 ёшларинда Ҳазрат Жаброил воситаси-ла ваҳий келурга бошлаб, оҳиста-оҳиста халқни иймонга даъват қилурға бошладилар. Жаноб Ҳақ тарафиндан аввал мартаба «икра, бисми раббикал-лази халақ» ояти нозил бўлуб, Жаноб Ҳақ ҳаммадан аввал ўқув ила амр этмишдир. Бизларни асоси динимиза, ахлоқи ҳамидимиза, такмили инсониятимиза ҳовий Қуръони карим йигирма уч йил зарфинда бўлак-бўлак ваҳий тариқи-ла келиб, тамом бўлди. Энг аввал хотунлардан Хадича, эрлардан Абу Бакр Сиддиқ, болалардан ҳазрати Али, озод қуллардан Зайд ибн Ҳорис, озод чўрилардан Умми Айман, мусулмон ўлмишди. Булардан сўнгра Усмон ибн Аффон, Зубайр бин ал-Авом, Абдурраҳмон бин Авуф, Саъд бин Аби Ваққос, Талха бин Убайдуллоҳ, Абдуллоҳ бин Маъсуд ва бошқа бир неча завооти киром, дини ислом ила мушарраф бўлдилар. Нубувватнинг тўртинчи йилинда ошкора дини исломга даъват бошлануб, «фосдаъ бимо туъмару ва аърид анилмушрикин» ояти², нозил бўлди. Мушриклар эса, фахри олам афандимиза ва саҳобаларина изо ва жафо, таҳқир

¹ Фахри олам афандимиз гўзал хулқли, фуқаро ва мискинларга шафқатли, сўзлари қисқа, кўб маъноли, адаб бобида танҳо ҳақ ишда саботли, Макка халқи орасинда одил ва ишончли ўлдирлариндан «Муҳаммад ал-Амин» дер эдилар (*Авлоний ивоҳи*).

² Қуръони каримнинг 15-нчи «Ал-ҳижр» сурасининг 94-ояти.

ва масхара қилурга бошладилар. Мушрикларни жафоларина сабр қилолмаё фахри олам афандимиз рухсатлари ила мусулмонлардан 12 эр ва 4 хотундан иборат саҳобалар пиёда ҳолларинда ҳабаш юртина ҳижрат қилуб, баҳри Аҳмардан¹ ўтуб, ҳабаш подшоҳи Нажоший ҳузурина воруб, сиғиндилар². Маккада эса мушриклар бир тарафдан изо ва жафоларини орттирмақда, иккинчи тарафдан, дини ислом ила мушарраф бўлувчилар кўпаймақда эди. Қурайш улуғлариндан ҳазрат Умар ҳам иймон кетурдилар. Маккада ҳижрат қилувчилардан бошқа мусулмонларни ададлари қирқга етди. Бу вақтдан эътиборан диний ибодатларни ошкоро ўқумоққа бошладилар. Ҳабашга ҳижрат қилувчилар уч ой миқдори туруб, Маккада кенгчилик хабарин эшитуб, жонлариндан суюкли ватани аслийларина қайтуб келдилар. Мушриклар эса, ҳамон кундан-кун изо ва жафоларин орттирмақда эдилар. Бир кун Абу Жаҳл бош бўлуб, бир неча мушриклар ила Абу Толибга боруб, дедиларки: «Муҳаммад-ни ҳимоя қилма, бизни ота-бобомиздан қолғон одатларимизни бузди, биз они билгонимизни қилурмиз», — дедилар. Бу сўзга Абу Толиб қулоқ солмаганлари учун мушриклар ўзаро аҳд қилишуб, «мусулмонлар ила сўзлашмасга, бозорларда олиш-бериш қилмасга қарор бериб, бир аҳднома ёзуб, мушриклардан бир нечаси муҳрларин босуб, «Каъба» деворига осдилар. Авлоди Бану Ҳошим мусулмон ва кофирлари ҳам уч йил миқдори «Шаъб Абу Толиб» исмли ерда маҳбуслар каби турдилар. Ушбу вақт Маккада кун кечурмак эҳтимоли қолмади.

ҲИЖРАТИ ФАХРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Дини исломни ҳар тарафга тезлик ила таралувина Макка кофирларини тоқатлари қолмай, жамъ бўлуб, бир кеча фахри олам афандимизни жонларина қасд қилуб, келдилар. Фахри олам афандимиз «Ва жаъално мин байни айдиҳим саддан ва мин халфиҳим саддан фаағшайноҳум фаҳум ло йўбсируна»³ оятини ўқуб ҳужраи муборақлариндан чиқуб кетдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ила боруб, Савр тоғиндаги ғорда уч кун турдилар. Ҳаз-

¹ Қизил денгиз.

² Ҳабашга ҳижратларин сабабли онлар насоро ўлдиқлариндан Макка мушриклари ила алоқалари йўқ, эътиқодлари бошқа-бошқа ўлдигидир. (Авлоний изоҳи).

³ Қуръони каримнинг 36-нчи «Ёсин» сурасининг 9-ояти.

рати Абу Бакрнинг ўғиллари Абдуллоҳ ҳар кеча таом ила Макка аҳволиндан хабар бериб турдилар. Сўнгра ғордан чиқуб, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Омир ибн Фуҳайро исмли қулларин йўлбошчи қилуб, Мадинага сафар қилдилар. Фаҳри олам афандимиз рисолат келгондин сўнгра Маккада 13 йил умр кечуруб, ҳижрат қилгон вақтларинда 53 ёшда эдилар. Санаи милодийнинг 622 нчи йили Рабиул-аввал ойини 8-куни, душанба куни¹ Мадинага яқин «Қубо» исмли ерга саломатлик ила етуб, шул ерда бир неча кун туруб, 12-Рабиъул-аввалда жумъа куни Мадинага ташриф буюрдилар. Ниҳоятда фасих ва балиғ хутба ила жумъа намозини адо қилдилар. Фаҳри олам афандимизнинг ҳижратлари² улуғ воқеалардан ўлуб, шул кундан эътиборан мусулмонлар мўшриклар зулминдан халос ўлуб, ибодатларини ошкора қилурга бошладилар. Дини мубини ислом шуҳрат топуб, ҳар тарафдан гуруҳ-гуруҳ араб қабилалари келуб, дини ислом ила мушарраф бўлуб, «Инна ад-дина ʻинда Аллоҳи ал-ислому» нидолари арши аълоларга чиқди. Шул сабабли аҳли ислом шул йилни «табарруккан» тарих боши эътибор қилмишлар. Дарҳақиқат, ул кун мусулмонлар учун улуғ бўлуб, ҳар йил шул куни мактаб ва мадрасаларда таътил қилуб, косиблар касбларини ташлаб байрам қилмак лозимдир.

Фаҳри олам афандимизнинг Маккадан чиқуб, Мадинага яқин келиб етконлари Мадина аҳлига маълум бўлуб, алардаги шодлик таърифдан ташқари эди. Қаршу олмак учун ҳар кун эрта бирлан шаҳардан чиқуб жонлариндан азиз меҳмонларини туш вақтигача кутуб, қайтуб кетмоқда эдилар. Бир кун йўлчилардан бири «Сиз кутмакда ўлан меҳмонингиз келмакдалар», — деди. Бу хабарни эшитуб, бош яланг оёқ яланг эр ва хотун, ёш ва қари бирдан югурушуб, бутун аҳли Мадина пешвоз чиқуб, Ҳарра исмли ерда қаршу олдилар. Расули Акрам афандимизнинг атрофларин пиёда ва сувора ихота қилуб, теваларин тизгинини бир-бирлари ила талашуб, камоли хурсандликлариндан шеър ва такбирлар айтишуб, салтанат ва тантана ила Мадинага олуб кирдилар. Ажабо! Уз ватандошлари ва қариндошлари 40 йилдан бери яшамоқда ўлан ватанларинда сиғдирмасдан ҳижратга маж-

¹ Фарангий ҳисоб ила 20 сентябрь, румий ва русий ҳисоб ила 17 сентябрга тўғри келади (*Авлоний изоҳи*).

² Маккадан ҳижрот қилган саҳобага «мужоҳирин», ислом динини ривож и учун ёрдам берган Мадина аҳллари «ансор» дейилур (*Авлоний изоҳи*).

бур қилғонларинда, чет кишилар хоки пойларини кўзларига тўтиё ва қадамлари устинда жонларин фидо қилурлар! Фахри олам афандимиз Мадинага кируб, теваларин ўз ҳолига қўйдилар. Тевалари Аййуб Ансорий хоналари ёнина чўкди. Шул ерни ватан қилуб, масжиди ҳарамни бино қилдилар. Бир неча кун ўтгондан сўнг киши юборуб, қариндош ва оилаларин Маккадан олдуруб келдилар. Мусулмонларнинг ададлари кундан-кун ортуб, намозларин азон ва жамоат ила ўқий бошладилар. Аҳли Мадина, Ясриб исмли шаҳарларина табаррукан «Мадинатур-Расул» деб исм қўйдилар. Хижратнинг иккинчи йили қибла олишинуб, Макка шаҳриндаги Каъба исмли муборак уй тарафига қараб намоз ўқурга фармон келди. Бундан аввал намозларин Байтул муқаддасга қараб ўқур эдилар. Шул вақтларда рамазон ойинда рўза тутмак ва закот бермак фарз бўлуб, садақан фитра ва иъйд намозлари вожиб бўлуб, мушрик ва мунофиқ душманлар ила муҳораба қилурга амр келди.

БАДР ҒАЗВАСИ¹

Аҳли ислом ила Қурайш қабиласи орасинда бўлган муҳорабаларнинг машҳуроғи «Бадр» муҳорабасидир. Абу Суфён бош бўлуб, Шомдан Макка тарафига қараб бир неча карвон сафар қилдиғи Расули акрам афандимиза маълум ўлуб, онларни забт қилмак учун Мадинадан 313 саҳоба ила баробар Бадр исмли ерга қараб юрдилар. Мусулмонларни (нг) бул ҳаракатиндан Абу Суфён хабар топуб, тезлик ила Макка мушрикларига хабар юборуб, ёрдам сўради. Карвонларни халос қилмак учун Макка мушриклари тезда 950 қадар аскар жамъ қилуб юборди. Лашкари ислом ила мушриклар аскарлари Бадр исмли ерда тўқнашуб, ниҳоятда шиддатли муҳораба бўлди. Бу муҳорабада ҳазрати Ҳамза ила ҳазрати Али фавқулодда ғайрат кўрсатдилар. Аҳли ислом оз бўлса ҳам жаноб Ҳақнинг инояти, саҳобаларнинг шижоати соясинда мушрикларнинг раислари вафот бўлуб, аскарлари мағлуб бўлуб, мусулмонлар зафар топдилар. Бу хижратни (нг) иккинчи йили 17-рамазонда воқеъ бўлмишдир.

¹ Расули акрам афандимиз бирга бўлган муҳорабаларни «ғазва», саҳобалардан бирлари бош бўлган муҳорабаларга «саря» дейилур.

УҲУД ҒАЗВАСИ

Ҳижратнинг 3-йили Уҳуд муҳорабаси пайдо бўлуб, бу муҳорабада ҳам мушриклар кўп бўлуб, мусулмонлар оз эдилар. Ҳужум вақтинда баъзи мусулмонлар муҳосара учун таъин қилинган ерларин ташлаб кетгонлари сабабли мусулмонлар бир оз мағлуб бўлдилар. 80 дан зиёда саҳоба шаҳид бўлуб, ичларинда ҳазрати Ҳамза ҳам бор эдилар. Мушриклар Расулу акрам афандимиз (нинг) муборақ тишларин синдируб, аҳли ислом улуғларин ҳаммасин шаҳид қилдук, гумонила қайтуб кетдилар.

ХАНДАҚ ҒАЗВАСИ

Бу муҳораба ҳижратнинг 5 йилинда воқеъ бўлуб, Қурайш мушриклари саҳройи араблардан ўн минг қадар аскар йиғуб Мадинани хароб ва жамияти ва исломияни паришон этмак нияти фосидаси-ла Мадинаи мунавварани ўраб олдилар. Расули акрам афандимиз Салмон Форсни маслаҳатлари узра шаҳарнинг атрофларига хандақ (ўра) қовлатдилар. Шул сабабли бу муҳорабага «Хандақ муҳорабаси» дейилди. Бу сана Мадинада очлиқ бўлуб, Саҳобаи киром қамал (муҳосара) вақтинда ниҳоятда оғир машаққатлар кўрдилар. Тездан очлиқ душман тарафинда ҳам пайдо бўлуб, мушрикларнинг ҳам жонлари сиқилуб, ҳужум қилай десалар, хандақлардан ўтишни имкони йўғлигиндан, кетларина қайтай десалар, номус зўрлигиндан ҳайронликда эдилар. Бир кеча ниҳоятда қаттиғ шамол пайдо бўлуб, чодирларини бузуб, устларина туфроқ-қумларни сочуви сабабли (мушриклар) жумласи қочуб, муҳорабада аҳли ислом саломат қолдилар. Бу муҳорабада мушрикларнинг энг паҳлавони Умар бин Абдуни ҳазрат Али ўлдирдилар.

ҲАДАЙБИЯ МУЪОҲАДАСИ

Ҳижратнинг олтинчи йилинда Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз бир минг беш юз қадар саҳобалар бирла Зул-қаъда ойинда Мадинадан чиқуб, ҳаж қилмак ниятинда саҳобаларга қиличдан бошқа силоҳ² олдирмасдан Маккага қараб юрдилар. Мушриклар мусулмонларни Маккага қараб келишлариндан ха-

¹ Келишув.

² Яроғ

бардор бўлуб, «Ҳадайбия» исмли ерда йўлларин тўсуб, машварат қилуб, мусулмонларни Маккага киришларига қарши турдилар. Шул вақт ораларинда муъоҳада бўлуб, ушбу аҳднома ёзилди: «Аҳли ислом Маккага келур санада кирсунлар, ўн сана ичинда ораларинда муҳораба бўлмасун, ҳаж вақтинда мусулмонлар «Қаъба» зиёрати учун келгонларинда мушриклар Маккани уч кун бўшутуб берсунлар, Ислом тарафиндан Қурайшга ўткон киши қабул, аммо Қурайшдан мусулмонлар тарафига ўтгон киши рад қилинсун», — каби шартлар ёзилди. Бу аҳдномадаги шартлар мусулмонларга оғир келса ҳам пайғамбаримизнинг ройлари ила қабул қилинуб, охирида ҳусни натижаси зоҳир бўлди.

ҲАЙБАР ҒАЗВАСИ

Мадинани (нг) шимол тарафинда Ҳайбар исмли шаҳар ўлуб, мусулмонликдан қочган яҳудийлар боруб, ҳаммалари шул ерда жамъ бўлгон эдилар. Ҳайбар эса Шом ила Мадина орасинда ўлдиғиндан мусулмон йўлчиларина яҳудийлар тарафиндан бир неча жафолар кўрулуб, йўл хатарлиқ эди. Шул сабабли Фаҳри олам афандимиз Ҳадайбиядан қайтишларинда бир минг беш юз қадар киши бирла Ҳайбар қалъасини боруб, фатҳ қилуб, халқини мусулмон қилуб, нусрат¹ ила Мадинага қайтдилар. Бу муҳорабада мусулмонлардан 15 киши шаҳид бўлуб, яҳудийлардан 93 киши жаҳаннамга кетди. Фаҳри олам афандимиз ҳижратнинг еттинчи йилинда Муҳаррам ойинда Жазиратул Араб атрофиндаги подшоҳ ва ҳокимларга нома ёзуб, «Муҳаммадур расулуллоҳ» ёзилган муҳрларин босуб, элчилар воситаси-ла Эрон шоҳи Хисравга, Қайсар румга, Миср ҳукмдори Муқавқисга, Ҳабаш ҳукмдори Нажоший ва бошқа бир неча ҳукмдорларга юбордилар. Бу подшоҳларнинг аксарлари дини исломни қабул қилуб, туҳфалар юбордилар. Эрон шоҳи Хисрав номани йиртуб ташлади. Шул сабабли тездан давлати инқироз бўлуб, ўзиндан ном-нишон қолмай, Эрон мамлакати дорул ислом бўлди.

УМРАИ ФАҲРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Ҳижратнинг еттинчи йили Зулқаъда ойинда Ҳадайбия аҳдномасига мувофиқ Расулу акрам афандимиз умра

¹ зафар, ғалаба

қилмак учун икки минг қадар саҳобалар ила Маккага боруб умра қилдилар. Жафокор Қурайш мушриклари ҳузуринда камоли салтанат ва тантана ила шавкатли суратда Қаъбаи муаззамани тавоф қилуб, умрани тамом қилуб, Мадинага қайтдилар. Ҳижратнинг саккизинчи йили муъта сафари бўлди. Мушриклар Ҳадабия муҳодасин бузганлари учун рамазон ойинда ўн минг қадар саҳобан киром ила Макка шаҳрига қараб юрдилар. «Баввоъ» исми ерга етганларинда Қурайш улуғлариндан Ҳолид ибн Валид, Амр ибн ал-Ос, Усмон ибн Абу Талҳалар келуб иймон кетурдилар. Бир кеч Маккага яқин «Мурруззаҳрон» исми ерга етконларинда Макка мушриклари лашкари исломдан хабар олдирмак учун Абу Суфён ила бир неча кишини юборгон эдилар. Лашкари исломнинг посбонлари буларни тутуб, фахри олам афандимиз ҳузури анварларига келтурдилар. Абу Суфён бин Ҳарб дарҳол мусулмон бўлди. Расулу акрам афандимиз аҳли ислом ила биргаликда ҳеч бир монеъсиз саф-саф бўлуб, камоли шавқ ва шитоб ила 12-рамазонда жумаъкунни эрта бирлан «Инна фатаҳно» сурасини ўқуғон ҳолларинда Маккаи мукаррамани фатҳ қилдилар. Қаъбаи муаззамани санамлардан, бутлардан поклаб, жаҳран такбир айтуб, Байтуллоҳга ташриф буюрдилар. Бу садойи шуҳратфизо, боргоҳи кибриёда мўминларни шод ва масрурлик ила мушрикларни ғам ва андуҳ ила оғлатмоқда ва қалбларин дарахт яфроғлари каби титратмакда эди. Замони жоҳилиятда жафокор мушриклар мусулмонларни мажуслардан зиёда бир ерда маҳсур тутганлари жонлариндан, суюкли ватанлариндан ҳар тарафга сургонлари ёдларига тушуб, қилғон зулмларин баробарина қандай ҳукмлар бўлур экан, деб термулуб турмакда эдилар. Мана шул вақт Расули акрам афандимиз авфи умумий эълон қилуб, бутун мушрикларни шод (этиб), ғам балосидан озод қилдилар. Бу қадар олижанобона, бу қадар лутф ва марҳаматпарварона адолатларин кўруб, аксар мушриклар дини ислом ила мушарраф бўлдилар. Шул кун ҳазрат Билол Қаъба устина чиқуб, қичқируб азон¹ айтуб, Пайғамбаримиз Қаъбаи муаззамада жамоат ила намоз ўқудилар. Фахри олам афандимиз фасих ва балиғ хутбалар сўзлаб, шарият ҳукмларин баён қилуб, ниҳоятда муассир² насиҳатлар қилдилар. Бу замондан эътибо-

¹ Маккаи мукаррамада энг аввал қичқируб айтулгон азон ушбу бўлса керак (*Авлоний изоҳи*).

² таъсирли

ран Макка мушрикларин қувватлари қолмай, мусулмонлар ила бирликда улфат ва муҳаббат ила яшамакга бошладилар.

ФУТУҲОТИ ФАХРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Макка фатҳиндан сўнг Ҳунайн, Тоиф исмли шаҳарларни муҳораба ила фатҳ қилуб, мушрикларни паришон қилуб, шаҳарларин дорулҳарбликдан дорулислома айландирдилар. Шул йил хутба сўзламак учун Мадина масжидинда минбар бино қилдилар. Ҳижратнинг тўққизинчи йили фахри олам афандимиз Рум тарафина сафар қилуб, ҳеч бир муҳорабасиз ҳозирда Ҳижоз темир йўли манзили ўлан Табк исмли ерга тушуб, ҳар тарафга элчи юборуб, Табк халқлари ила сулҳ қилишуб, бир масжид бино қилуб, Мадинага қайтдилар. Мадинадан Абу Бакр Сиддиқ ҳазратларини амир қилуб, бир неча саҳоба ила ҳаж қилмак учун Маккага юбордилар. Олами исломда энг аввал адо қилинғон фарз ҳаж ушбуди. Мавсуми ҳажда ҳазрати Али Бароат сурасини ўқуб, ислом ҳукумларин йиғилғон халойиқларга баён ва эълон қилдилар.

ҲАЖИ ВИДОЪИ ФАХРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Ҳижратнинг ўнинчи йили Ҳазираи Арабни ҳар тарафиндан Мадинага гуруҳ-гуруҳ халқлар келиб, дини мубин ислом ила мушарраф бўлурга бошладилар. Шул йил фахри коинот афандимиз ҳазратлари ҳаж қилмакларин эълон қилдилар. Шул сабабли ҳар тарафдан халойиқлар келуб, Мадинага йиғилуб, ҳаммалари пайғамбаримиз ила бирга ҳаж қилмак ва ибодат йўлларин ўрганмак орзусинда эдилар. Ишта, фахри олам афандимиз 25-Зулқаъда ойида душанба куни қиёмдан сўнг 90 000 қадар саҳобаи киром бирла Маккаи мукаррамага қараб юрдилар, йўл-йўлдан яна ҳисобсиз араб қабилалари қўшулуб, тўртинчи Зулҳижжада Маккаи мукаррамага ташриф буюриб, бирин-бирин ҳаж амалларин ҳаммасин адо қилдилар.

Тўққизинчи Зулҳижжада Арафот тоғига чиқуб, бир хутба сўзлаб, шу хутбаларинда бутун дини мубин ислом асосин баён қилуб, хотунларга шафқат ва марҳаматда бўлмак, тўғрусинда насиҳат қилуб: «Эй халойиқ! Ман сизларга Қуръони карим ила суннатимни қолдирдим», —

деб васиятлар қилдилар. Шул куни «Ал-ёвма акмалту лакум дийнакум ва атмамту алайкум неъмат ва разийту лакумул ислома дийнан»¹ ояти каримаси нозил бўлди. Фахри олам афандимиз ҳижратдан сўнг энг охирги қилган ҳажлари ушбу ўлдиғиндан бу ҳажларини «ҳажжа-тул видоъ» дейилур. Маккада ўн кун миқдори турғонлариндан сўнг фахри коинот афандимиз юз минг машаққатлар ила уммато, уммато деб, дини ислом ила мушарраф қилгон умматлари ила, умматлари жонлариндан суюкли, ота-оналариндан ортуғроқ шафқат ва мурувватли пайғамбаримиз ила видоълашуб, саҳобалар ўз ватанларига, афандимиз Мадинага қайтуб кетдилар.

ВАФОТИ ФАХРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Ҳижратнинг 11-йили фахри олам афандимиз ҳазратларина хасталик пайдо бўлуб, ҳоллари кундан-кун оғирлашмакда эди. Бу ҳолдан саҳобалар хабардор бўлуб, ҳаммалари масжиди шарифга йиғилдилар. Расули акрам афандимиз саҳобаларига суялуб, масжидга чиқдилар. Минбар узра ўтуруб, муассир насиҳатлар қилуб, имом бўлуб, пешин намозин адо қилдилар. Баъд аз намоз яна минбар узра чиқуб, ваъз ва насиҳат қилуб, Абу Бакр Сиддиқ ҳазратларин имомат учун тайин қилдилар. Сўзлариндаги ишорат ва ҳоли муборақлариндан тездан дорулфанодан дорулбақоға рихлат қилишлари маълум эди. Орадан бир неча кун ўтуб, раббиул-аввал ойини 12-кунда душанба кун² Мадина шаҳринда 63 ёшларинда ажал бодасини нўш қилуб, олам кўзин висоли муборақлариндан маҳжур қилуб, иккинчи куни мадфун бўлдилар. Қабри шарифлари Мадинаи мунаввара шаҳринда. Ҳозирда бутун аҳли исломнинг зиёратгоҳи ўлан равзаи мутаққарада масжиди шариф ичинда Хужраи саодатдадир.

АХЛОҚИ ФАХРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Расули акрам афандимиз ўрта бўйли, буғдой рангли, гўзал ва очик юзли, шахло кўзли, сунбул мўйли, сийрак

¹ Қуръони каримнинг 5-нчи «Ал-Моида» сурасининг 3-оятдан парча.

² Вафоти фахри олам санайи мелодиянинг 632 йили фарангий ҳисоб ила 7-румий ва русий ила 5 июнда эди (Авлоний изоҳи).

соқолли ниҳоятда муҳаббатли, шафқат ва мурувват пешали, тез фикр ва кўп андишали ҳалим ва сабрли бир зот эдилар. Сўзлаган сўзлари ниҳоятда таъсирли, дунё ва охират учун фойдали сўзлар ўлуб, қабоҳат, ғийбат, лоф, зам, ҳажв каби сўзларни асло сўзламас эдилар. Сахий ва олижаноб бўлуб, ҳеч бир соилни рад қилмас, садақа молини олмас, ҳадя ва тухфаларни қайтармас, бир киши сўз бошласа ташлаб кетмас, тўйуб ошомас, бир киши ила кўришсалар, аввал қўлларин тортмас, кўп ётуб ухламас, таажжуб ишларда табассум қилуб, асло қаҳқаҳа ила кулмас эдилар. Ғайрат ва шижоат тўғрусинда энг баҳодирлардан баҳодири, бало ва қазоға ниҳоятда собир, ҳар ким хонасина таклиф қилса, борур, ўтурган вақтларинда киши тарафина оёқ узатмаюр, ёнлариндаги кишилар тизиндан тизлари узмаюр, асҳоблари ила аҳвол сўрашур, тез-тез шўро ва машварат қилишур, бой ила камбағални баробар кўрур, хасталарни боруб кўруб, ҳолин сўрур, ўлгон кишиларга ҳайри дуо қилуб, «Инно лиллаҳи ва инно илайҳи рожиъун»¹ оятини ўқур, узрни қабул қилуб кечирур, афу буюрур, тўғри келгон кийимни киюр, аксар фақир ва мискинлар ила суҳбат қилур, ишлаб тургон кишилар тепасинда қараб турмай, ёрдам берур, жамоат олдидан босуб ўтмакни ёмон кўрур. Ҳалол таомларни ошар ва ичур. Қовоқ ва сутни яхши кўрур. Мубоҳ ўйинларга ижозат берур, кофирларни ҳидоят ила дуо қилур, хонадонларин яхши тарбия қилуб, зарб, азоб, даҳшат каби ишларни асло қилмаюр эдилар.

ЗАВЖОТИ ФАҲРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Завжоти мутаҳарротлари² 11 бўлуб, 1-Ҳадича бинти Ҳувайлидирки, дини исломни нусрат ва тараққийсина сабаб бўлгонлари учун аҳли ислом тарафиндан ал-Кубро деб лақабланмишлар. Расулу акрам афандимиз ила 25 йил миқдори умр суруб, 65 ёшларинда вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Макка шаҳринда Ҳажун исмли ердадир. 2-Савда бинти Замъадирки, аввалги эри Шукран бин Умар Ҳабаш ҳижратинда вафот қилуви сабабли Расули акрам афандимизга никоҳланмишлар. 3-Ойша бинти Абу Бакр Сиддиқирки, қизлик ҳолинда Расули акрам афандимизга никоҳлануб, 9 йил бирга умр суруб,

¹ Барчамиз Аллоҳга мансубмиз ва унга қайтажакмиз.

² олган хотинлари.

18 ёшинда бева қолдилар. 66 ёшларинда ҳижратнинг 58-йилинда рамазон ойинда вафот бўлмишлар. 4-Ҳафиза бинти Умардирки, аввалги эри вафотиндан сўнг Расули акрам афандимизга никоҳланиб, 60 ёшларинда ҳижратнинг 45-йилинда вафот бўлмишлар. 5-Умми Салима бинти Абу Умайядурки, аввалги эри Ҳабаш ҳижратинда вафот бўлуб, сўнгра Расули акрам афандимизга никоҳлануб, 84 ёшларинда ҳижратнинг 63-йилинда вафот бўлмишлар. 6-Умми Ҳабиба бинти Абу Сўфёндинки, аввалги эри насроний ўлдиғиндан андин айрилуб, Расули акрам афандимизга никоҳлануб, ҳижратнинг 44-йилинда вафот бўлмишлар. 7-Зайнаб бинти Ҳажашдирки, Зайд бин Ҳорис талоқ қилғондан сўнг Расули акрам афандимизга никоҳлануб, 52 ёшларинда ҳижратнинг 20-йилинда вафот бўлмишлар. 8-Зайнаб бинти Ҳузаймадинки, аввалги эри Уҳуд муҳорабасинда шаҳид бўлуви сабабли Расули акрам афандимизга никоҳлануб, икки ё уч йил бирга умр суриб вафот бўлмишлар. 9-Маймуна бинти Ҳорисдинки, аввалги эри вафот қилуб, Расули акрам афандимиз энг охириги никоҳланмиш хотунларидир. Ҳижратнинг 51-йилинда вафот бўлмишлар. 10-Жувайра бинти Ҳорисдинки, Марисъа муҳорабасинда асир олинуб, Расули акрам афандимиз озод қилуб, ўз никоҳларина олгон эдилар. 65 ёшларинда ҳижратнинг 66-йилинда вафот бўлмишлар. 11-Сафия бинти Ҳуяйдирки, Ҳайбар муҳорабасинда асир олинмиш, Расули акрам афандимиз озод қилуб, ўз никоҳларина олмишлар. Ҳижратнинг 50-йилинда вафот бўлдилар. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибун.

АВЛОДИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Пайғамбаримизнинг болалари: 1) Қосим рисолатдан аввал Макка шаҳринда туғулуб, 2 ёшларинда вафот бўлдилар. Расули акрам афандимиз бу ўғилларин исми ила Абул Қосим деб аталмишлар. 2) Абдуллоҳ—бу зот ҳам сабий¹ вақтинда Макка шаҳринда вафот бўлмишлар. 3) Зайнаб—пайғамбаримизнинг 30 ёшларида энг аввал кўргон қиз болаларидир. Ҳижратнинг 8-йилинда вафот бўлмишлар. 4) Руқия—ҳазрати Усмонга никоҳлануб, ҳижратнинг 2-йилинда вафот бўлмишлар. Қабри шарифлари Мадинададир. 5) Умму Гулсум Руқия вафотиндан

¹ Сабий—ёш бола.

сўнг ҳазрати Усмонга никоҳлануб, ҳижратнинг 9-йилинда вафот бўлмишлар. 6) Фотима пайғамбаримизнинг 41 ёшларинда кўргон кичик қизларидирлар. 16 ёшларинда ҳазрати Алига никоҳлануб, пайғамбаримиздан 6 ой сўнг-ра вафот бўлмишлар. Бу олти болалари Хадича Ал-Кубродан туғулуб, бир Иброҳим исмли ўғиллари Мария исмли Қибтий бир чўрилариндан туғилмишлар. Пайғамбаримизнинг набиралари: Али, Имома, Абдуллоҳ, Ҳасан, Ҳусайн, Зайнаб исмли зотлардир. Али ила Имоманинг оналари Зайнаб, атолари Абу ал-Ос исмли кишилардир. Абдуллоҳнинг онолари Руқия, отолари ҳазрати Усмондирлар. Ҳасан, Ҳусайн, Зайнаб ва Умм Гулсумларнинг онолари Фотима, отолари ҳазрати Алидирлар. Ҳаммалари ислом боғининг гули ва жаннат чаманин булбулидирлар. Пайғамбаримизнинг амакилари: Ҳамза, Аббос, Абу Толиб, Зубайр, Абдул Каъба, Айдоқ, Зирор, Ҳорис, Абу Лаҳаб, буларнинг оросинда Абу Лаҳаб пайғамбаримизга ниҳоятда душман ва иймонсиз ўлдиғиндан шаънига «Таббат йада Аби Лаҳааб»¹ сураси нозил бўлмишдир. Пайғамбаримизнинг аммалари: Отика, Умайма, Байдо, Бурро, Арави, Сафия исмли хотунлардир. (Жаноб Ҳақ ҳаммалариндан рози бўлсун).

ХУЛОФАТИ ҲАЗРАТ АБУ БАКР СИДДИҚ

Расули акрам афандимиз саломат вақтларинда ўринларига халифа бўладиргон кишини тайин қилмасалар ҳам, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқнинг халифа бўлишларига кўп ишоратлари бор эди. Масалан, дунёда энг зиёда Абу Бакр Сиддиқдан розиман деб айтишлари, баъзи вақт имом қилуб иқтидо қилишлари, аксар вақт бу зот ила суҳбат ва кенгош қилишлари бу зотни халифа бўлишларига далолат қилур эди.

Пайғамбаримизни(нг) вафотлариндан сўнгра Мадинада ҳазрат Умар бош бўлуб, ҳамма саҳобалар пайғамбаримизнинг ўрунларига ҳазрат Абу Бакр Сиддиқни халифа кўтаруб, байъат қилдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Нажд ва Яманда давоъи пайғамбарлик қилгон Муслим ал-Қаззоб ва Асвод ал-Аънсо каби малъунлар бошларига аскар юборуб, ўлдиртируб, Шомни фатҳ қилдилар. Пайғамбаримизнинг вафотларин эшитуб, ислом динидан қайткон мунофиқларни аскар ила итоатга киргиздирдилар. Шул вақтларда Қуръони каримни саҳобалар

¹ Қуръони каримдаги 111-«Ал-Масад» сурасининг бошланиши.

ёддан ўқир эдилар. Муслим ал-Қаззоб ила бўлгон муҳорабада Қуръонни ёд биладиргон саҳобаларнинг кўблари шаҳид бўлуб эдилар. Шул сабабли ҳазрат Абу Бакр Сидиқ ҳазрат Умар ила кенгош қилуб, ҳамма қори саҳобаларни йиғуб, Қуръони Қаримнинг оятларин жамъ қилуб, мусҳафи шарифни ёздирдилар, сўнгра ҳазрати Усмон бу мусҳафи шарифдан нусхалар ёздируб, ҳар тарафга тарқатмишлар. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ икки йил тўққиз ой халифалик қилуб, ўринларига ҳазрати Умарни тайин қилуб, 63 ёшларинда, ҳижратнинг 13-йилинда 20-жумодил-охир ойинда вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Мадинаи мунавварада ҳужраи саодатдадир. (Разиаллоҳу анҳу).

ХУЛОФАТИ ҲАЗРАТ УМАР

Ҳазрат Умар халифа бўлиб тургон замонларинда ислом аскарни ниҳоятда қувват топуб, кўп шаҳарларни олдилар. Саъд ибн Абу Ваққосни бош қилуб, ўн минг аскар бирла Фрот наҳрига яқин Қодисия исмли ерда муҳораба бўлуб, бу муҳорабада ажамларнинг аскар бешин Рустам ўлдирилуб, Дарафш ковиён исмли байроқлари қўлга олинди. Кисроларнинг пойтахти бўлган Мадоин шаҳри фатҳ қилинуб, хазинаси Мадинага келтирилди. Бутун Эрон мамлакати дорулислом бўлди. Бундан боруб етмиш кун қамаб, Шом шаҳрини олдилар. Фаластинга юборилмиш Амир ибн ал-Ос Рум аскарларини бузуб, Наблус Ефа, Ғаза шаҳарларини олдилар. Рум аскарни қочуб, Қуддус шаҳрига кируб бекиндилар. Қуддус халқи урушсиз тобе бўламиз, деб ҳазрати Умарни чақирдилар. Ҳазрати Умар бир қул бирла навбатма-навбат бир тевага минуб Қуддусга кириб бордилар. Шаҳарга киргонларинда қул тевада, ҳазрат пиёда эдилар. Қуддус халқларини ўзларига тобе қилуб, амончилик беруб, идора ишларин ўзларига топшируб, Мадинага қайтдилар. Ҳазрати Умар ниҳоятда ўткур, шижоатлик, адолатлик, киши кўнглига қарамай, шариятга қарагон, шариятдан бир қилча айрилмагон бир зот эдилар. Ун йилдан зиёдроқ халифалик қилуб, 55 ёшларинда ҳижратнинг 23 йилинда Зулҳижжа охирида Абу Луълуъ деган бир қул тарафиндан шаҳид бўлдилар. Қабри шарифлари Мадинаи мунавварада Ҳужраи саодатдадир. (Разиаллоҳу анҳу).

ХУЛОФАТИ ҲАЗРАТ УСМОН

Ҳазрат Умардан сўнгра саҳобаларнинг улуғлари ўзаро кенгашуб, ҳазрати Усмонни халифа кўтаруб, ҳаммалари байъат қилдилар. Ҳазрат Усмон замонларинда Миср, Сурия шаҳарларинда муҳораба бўлуб, Шом подшоҳи Муовия Истамбулни қамал (муҳосара) қилса ҳам, фатҳ қилолмади. Мусулмонлар Қибрис¹ отосини олдилар. Ҳазрати Усмон Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ замонларинда ёзилгон мусҳафи шарифдан бир неча нусхалар кўчируб, ёздуруб, ислом мамлакатларинга тарқатдилар. Ҳазрати Усмон ниҳоятда раҳмдил, ҳаёлик, очиқ юзли, ширин сўзлик, яхши ҳулқлик, олижаноб бир зот эдилар. Кўфа халқи ҳазрат Усмоннинг ўз яқинлариндан қўйгон ҳокимларига рози бўлмасдан итоат қилмай ғавғо чиқордилар. Бу хабарни эшитуб, Басра, Миср, Шом халқлари ҳам фасод ва ғавғо кўторуб, охирида ҳаммалари йиғилуб, келуб, ҳазрати Усмонни ўз уйларинда қамаб шаҳид қилдилар. Ҳазрат Усмон 12 йил халифалик қилуб, 82 ёшларинда ҳижратнинг 35-йилинда 18-зулҳижжа ойинда вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Мадинаи мунавварада. Жаннатул Бақия исмли мазордадир. (Разиаллоҳу анҳу).

ХУЛОФАТИ ҲАЗРАТ АЛИ

Ҳазрат Усмондан сўнгра ҳазрат Али халифа бўлдилар...

Ҳазрат Али 5 йил миқдори халифалик қилуб, 63 ёшларида ҳижратнинг 40-йилинда 17-рамазонда вафот бўлдилар. Қабри шарифлари Куфага яқин Нажафи ашраф шаҳриндадир. Ҳазрати Алидан сўнгра Ҳазрат Имом Ҳасан 7 ой миқдори халифалик қилуб, сўнгра бир неча шартлар ила халифаликни Муовияга топшурдилар. Ҳазрат Имом Ҳасан 46 ёшларинда ҳижратнинг 50-йилиндан ўз хотунлари тарафиндан заҳар ичуб шаҳид бўлдилар. (Разиаллоҳу анҳум аҳсанурризо).

¹ Кипр.

ДРАМАЛАР *

* «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва Сиз» драмалари адибнинг 1979 йилда чоп этилган «Тошкент тонги» (Тошкент, Рафур Ғулом нашриёти) китобидан олинди.

АДВОКАТЛИК ОСОНМИ?¹

(Бир пардалик кулги)

Туркистон турмушидан олинуб ёзилмишдур.

УЙНОВЧИЛАР

Давронбек — мусулмон адвокат, 24 ёшинда.

Худойберди — ер сотгон чол, қулоғи қар, 55 ёшинда.

Хушвақт — от йўқотган тожик, 30 ёшинда.

Ҳайдарали — мол йўқотган дудуғ, 24 ёшинда.

Рапоил — насияга мол сотгон, 60 ёшинда.

Эгамберди — тўй қилуб қарздор бўлгон аробақаш, 35 ёшинда.

Меҳринисо — эри билан урушуб, чиқмоқчи бўлгон хотун, 32 ёшинда.

Абдужаббор — хизматчи, қизик, 22 ёшинда.

Парда очилур, мукаммал европача бежалгон уй. Бир тарафда қозуқларда осилгон камзул, шим, шлафалар турар. Устолулар мукаммал суратда тузалгон бўлур.

Давронбек. Ман бу дунёдан хабарсиз мусулмонларнинг аҳволига жуда ҳайронман. Ман бу ердан ўқумоқга кетгонимга етти йил бўлди. Ман Европода ўқуб юргонимда Туркистондан чиқгон ғазиталарни (нг) кўруб яхшигина хурсанд бўлур эдим. Бизнинг халқларнинг ҳам кўзлари очилуб, дунёдан хабардор бўлгонлардур деб ўйлар эдим. Лекин келуб кўраманки, яна эски ҳаммом, эски тос, турган еридан зиғирча ҳам қимирламагон, илгари босмагон, илм ва маорифдан асар йўқ. Эл бутун тошдек қотгон, тараққиёт, маданиятдан нишон ҳам йўқ. Халқ таассуб чуқурига қараб юз тубан кетгон. Оҳ... Қошки мен қайтуб келмогон бўлсам эди. Бу қайғулик ҳолларни кўрмагон бўлар эдим. (Эшик тақиллар.) Абдужаббор, чиқиб қара, ким келди.

Абдужаббор (масхара қилиб, кулиб). Бир чол келибдур, кирсунми?

¹ Айрим қисқартиришлар билан олинди.

Давронбек. Чақир, кирсун.

Худойберди эшикдан кируб адвокат ила кўришур,
узундан-узоқ дуо қилур.

Давронбек. Бўлди-бўлди, отажон, кўб чўзманг.
(Жой кўрсатур). Қани, отажон, нима хизмат?

Худойберди. Эй... Болам қўй. Мани қилган ишимни асти сўрама. (Чўнтагини ковлаб, васиқасин чиқаруб, ўқумоқға бошлар.) «Зикри ҳудуди яки қитъ-аз Мир дармурғ дам ориқ думахона дафтаринда 182 рақамда шарқан тамоман пайваста бамулки Додажонбой 479 газ аршин ва ғарбан тамоман пайваста бамулки Абдулқарим оқсоқол 596 газ аршин, жанубан тамоман пайваста бамулки варасан Абдумавлонбой 484 газ аршин, шимолан тамоман пайваста ба ҳақира ҳан ойма 487 газ аршин чаҳор тарафаш маълум шуд».

Давронбек. Жуда яхши маълум шуд, отажон. Манга бу васиқани(нг) нимага ўқуб бервотсиз? Ман бу ўқуғонларингиздан бир нарса ҳам англамадим. Мақсадингиз нима? Мақсадға келинг. Фақат «Маълум шуд» деган сўздан бошқасига тушунганим йўқ.

Худойберди. Шошма болам, ҳамма мақсад шул-да—васиқанинг ичида. Ман ўқуб тамом қилай, сан яхшилаб қулоқ солуб тур. «Чаҳор тарафаш маълум шуд...»

Давронбек. Отажон! Манга бу васиқани(нг) ўқуб берганингиздан ҳеч бир фойда йўқ. Ман бу сизнинг «маълум шуд—паълум шуд»ларингизға тушунмайман. Мақсадға келинг! Бу ерға келмоғингиздан мақсадингиз нима?

Худойберди. Болам, ман шўри қайнағонман. Шул санга ўқуб бергон васиқадаги отамдан қолгон икки таноб жойимнинг бир танобин тўрт юз сўмға бир бойга сотгон эдим. Олти ойда «купчук» қилиб бераман, деб нотарусда «олдим-сотдим» хат қилуб, икки юз сўм биғ пули олуб, агарда вақтида «купчук» қилуб беролмасам, тўрт юз сўм қилуб қайтараман, деб ўзим хат билмаганим учун нотарусни(нг) мирзосига қўл қўйдируб кетган эдим. Эй... болам, жон... болам! Ман қургур «тана-ман», деб бепарволик қилуб, олти ой муҳлат ўтуб кетуб, энди бойнинг олдиға борсам, манга дағдағалар қилур. Нотарусға келсам, тезлик ила олгон икки юз сўмни(нг) тўрт юз сўм қилуб олуб келуб бермасанг, еринг хатлануб, сўтда сотиладур, дейдур. Яқинда судья-пристўф боруб ерингни хатлаб ке-

ладур, дейдур. Жон болам, оппоғ болам, сан шунга бир илож қилмасанг, бошим говлаб, жуда довдираб қолдим.

Давронбек. Ман мусулмонларни ишига жуда ҳайронман. Иш билмаганликдан, дунёдан хабарсизликдан ишни пачава қилуб қўядур-да, эшикма-эшик судралуб юрадур. Хўш, энди нима қилмоқчи бўласиз? Мани олдимга нима учун келдингиз!

Худойберди. Жон болам, оппоқ болам, тупроғ олсанг, олтун бўлсун, мендан қайтмаса, бола-чақаларингдан қайтсун. Шуни бир иложини қилрил.

Давронбек. Отажон, буни иложи фақат икки юз сўм олгон оқчангизни тўрт юз сўм қилуб қайтарасиз. Бўлмаса ерингиз сўтда сотиладур. Мундан бошқа иложи йўқ.

Худойберди. Йўқ, болам, буни иложини сан қиласан. (*Чўнчагини ковлар.*) Пулим ҳам уйда қолибдур. Жон болам, бир сўлкавой бераман. Сан манга бир яхшилаб ариза ёзуб берасан. Шул аризада айтасанки, Худойберди Топилдибой ўғлига судья-пристўфяна олти ой сурук берсун. Ана ундан кейин ман бу олти ой ичинда «купчук» кирфичини битқазуб бераман.

Давронбек. Отажон, мени ҳозир борадурғон жойим бор. Пешиндан кейин соат 3 да келинг.

Худойберди. Жон болам, оппоғ болам, ҳозир ёзиб бера қолсанг бўлмасми? Наки мўйсафид ҳолимча овора қилуб юрмасанг? Жоним болам, тупроғ олсанг, олтун бўлсун, ҳозир ёзуб бера қол.

Давронбек. Отажон, ман сизга айтвотман-ку, ҳозир вақтим йўқ. Бир жойга борадурғон зарур ишим бор. Соат 3 да келинг.

Худойберди (*ўрнидан туриб, аччиғ ила*). Ҳммм... болам! Нимага мунча зарда қиласан? Ман санга текинга ариза ёзуб бер девотманми? Ёзганда пулга ёзуб берасан. Жаҳлинг чиқадурғон бўлса, адвокатлик қилма!... Ҳммм... болам, адвокатлик осонми? (*Кетар.*)

Абдужаббор (*орқасидан кулуб*). — Ҳммм... ота! Урисга ер сотуб, хат қилуб бермоқ осонми? (*Давронга қараб*) Қалай, хўжайин, кар қулоқ чолни(нг) хўб кузатуб юбордимми? Чўнчагини кавлаводувди, бир нарса бердимми?

Давронбек. Бор ишинга, кўп гапурма. (*Урнидан туриб юруб*) Ман мунда келуб иш бошлагонимга 7—8 ой бўлди. Келган кишиларнинг ҳаммаси мана шунга ўхшаган кишилар. Булар билан сўйлашмоқға

бир қоп жон керак. Иш билмагон ва сўзумга тушунмагон одамга жигарингни хун қилуб, бир соат-икки соат вақтингни бекор ўткармоқдан бошқа буларнинг аҳволига куюб, сил бўлишдан бошқа натижа чиқмайду. Буларнинг назарида адвокат бир ариза ёзувчи киши. Ҳар куни мунақанги одамлардан 20—25 келуб, йўқ ерга миянгни ачитуб, қонингни бузуб, жигарингни эзуб, чиқуб кетаду. Бул ҳам камлик қилуб, бир соат умр ёшин фотиҳа билан ўтараду.

Эшикнинг қўнғироғи живғирлар.

Абдужаббор, чиқуб қара, тагин қайси бир дарди бедаво келди.

А б д у ж а б б о р (*келуб*). Хўжайин, бир салласи катта, жуда бир қизиқ (*кулар*), жуда бир ғалати тожик келди. Валдир-вулду қилади. Тилига тушунмадим, кирсинми?

Д а в р о н б е к. Чақир, кирсун.

Х у ш в а қ т (*кирар*). Ассалому алайкум, хўжайин, акунки санга абдивакат бўлгонсан, биз санинг олдинга келгонмуз. Акунки, хўжайин, маники от йўқотгон. Сан билганки, тавоқдек яғри(нг) бор. Яғирингни устинга, занғар, ёгиндан сургонсан. Буку... кун уч кун бўлди, қайси гўрга кетгонингни билмаймуз. Қидирасан, қидирасан — топилмайсан. Агар топиб берасан, беш танга суюнчи берасан.

А б д у ж а б б о р. Суюнчини ким беради? Сан берасанми, хўжайин берадими?

Д а в р о н б е к (*кулур*). Отни ким йўқотгон, ким қидиргон? Суюнчини ким беради?

Х у ш в а қ т (*аччиғ ила*). Акунки, абдивакат бўлгонсан, гапга тушунмайсан. Отингни ман йўқотгонсан, ман қидиргонсан, сан суюнчи берасан.

А б д у ж а б б о р (*кулиб*). Ким суюнчи беради? Хўжайин санга берадими, сан хўжайинга берасанми?

Х у ш в а қ т (*Жабборнинг ёқасидан тутуб, ҳар иккиси бўғишур*). Акунки, санки, абдивакат йўқсанки, юрмайсан. Сан билан ишинг йўқсан, акунки сан масхарабози қиласан, куласан.

Д а в р о н б е к (*ўрнидан туруб иккисин ажратуб қўяр*). Қани, шо почча, гапур! Мунда нима учун келдинг? Утуруб гапур!

Х у ш в а қ т. Акунки хўжайин, ман кеча фолбинга, аюзойимкашга боргонсанки, кафтинга бир сўлкавой қайтаргонман. Китобингни варақлаб-варақлаб айтгон-

санки; отинг арусни қўлига балнитсага тушгон. Сан букуи балнитсага боргонмуз. Сан арусни тилингга билмагонсан. Балнитсахонада арус айгонсанки, арус тилини биладургон одам олиб гапласан ёки ариза ёзуб олуб гапласан, дегансан.

А б д у ж а б б о р. Ҳали қараб туринг, отни кейиндан иккинги хам касалхонага борасиз.

Д а в р о н б е к. Жуда яхши бўлубдур, отинг балнитсага тушган бўлса. Боруб унда дўхтурликни ўрганивоткандур.

Х у ш в а қ т. Акунки хўжайин, отинг дўхтар йўқсан ойгур (айғир).

Д а в р о н б е к. Яхши, дўхтурхонадан боруб, отингни хабарини олдингми? Отинг бор эканми?

Х у ш в а қ т (*оччиғлануб*). Дўхтурхонага ман борасан, сан бормаймуз, касал бўлгонинг йўқсан.

А б д у ж а б б о р (*кулуб*). Дўхтурхонага иккалангиз бирга борасиз. Икковингизни хам боқизмоқ керак.

Х у ш в а қ т. Сан ҳаромзодага гапурмаймиз. Сан нимага бизнинг сўзингга аралаш бўласан. (*Жабборга қараб югурар.*)

А б д у ж а б б о р қочар.

Д а в р о н б е к (*Хушвақтни қўлудан ушлаб келуб, ўтказуб*). Қани, шо поччо, уни қўябер гапургинчи, мунда нимага келдинг? Нима қилмоқчисан? Мақсадинг нима?

Х у ш в а қ т. Акунки хўжайин, мунда гаплаганга мақсадинг шул бўлгонсан. Ман арус тилингни билмаймуз. Бир сўлкавой хизмат ҳақингни берамуз. Мани ила бирга балнитсага боруб отингни арусни қўлидан гаплашуб олиб берамуз.

А б д у ж а б б о р (*кулур*). Мана энди иккинги балнитсага борадигон бўлдингиз. Тезроқ-тезроқ бормасаларингиз касалингиз зўрауб кетадур.

Д а в р о н б е к. Шо поччо, биз тилмочликни ташлаб юборгонмиз. Тезроқ бор. Бир одам топуб балнитсага боргин, отингни тезроқ ажратуб олғил.

Х у ш в а қ т. Акунки хўжайин, ўзинг бормайсан, хизматкорингни буюрасан, бирга боруб отингни арусни(нг) қўлидан олуб бермасанг бўлмайсан.

А б д у ж а б б о р. (*кулур*). Шо поччо, балнитсага ман бормайман, ўзинг бора бер, ман касал бўлганим йўқ.

Д а в р о н б е к (*аччиғлануб*). Шо поччо, мени зарур ишим бор. Бир жойга бораман. Сан хам тезроқ боруб,

отингни ажратуб ол. Кўп гапуруб мунда майнабозлик қилуб ўлтурма.

Хушвақт. Акунки хўжайин, санки абдувакот бўлгонсан, ман сани арус тилингни билмаймуз, бўлмаса бир яхши ариза ёзуб берасан. Арусингга олуб боруб берамуз. Отингни балнитсахонадан ажратуб оламуз. *(Енидан белбоғидан ҳамёнини олуб бир сўм чиқоруб бермоқчи бўлар)*

Давронбек. Шо поччо, пулинг ёнингда турсун. Ҳозир-да мени бир ерда зарур ишим бор. Соат учда келгил, жуда яхшилаб ариза ёзуб бераман. Боруб отингни ажратуб оласан.

Хушвақт *(оччиғлануб)*. Гапурасан, гапурасан иш қилмайсан. Жуда дангаса бўлгонсан. Ҳозир ёзуб бермайсан. Одамни овора қиласан *(ўрнидан туруб)*. Ҳмм... Абдувакот бўлгонинг осонми? Соат учда келамуз, ёзуб берасан, алдамайсан! *(Чиқуб кетар.)*

Абдужаббор *(яқун келуб)*. Хўжайин, ҳамёнини ковлаотган эди, пул-мул бердими? Бизга икки ойдан бери мояна тегмай ётипти. Кеча укам келган эди. Отам тайинлаб юборгон экан, уйимизда гўшт, ёғ, гурич, совзи, пиёз, ўтун-кўмур, туз, чироғ бутун одош бўлгон эмиш. Шунга пул керак эди, пул. Хўжайин, бир нимарса қилуб, бир иложини қилмасангиз, улай-булай қилуб, у ёғ-бу ёғингизни ковлаб, амал-тақал қилуб бир оз оқчани(нг) тадорикини қилуб, лоақол икки ойликни беролмасангиз ҳам бирор ойликни марҳамат қилмасангиз, бўбойдан балога қоламиз.

Давронбек. Бир оз сабр қил, санга нима бўлса-да, оқча топуб берурман. Шояд бирор-бир дурустроқ иш келуб қолса. Жуда бўлмаса ишкоф-фишкофлардан бирортасини сотуб сени ҳаққингни берурман. Бор, хобар ол, чой тайёр бўлгон бўлса олиб кел. *(Абдужаббор кетар.)*

Оқ кошки мен адвокат бўлгунча дўқтурлик илмин тамом қилуб, дўқтур бўлгон бўлса(м) эдим. Ўзим учун ҳам яхши бўлуб, халқ учун ҳам фойдалиқ бўлур эди. Мен жигаримни хун қилуб ўқуб ётгон вақтимда баъзи ёр-дўстларим менга айтган эдилар: «Сен адвокатликдан кўра дўқтурлиқга ўқуғил». Ман ўйлагон эдим, ҳуқуқдан маҳрум, аҳволи оламдан хабарсиз мусулмонларнинг оз-моз бўлса-да, қўлимдан келгонча ҳуқуқларин ҳимоя қилсам. Халқга манфаат еткурсам, деган эдим. Мени ул умидларим бўшга чиқди. Мана кўрасиз, халқ мандан, ман халқдан безор бўлдим.

Энди очуқ манга маълум бўлдики, умуман халқ орасинда илм ва маърифат томир ёюб, маданият тараққий қилмагунча манга ўхшаш бир-икки одам халқ орасида ишлаб, халқни кўзин очамиз, ҳуқуқин мудрофаа қиламиз, демак, ердан туруб юлдузларга қўл узатмоқга ўхшаш хаёлий бир нимарса эканлиги эмди очиқ ва аниқ маълум бўлди. Мана кўрасиз, ёнимга келгон кишиларнинг ҳаммаси бир-биридан баттар саҳройи ва бақироқ, қуруқ фотиҳадан бошқа бир нарса йўқ. Етти-саккиз ой ичинда бор-йўқни еб битирдим, эмди новбат уй асбоблариға етди. Яхшиси шулки, эсинг борида этагингни ёп дегандек, тахта-ўқлогини йиғиштируб бирор кантурға кируб хизмат қилмасам, бу йўлда борганда сил бўлмоқдан бошқа натижа чиқмайдурунға ўхшайдур. (*Абдужаббор чой келтирар.*)

А б д у ж а б б о р. Хўжайин, ҳеч ким келгани йўқми?

(Эшик кўнғироғи живғирлар.)

Д а в р о н б е к. Жабборқул, чиқуб қара, қайси олиҳиммат келдийкин?

А б д у ж а б б о р (*кируб, зўр беруб кулур*). Олаверасиз, хўжайин, бир ғарчча ёғ, бир жуда соқоли узун жуҳут келубти, кирсунми?

Д а в р о н б е к. Чақир, кирсун.

Р а п о и л эшикдан кирар. Салом берар. Д а в р о н б е к алик олар, ер кўрсатур. Ултирар. Ёнидан вексел олуб, устол устига қўяр.

Р а п о и л. Гарамжон, ман бир одамға бир йил ваъдаға юз сўмға насияга мол сотиб эдим. Гарамжон акун жуда муттаҳам одам экан. Ҳозирда икки йил яқин бўлдики, мани пулимни бермайдур. Гарамжон, векселим оқ вексил эди, нотарусға борсам ариза билан қўшуб берғил дейдур. Гарамжон, бир сўм пул берайин, яхшилаб бир ариза ёзиб берсангиз, шу муттаҳамдан пулимни ундируб олсам.

Д а в р о н б е к. Қарздор одам қарзидан оз-моз тўлаганми ёки бутун ҳаммасини талаб қиласизми?

Р а п о и л. Гарамжон, бир-икки карра беш-ўн сўмдан берган. Қирқ сўм тўлаган, олтмиш сўм қолган.

Д а в р о н б е к. Сиз бир одамға агарда молни насияға сотадурғон бўлсангиз, олтмиш сўмлик молни юз сўмға берсангиз яхши. Энди нима қилмоқчи бўласиз? Шу вексил юзасидан юз сўм талаб қиласизми ёки қолган олтмиш сўмни сўрайсизми?

Рапоил. Гарамжон, жуда муттаҳам одам экан, мани овора қилди. Албатта шу вексилдаги юз сўмни-
(нг) бераберадур.

Давронбек. Ман бундай ишға ариза ёзмайман. Сиз бошқа бир одамға боруб ёздирингиз. Оласининг олтмиш сўм қолгон бир камбағал бечорани куйдуруб юз сўм олмоқчи бўласизми?

Рапоил. Гарамжон, сиз баъзи бойларнинг қила-
дигон ишиндан хабарингиз йўқ экан. Бир бошпутға ик-
ки қат ҳужжат қилуб оладурлар. Масалан, бир век-
сил олуб, яна бир тилхат қилдируб оладурлар. Агар
вақтида тўлай олмаса ҳам вексилға, ҳам ҳужжатға
оқча оладурлар. Бир одам бир юз сўм қарздор бўлса
икки юз сўм тўлайдур. Яна эллик сўм харажот тўласа,
икки юз эллик сўм тўлайдур. Ман гарамжон, унақа
қилвотгоним йўқ-ку? Ниҳояти олтмиш сўмни юз сўм
қилуб оламан. Ёзаберинг, хизмат ҳақингизни яхши бе-
раман, гарамжон.

Давронбек. Йўқ, ман мундай хиёнат аралаша-
дургон ишларға очдан ўлсам ҳам аралашмайман. Сиз
боруб бир бошқа одамға ёздиринг. Агарда хоҳласан-
гиз ман фақат олтмиш сўмнинг ўзигагина ёзаман.

Рапоил. Хайр... хайр... гарамжон. Сиз хафа бўл-
манг. (*Чўнтагини ковлар, пул олиб бермоқчи бўлур.*)
Мана, гарамжон, як сўм, аризани жуда яхшилаб ёзин-
гиз.

Давронбек. Ҳозирда мени зарур юмуш билан
борадургон ерим бор, соат тўртда келинг.

Рапоил. Гарамжон, мани овора қилманг, соат уч-
да мани ҳам ишим бор. Дўконим очик қолади. Ҳозир
ёзиб берасиз, мўйсафид ҳолим билан мани овора қил-
манг.

Давронбек. Ака домулло, сўз деган битта бў-
лади. Ҳозир мани ариза ёзмоқға вақтим йўқ, судға
борадургон ишим бор.

Рапоил. (*ўрнидан туруб*). Гарамжон хафа бўл-
манг, бўлмаса соат учда келаман. Тоғин ваъдангизға
хилоф қилманг. Албатта соат учға келаман. Сиз ҳам
боргон ерингиздан соат учдан кеч қолмай келинг.

Давронбек. Сўзни кўп чўзманг, гап деган битта
бўлади.

Рапоил. Гарамжон, ҳмм... адвокатлик осонми?
Ман сизга бекорга ариза ёзиб беринг девогманми?
(*Чиқиб кетар.*)

Абдужаббор орқасидан масҳара қилуб, кулуб қолур.

Давронбек. Бирни кўруб фикр қил, бирни кўруб шукр қил демишлар. Тўғри сўздур. Ман мусулмонларнинг ҳол-аҳволларин кўруб хафа бўлсам, жухудларнинг орасида ҳам шунақа эзма кишилар бор экан. Албатта дунёдан хабарсиз, илму маорифдан хабарсиз қавмларнинг ҳол-аҳволлари шундай бўладур. Фақат буларнинг ишлари бир-бирларин алдамоқ ва бир-бирларин тузоқ қўюб тутуб ошамоқдур. Буларнинг орасига илм ва маданият нурлари ёйилуб, инсон қаторига кирмагунча ўзлари эшикма-эшик овора бўлганлари бир сари, манга ўхшагон ўз элимға, халқимға фойда еткурармукинман, деган кишиларнинг миясини қоқуб қўлиға беруб оз фурсатда жинни қилишлари табиийдур. (*Эшик қўнғироғи жинғирлар.*) Абдужаббор, чиқуб қара, тагин қанақа дардисар келган экан.

Абдужаббор (*чиқиб кирар, сўнган ҳолда*). Хўжайин, дамингизни чиқарманг, бир жуда ясангон хотун, бир жуда катта бойни хотуниға ўхшайди.

Давронбек. Бор, кўп сергап бўлма, чақир, кирсун.

Меҳринисо (*эшикдан кирар, сўрашур. Адвокат жой кўрсатур, ўлтирар*). Жонгинам, опагинанг айлансун, сани дарагингни эшитуб олдинға келдим. Бизани маҳаллани яқинидаги Рустамбекни ўғли экансан. Опагинанг айлансун, ман бошимдан ўтган саргузаштларимни санга бирин-бирин сўйлаб берайин, сан яхшигина қулоқ солуб, тинглаб, хатга ёзуб тургин. Опагинанг айлансун, қўлингға қалам-қоғозингни ол.

Давронбек. Холажон, аввал гапирадургон гапингизни чўзмасдан қисқагина қилуб гапирунг. Қоғоз, қаламға навбат кейин келадур.

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, дунёда мани ҳасратимға қулоқ соладургон одам ҳам бор экан. Дод-Фарёдимға етадургон кишини энди топдим. Ун беш йилдан бери ман бахти қаро шўрлик...¹ деган бир қиморбозни қўлиға тушуб, ўтга ёқилуб, тошға чақилдим. Куюб-ўртануб чўб-устухон бўлуб кетдим. Раҳматлик ота-онам бор вақтида бу йигит ўлгур эрим манга мунча зулм қилолмас эди. Улар (ўл)гандан кейин айниқса бу шўрлик бошим тўқмоқ остида қолди. Ҳар кун

¹ Уқиб бўлмади.

ичғон ошим заҳар-заққум, кўрғон кунимни ит ҳам кўр-масун. Мани муттаҳам эрим қургур бир кун қиморға ютқизуб келуб, аламини мендан олса, бир кун маст бўлуб келуб, ман шўрликни бошига қиёмат кунини солади. Ичғон ошим — заҳар-заққум, кўрган куним — жаҳаннам!

Давронбек. Холажон, бу ерга келишдан мақсадингиз нима — шундан гапуринг, гапни кўб чўзманг.

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, жонгинамни қоқай. Мани ҳасратларим жуда кўп. Бир бошидан санга тушунтирмасам, мақсадимга етмайман, аламиндан чиқмайман. «Этни тутоғи бит» — дегандек, мани қиморбоз окам қўярда-қўймасдан, ота-оналарим мунга бермаймиз, десалар ҳам ёлғон-яшиқларни гапуруб, мақтаб, шу золимни қўлига мани асир қилуб қўйди. Ун беш йилдан бери ит азобин тортаман, дарду ҳасратларимни айтайин, десам ҳеч бир жонкуярим йўқ. Бир неча мартаба қозиға боруб арз қилғон эдим, йигитгина ўлгур эрим маърузми, ривоятми, алланима балолар қилуб, яна уйига ҳайдаб олиб келди. Манга йўл-йўруқ кўрсатадурғон бир жонкуяр бўлмадики, у золимнинг қўлидан ман муштипарни озод қилса!

Давронбек. Холажон, энди нима қилмоқчи бўласиз, эрингиздан чиқмоқчимисиз?

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, иложини топсам ул золимни уйда бир нафас ҳам турмайман.

Давронбек. Эрингизни сизга жабр-зулм қилишиға маҳаллангизни домла-имом, элликбошилари сизни(нг) тарафингиздан гувоҳлик берадиларми?

Меҳринисо. Опагинанг айлансун, ижорахўр имом ила порахўр элликбоши қачон ман муштипарни тарафи бўлади дейсан. Қозихонага борганда ҳаммаҳаллалари муттаҳам эримни тарафи бўлиб кетдилар.

Давронбек. Бўлмаса энди эрингиз урган вақтида кўни-қўшнилариингиздан икки кишини гувоҳ қилиб манга келинг, ман иложини қиламан.

Меҳринисо (бошини очуб, ярасини кўрсатур). Опагинанг айлансун. Мана ўтган куни урган. Яраси ҳали ҳам тузалгани йўқ.

Давронбек. Мана, ман сизға катта кўчадаги дўхтурхонаға қоғоз ёзуб бераман. Олиб борсангиз, қўлингизға гувоҳнома қилуб берадур. Соат учда шу гувоҳномани олуб келинг, ман сизға тегишлик жойға

ариза ёзуб бераман. Тез фурсатда золим эрингиздан қутулурсиз.

Меҳринисо. Опагинанг айлансун (*ўрнидан тугуб*), адвокатлик осон иш эмас, манга ўхшагон ғариб-бенаволарни(нг) додига етмоқ керак (*чиқиб кетар*).

Абдужаббор (*орқасидан*). Қиморбоз эрга тегуб, калтакини еб, бошларни ёруб юрмоқ ҳам осон эмас.

Давронбек (*ўрнидан туруб жиддият ила*). Оҳ, золим маданият, бизим туркистонликларнинг орасига қачон келуб томир ёясан?! Қачон бизим бу жаҳолат зиндонидан халос қиласан?! Бизда уй тарбияси бошлануб, хотун-қизларимиз илму маориф ила нурланмағунча, бизнинг орамизда шундай кўнгилсиз ҳоллар давом этса керак. Мана бу хотун бечорани эрга бергон вақтларида ўз хоҳиши билан, ўзининг ризолиғи билан, ўзи кўруб хоҳлагон эрига бермасдан ҳайвон каби кучлаб, қўлидан тутуб бир золимнинг қўлига берганлар. Бу муштипар маъсуманинг бутун умри азоб-меҳнатда, қайғу ва кулфатда ўтуб дунёга келғонига-да минг маротабадан пушмон еб ғам зиндониде яшагон. Мана бизнинг орамиздан мундай кўнгилсиз ҳолларни(нг) йўқ қилмоқ учун бутун куч-қувватимизни(нг) хотун-қизларимизни(нг) ўқутмоқ, маориф ва маданият ила ошно қилмоқ йўлинда сарф қилмоғимиз лозимдур. Шундагина бизлар ҳам бошқа қавмлар орасинда ўртоқчасига яшамоғимиз мумкиндур. (*Эшик кўнғироғи жинғирлар.*) Абдужаббор, чиқуб қара, яна ким келди.

Абдужаббор (*зўр беруруб кулур*). Хўжайин, бўлиб қолдингиз, ғарчча мой, белига қамчин қистурғон бир аравакаш, кирсунми?

Давронбек. Чақир, кирсун.

Эгамберди (*кируруб, адвокат билан кўришуб ўлтируруб*). Мулло ака, ман бечора жуда оғир кунга қолдим. Баракаллачиларнинг сўзиға кируб, ўз ҳолимға қарамасдан катта тўй қилуб, қарздор бўлуб, бир парча ҳовлим қарзимға хатлануб, яқинда сотиладурғон бўлиб қолди. Хотуним тўрт адад ёш гўдак болаларим ила кўчада қоладигон бўлдим.

Давронбек. «Эна — ўлтиришингға қараб чена» дегандек, камбағал одам нима учун ўз ҳолингизға қараб тўй қилмадингиз, нима учун кўрпангизға қараб оёқ узатмадингиз?

Эгамберди. Мулла ака, асло қўяверинг, «жин чарчаганни урар, дев тегирмончини»,—дегандек: ман шўрликни жин урмаса кўчадаги «баракаллачи»ларнинг

сўзига кирармидим. Тўй қиладиғон вақтимда қариндош-уруғим, ёр-дўстим жуда кўпаюб кетди. Ҳар бири манга тўйни катта қилмоқ учун насихатлар қила бошладилар. Уларнинг сўзларига учуб, мани қарасангиз хотамтой бўлиб кетдим. Ўзимча бир қозончада ош қилуб кесдирмоқчи эдим. Бетаҳорат бенамозни бўйнига қўйгандек икки кун ош беришни гарданимга қўйдилар. Ундан қарасангиз, хотун «ака» жанжал қилуб, бир кун «хотун оши»ни бўйинга қўйди. Шунақанги қилуб Аминжон бойни неваралари уч кун ош бердиларда, кафангадо бўлдилар.

Давронбек. Ўзингиз туппа-тузуккина тушунадиргон одам экансиз, нима қилуб уларнинг сўзига алдандингиз? Тўйни ўз ўйлаганингизча қила қолмадингиз?

Эгамберди. Эй, мулла ака, ман-ку ман, уларнинг гапургон гапига сиз бўлсангиз ҳам алданар эдингиз. Қўйнимни пуч ёнғоқга шундай тўлғаздиларки, бор-йўгимдан айрилгандан кейин кўзим мошдек очилди.

Давронбек. Боболаримизнинг «ўтган ишга ўкинма», «кейинги пушмон жонингга душман» дегон ҳикматли сўзлари бор. Энди нима бўлса, бўлиб ўтмишдур. Асосий мақсадга келинг. Мунда келмоқдан мақсадингиз нима? Ҳовлингиз хатланган экан, энди нима қилмоқчи бўласиз?

Эгамберди. Мулла ака, нима қилмоқчи бўлар эдим. Ман бир аравакаш одам мунақанги ишларга ақлим етади дейсизми? Миясини еган аҳмоқ бўлмасам, «баракаллачи»ларнинг сўзига кируб шу ҳолга тушармидим. Энди бу хусусда маслаҳатни ўзингиз берасиз. Шул тўй тўғрисида маҳалламиздаги Орифжон бойдан вексил бериб, пул қарз олгон эдим. Вақтида тўлолмадим. Беш-олти кун бўлди, ҳовлимни, уй асбобларимни, хотунимни молларигача судя-пристўв олуб келуб хатлаб кетди. Шўрлик бошим, нима қилишимни билмай сизнинг қошингизга келдим. Энди сиздан ёрдам бўлмаса, мани ҳеч бир жонкуяр, йўл кўрсататургон кишим йўқ.

Давронбек. Ҳовлингиз ўзи неча саржин?

Эгамберди. Ҳовлим қирқ саржинча бор.

Давронбек. Йигирма саржинни хотунингизни маҳри деб кўрсатмоқ мумкин. Онангиз борми?

Эгамберди. Етмуш яшар бир муштипар онам ҳам бор.

Давронбек. Қолган йигирма саржинини онангизнинг маҳри деб кўрсатиладур. Бошқа хатлангон

молларингизнинг ҳам хотунингизнинг моли деб кўрсатмоқ мумкин. Бой сиздан ҳеч нарса ололмайду.

Эга мберди. Жон мулла ака, бу ишларни (нг) ни-ма бўлса ҳам ўзингиз тўғрилайсиз, мунақа нарсаларга менинг ақлим етмайди.

Давронбек. Сиз бўлмаса соат учда келинг, яхшилаб ман сизга ариза ёзиб бераман. Шу ариза билан ҳовлингиз сотилишдан тўхталадур.

Эга мберди. Худо хайр берсун, мандан қайтмаса бола-чақаларингиздан қайтсун. Манга ўхшаган йўлда қолгон одамларга сиздек ўқиғон-билғон кишилар даст-гирлик қилмаса, ким қиладур. Адвокатликам осон иш эмас. Манга ўхшагон ғариб-бенаволарга раҳнамолик қилмоғингиз керак. (*Урнидан туруб.*) Бўлмаса соат учда келайми? (*Кета туруб.*) Албатта соат учда келаман. Жон мулла ака, аризани жуда яхшилаб ёзиб берасиз (*чиқиб кетар*).

Давронбек (*Абдужабборни чақириб*). Бир истакон чой олиб кел, чойим ҳам совуб қолди.

Абдужаббор (*Истаконда чой олуб келуб қўяр*). Хўжайин, ҳеч нарса чиқдимми? Бу келадигон сирри-вал-қайроғлардан лоақал бизнинг моянага етадургон пул-мул келса эди, яхши бўлар эди.

Давронбек. Кўп сергап бўлма, гап деган битта бўлади. Ҳар нарса қилсам ҳам, сани бугун бўлмаса эрта, ўзимни ҳиндиға гаров қўйсам ҳам, оқча топуб бераман. Бор, ўз ишинга бор.

Абдужаббор чикуб кетар.

Мана кўрасанки, бу дунёдан хабарсиз, илму маорифдан маҳрум, маданиятдан узоқ яшаган бизнинг халқимиз ҳали қандай қизғонч, қандай қўрқинч, қандай таҳликали эканлиги офтобдан ҳам равшан кўринуб турадур. Бир камбағал аробакаш нодонлик соясида бидъат тўй учун бутун бор-йўғидан айрилуб кафангадо бўлган. Бир неча йилдан бери топган болаларин ўқитмак учун керак бўладургон оқчасидан айрилмоқ ила баробар бир парча ҳовлиси ила мол ва рўзғоридан ҳам бутун маҳрум бўлуб жаҳолат ва нодонлик йўлида бутун оиласи ила қурбон бўлгон. Мундай бидъат ва исрофларнинг йўқ бўлмоғи халқимизнинг маориф ва маданият ила тараққий қилмоғига боғлиқдур. Агарда биз ҳозирги илм ва урфон тараққий қилуб, бутун дунёга нур сочиб тургон бир замонда энг муҳим вақтларимизни ана шундай бидъат, қуруқ ўйин-

кулги, тортиш ва талашлар бирла ўткарсак, дунё юзиндан инқироз оламига қараб кетмоғимизга шак ва шубҳа йўқдур. Мундай бидъат ва исрофларни(нг) оромиздан йўқотмак учун ёшларимиз бутун куч ва қувватларини(нг) илм ва маориф йўлига сарф қилмоқ ила баробар тиш ва тирноқлари ила бутун қувватларини(нг) бу бидъат ишларини(нг) йўқ қи(л)моқ йўлида тиришмоқлари лозимдур. (*Эшик қўнғироғи жингирлар.*) Абдужаббор, чиқуб боқ, тагин қайси бир бош оғриғи келди.

Абдужаббор (*келуб, зўр беруб кулар*). Хўжайин, хўжайин мен... жуда бир қизиқ... жуда бир ғалати... ҳали келса кўрарсиз, кула-кула ўларсиз.

Давронбек. Кўп сергап бўлма, бор чақир, кирсун.

Хайдарали (*кирар*). Аааассалом алайкум!

Давронбек. Ваалайкум ассалом, хуш келинг, ўтиринг. Қани, нима хизмат?

Хайдарали. Ммм...ан ббббукун уууууч икки...ун ббб..ўлди. Ууу...йимдан мол ўғурлатгон ээ..дим. Бугун дарагини ттопдим. Мммани молимни олган одам қозоғ экан. Энди югуриб сизнинг олдингизга кккелдим. Инилож қилиб шул одамдан мани молимни олуб бера-сиз.

Давронбек. Яхши, ўртоқ, маълум бўлдики, сиз мол йўқотган экансиз. Молингизни олган одам қозоғ экан. Дарагини топибсиз. Мунда нимага келдингиз? Энди нима қилмоқчи бўласиз?

Хайдарали. Ннн...има қилмоқчи ббб... бўлардим, шшш...ул одамдан мммани ммм...олимни олиб бера-сиз.

Давронбек. Ман қози эмасман, ёки бир амалдор эмасман. Бировни молини бировга олиб бермоқга мани кучим етмайди. Сиз молингизни олган одамни топсангиз, қозига чақиртиринг, қози ҳукм қилуб, молингизни олуб берадур.

Хайдарали. Ммман ул одамни тттонимайман, лллекин бббир одамдан эээшитдим, дддарагини тттопдим.

Давронбек. Бир одамни(нг) ўғри қилмоқ учун бировдан эшитган гап кифоя қилмайдур. Мол ила ушламоқ керак ёки кўргон-билгон гувоҳ-исбот керак бўладур. Мунақанги кўрма-кўраки бир одамни(нг) ўғри қилуб бўлмайдур.

Ҳайдарали. Ггувоҳларим бббор, бббўлмаса сиз манга қққозига бир ариза ёзуб беринг.

Давронбек. Гувоҳларингизни отини, отасини (нг) отини биласизми?

Ҳайдарали. Йийўқ, ббббилмайман.

Давронбек. Ёўлмаса, боруб гувоҳларингизни номларини, отасини (нг) отини ҳам турадурғон жойларини, ҳамда молингизни олғон одамнинг отини ва турадурғон жойини яхшилаб билуб келинг.

Ҳайдарали. Ммман хххат билмасам, ҳҳҳаммасини отини эсимдан чиқаруб қўяман. Ммманга шшогирдингизни қўшасиз. Ммман билан ббборуб ёзуб олуб кккеладур.

Давронбек. Шогирдим сиздан ҳам баттар, хат ёзишни билмайди.

Ҳайдарали. Бббўлмаса ўўўзингиз ббборасиз, бббиз сари қадам бббосганингизга сизни қққуруқ қўймайман.

Абдужаббор. Хўжайин, бўб қолдингиз, бора қолинг, ўзингиз ҳам жуда зеркиб ўтуруб эдингиз, ўйнаб келасиз, ҳам пул топасиз.

Давронбек. Уртоқ (*кулуб*) мани жуда ишим кўб, сиз билан бормоқга қўлим тегмайдур. Кўб гапни чўзманг. Боруб, гувоҳларингизни яхшилаб билуб, соат учда келинг. Ман сизга жуда яхшилаб ариза ёзуб бераман, молингиз тезда қўлингизга кирадур... (*жиддият ила ўрнидан туруб*). Мана кўрасиз, бизнинг халқнинг ҳоли! Ҳаммасини (нг) йиғиштириб келсангиз, бир пичоқга соп бўлмайдур. Бир тарафдан, буларнинг нодонликларига ва аҳволи оламдин хабарсизликларига ич-ичингдан ёнсанг, иккинчи тарафдан буларнинг яна кетаётган вақтларида ҳам «...адвокатлик осонми?» деб масхара қилуб кетишлари жигаримни бошини эзади. Йўқ, ҳали ҳам бўлса тезда жинни бўлмасдан илгари бу тахта-ўқлоғини йиғиштириб, бирорта кантўрға хизматга кирмасам, яқин фурсатда бу жоҳил ва нодон, ўз ҳақ ва ҳуқуқини англамаган халқларга фойда еткураман, деб ўз жонимга жабр қилмоқ ҳам дуруст эмас. Шул тўғрида боболаримизнинг ҳикматли сўзлари бор: «Қаромуғ донаси бўлғунча, буғдойнинг сомони бўл, ямоннинг яхшиси бўлғунча, яхшининг ямони бўл». Албатта, бу сўз тўғри сўздир. (*Ойнага қараб, у ёғ-бу ёғини тузатуб, соатиға қараб.*) Соат бир бўлуб қолубдур. Ҳар нима бўлса ҳам бир дафъи савдо учун шаҳардан ташқари бирорта ўртоғимнинг боғига

боруб юрагимни чигилини ёзуб келмасам, сил бўлишумга сағал қолур. (*Уёғ-бу ёғини тузатуб, Абдужабборни чақируб.*) Абдужаббор, сан ҳеч ёқга қимиллама, бояги икки одам гувоҳнома олиб келса, олиб қол, бошқалари келса, айтгилки, адвокат бугун жуда узоқ бир жойга меҳмон бўлуб кетди, эртага келинг, деб жўнатиб юбор. Тагин эшикда мани пойлашуб ўтурмасун. Ман кечқурун соат бешда келаман (*чиқуб кетар*).

Абдужаббор. Бу бизни адвокат хўжайнимизни ўзи ишни кўзини яхши билмайди. Халқни алдаб, пулни олиш илмини ўрганган эмас. «Лўлини эшагини суғор, пулини ол» деган эски замондан қолгон гапга ҳам ақли етмайду. Олдига келгон одамларнинг бариға унақа қил, мунақа қилуб кел (деб), ҳаммасини олдидан қуруқ чиқаруб юбораду. Уларга тўғрисини гапураман деб, унақанги-мунақанги деб эрталабдан-кечгача бошларини қотируб ўтираду. Бизнинг одамларга унақа-мунақа деб фалсафа сотиш керак эмас, иш қилмоқ керак, иш кўрсатмоқ керак, йўл топмоқ керак. Пул, эй қурбонинг бўлай оқчажон, тўрам, сира пул бечора Абжаббор аканга ҳам юзингни кўрсатасанми, йўқми?.. Шошманг, мана, ман ҳозир пул топишни ҳийласини топдим. Кўрасиз, ман адвокат бўлсам, пулни нишобини қандай ўзимга оғдирар эдим. Бизнинг адвокат тоғомиз ўзи ишнинг кўзини билмайду. Мана ман ҳозир адвокат бўламан, кўрасиз; ман қандай пул топаман (*югуриб боруб осиглиқ тургон адвокатнинг эски кийимларин киюб, адвокат бўлуб ўлтируб, папирос чакур*).

Юқорида зикр қилинмиш кишилар бирин-кетин келуб, ариза ёздирурлар. Ҳар бирларининг аризаларин жузъий чақирик қилуб, чивуб конвертга солуб, қўлларига беруб, жўнатуб, ҳар бирларидан бир-икки, уч, тўрт сўмдан пул олур.

Абдужаббор (*ўзидан-ўзи кулуб, суюниб*). Мана кўрдингизми, бизнинг адвокат ўзи ишнинг кўзини билмайду. Ул эрталабдан бери жигарини ҳун қилуб, бир тийин ҳам топгани йўқ эди. Ман ярим соат ичида йигирма сўмга яқин пул топдим. Ҳар нарсага ҳам ҳунар керак, ҳунар!

Шуя вақт эшикдан ҳамма ариза ёздиргонлар келуб, адвокатнинг хизматчиси эканини англаб, яхшилаб урурлар.

Парда тушар.

1914

ПИНАК

Бир пардали Туркистон турмушиндан ёзилмиш кулга.

ЎЙНОВЧИЛАР

Турсун — кўкнори, 62 яшар.
Толиб — қиморбоз, 25 яшар.
Фўлод — кўкнори, 60 яшар.
Отажон — кўкнори, 45 яшар.
Додабой — кўкнори, 35 яшар.
Соиб — қиморбоз, 30 яшар.
Эшвой — қиморбоз, 25 яшар.
Ҳайдар — қиморбоз, 28 яшар.
Вали — Турсуннинг ўгли, 16 яшар.

САҲНАГА КЕРАКЛИ НАРСАЛАР

Бир қора қумгон, бир чойнак, бир эски фаднус, уч адад пиёла, тоғора, лаган, қозон.

Бир эски намат, кўрфа, кўрфача, сандуқ.

Бир тарафда бир ош ўчоғи, бир чойжўш ўчоқ.

Бир тарафда қозикларга осилгон эски-туски чофовлар.

Бир шамдон, қозуғда салла.

Саҳна бир уйдан иборат ўлур. Турсуннинг олдда тоғорада кўкнори, фаднусда нон, қанд, майиз, чойнакда чой.

Кўкнори эзуб ўлтургон ҳолда парда очилур.

Турсун (*халққа қарата*). Алҳамдулилло, бугун чаҳор ишкал бут. Тоғорамда кўкнорим, олдимда қандмагизим, бир ёнимда чойнакда чойим... (*Кулимсираб.*) Бугун ўзим ўнг ёним ила тургон эканман. (*Бир пиёла кўкнори қуюб ичар.*) Оҳ, оҳ, оҳ... Ҳар ким бу кўкноридан ичмабдур, дунёга келмабдур. (*Бир пиёла чойдан қуюб, қанд, майиз бирла ичур.*) Оҳ, оҳ... Бу Масковдан мозор босуб келгон ўрисвойни чойидан атир иси келади-я. Ўрисвойни отаси кўрган-да, биздек камбағалларни ғамини еб, шундай тамли чойларни чиқоруб қўюбдур. Агар бу чойларни самоварда қайнатуб, дамлаб ичсангиз, вой-бўй, худди одамни маст қилади-де.

(Чой ичар. Кайф қилуб финакға кетуб, энкаюб-энкаюб, кўзларини сузуб ўтурад.)

Толиб кирар. Саҳна орқасидан секин келуб, қозуғдан фаднусни олуб сандуқға бир урад. Ўзи сандуқ орқасига беркинув.

Турсун (*бирдан чўчуб кетуб*). Ло ҳавла ва ло қуввато... Финаги ҳам курсун-ей! (*Одамларға қараб.*) Хой мусулмонлар! Бу қандай гулдурос! Кўчада бомба отилдими? (*Ўрнидан туруб, эшикға чиқмоқчи бўлуб, у ёғ-бу ёғиға қараб, қўрқгон киши бўлуб, яна келуб ўтурад. Одамларға қараб.*) Эй, мусулмонлар, мен кўкнори, қўрқоқ одамман. Битта одам йўқки, чиқуб қараса. Тагин ёв-мов келуб қолгон бўлмасун. Уҳ, кайфимдан битта қолмади. Кафалагим учуб кетди. Яна янги кайф қилмасам, бўлмайдур. (*Кўкноридан бир пиёла ичар.*) Оҳ-оҳ-оҳ... Мана энди қуюғи чиқди. (*Бир пиёла чойдан қуюб, қанд-магиз бирла ичар.*) Мана бу қанд Масковдан келгон, магиз бўлса Каттақўрғондан келгон, кўкнори бўлса Бухоройи шарифдан келгон табаррук. Олло-таоллонинг дунёда бандаларига марҳамат қилгон қандай ноз-неъматлари бор. Бири ширин, бири лаззатлик, бири очғи бўлса ҳам кайф қиладир. (*Кўзлари сузилуб финакға кетар.*)

Толиб яна ўрин орқасидан фаднусни аввалгидан қаттигроқ тақиллатур.

Турсун (*чўчуб орқасига қараб, ағнаб кетар, ётгон ҳолда.*) Субҳонолло алҳамдулилло, субҳонолло, алҳамдулилло, вой, финаги курсун-ей. (*Секин ўрнидан туруб ўтуруб.*) Эй мусулмонлар, ер қимирладими? Бу қандоғ гулдурос? Асло мани тинч қўядими? Қўймайдими? Момақалди роқ десам, ҳали ташқарига чиқганимда ҳаво очғи эди. Ер қимирлади, десам, қозигдаги нарсалар қимирлавоггани йўқ. Одам қилвотди, десам, одам фарзандининг ичида мундай гулдуросни қилурға кучи етадирғони йўқ. Ажабо, ман қандай балога қолдим. Бу — жинми, шайтонми? Ўзим янгигина кайф қилгон эдим. Кайф ҳам кетди. Қўрқгонимдан ўтим ҳам ёрилуб кетди. Ҳаққиси учгача, яна бир кайф қилмасам бўлмас. (*Яна кўкнори ичар.*) Оҳ-ҳол!.. Ҳамма кайфи остида ётгон экан. Агар худо тинчликни берса муни кайфи худди уч кунға етади. (*Чой ичар. Кўзларини сузуб кўброқ финакға кетуб турғон ҳолда.*)

Толиб (*секин орқасига келуб, қаттуғ овоз ила*). Хой! Турсун ока!

Турсун (бир юмалаб туриб). Вой, финаги курсун! Эй, теги паст, қилиғинг курсун, одам деган ҳам шунақа бемаза бўладими? Салом йўқ, алиқ йўқ, индамай-синдамай келуб, вагонни ҳуштагидек чинқирлаб бақирасан. Одам деган ҳам шунақа беодоб бўладими. Бировни уйига киргон киши ул эшикни тақиллатади, чақиради, индан кейин уйга киради-де. Индамай кирганинг бир сари, тагин тепамга келуб бақирганинг нимаси?

Толиб. Эшикни бир эмас, икки марта тақиллатдим, ўзингиз ҳеч овоз бермадингиз. Индан кейин кирдим. Кируб қарасам, тоғорага қараб, энгашуб кетвотган экансиз. Бошингизни тоғорага уруб ёриб қўйманг, деб, «Ҳой, Турсун ока!»—дедим. Мен сизга яхшилиқ қилсам, сиз мандан яна хафа бўласиз-а!

Турсун. Бўри қўшнисига ямон соғинмас, деган гап бор. Кўздек қўшни бўлуб туруб, сан манга доим аллақабдаги масхарабозликни қиласан. Ҳали ман тўф отилдими, ер қимирладими, десам, сан бадбахтни эшик тақиллатганинг эдими? Эшик тақиллатган одам шунақа қаттиғ тақиллатадими? Қайфимдан битта қолмади! Оз бўлмаса юрагим қинидан чиқуб кетар эди. Турсун окамни ўзи кўрқоқ, юраги ёрилуб кетарам, демайсан-а...

Толиб. Ўзингни эр билсанг, бошқани шер бил, деган гап бор. Ҳар ким бошқаларни ўзига ўхшатади. Ман сизни ўзимга ўхшаган юраклик деб, ўйлайман. Ҳали шу юракминам одамман, деб юрубсизми? Тагин Мусулмоновотда аскар бўлуб урушга борганман, деб шу ҳолингизминам мақтанганингизга ўлайми!?

Турсун. Қўй, уруш қуруб кетсун. Урушдан гапурма. Мусулмоновотдаги урушлар болаларни ўйинчуғи эди. Кўкнорхонада Тош хаёл деган бир газит ўқийдургон одам бор. Шу айтадики, ҳозирги урушларда ҳар бир катта тўфлар борки, дейди, ичидан худди ҳўкуздек-ҳўкуздек ўқлар чиқади, дейди. Қўй, уруш курсун, уруш одамларни бошига битган бир бало бўлдику! Урушдан гапурма! Намоздан гапур, рўзадан гапур, ошдан гапур, нондан гапур. Ўтур болам. Мана чой, нон...

Толиб ўтуруб, ҳадеб нон-мағизлардан еб, иккита-учта қанд солиб чойни ича берар.

Турсун. Бугун қаёқга борган эдинг, жуда қорнинг очиб қолибдир?

Толиб. Эй, Турсун ока, қиморхонага борган эдим.

Беш-олти танга буд-шудимни ютқазуб, сирри-вал-қайроқ бўлуб келдим.

Турсун. Санга қимордан бошқа гап қуриб қолдими? Уламолардан эшитамизки, қимор ўйнамоқ ҳаром деб. Сан ҳар кун қиморхонага борасан, ютқазасан, келасан мани бетинч қиласан, келасан мани бетинч қиласан. Нима, ўйнамасанг, ўласанми?

Толиб. Эй, Турсун ока, тарки одат амримаҳол, деган гап бор. Киши ёшликда нимани ўрганса, шунга хў қилуб, одатлануб қолур экан. Онам бечора, раҳматлик, отамга доим айтардики, ўғлингни ўқут, ўғлингни ўқут, деб. Раҳматлик отам онамга айтардики, ўғлинг ўқуб имом, мударрис бўлармиди. Қайси масжид имомсиз қолвотди, дейсан. Фиёнбозорга чиқуб «ташишка» қилсун, пул топишни ўргансун. Муллоларни кўрасанми, ҳаммаси камбағал. Аксари бой бўлган одамлар аввалда «ташишка» қилуб, ўрисни тилини ўргануб, бой бўлуб кетгон, деб мани ўқутмай, «ташишка»га чиқарди. Мана энди, мен бўлсам, ямон одамларга қўшилуб, саёғ бўлуб кетдим. Пул топишни ўрганаман, деб қимор ўйнашни ўргандим. Топган пулимни қиморга бой бериб, бир парча нонга зор бўлуб, расвойи олам бўлиб қолдим. Шунинг учун сизга ҳар вақт айтаманки, ўғлингизни аввал ўқутинг, пулга ўргатманг деб.

Турсун. Ҳалиям сани сўзингга кируб ўғлимни ўқитвотман-ку. Мундан ортуғ тагин нима қилай?

Толиб. Тузук, ўқувотсиз, кўкноридан нимага ўғлингизга ичирвоссиз?

Турсун. Кўб ичмайди, оз-моз ичади. Бир уйда туруб, ман ичганда ўғлим қараб тургани яхшими.

Толиб. Боя ўзингиз манга насиҳат қилдингизки, қиморни ўйнамасанг бўлмайдими (деб). Мана, ўзингиз нимага кўкнори ичасиз? Бу қимордан ҳам ёмон(ку)? Қимордан бир кун ютқузгон киши бир кун ютади. Аммо бу кўкнорингизга пул дод деб кетади. Узи — заҳар. Бора-бора ичган одамни баданини заҳарлаб, бўйинини қилтируғдек қилуб, пас(т) назар қилуб; одамни одамгарчиликдан чиқоруб қўядир.

Турсун. Кўйлаги йўқ тиззаси йиртиқга кулар, дегандек, сани одамгарчиликни билганинга ўлайми?! Шунчалик ақлинг билан қимор ўйнаганингга ҳайронман...

Толиб. Кўп гапти чўзуб ўлтурманг, манга бир сўм

қарз беринг. Ман сизга эрта беш ярим танга қилуб бераман.

Турсун. Аввалги олган пулларингни ҳали берганинг йўқ. Тағин санга нима деб пул бераман... Мани саррофхона қоқуб қўйибди, деб ўйлайсанми. Ҳадеб санга пулни қаёғдан топаман.

Толиб. Хайр, бермасангиз берманг. Узим билуб ишимни қиламан.

Турсун. Тағин нима иш қилмоқчисан? Қўрқутиш бўлса, хўб қўрқутдинг, ўтакамдан битта қолмади. Жон болам, бир кун туз ичгон (жой)га қирқ кун салом, деган гап бор. Чойимни ичдинг, нонимни единг. Худо хайр берсун, энди мани тинч қўй. Пулни бошқа ердан топарсан.

Толиб. Кўздек қўшни бўлуб туруб, сиз бермасангиз, менга ким беради, дейсиз. *(Секин фаднусни олуб орқа томонидан бирдан тарақлатуб юборар.)*

Турсун. Войдод! *(Бирдан юмалаб кетар. Бир оз ётгандан сўнг секин ўрнидан туруб.)* Уҳ... Жон-понимни чиқоруб юбординг, жон болам. Ҳазил деганам шунақанги совуқ бўладими. Турсун акам ўзи қўрқоқ, юраги ёрилиб ўларам, демайсан-а...

Толиб. Ман сизни юрагингиз ёрилгани билан неча пуллик ишим бор. Манга пул керак, пул!

Турсун. Пулингам курсун, ғалвангам курсун. Бировдан пул сўраган одам шунақанги ўтини ёруб оладими?! Мулойим сўзлар била ийдуруб олади-де. Шунақа қиласан-де, одамни энсаси қотиб, пул бергиси келмайди.

Толиб. Соиб қиморбоз қанча деса, берасиз, аммо манга қолганда, энсангиз қотади.

Турсун. Соиб санга ўхшагон бадмуомала эмас, бешни олтига олади ҳам ваъдасига етказуб беради. Аммо сан бешни беш яримга олуб ҳам бир ой-икки ой сургаб кетасан. Мана, ҳозир аввалги олганларингни тўламасдан яна пул сўрайсан. Кошки, тағим тўғрилиқминам сўрасангам гўрга эди. Эшикдан мўмақалди роғдек гулдуросминам келасан. Одам фарзанди ҳам шунақанги бадхулқ бўладими?

Толиб *(очиғлануб)*. Келинг, кўп гапурманг. Узим ютқузуб, аламзада бўлуб келгонман. Пул(ни) берасизми, бермайсизми?

Турсун *(одамларга қараб)*. Ямондан ё қоч қутул, ё тон қутул, дегандек, бериб қутулмасам, бу мани қўядигонга ўхшамайди. *(Толибга қараб.)* Хайр, берсам, берайин, қачон берасан?

Толиб. Худо хоҳласа ютсам, шу бугун келтуруб бераман. Агар ютқузуб қўйсам, кейинроқ бераман.

Турсун. Кейинроғинг қачон? Кейинроқ деб тағим қиёматгача судраб кетмагин. Бир кунга ваъда қил-де.

Толиб. Қиморвозни ваъдаси бўладими?.. Бир кунга ваъда қилолмайман. Қачонки, ютсам, олдидан сизни пуллариңгизни кетуруб бераман. Келинг, тезроқ бўлинг, манга кеч бўлмасун.

Турсун (ёнидан беш танга чиқоруб, Толибга берар). Ма, ўғлим, кўб кечуктурма, олти танга қилуб берасан.

Толиб. Хўб, Турсун ака. Агар ютсам, бир танга, ярим танга манга чўт эмас. Ютқузуб қўйсам, тағим олдингизга келаман...

Турсун. Қадаминг қирқилсун, ютқузуб қўйсанг келма, пул деб тағим бошимни қотирасан. Эмди бир тийин ҳам пул қолмади. Бошқа ердан топурсан. (Ма, деб бир сўмни қўлига берар).

Толиб (пулни олуб суюна-суюна). Балли, Турсун ака, ўғлингиз муллоий боамал бўлсун. (Чиқуб кетар.)

Турсун. Дуойинг қурсун. Тағин дуо қиласанки, ҳа дийдорингни тахтада кўрай. Галванг бошингда қолсун. (Эшик тақиллар.) Оббо, худо урди. Дарров ютқузуб Толиб тағим пул деб келди. (Секин-секин бориб эшикни очар.)

Фўлод эшикдан кирар.

Фўлод. Ассалому алайкум, Турсун ака, қалайсиз? Саломат, баофият? (Турсун ака ила иккиси кўрушар.)

Турсун. Қани, ўтур, Фўлод ўртоғ.

Фўлод (ўтурар). Қадам етди бало етмасун. Оллоҳу акбар. Қалайсиз, Турсун ака, саломат бормисиз? Бу кунларда кўкнорхонага ҳам кам борасиз. Шунинг учун сизни бир кўриб кетай деб келдим.

Турсун. Хуш келибсан, ўртоқ. Мани асти қўявергин. Худо манга бир ямон қўшнини берган, на кечаси тинч қўяди ва на кундузи. На уйқумда ҳаловат бор ва еган таомим ичимга тушади, на кайф қилдирғони қўяди. Кеча демайди, кундуз демайди, вақт демайди, бевақт демайди. Қиморға бой бериб келади-де, Турсун ака, пул бер, пул, деб жонимдан безор қилади.

Фўлод. Ким ул? Қайси қиморбоз. Ман тонийманми?

Турсун. Эсонбой акани ўғли Толиб қиморбоз-чи? Уша.

Фўлод. Эй, Турсун ака, сизни юрагингиз бор бў-
сун. Ҳали ўшандан қўрқуб ўтурубсизми? Фиринг-фиринг
деса, қулочкаш қилуб, қулоғини тегига тўрт (т) а тушур-
майсизми? Иккинчи сизни даргоҳингизга қадам босмас-
дан бадар кетсун. Қиморбоз халқига бўш келсангиз
миянгиз чиқуб кетвуради-де.

Турсун. Эй ўртоғ, сан ўзинг уни ҳунарларини кўр-
масдан чиранивотсан. Агар мани ўрнимда сан бўлсанг
эди, ҳовлингни ташаб бошқа ёқга кўчуб кетардинг.
(Эшик тақиллар. Турсун ака титраб-қақшаб эшикни
очар.) Кел, ўғлим, кел. Санмудинг?

В а л и кирар.

В а л и. Ассалому алайкум.

Фўлод. Ваалайкум ассалом, балли ўғлим, балли.
Муллойи боамал бўлинг.

В а л и. Ота, Толиб акам пулни қимор ютқузуб, би-
ровминам ўлгунча ёқалашди.

Турсун (Фўлодга қараб). Ана, ўртоғ, айтмадим-
ми? Ҳозир келиб тағим мани тумов қилади. Кошки, пу-
лим бўлсаям майлийди. Йўқ деганимга ишонмасдан жо-
нимдан басир қилади.

Фўлод. Эй, Турсун ака, сиз жуда қўрқоқ одам
экансиз. Нима, сизга уни отасини мероси қоптими? Сиз-
дан ҳадеб пул сўрайвуради. Қани кесин-чи?! Қўрқсангиз,
ёнингиз (да) ман бор-ку?!

Шул вақт шошилуб Т о л и б эшикдан кирар.

Турсун. Кел, болам, кел.

Т о л и б (ўтурар). Эй, Турсун ака! Қори бад қурсун.
Ҳалиги сиз берган бир сўмни ютқузуб, яна ўн танга бан-
ди бўлуб келдим. «Ҳозир нес (т) деб, қисталанг қилуб,
ўзимам муштзўрликминам, муштлаб қутулиб келдим.
Энди, жон Турсун ака, яна бир оз оқча топиб бермасан-
гиз, асло иложи йўқ. Муттаҳамга бир эшик ёфуқ бўлса,
бир эшик очиқ. Бошқа қиморхонага бориб ўйнасам,
шояд ютсам, сизни ҳам ҳамма пулларингизни берсам.
Ҳалиги қизталоқдан ҳам қутулсам.

Фўлод. Сан болам, ажаб бир беғам бола экансан.
Турсун ака ким, сан ким? Сани отанг бўлмаса, отанг-
ни моли Турсун ака (га) қолгон бўлмаса. Турсун ака ўзи
бир бадавлат, бой, ошиб тошиб ётган одам бўлмаса,
нима, ҳадеб бу бечорани пул деб бошини қотирвурасан?
Турсун акани сандан бошқа касали йўқми?

Т о л и б (Фўлодга қараб). Хўб, яхши бой ота. Сўз-

ларингизга тушундим. Қиёмат куни қўшнидан деган гап бор. Турсун акадан бошқа мани ҳеч кимим йўқ. Ман сиздан сўравотганим йўқ. Турсун акамдан сўравотман. Агар Турсун акамга малол келса, иккинчи сўрамайман. Токи ўзлари мана, деб бермагунарлича. Қани, Турсун ака, хафа бўлманг. Сизда бўлмаса, мана, бой отам бор эканлар. Қани, бир кайф қилайлук. (*Чўнтагидан ичида керосин тўла нос шишани олиб ёнига қўяр, яна бир чўнтагидан бир қути фофирус олиб, Турсун ака ила Фўлод акага тутар.*) Қани олингиз, бир кайф қилайлук.

Турсун. Чаксакмукин, бу ўрисвойни фофирусини асло чекгоним йўқ эди. Қани, бир чакиб кўрайлук-чи, кайфи қанақа бўларкин?

Фўлод. Кайфи қурсун. Муни кайфи нима бўларди, дейсиз. Минг қиганда ҳам чилимдек бўлмайди. Хайр, Толибжонни сазоси ўлмасун, чексак чекнийлук.

Ҳар иккиси оғзига фофирусни тишлаб турар.

Толиб. Сизлар фофирус чексангиз, ман аввал бир нос чакуб олайин. Фофирусни кейин чакарман. (*Нос шишадан оғзига нос қўйган киши бўлуб, керосин солуб олур, сўнгера гугурт чоқуб, оларнинг оғзиларидаги фофирусларга тутуб, туруб бирдан оғзидаги майдан гугурт ўтига фуфлаб юборур. Турсун ила Фўлод чунон қўрқушуб, титрашуб, саҳнанинг у ёғ-бу ёғига қочишурлар. Толиб қўл ила ишорат қилуб, пул бер, деюр. Фўлод шошилуб ҳамёнини ковлаб бир сўм берур. Қўнмас. Икки сўм берур. Қўнмас. Уч сўм берур. Толиб оқчани олиб чиқуб кетар. Турсун ила Фўлод иккиси бир-бирига қараб титраша-тираша ўтурушур.*)

Турсун (*Фўлодга қараб*). Қалай ўртоғ, мани айтганимча бор эканми? Боя гафурганимда мани сўзимга ишонмадинг. Толиб келганда қулочкаш қилуб уруб, қулоғини тагида шавла қайнатмоқчи бўлдинг. Аммо у бадзот ўғли бадзот келуб, жодугарлик қилганда, қуёни боласидек олдига тушуб қочдинг. Итдан қўрқон гадодек олдига тушуб қоча-қоча уч сўм пулни бериб, зўрға қутулдинг.

Фўлод. Турсун ака, ўзингизам бўридан қочгон қўйдек олдига тушуб қочдингиз. Ман қайдан билайин ул ҳаромзодани (нг) мундай жодугарлигини. Бизларга меҳрибон бўлуб фофирус бериб говут чақди-ю, бирдан ҳамани ўт олиб кетди. Оз бўлмаса соқол-мўйловларимдан битта қолмас эди. Уч сўм пулни олиб йўқолгонигаям шукур. Агарда тағим бир жодугарлик қилса, иккимизни

ҳам афт-башараларимиз куюб, қош-кифрикларимиздан битта (қолмай) қип-қизил мохов бўлардук. Худо сизга тўзум берсун, Турсун ака. Мундоғ жодугар ҳаромзодаминам қўшни бўлуб, умр ўткарганингизга балли. Юрагингиз тоғ экан. Тегирмон тошдек бардошингиз бор экан. Мандек одам мундай ҳавлини бир кунда сотуб кетардим. Сан тинч, қўшнинг тинч, дегандек, ёмон қўшни ёруғ дунёни дўзахи, деб шуни айтадилар-де.

Турсун. Фўлод, энди икковимиз бориб зўр-зўр кўкнори ўртоғимиздан олиб келиб, тездан муни чорасига киришайлук.

Фўлод. Журунг, бўлмаса.

Турсун. Тўхта, чирогни ўчуруб қўяй. (*Чирогни ўчураб*). (Чиқиб кетар.)

Бир оздан сўнг Толиб беш оғайнисини бошлаб кирур.

Толиб. Ўртоқлар, Турсун акамни уйи, бемалол! (*Ултурушар. Ичиндан бир қиморбоз — Эшвой сандуқ устидаги нонни кўруб, «вой худо берди-ку», дея нонни олиб қўюб, ҳаммалари талашуб ерлар*). Ўртоқлар, Турсун акани ови келибдур, худди беш-олтисини бошлаб келадур. Мани устумга чопонни ёпуб қўюнглар. Ман бу ерда ётай. Сизлар сандуқни орқасинда кўрунмасдан ётинглар. (*Етар, Турсунлар келишар.*)

Турсун. Эй ўртоғлар, сизларни хабарларингиз йўқ, худо менга бир жодугар қўшни бергон. Кундузи ҳам қутулмайман, кечаси ҳам. Шунинг учун ман сизларни чоқириб келдим.

Бир кўкнори. Турсун ака, қиморбоз халқи кўб зўр келадир-ку.

Турсун. Беш-олти киши бир кишига кучларинг етмайдурми?

Фўлод. Манга минг қиморбозни олиб келийла, якка (ўзим) минг қиморбозни ураман.

Отажон. Фўлод, сенга қачон юрак берди?

Турсун. Қани олинглар кўкноридан, ҳали кучларингизни синаймиз. (*Ҳаммаларига қуюб берар. Фўлодга қараб.*) Фўлод, сан буларга кўкнордан қуюб беруб ўлтур. Ман бориб қўлбола қилиб чой дамлаб келай, бу ерда дилкашлик қилиб ўлтурамиз, лаббай?

Фўлод. Шундоға(м), олиб кел чойни, жуда чарчадим.

Турсун (*ўрнидан туруб*). Бисмиллоҳи... (*Бирдан Толибни тефасига йиқилиб тушар, ўлтурганлар титрашуб турар*).

Фўлод. Эй Турсун ака, бизларни қандоқа жойга олиб келдингиз?

Т (у р с у н). Фўлод, бу ҳаромзодани ўлугими?..

Фўлод. Ўлуги қурсун, Турсун ака!

Т (у р с у н). Кел, Фўлод, бу ҳаромзодани ўлугини эшикка олиб чиқиб ташлайлик.

Ф (ў л о д). Тўғри, олиб чиқиб ташлайлик.

Турсун. Фўлод, бўлмаса, сан бошидан кўтар, ман оёғидан.

Фўлод. Қўй, ака, боши қурсун. Ман кўрқаман, сен кўтарақо.

Т (у р с у н). Кел бўлмаса. (Кўкнориларга қараб шиддат ила). Ҳаммаларинг титраб ўласанми? (Ҳаммалари кўблашиб кўтаришиб чиқуб кетар. Бир кўкнори, қиморбоз ётуб олур).

О т а ж о н . Ўв, уйинг қурсун, шунақа ажинахонада ўлтурасанми?

Ф (ў л о д). Уф! Ҳаромзоданинг ўлуги салкам бир ботмон экан.

Т (у р с у н). Қуй, кайфлардан бирта қолмади, яна бир бошқатдан кайф қилайлик, лаббай?

Кўкнорилар. Шундай, шундай... (Ҳаммасига биртадан қуюб берар).

Турсун. Ўртоқлар, ҳали қўлбола қилиб чой олиб келаман, деб эдим, у ҳам эсдан чиқибди-ку.

О т а ж о н . Ўртоқ, бизлар кетамиз, вахлироқ олиб кел.

Турсун. Тузук, бўлмаса. (Ўрнидан туруб, бориб қоқулар).

О т а ж о н . Войдод! Бизларга жин урди!

Фўлод. Уйинг қурсун, Турсун ака!

Турсун. Ҳаромзоданинг ўлуги жуда чофқур экан, биздан аввал етуб келубдур.

Фўлод. Турсун, муни олиб чиқуб ташлайлук.

Турсун. Рост айтасан, тагин фолиска-прустуб келуб қолмасун.

О т а ж о н . Кафанни чўзмасаларинг, ҳозир келиб қоладур.

Т (у р с у н). Келийлар! (Кўтаришиганда орқасидан ҳуштак чалар, улар қочарлар).

Парда тушар.

1915 йил, 25 февраль.

БИЗ (ВА) СИЗ

Туркистон турмушиндан олинуб ёзилгон 4 пардалик фожиа.

БИРИНЧИ ПАРДА

Туркистон турмушига мувофиқ бежалган уйда, кўринур. Уйнинг бир чеккасида бир этажеркада китоблар, уч устул, бир устол қўйилгон бўлур.

ЎИНОВЧИЛАР

К а м о л — Еврупода ўқуб келгон йигит, 25 ёшинда.

К а р и м б о й — йигитнинг отаси, эски фикр, 50 ёшинда.

Ж а м о л — йигитнинг онаси, эски фикр, 45 ёшинда.

А л и — йигитнинг укаси, чапани, 21 ёшинда.

Ҳ а б и б а — йигитнинг синглиси, 16 ёшинда.

С а р в а р — даллол хотун, совчи, 50 ёшинда.

М у л л а Р у л о м — йигитнинг тоғаси, мутаассиб мулла, 40 ёшинда.

А х м а д — йигитнинг ҳамфикр ўртоғи, 23 ёшинда.

К а м о л устунда ўлтуруб, китоб мутолаа қилуб тургон ҳолда парда очилур.

К а м о л (*Китобни ёнуб, ўрнидан туруб, у ёқ-бу ёқ-га юруб*). Ажабо! Мен қандай бир қизиқ ҳолларга қолдим. Тўрт томоним ҳам ўт. Кеча-кундуз ўртаниш, ёнишдан бошқа бир нарса йўқ. Бу жаҳаннам тешигиндан бошқа янгилик тешиғи ҳеч томондан кўринмайдур. Кўрунмоқ эҳтимоли ҳам йўқ. Кошки боргон еримдан бу мотамхона элимга, юртимга келмагон бўлсам эди. Бу хурофотлар уяси бўлуб, чуруб, билжираб кетгон эски турмушни кўрмагон бўлур эдим. Ун йил ичинда Еврупода ўқуб юрган вақтимда Туркистон аллақанча ўзгаргон, (унда) маданий ҳаёт ўрнашгон деб эшитгон эдим. Африқо, Амриқонинг ваҳшийлари маданият, янги турмуш орқасидан чолишгон ҳолда бизнинг Туркистон болалари ҳам унчамунча йўлга киргон, ўзгаришлар орқасида тараққийга қадам босгондур деб ўйлагон эдим. Ҳайҳот, бу фикримда зўр янглишгонман, хато ўйлагонман. Ўзгариш бизнинг элнинг кўчасидан ўтгон. Фақат ўзгариш кўчадағина бўлгон. Аммо турмушда, уй ичида зигирча ҳам ўзгариш йўқ.

Ҳамон эски ҳаммом, эски тос. (Устолға ўлтуруб.) Оҳ...
Мен қайғуларимни, дардимни, ҳасратимни ким (га) ай-
тай, ким (га) сўйлай?! Бечора Фузулий демиш:

Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Дард чўх, ҳамдард йўх, душман қавий, толеъ забун.

Мен Еврупода турғон вақтимда тарбия кўрган оила-
лар ичинда маданий турмушга ўргануб, одат қилуб қол-
гон эдим. Эмди мунда келуб, бу хурофотга ботгон, чури-
гон турмуш ичида ўралиб қолдим. Бутун бир оила ичин-
да ўзимдан бошқа менга ҳамфикр киши йўқ. Фикр ва
маслак жиҳатидан отам, онам, укам, қариндош-уруғим—
ҳаммаси менга душман. Турмушда, ишда, сўзда орамиз-
даги алоқа ўт билан сувдек бир-бирига зид, тескари. Мен
тегирмондан келсам, булар дўлдан келадур, мен осмон-
дан савол қилсам, булар арқондан жавоб берадур. Бу-
тун сўзларимиз-да ав(б)ошнинг кафшига ўхшаш пойма-
пой. Турмушимизга ўрнашгон хурофотларни тушундур-
моққа қаттуғроқ киришсам, ҳаммалари бирдан хахола-
шуб мени масхара қилуб кулишалар. Қелинг, мана бу ўз
фойдасин билмагон, гапга тушунмагон, келажакни куй-
ламагон кажбаҳс одамлар билан сўйлашуб кўринг—
минг жонингиздан бир жонингизни ҳам қўймас, ҳар қан-
дай зўр ва ақллик миянгиз бўлса ҳам қоқиштируб қўлин-
гизга берар. Булар билан кўброқ алоқада бўлсангиз, ё
ўзлариға ўхшаш тўқумтабиат, ё миянгизни айнатуб, жин-
ни қилуб, оёгингизга кишан солуб, қараб ўлтурушдан
ҳам тоймаслар. Шоир демиш:

Эй табъи нозукат, ки ту бар ман бало шуди,
Тўқум табиятон ҳама дар айшу ишратаст.

Эмди, нима қилмоқ керак? Бурунни сассуғ деб кесиб
ташлаб бўлмайдур. Мен ўзимга лозим билдим, жазм қил-
дим, булар билан турмушда қатъий кураш ясашға. Бу
курашда ё мен енгармен, ё улар. Агарда мен енгсам, бу-
тун бир оилани тузатго(н) бўлурмен. Агар улар менга
ғолиб кесалар, бўладурғони бўлар. Шоир демиш:

Бир-икки кунда муродинг-ча фалак айланмаса,
Доймо бир йўл билан кетмас бу даврон чекма ғам.
Гарчи манзилдур хатарлик ҳам йироқ мақсудимиз,
Ҳеч йўл йўқдурки бўлмас унда поён, чекма ғам.
Ҳар кишида бир ғараздур, ҳар кўнгулда бир ҳаёл,
Ҳар ким ўз уммидининг қурбони, Ҳижрон, чекма ғам.
Ҳар ҳолда умидсизланув ўринсиз. Қўлдан келгунча

булар билан тортишувга тўғри келадур. Тортишмоқ керак. Еврупо олимлари «дунёда мумкин эмас иш йўқ», дерлар. Инсон дунёга емак-ичмак учун келмайдур. Ҳақ йўлда ишламак, ҳақиқатни юзага чиқармак учун келадур. Мана бизнинг орамиздаги курашлардан бири, биринчиси ҳам энг зўридан бир шингил эшитинг: Мен эмиш, ўн йил Еврупода ўқуб келгон бир йигит, ўқумагон, кўзум билан кўрмагон бир қизни олар эмушман. Бориб кўришуб келуб, менга лўли эшагини мақтагондек мақаташадур. Қим билсун, ул қиз ҳур ё пари каби чиройликдур, ё дев шаклда сигир каби бир махлуқдур. Ҳозирда менинг қошимда бу уйланув масаласи ҳаёт-мамот қаторида турадур. Уйланмайман десам, ўз йўлимга қўймайдурлар. Билган-кўрганларимни олиб беринг десам, бирини отаси йўқсул, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ дейдурлар. Ишқилуб кўблашуб кўмаклашуб, ўз дўмбираларига мени ўйнатмоқчи бўладурлар. Қисқаси, бир нодон, жоҳила қизни менга олиб беруб, ёш умримни хазон, турмушимни тўзон қилмоқчи бўладурлар. Хайр, боқолим, ғалаба кимнинг томонида бўлур.

Қ а р и м б о й (эшикдан кируб, кўрфачага ўлтируб). Қани, ўғлум, бери келинг, курсидан тушинг. Мени ёнимга келинг. Қўб ўзбошимчалик қилманг. Ота-она деган ганимат. Бизни(нг) сизга бойлаб қўйгани йўқ. Кечаги гапга узил-кесил жавоб беринг.

К а м о л келиб, отасининг ёнида тиз чўкиб, ўлтирар.

Ўғлум, боядан бери ёлғуз уйда ўзингиз билан ўзингиз, жинни кишидек нималарни сўйлаётган эдингиз? Одамларнинг «ўқуғон кишилар ақлдан адашар» деган сўзлари тўғри экан. Бизнинг халқ мундай қоронғу уйга кириб олуб, ўзи билан ўзи сўлашадургон кишиларни «овсар, тентак» деб айтадурлар. Қани гапуринг, ўғлум. Бугун эрта бирлан онангиз холаингиз бирлан Ортуқбойнинг қизига боруб унашуб, оқ ўраб келғони, ош-сув қилиб кетди. Ҳозир келишуб қолса керак. Аввалги фикрингиздан қайтинг. Юрт-эл ичинда отангизни гарданини ҳам қилуб, шарманда қилманг, ўғлум.

К а м о л. Отажон, кеча мен сизга айтмадимми, кўзим билан кўрмагон, билмагон, синамагон қизни олмайман. Тагин нима қилиб бекорга овора бўлуб оқча-чиқим қилуб онамни юбордингиз?

Қ а р и м б о й. Мен биламен, подшоҳни ҳуши қурбақага тушгандек сени ҳушинг амакинг Салим қурумсоқнинг қизига тушибдур. Мен Еврупода ўқудим, деб кўнг-

лингга келган номаъкулчиликни қила берасанми? Шаритатда ҳам тавфиқ деган гап бор. Боболаримиз тенг тенги билан, тезак қопи бирлан, демишлар. Ул камбағал Салим қуруқ билан бизнинг оромизда ер била осмонча фарқ бор. Хотун деган нарса эрнинг чўриси бўладур. Мана шул чаҳор девор ичида ўлтуруб, ош-сувга, эрнинг йиртиқ-ямоғига яраса бўладур.

К а м о л . Отажон! Сизнинг назарингизда хотун бизга чўри бўлса, менинг назаримда эрдан хотуннинг мартабаси улуғ. Бутун бир оиланинг тарбияси, ёзмуш саодати уй бошлуғи бўлгон хотун қўлида бўладур. Боболаримиз «хотуннинг яхшиси Хитойнинг божингири» демишлар. Сўзнинг қисқаси, нима қилсангиз қилинг, мен синамаган қизни олмайман.

Шул вақт эшикдан **Ж а м о л , С а л о м а т , С а р в а р** кирар.
Фаранжиларин қўйишуб қаторга ўлтиришурлар.

Ж а м о л . Отаси, суюнчи беринг, худога шукур, Сарвар хола Ортиқбойни ҳар хил гаплар билан зўрға унатди. Мана, оқ ўрашуб келдук. (*Қўли билан бошидаги дока рўмолини кўрсатур.*) Отаси, нучук худо ярлақаб кесакдан ўт чиқғондек ўғлингиз бирлан гаплашиб ўтирубсиз?

С а р в а р . Бой, энди бизни хизматни тўла қиласиз, Ортуқбой пирга қўл берган мўмин, мусулмони комил одам экан. Қизи бўлса, қўй оғзидан чўп олмагон, ёввош, мулойим, беш вақт намозини канда қилмайдурғон жуда яхши бола экан. Бир оз тикиш-чатишга, ош-сувга камроқ уннаган, мўноқроқ экан. Ўзи ҳали ёш, энди 18 га кирғон экан. Эрка ўскон, бойвучча қиз-де, сизнинг даргоҳингизга келса, қайин онасини турткисини еб, билмаган ишларини ўрганиб кетар. Ишқилиб қўша қарисун.

С а л о м а т . Ортуқбой Қаримбойнинг ўзи яхши одам. Мусулмони комил, лекин ўғли Европода ўқуғон, калтадум, баришналар билан қўлтуғлашиб юришга ўрганғон, намоз-ниёздан узоқроқ деб эшитаман, менинг қизим билан умри мураса қилолмас, деб кўб тихирлик қилуб, бизларни кўб қийнади. Сарвар хола билан иккимиз ёлғон-яшшуғлар билан қўйинини пуч ёнғоқға тўлдириб, йўқ, Камол зурриётига тортган, беш вақт намозини тарк қилмайди, шалп-шулп юрмайди, мўмин-қовул, ҳусниға боқса, одам тўймайдурғон, жуда яхши бола деб Ортуқбойни аранг унатдук. Катта тўйни ҳам тездан жўнатадигон бўлуб, кечқурун никоҳ бўладуғон қилуб келдук. Бой, энди худо сизни ҳамёнингизга қувват берсун. Ортуқбойни гапини мазмунига қарағонда, тўйни котта олади-

Ғонға ўхшайдур. Нима қилади дейсиз, бой. Сизга ҳовуздан бир челак сув олгандек габ, кори хайрга худо ўзи еткузади. Ишқилуб, айтинг-айтинг, қўша қарисун, туп қўюб, фалак ёзсун, увалик-жувалик бўлсун.

Али Мулла Фулом билан бирга саломлашуб кирурлар.
Мулло Фулом бой ҳам жияни билан кўришуб ўлтирар.

Али. Ота, тоғамни уйларидан тополмай, бориб дўконларидан айтиб келдим.

Қаримбой. Жуда яхши, бор, отларга хашак сол, бориб гузардан гўш, сабзи олиб кел.

Али хўб деб, чиқиб кетар.

Мулла Фулом. Бой, тўйларингиз муборак бўлсун. Алидан эшитуб, кўб хурсанд бўлдим. Ортуқбойга қуда бўлибсиз, жуда яхши бўлибдур. Худо зиёда қилсун.

Қаримбой. Қуда бўлишга бўлдук, аммо яхши бўлдими, ёмон бўлдими, уни мана бу жиянингиздан сўранг. Билмадим, жиянингиз Еврупода ўқуб келуб, отабобомиздан қолғон урф-одатларимизнинг ҳеч бирин ёқтурмайдур. Бутун бир шаҳарнинг қизи бул жанобга маъқул эмас. Аммо жиянингизни ройига қўйсангиз, уйимизни жиннихона қилмоқчи. Ул Салим қуруқнинг қизи Марямни олмоқчи. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ул бизни тенгимизми? Бу ўзбошимча жиянингиз мени бутун обрўйимни ер билан яксон қилмоқчи. Мана, опаларингиз бугун бориб Ортуқбойга қуда бўлуб, оқ ўрашуб келди. Локин масала ҳали жиянингиз назаринда ҳал бўлғони йўқ. Ул ҳали узил-кесил жавоб бергани йўқ. Бул кажбахс жиянингизни сиз кўндурмасангиз биз асло кўндуролмадук.

Ҳабиба патнусда нон, дастурхон, чой олиб кируб қўюб кетар. Жамол чой қуюб, нон ушатишуб, еб-ичуб ўлтурарлар.

Фулом. Қани, жиян, гапуринг-чи, Ортуқбойни қизини Салимбойни қизидан қай ери кам? Ортуқбой бўлса, бутун юртга, элга маълум. Дастархонлик, обрўйлик, қизига бор-йўғини сарф қилуб, мол қилғон. Аммо Салимнинг қизининг бошидаги сочидан, оғзидаги тишидан бошқа бир нарсаси йўқ.

Жамол. Тоғажон, сизлар кўблашуб менга хотун олиб беришмоқчимусиз ёки дастархон обрў, мол олиб беришмоқчимусиз? Менинг қошимда давлат, мол, обрўнинг уч пуллик қиммати йўқ. Йигит бир уйланадур, қиз бир чиқаду, дерлар. Бу умр савдосидур. Бу савдони, менча, қиз билан йигит тонишуб, билишуб ясалмоғи ке-

рак. Уртада сизлар каби даллоллар билан битгон савдо турли-турли ёлгон мақтовлар билан ясалгон никоҳ бирикуви ўргумчак ипи каби елга дош бермайдургон айрилик — жудолик уяси деб биламан.

К а р и м б о й. Мулла Фулом, сиз биласизми, бу киши Европода кўкраги очуқ, болдири очуқ, чиккабел қизлар билан қўлтуқлашуб юруб ўрганган. Мундаги қизлар ҳурпар бўлса ҳам маъқул бўлмайду. Бул отани сўзига кирмайду, шайтонни сўзига кирадур.

Ж а м о л. Отаси, қўйинг, ўғлимни кўб турткиламанг. Тўйингизни қила беринг. Ортуқбойни қизи Жамилани кўргандан кейин бошқаларни унутиб, кўрмагандек бўлиб кетар.

С а л о м а т. Бой хафа бўлманг, Жамила жуда ақлик қиз. Камолни боғлаб-ушлаб, ўз домига солиб, қумтошдек бўлиб кетишса керак.

С а р в а р. Қизнинг нози, йигитнинг истиғноси бўладур дерлар. Мунақанги уйланмайман, деган йигитларнинг кўбин кўрганмиз. Уйланмасдан аввал шундай нозу истиғно қилуб, уйлангандан сўнг хотунга қул ва асир бўлиб қолгонлар. Бой тўйни қила беринг. Зоелик тортсангиз, ман зомин!

Ф у л о м. Жиян! Ақлингни бир оз бошингга йиғ, хаёлингни паришон қилма. Эсингни ўзингга ол. Шайтонни сўзига кирма. Ота-онангни қартайган чоғида хафа қилма. Сен Европода юруб, эсингни йўқотуб, ақлингдан адашуб келубсан.

К а р и м б о й. Эй Мулла Фулом, бунга гапурмоқ доволга гапурмоқ билан баробар. Мунга гап таъсир қи-

кўруб-билуб олайн. Сўзимнинг қисқаси, узил-кесил жавоб сизга — шул. Кўрмагон-билмагон қизни олмайман, ёш жонимни ёнар ўтга солмайман, вассалом.

К а р и м б о й (*аччиғлануб, ўрнидан туруб*). Мана, Мулла Ғулом, боя сизга айтмадимми, бу кажбахс асло одам боласини сўзига кирмайдур. Қирқ киши ҳам бир, қинғир киши ҳам бир. Қўйнинг, уйланмаса, уйланмасун, тўйни одам юборуб тўхтатаман, дунёдан тоқ ўтсун.

Ғ у л о м (*аччиғлануб ўрнидан туруб*). Ҳой, жиян, менга қара, сенга айтаман. Агарда сен шундай отангни норози қилуб, бизни ранжитадургон бўлсанг, уйингга ҳам келмайман, тўйингга ҳам аралашмайман, юзингни ҳам кўрмайман.

Ж а м о л. Ҳой болам, қўй, бир оз аччиғингдан туш, отангни ҳам мени қариган чоғимда куйдурма.

К а м о л (*ўрнидан туруб*). Онажон, отажон! Сиз мендан хафа бўлмангиз, турмушдан хафа бўлингиз. Бу орамиздаги тортишувлар — турмуш тортишувлари. (*Жиддий.*) Сиз!.. Оҳ.. Сиз! Эски турмушга ўргангансиз! Шул ўз турмушингизни яхши кўрасиз, суясиз. Шул эскирган, чуриган турмушингиздан ажралгингиз келмайдур. Мен яхши биламан, сиз бу турмушдан фақат ўлуб ажраласиз, аммо мен... Мен бу сизнинг бузуқ хурофотлар билан тўлғон турмушингизни истамайман. Янги турмуш истайман! Янги ҳаёт истайман! Мана шул янги турмушга менга раҳбарлик қилгудек, оила бошлиғу бўлгудек йўлдош истайман!

О... Мен ўзга ҳаёт ва сиз ўзга ҳаёт. Мен янги хаёл ва сиз эски хаёл. Оҳ, кошки сиз мени бу гапларимнинг аслига, маънисига, тегига тушунсангиз эди, ҳаммангиз ҳам менинг фикримга қўшилур эдингиз.

Ғ у л о м. Хўш, қани, очиқ сўйла, сени фикринг нима?

К а м о л. О, сиз! Сиз ҳаммангиз бир бўлуб, мени эскилик чуқурига, гўрига етаклаб олиб бориб, тирик ҳолимда кўммоқчи бўласиз. Оҳ... сиз! Сиз Ҳиндистон ваҳшийларидек бир тирик кишини бир ўлук бирлан қўшуб кўммоқчи бўласиз.

К а р и м б о й (*аччиғлануб*). Астағфурулло, астағфурулло... Сени бу гапларингга тушунолмадук-ку? Сенга ўлук қиз олиб берамиз дегон киши йўқ-ку?

К а м о л. Отажон! Мен қандай қилсам, сизларга ўз мақсадимни тушунтира оламан. Оҳ... Сиз! Сиз менга бир ўқумагон, билимсиз, дунёдан хабарсиз, ахлоқсиз ўлук бир қизни олиб беруб, бутун умримни ғам ва алам ичидан ўтказуб, саодатимга сад чекуб, турмушимга тўсуқ,

оёғимга кишан, бўйнимга ғул солиб, бир дев, дажжол, офала, олбости билан бир уйга қамаб қўймоқчи бўласиз! Бу бўладугон иш эмас! Мана энди тушунгандурсиз? Мени кўзимга кўринадургон тасвир сизни қиладургон тўйингиздан, олиб берадургон хотунингиздан чиқадургон натижа шул.

Ғул о м . Жиян, сен жинни-минни бўлдингми? Олбости деган сўзинг нима деган сўзинг? Бошингга бир оз ҳаво келуб қолгонга ўхшайдур. Зўр бир азойимхонга ўзингни ўқут.

Қ а м о л . Оҳ... сиз. Сиз, қўйинг, мени ўз ҳолимга қўйинг! Ёш умримни ёнар ўтга солманг. Хотун олмайман. Уйланмайман. Азиз жонимни азобга солманг! Сиз... Сиз ҳаммангиз менга хайрихоҳ бўлсангиз, мени ўз ҳолимга қўйинг.

Қ а р и м (б о й) . Журинг, мулло Ғулом, бу кажбаҳсга гап таъсир қилмайдигонга ўхшайдур. Уйланмаса уйланмасун. Билган номаъқулчилигини қилсун.

Ҳаммаси чиқуб кетар, **Ж а м о л** ҳаммадан кейин қолур.

Қ а м о л . Онажон, Алини менга айтиб юборинг, ишим бор.

Ж а м о л . Хўб, онагинанг айлансун, ҳозир айтиб юбораман. Жон болам, сен отангни қартайган чоғида кўб хафа қилма. Ортуқбойни қизи сенга маъқул бўлмаса ҳам хўб деб олавер. Ҳозир отангни ундан қайтариб бўлмайдур. Кейин унинг устига ўзингни истаган қизинг Марямни ҳам олиб берурмиз. Бир эмас, икки хотунлик бўлурсан. Хотун олиб бериш отангга қийин иш эмас — оғзининг ели, жон болам, индамасдан ола бер.

Қ а м о л . Онажон! Укамни тез айтиб юборинг.

Ж а м о л . Хўб болам. (*Чиқиб кетар.*)

олиб кел. У ҳозир хизматдан уйига қайтган бўлса кел.

А л и (кирар) . Ока, манда нима ишингиз бор?

Қ а м о л . Сен бориб Аҳмад окангни олдингга солиб рак.

А л и . Аҳмад окам уйида йўқ бўлса, нима қилайин, пойлаб ўтурайинми?

Қ а м о л . Йўқ, кутуб ўлтурма. Йўқ бўлса, уйига таъинлаб кел.

А л и . Хўб. (*Чиқиб кетар.*)

Қ а м о л (ёлғуз у ёғ-бу ёғга юруб) . Оҳ... Кошки мен бу мотамхонага, хурофот уясига Евруподан қайтмаган бўлсам эди. Бу бало, бу кулфат, бу қайғуларни кўрмагон, ёш жонимни ёнар ўтга солмагон бўлур эдим.

Ўзимни куйганим бир сори эрди,
Муни дарди менга ортуқча бўлди.

Дард устига чипқон, ўлганни устига кўмғон, дегандек, дунёдан хабарсиз онамнинг менга ҳаммадан кейин қолуб берғон ўгут-насиҳатин кўринг. Бир эмас, икки хотун олиб бериб, яна ғам лойиға ботирмоқчи, ёш умримни эговламоқчи, ҳаётдан бездирмоқчи, турмушимни тўзон, очилғон гулимни хазон қилмоқчи бўладур. Йўқ! Йўқ!.. Минг мартаба йўқ! Бўлмас! Сизнинг айтганингиз асло бўлмас! (Жиддий, саҳнага қараб.) Оҳ.. сиз! Сиз, эски турмуш асирлари, хурофот қурбонлари, менга ўхшаш минглаб ёш ўспурунларни бошиға етасиз. Аллақанча ўқумиш, нозанин қизларни аблаҳ, жоҳил, ахлоқсиз йигитлар қўлида асир қиласиз, калтаклатуб ўлдиртирасиз. Сиз! Сиз муҳаббат нима, севги нима, тенглик нима, оила нима, турмуш нима, ғоя нима, амал нима, юксалиш нима, маданият нима — тушунмайсиз! Тушунмоқни ҳам истамайсиз!

Сиз!.. Сиз, жаҳолат қурбонлари, билимсизлик асирлари, бизни ҳам ўзингиз ила биргалаштириб, эргаштириб, етаклаб инқироз оламиға, йўқлик дунёсиға, жаҳолат майдониға, асорат зиндониға тирик ҳолимизда кўммоқчи бўласиз!

Сиз!.. Сиз гулдан тоза танларимизни, гунашдан порлоқ туйғуларимизни, болдан тотли севгиларимизни энг қоронғу зулумот, энг қўрқинч, даҳшатлик хурофот ғорларига, мафораларига кўммоқчи бўласиз!

Сиз!.. Сиз, биласизми, бизни нима қилмоқчи бўласиз?! Мундан икки аср илгариги Арабистон ваҳшийлари каби бизни кўзларимиздан қонли ёшларимиз оқизуб туруб, тирик ҳолимизда қабрга, мазорга, гўрга кўммоқчи бўласиз!..

Сиз!.. Сиз, биз биламиз, нима қиласиз! Ҳиндистон ваҳшийлари каби бир тирик кишини бир ўлук билан қўшуб даҳшатлик хурофот ўтига ёқмоқчи, куйдурмоқчи бўласиз!..

Сиз!.. Биласизми кимсиз?! Йўқ, билмайсиз! Билмоқни ҳам билмайдурғон, жаҳли мураккабда қолғон, ўз болаларини қонларин тўкувчи ваҳший жаллодлар, жонли сувратлар, тирик ўлукларсиз!

Йўқ, янглиш айтдим, хато сўйладим. Сиз... сиз бизни мураббийларимиз, раҳнамоларимиз, йўлбошчиларимиз, туғдирувчи, ўлдирувчи, катта қилувчи оталаримиз, оналаримизсиз. Йўқ! Йўқ!.. Минг мартаба йўқ! Айб сизда эмас, жаҳолатда, нодонликда, билимсизликда, келажакни

тушунмовликда, оламдан хабарсизликда, тараққиёт-маданиятдан қочувингиздадур.

Йўқ!.. Йўқ!.. Уйланг, тушунинг, эсингизни бошингизга йиғинг!

Сиз... Сиз қочган билан қутула олмайсиз! Бир кун келур, бу қилгон ишларингиздан, хатоларингиздан ўқунарсиз, пушаймон бўларсиз, хафа бўлурсиз, йиғларсиз. Қон-йиринг йиғларсиз! Фойда бермас, чунки вақт ўтгон, иш қўлдан кетгон бўлур.

Эшик тақирлар.

Қ а м о л (эшик томонга бориб). Қани-қани буюринг, ичкари.

А х м а д салом бериб эшикдан кирар.

Кўришуб, ўриндиқга ўлтиурлар.

А х м а д. Хўш, қани ўртоқ, нима янги хабарлар бор?

Қ а м о л. Хабар, энг қора хабар, фожиали хабар!

А х м а д. Хўш, нима бўлди? Нимага бунча хафасан?

Қайғуликсан?

Қ а м о л. Менча, энг қайғулик аза, бошқаларча энг севинчлик тўй.

А х м а д. Хўш, қанақа тўй, уйланвотсанми?

Қ а м о л. Ҳм... Бошқаларча уйланвотмиз, бизча асфаласофилинга кетвотмиз.

А х м а д. Қўйсанг-чи, ўртоқ. Мундай пойма-пой гапириб, одамни таъбини тирриқ қилма, тўғрисини сўйла.

Қ а м о л. Сўзнинг тўғриси шулки, ўртоғинг ўрага йиқилди. Ҳангамани уч-тўрт кундан сўнг кўрарсан, дўмбирани тўйдан сўнг эшитарсан.

А х м а д. Хўш, ўртоқ, қайдан уйландинг? Кимни қизини олвотсан?

Қ а м о л. Қоратош маҳаллалик Ортуқбойнинг қизи эмиш, чиройлик эмиш, намозхон эмиш, эмиш, эмиш...

А х м а д. Уртоқ, «яхши эмиш»ларни қўй. Қизни кўриб-билиб олвотсанми?

Қ а м о л. Ҳм... Бошқаларнинг кўзи билан кўриб, онларнинг ўлчови билан ўлчаниб олинвотти.

А х м а д. Менга илгари амакингни қизи Марямни оламан деб эдинг-ку?

Қ а м о л. Деб эдим, локин менинг деганим сўзим, гапим, тилагим, истагим, ихтиёрим бошқаларнинг қўлида экан. Билмаган эканман. Товба қилдим. Оҳ... Эй, қани ул мени севдигим — Марямим! Онлар — золимлар,

жаллодлар, ёш юрак азобчилари, дўзах раҳбонийлари, эски турмуш асирлари мени ул нозанинимдан, ҳуримдан, паризодимдан, маҳвашимдан ойируб, бир жин, олбости билан бириктируб абадий азоб ичинда инжитмоқчи бўладурлар. Йўқ, бул бўлмас. Асло бўлмас!

Аҳмад. Нима учун Марямни олишга ота-онангни рози қила олмадинг?

Қамол. Ўртоқ, сен ҳам мени ярамга туз сепма. Оҳ, ул мени севдигим Марям... Унда ҳеч гуноҳ йўқ. Ул фа-ришта, ул адиба, ул шоира, лекин...

Аҳмад. Нима лекини бор, очиқ сўйла.

Қамол. Оҳ... Лекини ул хурофот бандалари, эски турмуш асирлари назарида онинг тарбияси, ахлоқи, билими уч пул. Отаси йўқсул, фақир эмиш. Обруси йўқ эмиш. Эй ўртоқ, бир ҳафтадан бери орамиздаги жан-жол, ғалва, тортишувлар тариқча менга фойда бермади. Масала менинг фойдамга ҳал бўлмади. Бу турмуш тортишувинда менинг тарафимда ўзимдан бошқа бир киши йўқ. Мана шунинг учун сендан бирор маслаҳат чиқармукин, деб чоқирғон эдим.

Али қўлида мактуб кирар.

Али. Мана бу хатни бир мактаб боласи сизга бериб кетди. *(Окасини қўлига бериб чиқиб кетар.)*

Қамол. *(шошилуб, конвертни йиртуб, хатга боқур, қалтираган ҳолда)*. Оҳ... Мана боқ!.. Ўртоқ Аҳмад, қандай бир жигарсўз мактуб. *(Титраган ҳолда мактубни йқур.)*

«Эй, мени оромижоним, суюклим Камол! Менинг эшитувимга қарағонда золим фалак сени мендан, мени сендан тирик ҳолимизда ажратмиш. Йўқ!.. Сен ажралсанг-да, мен ажрамам. Тирик бормен, сен ташласанг-да, мен ташламам. Сендан бошқасин севмам, истамам, асло истамам. Чиндан сендан ажраладурғон бўлсам, билиб ишимни қилурман. Суюклинг Марям».

Қамол *(мактубни устулға қўюб, ўрнидан туруб у ёғ-бу ёқға юриб)*. Ўртоқ Аҳмад, боқ, бу қандай ёниғли мактуб, мана шундай мактуб ёзишга қодир, ўз кўзим билан кўрғон, ахлоқ ва камолда назири-тенги йўқ бир қиз қолсун-де *(йиғлар)*, бир билимсиз, ахлоқсиз қизга уйланайин. Йўқ, ул мендан ажралса, ўзини ҳалок қилади, унинг ўлимига мен сабабчи бўламан, мен золим, қонхўр, жаллод, раҳмсиз, шафқатсиз бевафолардан ҳисобланаман *(оёқ-қўлларига титроқ пайдо бўлур)*. Оҳ... Зулм, зулм... Менга-да зулм, унга-да зулм. Оҳ... Аҳмад ўртоқ!.. Бошим

айлануб, кўзум тинуб, атрофимни қоронғулиқ ўраб олиб, кўзимга қон кўрина бошлади. Қон, қон, оҳ... Қон! (*Ўзидан кетуб, ерга йиқилур.*)

А х м а д . (*шошилуб*). Ҳозир мен бориб тилифўн билан дўқтур чақирайин. (*Чиқиб кетар.*)

Парда тушар

И К К И Н Ч И П А Р Д А

Туркистон турмушига мувофиқ мукаммал бежалган, келин тушган уй. Никоҳ кунин иккинчи кечасин кўрсатур.

У Й Н О В Ч И Л А Р

К а м о л — куёв, касал, овсар, жинлангон.

Ж а м и л а — келин, жуда кўримсиз, чўтур, ахлоқсиз қиз, 18 ёшинда.

С а л и м а — қизнинг янгаси, 25 ёшинда

Ж а м о л — йигитнинг онаси.

С а л о м а т — йигитнинг холаси.

С а р в а р — даллол хотин.

Ж а м и л а, С а л и м а, С а л о м а т. Ўртада дастурхон. Чой ичишуб, сўйлашуб ўлтургон ҳолларида парда очилур. С а р в а р билан Ж а м о л К а м о л н и суяб олиб кирурлар.

К а м о л. Онажон, ерда ўлтурушга дармоним йўқ, менга бир ўриндиқ олиб келинг.

Ж а м о л. Хўб, мен ҳозир олиб келай. (*С а р в а р суяб турар. Ж а м о л чиқуб ўриндиқ олиб келуб, К а м о л н и ўтқизур. К а м о л бир оз бошини солинтириб ўлтуруб қизга боқуб, бирдан жинлануб кетар.*)

К а м о л. Сиз!... Сиз, оналар, холалар, янгалар мени бу ҳолга солдингиз. Ана боқинг, қаранг, кўринг, инсоф кўзингиз билан кўринг. Ул (*қўли билан кўрсатур*) одам сувратида ясалгон ҳайвон, дев, жин, олвостини. Сиз!.. Сиз менга лўли эшшагини мақтагандек мақтаб олиб берган қизингиз шулми? Ёки сизга бошқа қизни кўрсатуб, бу бадбашара афритсани бериб юбордиларми? Қаранг сиз, инсоф кўзи билан қаранг. Унда одам боласидан асар кўринмайдур-ку. Оҳ... Кошки мени ихтиёрим ўзимда бўлса эди, соғ бўлсам эди, сиз билан мунда кирмагон бўлур эдим. Ул олвостини кўрмагон бўлур эдим. Оҳ... Сиз!.. Сизлардан нима қилсам қутуламан. Уйланмайман десам,

қўймадингиз. Энди касал бўлсам ҳам қўймайсиз. Сиз!.. Сизлардан ўлуб қутулмасам тирик (лайн) қутула оладигонга ўхшамайман.

Сарвар. Жон болам, йигит деган бардошлик бўлади. Ҳозирда иситмани алаҳиси билан мундай алмойи-алжойи сўзлавогсан. Узингни зўр бир азайим топиб ўкутуб ташла. (Жамолга қараб.) Ҳай, Жамолбиби, болангиз ўкутадигон бўлибдур, тез ўкутинг.

Саломат. Опа, ўғлингиз иситма бўлгонга ўхшайдур. Безгагини зўр бир дуохон топуб бойлатинг. Муноқанги бепарво бўлманг.

Жамол. Жон болам, сен мени қуда-андалар олдида жуда уятга қўйдинг. Кеча бўлса, гўшангадан ҳам чиқуб кетдинг. Эл-халқ ичида мени шарманда қилдинг, болам. Бугун ҳам шундай тўполон қилуб, мени шарманда қилмоқчимусан?

Камол (кулур). Ҳо-ҳо-ҳо!.. (Ашула қила бошлар.)

Қўйларини ҳайдар эркан, бир довон бирлан,
Бир яхшини қийнар экан, бир ямон бирлан.

Салима. Қуда хола, ўғлингизни биров сеҳру жоду қилгонга ўхшайдур. Зўр бир домла топуб, қайтартируб ташланг. Ул хотунига кўнгилсиз бўлди.

Камол. Оҳ... Мана, мана, сиз топдингиз. Мени бир кўзлари жоду, сўзлари сеҳр ақл-ҳушимни банд қилгон. (Ашула қилур.)

Кўриб гул юзингни боғда бандадур,
Ёдингдаман токай жоним тандадур.
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.

* * *

Иўқ санингдек париларнинг париси,
Сенга садқа париларнинг бариси,
Соғиниб-соғиниб кўргим келадур.

Салима. Жамолбиби, нима бало, бу ўғлингизни алмойи-алжойи ашувлаларидан бировга хуштор, кўнгли бошқада ўхшайдур.

Жамол. Қайдан билай, ўғлим туппа-тузук, ақли-ҳуши ўзида эди. Икки-уч кундан бери шунақа талмовсирайдигон бўлиб қолди.

Камол (аччиғлануб). Ўғлингизни талмовсирайдигон қилгон ким? (Ўрнидан туруб.) Сиз! Сиз! Мени бошимга совдо кетургон, савдойи қилгон ким? Сиз! Сиз!

Эски турмуш бандалари, хурофот асирлари! Оҳ, кошки ёшлигимда ўлуб кетгон бўлсам эди. Мундай ғамларни, кулфатларни кўрмагон бўлур эдим. Оҳ.. Кошки ўкумагон, дунёдан хабарсиз бўлуб ўсгон бўлсам эди. Бу ҳайвонлар орасида ҳўкизга ўхшаб яшар эдим (*Уриндуқга ўтурар*).

С а л и м а. Қуда, ўғлингизни савдоси жуда қўзғолиб кетди. Қўйинг, олиб чиқуб кетинг. Эзгуликни кечи йўқ. Бугун бўлмаса, эртага кирар. Мунақанги майнабозликга кимни тоби бор.

К а м о л (*аччиғлануб*). Бу майнабозлик эмас, ҳайвонбозлик. Ана, ёнингизда йўгон, қора, чўтир бир ҳайвонни олиб келуб ўтирибсиз-ку. Бу ўйинлар ўшани ўйини, ўшани бозлиғи.

С а л и м а. Қуда, ўғлингизни олиб чиқуб кетинг. Мунақанги жиннихонага кимни тоби бор? Эртага қизни онаси келади. Ўғлингиз яхши бўлгунча, қизни уйига олиб кетамиз.

К а м о л. Жон янга, кошки эртага қўймасдан ул девни ҳозир олиб кетсангиз эди. Мени жоним анча роҳатланур эди. Кўзимга кўринмаса, жиним отланмас эди. Булар ҳам мени ўз ҳолимга қўймасдан судраб олиб кирмасалар эди. Сиздан ҳам рози бўлур эдим. Анув ёнингиздаги олвостининг отини Жамила қўйгансиз. Кўз билан кўрмаган бир йигит Жамила отини эшитган замон назарига, хаёлига жуда бир чиройлик, хушсуврат, пари, ҳур келиб гавдаланадур. Оҳ... Кўз билан кўрғонда мана шундай жин афритса, олвости бўлиб чиқаду. Оҳ... Кошки мундай хунук, бедаво қизнинг отини Жамила қўйгунча ажал, азройил, қора бало қўйсангиз эди. Менга ўхшаш бир неча фалокатзадалар исмин эшитгон замон сақлануб, ўзин мундай фожиалик балолардан халос қила олур эди.

Ж а м о л. Жон болам, бировни боласини мунақа кўб хўрлама... қўнғуз боласини оффоғим, типратикон боласини юмшоғим, демиш.

С а р в а р. Ўғлим, овулга келганни ит қопмас. Бировни қизини мунақа кўб хўрлама, ҳар кимники ўзига, ой кўринур кўзига, демишлар.

К а м о л. Холажон! Ул ой эмас, қора илон. Онам тўғри айтди, ул... қўнғуз, типратикон, бутун унинг вужуди сеҳр, жоду, заҳар. Мана кўрмайсизми, мени вужудимни ким заҳарлади? Ана унинг тикони, унинг ниши заҳар. Оҳ... Ул мени суюклим, ул қандай зот. Йўқ!

Ул одам зотиндан эмас, паризод, фаришта, ҳур. Унинг зоти жаннатдан, уни узоғдин кўрган оним димоғимга қора сочлариндан сочилғон уду анбар, мушку тотори келуб тегуб, вужудимга оҳанрабо каби обиҳаёт берар эди. Сиз!.. Сиз нима десангиз денг, ул мени ҳаётим, руҳим, жоним, таним, вужудим... Суюкли маҳбубам, Лайлом, Шириним!

С а л о м а т. Опа, мунақа алпи-салпи гаплашуб ўтурғон билан бўлмайдур. Икки тарафни охори тўкуладур. Шерикчилик бир йилчилик, қудачилик минг йилчилик. Уртадан парда кўтарилмасун. Бугун бўлмаса эрта, эрта бўлмаса индин-де. Қани туринглар.

Жамол, Саломат, Сарвар ўринларидан туришур.

Ж а м о л. Қани жур, ўғлим, бўлмаса, меҳмонхонага чиқуб ёт.

К а м о л. Утуринг, қани, тур деганда туринг. Сиз ҳали мендан қутулиб қайга борасиз? Сиз билан қиладурғон ҳисобим бор. Орани очиб кетингиз!

С а л и м а. Вой, худо ўлум берсун, энди ҳисобга тушди. Тўйга қилғон харажатини ҳисобини қиладиғонга ўхшайдур.

К а м о л. Янгажон, бу ҳисобни сизга дахли йўқ. Узаро бўладиғон ҳисоб, сиз қўрқманг.

Ж а м о л. Вой ўлай, жон болам, жур кетавуз. Мени куда-анда ичида шарманда қилдинг. Ҳисобинг борми, китобинг борми, ҳар қанча гап-сўзинг бўлса, меҳмонхонага чиқиб гаплашамиз. Жур, жон болам. (*Ўғлин қўлидан тутуб, олиб кетмоқчи бўлур.*)

К а м о л (*онасини қўлини силтаб*). Сиз мени кўб қийнаманг, ўтуринг деганда ўтуринг. (*Ҳаммаси ўтирур.*)

Ж а м о л. Мана, ўтурдук. Қани, нима дейсан? Нима сўрайсан?

К а м о л. Сиздан сўрайдурғон сўзим шулки, ану (*қўли билан*) алвостини бориб, ўз кўзларингиз билан кўруб келуб, манга мақтағонмидингиз?

Ж а м и л а. Ҳув ўлум берсун мунақанги жинни эрга! (*йиғлар, юзини урар*)

С а л и м а. Жим тур, қизим, ҳали ҳеч нарса бўлган йўқ. Жонон пиёла синган йўқ. Отанг бу майнабозликни эшитса, бир соат ҳам сени мунда қўймас. Эртагача сабр қил.

К а м о л. Янгам, рост айтадур. Сабр қил. Сенинг

ёнингга борадурго(н) одам йўқ. Узингга ўхшагон инсон сувратидаги бир киши билан қўшга қўшилурсан. Гуноҳ сенда эмас, мана бу ёлгончиларда, алдамчиларда, эски турмуш асирларида, хурофот бандаларида. Яхши қилдинг, юзингни ўрадинг. Жоним анча ором топди. (Онасига қараб.) Она, қани гапиринг, кўриб келуб, менга мақтагон қизингиз шулми? Ё бошқа қизмиди?

Ж а м о л. Болам, қайдам билай, менга ўша кунни бир қизни кўрсатувдилар. Кўзимга бежиримгина, чиройликгина, тўтидакгина, истараси иссиқгина кўрингон эди. Жудаям мунақанги бадбашара, хунук эмас эди.

С а л о м а т. Бу гапни яхши очдинг. Ман ҳам кўруб эдим. Шу вақтгача гапургани кўрқуб, дамим ичимда эди. Бу ер юткур одам ўғриларининг кўрсатган қизлари бул эмас. Бизга қумридек бир қизни кўрсат(иш)-увди.

С а р в а р. Қўйийла, мунақанги ётгон илонни бошини қўзғамайла. Бугун бўлмаса, эрта бир-бири била топишуб, кўрмагандек бўлуб кетар. Оғир-енгил гап-лашганилар қолар.

С а л о м а (т). Ҳу ўлим берсун, сан яллачи даллолга. Ҳамма(си)ни қилдинг, сан қилдинг. Шўрлик укамни бу ҳолга тушишига сан сабаб бўлдинг.

Ж а м о л. Уйгинаси куйсун Ортиқбойни, лўлидак бадбашара қизини бизга алдаб сотди. Бизни хонавайрон қилди. Туппа-тузук ўйнаб-кулиб юрган болагинам бу шумқадам қизини келиши билан талмовсирайдигон бўлиб қолди.

С а л и м а. Ҳезалакка арпа уни баҳона. Ҳув ўлим берсун, сизни жинни ўғлингизга. Бизни қизимизни сизни савдойи ўғлингиздан қай ери кам? Қўйинг, бизни тинч қўйинг! Эртага тонг отсун, Ортуқбойга одам юборуб, орани узил-кесил қиламиз.

К а м о л (жиддий). Мана кўрдингизми, сизни бу эски турмушингиздан қандай фожиали натижалар келуб чиқадур. Қани, ул Ортуқбойни обрўси, дастархони яхшилиги, бойлиги, инсофлиги... Оҳ... Инсоф қайда унда! Инсоф бўлса, бировни қизини ўз қизим, деб кўрсатиб, бировга сотиб, бировни хонавайрон қилурмиди?! Йўқ, йўқ! Ҳеч кимда инсоф йўқ! Йўқ!..

Сиз!.. Сиз билмайсиз, ҳаммангиз маккорсиз, алдамчисиз! Ёлгончисиз, одам ўғирловчи, бола сотувчи жал-

лодларсиз, қонхўрларсиз! Золимларсиз! Сиз биласизми, кимсиз? Инсофсиз, виждонсиз, меҳрсиз, шафқатсиз, инсон қиёфасидаги ҳайвонларсиз! Йўқ, йўқ, янглиш сўйладим, хато гапирдим. Сиз! Сиз бизни(нг) оналаримизсиз, бизни боқиб катта қилувчи мураббияларимизсиз! Йўқ, йўқ... Айб сизда эмас, хато сизда эмас, гуноҳ сизда эмас — билимсизликда, жаҳолатда, нодонликда, эски турмушда! Оҳ, мени бу ҳолга солгон ким? Оҳ... жаҳолат, жаҳолат! Нодонлик! Билимсизлик! Эскилик! Эскилик!.. Чуриғон турмуш!.. (*Уриндуқдан гумбурлаб ерга йиқилуб тушар. Хотунлар шошилуб сув олиб келишади.*)

Парда тушар.

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

Турмушга мувофиқ тузулгон бечораҳол кишининг уйи.
Уйнинг бир тарафига устол, устуллар қўйилган бўлур.

Ў Й Н О В Ч И Л А Р

М а р я м — Камолни яхши кўрувчи, ўқугон, ахлоқлик, чиройли қиз, 16 ёшинда.

С а л и м а к а — Марямнинг отаси, бир оз ўқугон, маданият суювчи, фақир киши, 42 ёшинда.

Ф о т и м а — қизнинг онаси, жўялик хотун, 38 ёшинда.

И с к а н д а р — қизнинг укаси, мактаб шогирди, 14 ёшинда.

Х о с и я т — қизнинг ҳамфикр ўртоғи, 18 ёшинда.

Қиз ёлғуз, китоб ўқуб ўтургон ҳолда парда очилур.

М а р я м (*бирдан аччиғу ила китобни ёпуб, шеър ўқур*).

Фарёд ин замонау бад меҳру каж хиром,

Хунрез, жонситону бадангиз, бенизом.

Ин даҳр бесутун нарвад ҳеч кас баком,

Ҳар рўз меҳўрам ғами андуҳ жом-жом.

(*Жиддий.*) Эй, золим фалак, йиқил! Бузил! Йўқ бўл! Юлдузларинг тўкулсун. Ойинг, қуёшинг ер билан яксон бўлсун! Сен ҳам бизлар каби хонавайрон бўл! (*Ииглар.*) Оҳ! Эй, золим фалак! Мана, уч-тўрт кун ичида икки оилани барбод, хонавайрон қилдинг. Ошларимизни заҳарга, уйларимизни мотамхонага айлан-

тирдинг. Гулистонларимизни хазон, рангларимизни заъфарон қилдинг. Гулдан гўзал туйғуларимизни, ҳиссиётларимизни, севгиларимизни бошимиздан қочирдинг. Энг суюклу, истаклу булбулларимизни зиндонга, қафасга қамаб, қарға-қузғунлар билан йўлдош қилдинг. Оҳ... бевафосан, золимсан! Сенинг қиладурғон ишинг вафо ўрнига жафо, адолат ўрнига зулм, оҳ зулм! Оҳ... бу золим фалакни ер юзиндаги тарбият қилғон инсонларида золим, ваҳший, қонхўр, жаллод, раҳмсиз, шафқатсиз. Бу ваҳший жаллодлар орасида яшамоқ учун ўзлариға ўхшаш жаллод, золим, билимсиз, дунёдан хабарсиз бўлмоқ керак. Ўзлариға ўхшамағон, эски турмушлариға тиз чўкмағон кишиларни ичларидан уч кунда иккинчи дунёга узатадурлар. Оҳ, кошки онодан туғмағон бўлсам эди, бу қайғу, бу аламларни кўрмағон бў(лу)р эдим. Оҳ... кошки ўқумағон, оқ-қорани тонимағон, бўлсам эди, менам ўшал қонхўр, жаллодлар орасида яшағон бўлур эдим. Оҳ... мени суюклум Камол, ҳуснунгға етмасун завол. Сени ҳолинг нима кечди? Кеча никоҳлаб олғон ёринг билан қандай алоқада бўлдинг? Сени истағон, суйғон Марямнинг эсингдан чиқориб, сен ҳам ваҳший ҳайвонлар тўдасига кирдингми? Албатта, шаксиз, шубҳасиз кирдинг. Йўқ, йўқ! Сен ўз истагинг билан кирмадинг. Сени кучлаб, зўрлаб киритдилар. Золимни куни туқғон, касофат ғолиб, деюрлар, тўғри сўздур. Сен бечорани секин-секин ўз домлариға солурлар. Кирма санамнинг уйига, санам солур ўз куйига, деб сени ўз дўмбиралариға ўйнатурлар. Сен бечора, ёлғуз ўзинг улар билан кураша олмасан. Оҳ... кошки иккимиз бир бўлганимизда эди. Онларнинг эски, чуриғон турмушларин кулларин кўкларға совулар эдук. Ер билан яксон қила олар эдук. Афсус, локин ёлғузсен, ёлғузлик қиласен. Менча, сени(нг) асло ғолиб бўлув эҳтимолинг йўқ. Фақат сенинг олдингда икки йўл турадур. Бири — онлар билан қўшилуб сен ҳам эскилик денгизига ғарқ бўлиб кетасен. Ёки менга ўхшаш тездан бу бевафо дунёга алвидо қиласен. (Ўрнидан туриб юрур.)

Хосият кира.

Хосият. Марям ўртоқ, сенга нима бўлди? Ўзингдан ўзинг жинни кишидек гаплашвотсан?

Марям. Оҳ опажон! Нима қилар эдим, ўлимга ҳозирланвотман. Менча, ўлимга ҳозирланмоқ керак.

Бу тотсиз, мазасиз, лаззатсиз, вафосиз дунёда турувдан зиғирча фойда йўқ. Фойда умиди ҳам йўқ. Бу жаҳолатга чўмгон инсонларнинг қилгон мантиқсиз ишларин кўрсангиз, ҳушингиз бошингиздан учуб кетадур. Булар ишқ нима, муҳаббат нима, севги нима, турмуш нима, саодат нима, тушунмаслар, тушунмоқни ҳам истамаслар! Истаганни истаганга қовуштирмаслар! Бир-биридан турли-турли баҳона, ҳийлалар билан ойиралар, гулдек очилган ёш умрларин хазон, турмушларин тўзон қилалар. (*Келуб ўтулар*).

Х о с и я т. Марям, кўп хафа бўлма. Камол уйлангон бўлса ҳам ул билимсиз қиз билан бирга туролмас.

М а р я м. Оҳ, Камолим, соҳиб жамолим! Қани ул бизни ёшлик вақтларимиздаги ўйнашуб-кулишуб юрган чоғларимиз? Бир-биримизга боғлашгон муҳаббатимиз? Сени менга қилгон аҳд-паймонларинг. Ул ширин, лаззатли, тотли хаёлларимизнинг барчаси бўшга чиқди. Ҳавога кетди. Барбод бўлди. Ғойиб бўлди. Назардан йўқолди. Кўздан ниҳон ўлди...

Х о с и я т. Марям, кўб қайғурма. Камол сени ташламас.

М а р я м. Оҳ, опажон! Мен яхши биламан, унда гуноҳ йўқ. Уни (нг) юрагинда мени истаги бўлмаса эди, Ёвруподан қайтмас эди. Йўқ! Гуноҳ эски турмуш бандаларида. Онларда инсоф бўлса эди, уни мандан ажратуб, бир ахлоқсиз ёввойи қизнинг қўлида асир қилуб қўймаслар эди. Хайр, бу менинг ўринсиз шикоятларимни яратганимдан бошқа бу тўрт қанотлик девол ичида эшитадургон киши йўқ. Эшитганда ҳам инсоф қиладургон, ҳолимга раҳм этадургон киши топилмас. Эшиттирмақ ҳам мумкин эмас. Сиз бўлсангиз, менга ўхшаш муштипар, бировни чўрисишсиз. Бас, шундай бўлгондан сўнг, булардан ўлиб қутулмаса, тирик қутулиб бўлмайдур.

Х о с и я т. Марям, қўй, мунақанги ноумид бўлма. Ёш жонингга жабр қилма. Шайтонни сўзига кирма!

М а р я м. Оҳ, суюклум Камолни бир ваҳший қизга қўшиб қўйгандек, эрта-индин мени ҳам, сизни ҳам бир ҳўкуз полвон билан кураштурадурлар. Ундан кўра эсинг борида этагингни ёп, дегондек ҳозирдан чорасин кўриш керак.

Х о с и я т. Жон укам, ҳар нарса бўлса ҳам сабр қил. Сабр теги раҳмон. Яхши қол. Сани бир кўриб кетай, деб келиб эдим. (*Чиқиб кетар*.)

Марям. Мани бу балодан фақат ўлим қутқарадур. (*Ўрнидан туруб, бир бурчакга беркитуб қўйғон захарни олиб келуб устол устига қўяр.*) Мана бу обиҳаёт бутун қайғуларга, кулфатларга хулоса, етмуш икки иллатга хотима берадурғон, менга ўхшаш мазлумаларнинг додига етадурғон даво! (*Эшик тақирлар. Доруни беркитар.*)

Фотима кирар

Фотима. Жон болам, боядан бери ўзингдан ўзинг нималарни гапирвотсан? (*Утурар.*)

Марям. Онажон, Хосият опам келғон эди. Бирпас гаплашиб ўтириб янги чиқиб кетди. Шунини эшитгандурсиз. Оламда нима янги хабарлар бор?

Фотима. Нима хабар бўлур эди. Амакингни ўгли бечора Камол кеча гўшангага киришда жинни бўлиб қолғон эмиш.

Марям. (*ҳаяжон ила*). Нима қилиб жинни бўлибдур?

Фотима. Қайдан билай, хотунлар орасида ҳар хил гап. Бир хиллари Ортуқбойни қизига кўнгилсиз бўлубдур, дейдур. Бир хиллари биров сеҳр-жоду қилиб, олдини бойлаб қўйибдур, девотти. Бир хиллари бошқа бир қизга хуштор экан, шунинг учун Мажнун бўлибдур, дейдур. Бир хиллари кўб ўқиғон одам шунақанги мияси айнаб, савдойи бўлиб қолади, дер. Бир хиллари жин тегубдур, кишанга тушадигон бўлибдур, девотти. Ишқилуб, шунақанги ҳар хил гап кўб.

Марям. Табибгами, дўхтиргами боқизишмаптими?

Фотима. Қаримбойни ўзинг биласанми, дўхтур дегон жойда жони халқумига чиқаду. Онаси Жамол бўлса, ундан ҳам баттар. Уларни топиб олғони полвин, қушноч, азойимхон.

Салим кирар. Марям отасига ўрнидан туруб ўтирар.

Салим. Қизим, нима бўлди, жуда рангинг учуб турубдур. Ут-бўтинг оғривотдими?

Марям. Йўқ, отажон! Ҳеч қатим оғривотгани йўқ. Камолни жинни бўлганини эшитиб қўрқиб кетдим.

Салим. Қўрқма, қизим, қўрқма! Ман ҳали эшитуб, намоздан чиқуб, кўргани бориб эдим. Меҳмонхонада туппа-тузук, эси ўзида ётубдур. Аммо кеча кечаси гўшангада ҳам, бу кечаси янгаларни олдида ҳам жуда

кўп алмойи-алжойи гапларни гапирғон эмиш. Қим бил-сун, бола бечорага нима ҳодиса бўлганикин. Аммо жуда ранги кетуб қолибдур.

М а р я м. Дўхтурга кўрсатибдими?

С а л и м. Дўхтур? Уша сени амакинг дўхтурга кўрсатадими? Уғлини от миндириб, Сағвоңга азаймхонга юборди.

Ф о т и м а. Отаси, гузардан чиқуб гўш олиб келинг, ош қиламан.

С а л и м. Хўб. Сабзи ҳам олиб келайми? (*Чиқиб кетар.*)

Ф о т и м а. Йўқ, сабзи керак эмас, мошхўрда қиламан. Жаз олиб келсангиз бўлади. Манам қозон-товоғимга қарай. (*Чиқиб кетар.*)

М а р я м. Онажон, Искандарни менга айтиб юборинг. Ишим бор. (*Қўлига қоғоз-қалам олиб хат ёзар. Қанвертга солуб ёфуштурар*). Мана, эй суюклум, Камол! Бу сенга энг сўнги ёзгон хатим. Мундан сўнг хатни ул дунёда кўрарсан.

И с к а н д а р к и р а р

И с к а н д а р. Опа, манда нима ишингиз бор?

М а р я м. Мана бу хатни секингина амакингни уйига бориб, ўйнаб юргин-де, ҳеч ким йўғида Камол окангни ўз қўлига бергин.

И с к а н д а р (*хатни қўлига олиб, чўнтагига солур*). Олдиларида одам бўлса, кетмаса, нима қиламан?

М а р я м. Кетгунча пойлаб, ўшатда ўйнаб юр.

И с к а н д а р. Хўб, опа. (*Чиқиб кетар.*)

Марям ўрнидан туруб, эшикни беркитуб занжирлаб келур.

Шишадаги заҳарни қўйган жойидан олур. Шеър ўқур:

Ажални элчиси келди, қочайлук боғу бўстонга,

Қоч(г)ан бирлан қутулмассен, тамошо қил гўристонга.

Оҳ... Ман нима қилуб шайтонни сўзига кирвотман, Нима қилуб ёш жонимга жабр қилвотман. Йўқ! Йўқ!.. Киши дунёда ўз суйганига, истаганига етушмоқ учун яшайдур. Қачон бўлса ҳам бандани бошида бу ўлум бор. Қийналуб, азоблануб юргандан кўра ўлуб қутулмоқ осон. Йўқ, йўқ! Бўлмас! Шундай меҳрибон отам шафқатли онамни зор қақшатуб ўзимни ўзим ўлдирмоғим зўр гуноҳ. Онлар мандан сўнг тирик ўладурлар. Оҳ... мени бу кўксумдаги муҳаббат ўти, ёнғуни, барибир,

бугун бўлмаса эрта куйдириб кул қиладур. (Шеър ўқур).

Гулим кетди, гулим кетди, қўлимдан булбулим кетди,
Мени ғамхонага ташлаб, ўзи сайри чаман кетди.

(Қўлига шишадаги заҳарни олиб, титраган ҳолда шишани оғзини очар.) Эй, суюклум Қамол, хайр яхши қол! Мен борадурғон жойга олдинма-кейин сен ҳам борарсан! Хайр, эй... (Ииғлар.) Шафқатлик, меҳрибон отам! Хайр, эй мени тарбия қилуб, дўппилар тikuб ўқутувчи онам! Хайр, эй жонимдан суюклу укам! Яхши қолинг! Мен кетдим! (Заҳарни ичар. Ҳаракат қилуб, йиқилуб, жон берар.)

Парда тушар.

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Турмушга мувофиқ тузилган ёврополашган меҳмонхонани кўрсатур.

ЎЙНОВЧИЛАР

Қ а м о л — савдойи бўлган.

Қ а р и м (б о й) — йигитнинг отаси.

Ж а м о л — онаси.

Х у м о р х о л а — кинначи, 50 ёшинда.

П а р и - д о м л а — азайимхон, 35 ёшинда.

И с к а н д а р — хат олиб келувчи бола, 14 ёшинда.

Ҳ а м д а м — табиб, 40 ёшинда.

С у л т о н б е к — дўқтур, 45 ёшинда.

А ҳ м а д — йигитнинг дўсти.

Ҳ а б и б а — йигитнинг синглиси.

Ш а й т о н — ёш йигит сувратинда, 30 ёшинда.

М а р я м — пари, малак сувратинда (кўринур), 16 ёшинда.

Йигитнинг ҳамма қариндошлари (кўринур).

Қ а м о л оёғида кишан, калавот устида газит ўқуб ётган ҳолда парда очилур. Қамол бирдан ўрнидан туруб, калавотда ўтуруб, шеър ўқур.

Оҳ!.. Жаҳолат бир тараф, ғам бир тараф — ёндурди, куйдурди,
Бу икки золими хунхордан ортуқча озорам.

Муҳаббат бир тараф, мен бир тараф — тортишиш давом этди.

Енгилдим, маҳв бўлдим, ўлмак(к)а иқрор, тайёрам.

Мени ул нозаниним, ёру жонимдин ойирдилар,

Керакмаз менга жаннат, ҳур эмди толиби норам.

Бу дунёда қовушмоқ, бирлашувга қўймади турмуш,
Ўлиб ҳам кўрмасам дийдорини бундан-да ҳам ундан-да безорам.

Оҳ... Мени бу ҳолга солгон ким? Сен! Сен! Йўқ, йўқ!
Сен эмас! Сени (нг) муҳаббатинг, ишқинг. Йўқ, йўқ!
Ишқ ҳам эмас, жаҳолат, нодонлик, эскилик.

Ж а м о л (*Хумор холани бирга олиб кирар*). Мана онагинанг айлансун, санга қоқимчи олиб келдим. Хумор хола жуда қўли эм хотун. Ими-думи қи (л)са, худо хоҳласа яхши бўлиб қоласан.

К а м о л. Онажон, мени дардим, касалим бошқа, сиз билмайсиз. Менга кўб озор берманг, ўз ҳолимга қўйинг.

Ж а м о л. Хола, туринг, ими-думингизни қила беринг. Болани гапига қулоқ солманг. Муни ўзини мияси айнаб қолган.

Хумор хола ўрнидан туруб «аф-у», «аф-у» деб, кекируб, К а м о л н и уқалаб, орқа елкаларига гурс-гурс қоқар. Елкасидан нина олиб, нина билан тилни қонатуб, қулоқларидан чўзур, пешонасига икки чаккасига, энгагига қўли билан тилидан қон олиб суркар. От ўюндаги масхарабоздек тасқара қилуб бўлуб, қўлини очуб, узун дуо қилуб чиқиб кетар.

Ж а м о л. Ўғлим, Хумор холани қўли эм бў (л) сун. Худо дардингга дармон берсун. Энди тинчгина ўралуб ёт. Телласанг яхши бўлиб қоласан. (*Чиқуб кетар*.)

К а м о л (*ўрнидан туруб боруб, ойнага боқиб*). Мана энди, мени тоза жинни қилдилар. Соғ вақтимда бу хурофот бандалари билан кураша олмадим. Энди оёғимга кишан солиб, жонимдан тўйғузиб, ўз турмушларига асир қилуб олгонларида нима қила олардим. Нима бўлса, бўладигони бўлди. (*Келиб калаватга ўтурар*.) Оҳ!.. Бу мотамхонадан, жиннихонадан тезроқ қочмоқ керак. Булар мени жинни ҳукм қилуб ўтируб-дурлар. Йўқ! Улар билмайдилар! Мен жинни эмас (ман)! Лайлисидан айрилган Мажнунман! Мана, кўрасиз ўзларинг, қиладурғон ишлари бутун хурофот... ҳеч бир...¹ мантиқга сиғмайдурғон ваҳшийлик, жиннилик, масхарабозлик. Жиннини жинни десангиз арфа бўйи қўшилгандек, «бу қиладурғон ишларингиз — жиннилик», деб балога қолдим, енгилдим. Охирида ҳам-малари бир бўлуб, кўблашуб, кўмаклашуб, мен бечорани жиннига чиқордила-қўйдилар. Тўғри сўз туғонга ҳам ёқмас экан, ҳақ сўзни ҳақиқатни тушунадигон ки-

¹ Ўчиб кетган. Ўқиб бўлмади.

шиларга гапурмоқ керак экан. Бу гапга тушунмоғон жаҳолат қурбонлари билан олиша-олиша, «зўри беҳуда миён машиканад», деб ёш жонимга жабр қилдим. Узимни ўзим ҳалокатга солдим. Ҳали кўрасиз, мени бу шўрлик бошимга қанақанги қизиқ ҳангамалар солурлар.

К а р и м (б о й). Қани кираверинг, тақсир қочадигон киши йўқ. *(Қарим олдин, пари-домла кейин келуб ўтиришур. Пари домла қўлин фотиҳага очуб, узундан-узоғ қаттуғ овоз била дуолар ўқуб, фотиҳани бетига тортар.)*

К а м о л юзини тескари қилуб ётур.

П а р и-д о м л а. Қани, бой афанди, бу бола бечорага нима бўлди?

К а р и м (б о й). Нима бўлар эди, жин тегуб жинни бўлди.

П а р и-д о м л а. Худо хоҳласа, уч кун ўқусам, жинини қоқиб оламен. Яхши бўлуб, кўрмагандек бўлиб кетадур. Назрни яхши берасиз. Хизматни тўла қиласиз. Туринг, чиқуб бир тутам хифчин олиб келинг.

К а р и м (б о й). Нафасингиз муборақ бўлсун. Бола яхши бўлса, топғон-таянганимиз — сизники. *(Чақуб кетар, бир тутам ҳўл новда олиб келуб домлага берар. Домла новдани қисимлаб олуб, касал ёнига чўкка тушиб, ўтуруб ўқур. Камолни устин очуб, ора-сира дам солуб, қўлидаги хифчинлар билан бутун аъзосига шарт-шарт уриб қўяр. Узоғ ўқуғондан сўнг қўлин кўтаруб, узоғ дуо қилуб, қўлин юзига тортар.)*

П а р и-д о м л а. Бой, энди менга рухсат берасиз. Уйимда бир неча ўқийдурғон кишиларим бор эди. Сизни қиёлмагандан ташлаб келдим. Мени жўнатинг. Худо сизга сабр берсун. Болангизга шифо берсун.

К а р и м чўнтагидан пул чиқоруб берур. Пари-домла олиб чўнтагига солур.

К а р и м (б о й). Хуш кўрдук, хуш кўрдук. Эртага ҳам келасиз.

П а р и-д о м л а. Хайр, хайр. Албатта келамиз. *(Чиқишиб кетарлар.)*

К а м о л (ўтуруб). Оҳ... вой жоним!.. Бутун таним оғримоқга бошлади. Парвардигор! Бу қандай зулм?! Бу қандай жафо?! Яқингинада биттаси келуб, заиф баданимни шапалоғлаб, қулоғларимдан чўзуб, қанча азоб беруб, юзимни тасқара қилуб кетуб эди. Худо урган-

ни пайгамбар ҳассаси билан туртар, деб буниси ҳам ҳўл новда билан савалаб кетди. Хайр, бунисига ҳам шукур. Ёмондан ё қоч қутул, ё тон қу(т)ул. Бу дард билмагон дарди бедаволардан вақтида қочуб қутула олмадим. Ўз жонимга ўзим жабр қилдим. Энди тониб қутулиш керак. Улиб қутулиш керак. Бошқа илож йўқ! Боқалим, тағим нима жафоларни, найрангларни кўрамиз.

Карим, Ҳамдам кирар.

Карим (бой). Қани, мулло Ҳамдам, кела беринг, қочадургон киши йўқ.

Ҳамдам, Карим ўтурушар. Узун дуо қилур.

Ҳамдам. Бой қани, айтинг-чи? Болангизни қаери оғрийди?

Карим (бой). Мулло Ҳамдам, болани ҳеч ери оғримайди. Фақат савдойи бўлгон. Ундан кейин, яқинда уйлантиргон эдим. Хотунига ҳам қарамайдур. Шундан бошқа касали йўқ. Шунга қараб бир дору қилиб берсангиз, шояд шифо топса.

Ҳамдам (*ўрнидан туруб бориб, Камолни томирин тутуб, қайтуб келуб, ўрнига ўтуруб, бошин лақирлатур*). Воҳ... Воҳ... бола бечорани вақтини ўтқазиб юборибсиз. Нима учун шунча кундан бери тайибга кўрсатмадингиз? Касали жуда оғир. Томири ёнига урвотди. Вақти ўтибдур. Энди тузалгонда ҳам фақат дорини зўри билан тузаладур.

Карим (бой). Мулло Ҳамдам, ишқилуб тузаладигон бўлса, бизни пулдан, харажатда(н) тортинади, деб ўйламанг. (*Чўнтагидан пул чиқоруб.*) Мана бу, ўзингизни хизмат ҳақингиз, мана бу — дори пули. Яна хизматингизни алоҳида қиламиз.

Ҳамдам (*пулларни олиб, чўнтагига солуб*). Уғлингиздан шиша бериб юборинг. Мен шарват дори тайёр қилиб бераман. Уни ҳар кун уч маҳал уч қошукдан ичсун. Бу дори болани ичидаги қўзғолгон сафрони камайтиради. Болани жуда сафроси голиб бўлиб кетубдур. Мундан бошқа яна сурги дори бераман. Ул ични сурадур. Бола бечорани жуда ичи қабзият бўлиб кетубдур. Булардан бошқа яна ҳаф дори бериб юбораман. Уни ҳар куни етти донадан ютсун. Бу ҳаф (дори) болани суслангон томирларини қўзғотуб, қувватга киргизади. Мунда жуда қимматбаҳо қувват-

боҳам аралашгон. Шу дорини еб тамомлагандан кейин болани хотунини олдига қўйиб юборуб, ўзингиз четда томоша қила берасиз. Энди, менга жавоб берасиз, бой. (*Ўрнидан туруб*). Хайр бой, хайр. (*Чиқиб кетар.*)

К а р и м (б о й). Хуш кўрдук, хуш кўрдук. (*Чиқиб кетар.*)

К а м о л (*ўтуруб шеър ўқур*).

Ёр, кўрмасмен сени, бу ҳоли зоримни десам,
Ҳажридан чекгон бу дардим-бағри қонимни десам.

Эй табибо, ишқ дардининг давоси васлдур,
Сен топалмассен даво, жисми харобимни десам.

Оҳ... танаси бошқа дард билмас, дерлар. Тўғри сўздур. Луқмон тирилуб келса ҳам мени бу дардимга даво тополмас. Бу жаҳолат, хаёлот бандалари ўзлари бекорга овора бўлиб, мени ўринсиз ерга инжитмоқдан бошқа натижа чиқара олмаслар. Бу жаҳолат қурбонлари, хурофот мажнунлари билмасларки, мени бу дардимдан фақат икки нарса халос қила оладур. Ё васл, ё ўлим! Бошқа чора йўқ!

А х м а д, д ў қ т у р к и р а р.

А х м а д. Қани, буюринг дўқтур афанди, ўриндиқга ўтиринг.

Д ў қ т у р. А х м а д касал ёнига ўриндиқ олиб келуб ўтуришурлар. Д ў қ т у р касални кўриш усулин ижро қилур.

(*Камолга.*) Ўртоқ, сени касал деб эшитиб, атайлаб бориб дўқтур афандини олиб келдим. Қалай тузукми-сан?

К а м о л. Жуда яхши қилубсан, ўртоқ. Худо хайр берсун.

А х м а д. Дўқтур афанди, касали қалай?

Д ў қ т у р. Манча, ҳеч касали йўқ. Танида оғрийдургон ери бўлмаса керак. Фақат дилида бир ҳаяжон, изтироб, қўрқувга ўхшагон бир нарса борлиғи сезиладур. (*Оёғини очиб, кишанни кўруб, пешонасидаги суркалган қонга боқиб*). Ажабо, оёғингизга нимага кишан солиб қўйибдурлар. Ҳозир очиш керак. Юзларингизга нима(га) қон суркаб тасқара қилдилар.

К а м о л. Эй дўқтур биродар! Дамингизни чиқормасдан муолижангизни қилуб чиқуб кета беринг. Бу кишанни калити отамда. Бетимдаги қонни сабабин

онамдан сўранг. Агар улар сизни мунда келгонлигин-
гизни билса, уруб калтаклаб ҳайдаб чиқорадур.

Дўқтур. Нима учун солгонлар. Буни нима фойда-
си бор? Бу сизнинг касалигизга бутун зиён.

Камол. Буни фойда-зиёнин улар ўзлари яхши би-
ладурлар. Уларча, мунда зўр хосият бор. Бу жуда
улуғ, табаррук нарса. Сиз билан биз унга тушунмай-
миз.

Дўқтур. Йўқ! Нима бўлса бўлсун, мен ҳозирда
ҳифзи сиҳҳат қонуни юзасидан совликга зарарлик нар-
сани оёғингиздан ешдирмай, туруб кетмасман.

Камол. Сиз ортуқча қайғурманг. Муни мени оё-
ғимдан тушадургон вақтининг соати—минутининг сў-
қиши яқин қолди. Табиий ул ўзидан-ўзи тушуб қола-
дур.

Дўқтур. Мен сизнинг бу муғолаталак муаммога
ўхшаган сўзингизга тушуна олмадим.

Камол. Мен сизга ҳали айтмадимми, бунинг ҳа-
қиқатига улар тушунадурлар.

Аҳмад. Дўқтур афанди, мен сиздан кейин қолуб
ешдириб ташлайман, хотиржам бўлинг.

Дўқтур. Мен эртага соат 9 да яна келаман. Агар-
да бу кишан оёғидан ешилмаса, ҳукумат воситаси-ла
ешдираман.

Камол. Сиз ешдирмасангиз ҳам бу кишан маса-
ласи бир соатга қолмасдан ҳал бўладур.

Дўқтур (*устулга ўтуруб, рессеп ёзуб*). Мана, ик-
ки хил дори ёздим. Бири—суюк, бири—фарашўк. Ус-
тидаги ёзилгон вақтига қараб, эртагача ичириб туриш
керак. (*Хайрлашуб чиқиб кетар.*)

Аҳмад кузатуб қайтуб келур.

Аҳмад. Хўш, ўртоқ, сенга нима бўлди? Нима учун
бу холга тушдинг?

Камол. Ўртоқжон! Мени касалимни, дардимни бир
чеккасини ўзинг биласен. Сўраб нима қиласен?

Аҳмад. Ақлинг, ҳушинг ўзингда туруб, кишанга
тушуб ётганингга ҳайронман.

Камол. Қўй ўртоқ, дўқтурга ўхшаб сен ҳам ки-
шан масаласин қўзгама. Унинг мени оёғимда бир соат-
лик умри қолган.

Аҳмад. Эртага эрталаб келуб хабар оларман. Ҳо-
зирча хайр. (*Чиқуб кетар.*)

Камол. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб,

дерлар, тўғридур. Мени бу дардимни дўқтур бўлмоқ тугул, Афлотун, Абу Али ибн Сино бўлса ҳам билолмайдур, даво қилолмайдур. Давоси осон—ўлум, ажал. Одамлар мундан қўрқадур. Аммо мең чақирамен, истаймен, орзу қиламен. (*Шеър ўқур.*)

Дунё, турмуш — бир шатранжбозлиқ..

Юз йил пиёда суруб, пил минуб от ўйнатсам,
Ажал ўйинчи бўлуб, бир куни қилур мени мот.

И с к а н д а р (*кирар, чўнтагидан хатни олиб*). Мана бу хатни опам сизга бериб юборди. (*Хатни узатуб чиқуб кетур.*)

К а м о л (*шошилуб, хатни очуб, титрагон ҳолда ўрnidан туруб, қалтираб ўқур*).

Мактуб.

«Эй, мени суюклу Камолим! Бу санга энг сўнгғи ёзон мактубим. Мундан сўнгғи мактубни сенга энди нариги дунёдан ёзурмен. Сенинг тарафингдан келгон қора хабарлар, қисқаси, ишқ ва муҳаббат балоси мени жонимдан тўйғузди. Бу ёруғ дунёда турмоқдан қоронғу гўрга кирмоқни авло билдим. Бу мактубим орқасидан эшигинг ол(ди)дан суюкли Марямингни товутин ўтгонин кўрурсан. Сен, яша Камо! Мен кетдим Марям».

Қўллари қалтираб, мактубни гижимлаб ерга ташлар.

(*Қаттиқ товуш билан.*) Эй, золимлар! Қотиллар! Жаллодлар! Дунёдан хабарсизлар! Эски турмуш асирлари! Бизларни бошимизга бу балоларни келтургон, ёш умрларимизни хазон қилгон, ёруғ дунёда яшамоқдан тўйдургон — сиз! Сиз! Сиз! Сиз!!! (*Ерга йиқилур.*)

Қаттуғ товуш эшитуб К а р и м, Ж а м о л, Ҳ а б и б а кирар.

К а м о л н и кўтариб калавотга ётқузурлар.

Ж а м о л. Жон болам, санга нима бўлди? Мунча қаттуғ бўкурвотсан?

К а м о л. Онажон, бўкирвотганим йўқ. Ёлғузликдан, зерикгонимдан ашувла айтивотман. Ҳофизлик қилвотман.

Ж а м о л. Жон болам, мунақанги қўрқадигон бўлсанг, ёнингга келуб ишимни қилуб ўтурайми?

К а м о л. Йўқ, онажон мени ўз ҳолимга қўйинг. Сизни жиним ёқтирмайди.

К а р и м (б о й) (*шиддат билан*). Ёлғузликдан зерикадигон бўлсанг, бор! Ана уйда санга қанча пул ха-

ражат қилуб хотун олиб бериб қўйибман, ёнига кириб ўтур! Йўқ, ҳали ҳам сани фикринг, хаёлинг Салим қуруқни қизи Марямда. Бор! Бўлмаса, ана, Марямни ёнига бор! Ул ҳозир заҳар ичуб ўлди.

К а м о л. Отажон, ўлган бўлса яхши бўлибдур. Сиз ҳам, биз ҳам қутулибмиз.

К а р и м (б о й). Жим ёт! Мунақанги ғалва қиладурғон бўлсанг, арқон олиб келуб, калавотга бойлаб қўяман.

К а м о л. Отажон, жуда яхши қиласиз. Бойлаб қўйсангиз, зора тинч ётсам, алаҳлаб ўрнимдан туруб кетвотман.

Ж а м о л. Қўйинг, отаси боламни бойламанг.

К а р и м (б о й). Жиннини бойламаса тузалмайди, дейдилар. *(Чиқиб кетар.)*

К а м о л. Ҳабиба, синглим, сен менга бир пиёла совуқ сув олиб келиб бер. Юрагим ёниб кетди.

Ҳ а б и б а. Хўб, оқажон. Ҳамиша қайнаган сув ичардингизу? Энди нимага совуқ сув ичаман, девотсиз?

К а м о л. Майли, қайнаганми, қайнамаганми, ишқилуб совуқ сув бўлсун.

Ҳ а б и б а. Хўб. *(Қўлига пиёла олиб чиқуб кетар.)*

К а р и м арқон олиб келуб, калавотга Камолни белидан айлантуруб боғлаб қўяр.

К а р и м (б о й). Жур, хотун, мени сандуғдан беқасам чопонимни олиб бер. Қомилжон бойникига зиёфатга бораман. *(Чиқишуб кетар.)*

Ҳ а б и б а *(сув олиб келур)*. Ока, мана, сув ичасизми?

К а м о л. Йўқ, синглим. Устолни устига қўй. Сал туриб ичамен. Кел, синглим, отам мени жуда қаттуқ тортуб бойлаб кетдилар. У ёғ-бу ёғимга ағанолмай ётибман. Арқонни ешиб қўй.

Ҳ а б и б а. Ешсам, мени отам уришмасмукинлар?

К а м о л. Қўрқма, синглим, қўрқма. Манга нима бўлибдур. Бировни урмасам, сўкмасам, бекордан бекорга бойлаб, овора бўлиб юриптилар. Сан қараб тур, ман энди тинч ётаман. Бирпасдан кейин жуда ҳам тинч ётаман. Асло қимирламайдиган бўлиб ётаман.

Ҳ а б и б а. Тинч ётадигон бўлсангиз ешаман. Худоё тинч ётинг. Қум-тошдек ётинг. *(Арқонни ешар.)*

К а м о л. Синглим, жуда топуб гапурдинг. Ман энди қум-тошдек бўлиб ётаман.

Ҳ а б и б а. Худоё қум-тошдек тинчиб ётинг. (*Чиқуб кетар*).

К а м о л (*туруб ўтуруб, шеър ўқур*.)

На қилдинг, эй фалак, ул моҳи тоби олам орони?
Нечук қизғонмадинг ер қўйнидан ул дурри яктони?
Хароб этсун, йиқитсун, мотами бу эски дунёни!
Қиёматлар қўпарсун кўк юзинда ердаги қони!

(*Урнидан туруб юрур, хаёл сураб. Бориб эшикни занжирини солиб келур*.) Эй золимлар! Қонхўрлар!
Жаллодлар! Қачонгача бу боришингизда давом эта-
сиз?! Бизни бир-биримиздан ойирғон ким? Сиз! Сиз!
Гўзал ҳиссиётларимизни ер билан яксон қилғон ким?
Сиз! Сиз! Йўқ, йўқ, сиз эмас. Сизларни йўлдан ура-
дурғон шайтон, азозил, иблис!

Ш а й т о н гулдурос ила бирдан ўт орасиндан чиқар, кулар,
К а м о л г а қараб юрар.

Қоч! Қоч! Нарн тур! Қоч, кўзимга кўринма! Нима
истайсан?

Ш а й т о н. Камол, нима учун мендан кўрқасан?
Кўрқма! Нимага мандан хафа бўласан! Қилгуликни
ўзинг қилуб, гуноҳни мани бўйнимга ағдарма! (*Жид-
дий*.) Сиз!.. Сиз, одам болалари, биз шайтонларни ту-
шига кирмағон гуноҳларни қиласиз! Уёлмасдан ҳам-
масини бизни бўйнимизга оғдараёиз! (*Юмшоғроқ*.)
Камол! Камол, сан ўзинг уларни, ул қора кучларни
қувватини билиб туриб, улар билан олишдинг, кураш-
динг! Ёлғузлик қилдинг! Кучсизлик қилдинг! Йиқил-
динг! Енгилдинг! Қилгуликни ўзинг қиласан-де, биздан
хафа бўласанми? Қўй, кўб хафа бўлма! Ўзингни кўб
қийнама. Сани кўнглингдаги ишни ман биламан. Ав-
вал анув пиёладаги муздаккина сувни ич. Ундан ке-
йин анув арқонни ол. Анув ёғочга сол. Бўйнингдан
сиртмоқ солиб, ўзингни ос! Кўнглингдагини топдимми?
(*Кулур*.) Ана ундан кейин бу мотамхонадан, бу эски
чуриғон турмушдан қутулуб, боя сандан илгарироқ
кетгон суюкли маҳбубанг Марям билан қўшилурсан.
(*Секин бориб йўқ бўлуб кетар*.)

Саҳна орқасидан ҳазин шеър ўқилур. К а м о л бориб сувни
ичар. Арқонни олиб дор тайёрлаб, бориб ўзин осмоқчи бўлгонда
саҳнани бир томонидан ҳама қариндошлари кўринур.

К а м о л (*аччиғлануб*). Сиз!.. Сиз, мени бу ҳолга сол-

гон, сиз, сиз — жаҳолат қурбонлари, сиз! Сиз, эски турмуш асирлари, сиз! Сиз, бошимга етдингиз! Жонимни олдингиз! Қонимни тўқдингиз! Яна менга ўшаш мингларча ёш ўсмурларни бошига етасиз! Умрини хазон қиласиз! Куйдирасиз! Ёндирасиз! Қирасиз! Улдирасиз! Сиз! Сиз! Сиз! (*Ииғлар.*) Эски турмуш бандалари — сиз! Сиз! Сиз... жаҳолат асирларисиз! Қочинг, қочинг. Боринг! Кўзимга кўринманг!

Ҳаммаси кетурлар, орқадан шеър ўқилур. Бир томондан ёруғлик пайдо бўлиб М а р я м пари суратинда кўринур.

К а м о л. Кел! Малагим, кел! (*Яқин борур, қочур.*) Ана, мандан қочвотди. Қочма, қочма! Суюкли Марямим, қочма (*Ғойиб бўлур.*) Ана, кетди. Кетди, мени ўз ёнига чоқируб, кетди. Хўб, хўб. Мана, ман ҳам ёнингга бормоқға ҳозирман, тайёрман. Хайр, эй бевафо дунё! Алвидо! (*Калима келтуруб, ўрундиқ устига чиқуб, ўзин осуб, ўрундиқни тепиб юборур.*)

Парда тушар.

1923 йил 28 июнь, Тошканд.

Имзо: Абдулла Авлоний

ПОРТУГАЛИЯ ИНҚИЛОБИ*

Еврупа турмушиндан, тарихдан иқтибос қилуб ёзилмиш 5 пардалик 10 кўринишда.

1910 йил 11 ўктябрда бирдан бошланмиш воқеий инқилобий даҳшатлик фожиа (трагедия)дир.

1921 йил 22 ғанварда (кўчирилган).

БИРИНЧИ ПАРДА

Бу пардада иштирок этувчилар

Долқориё — жумҳуриятчи, ҳарбия вазири, 43 ёшинда.

Рес — адмирал, вазири баҳрия, 40 ёшинда.

Дугунди — батарея тўпчи бошлуғи, Долқориёнинг биродарзодаси, 42 ёшинда.

Синъй ўр — ҳуқуқшунос, революционер, 38 ёшинда.

Тауфиль — ишчилар бошлиғи, 41 ёшинда.

Брога — дўқтур, революционер, 30 ёшинда.

Гарсио — машҳур инқилобчилар бошлуғи, сургунда юрган, 36 ёшинда.

Дифроро — машҳур инқилобчилардан, 38 ёшинда.

Густо — пиёда аскар бошлуғи, 35 ёшинда.

Афрўдитў — подшоҳ яхши кўрадургон қиз, жумҳуриятчи, 20 ёшинда.

Маргарет — генерал Долқориёнинг қизи, подшоҳни яхши кўрувчи, 18 ёшинда.

Шекспир — Лондун хуфий шипёни — «сишшик», Гарсиони ўлдурмоқға келган, 28 ёшинда.

Арманд — бу-да Лондундан келмиш «сишшик» подшоҳни қутқармоқға келган, 28 ёшинда.

Ҳожиб — Долқориёнинг хизматкори, 30 ёшинда.

Икки аскар.

* Драма Авлоний музейида сақланаётган қўлёзма асосида нашрга тайёрланди.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна кўриниши: генерал Долқориёнинг уйи. Тамом ёврупоча ясалгон. Мажлис. Пўртуғолиёнинг идорасини жумҳурият қилмоқ борасинда, жумҳуриятчи-революционерларнинг пилон тузмак ва идорани ўз қўлларига олмақ борасинда борур. Долқориё раислик қилмоқда.

Долқориё. Уртоқлар! 4-ўктябрь, Дўқтур Бомбардуни(нг) отилгон кун, бизлар инқилобни бошламоғимиз учун энг қулай кун яқинлашиб келадур. Халқга бул баҳона билан ташвиқот қилинса, бутун халқ бизнинг томонга эгиладур. Чунки бутун халқни Бомбардуниг ўлуми ҳаяжонга солган эди. Бу вақт бизлар учун энг муҳим фурсатдур.

Рес. Халқ Дўқтур Бомбардуниг «шоҳпараст»лар жамияти тарафидан ўлдурулганига тушунармикин? Сиёсий ғараз билан ўлдурилганига халқнинг онги етармикин?

Дугунди. Халқ жуда яхши тушунадур. Мен бир неча жойда халқ орасида шундай сўзларни эшитдим: Дўқтур Бомбарду — «жумҳуриятчи»ларнинг бошлуғи эди. «Шоҳпараст»лар жамияти они «жумҳуриятчи»лар жамияти кучсизлансун, деб ўлдурдилар, — деб сўзлашурлар. Халқнинг фикринча, Бомбарду ўлган бўлса, ҳозирда онинг еринда бир эмас, минг Бомбарду бордир. Вақт ғанимат, фурсатни қўлдан бермаслик керак.

Синъйўр. Албатта, фурсатни қўлдан бермаслик керак. Лекин халқга ташвиқот юрғузганда буни ҳам унутмаслик керакки, ҳар йил саккиз юз минг лира олтун подшоҳни(нг) хонадонига сарф бўладур. Бу — халқни оқчаси — италянкаларга сафоҳат йўлларга сарф бўладур.

Тауфиль. Агарда биз халқни ҳаяжонга келтурмоқчи бўлсамиз, булардан бошқа ҳам мингларча бу золим ҳукуматни қиладургон хатолари бор. Албатта, буларнинг ҳаммасин шу машварат мажлисида очилиб, халқга эълон қилинсунки, Пўртўғолиё давлатининг оти маршрута бўлса-да, ҳақиқатда ўюнчуқ бўлуб, бунда рўл ўйновчилар халқни таловчи бойлар билан тушунмаган пўплардур. Бечора халқ бўлса, кундан кун зулм ва истибдод остинда эзилуб, турмушдан безмишдур.

Брога. Италянка мадмазель «Африда» от ўюнчининг қизига ҳар йил қанча минглаб халқ оқчаси сарф бўладир. Бундан бошқа яна аллақанча шоҳнинг суюк-

лилари бор. Халқ буларни билмайдур дейсизми? Албатта, билади. Жумҳуриятимизни барқарор қилмоқчи бўлсак, шоҳни ва ҳамма вазирларини қиличдан ўтказмак керак. То жумҳуриятимизнинг қизил байроғи кўтарилмагунча, миллат озод бўлмас. Тинчлик, адолат ва озодлик фақат идорамиз жумҳурият бўлуб, қизил байроғимиз тикилгонда юзага чиқар.

Гарсио. Албатта энг муқаддас мақсадимиз ҳурият ва озодлик бу золим ва мустабид ҳукуматни йиқуб, жумҳурият байроғини тикмагунимизча вужудга чиқмас. Бу ишни юзага чиқармоқ учун аллақанча саъй ва ғайрат, фидокорлик лозимдур.

Долқориё. Ҳозирда мажлиснинг руҳидан маълум бўлдики, ҳаммангиз инқилобга ҳозирсиз. Жумҳуриятни эълон қилмоғимизга қарши киши йўқ. Агарда ичларингизда қарши киши бўлса, ўз фикрини сўйласун. (*Қарши сўйловчи бўлмас*). Демак, қарши киши йўқ. Мен товушга соламан. Ҳар ким идорани жумҳурият бўлсун ва шул йўлда бутун қонимиз ва жонимиз билан инқилоб ясамоқга ҳозир ва тайёрмиз, деган кишилар қўл кўтарсун.

Мажлисдаги кишиларнинг ҳаммаси қўл кўтаруб «Яшасун жумҳурият!» дерлар.

Долқориё. Ҳозир очиқ маълум бўлдики, ичимизда қарши одам йўқ. Демак инқилобга ҳозирланмоқ керак. 4 ўктябрда—Дўқтур Бомбардунинг «шоҳпараст»лар жамияти тарафиндан отилгон кунида кечаси бошламоқ керак. Мана шу инқилобга киришмоқ учун пилон ҳозирламоқ лозимдур. Мен ўзим шул кунгача ўзимга маслаки маълум аскар бошлуқларининг ҳаммасини шул кеча соат 12 да ҳужумга ҳозирлайман.

Маргарет келуб деразани(нг) бир тобоқин кўтаруб, қулоқ солуб турар.

Густо. Мен ўн минг пиёда аскарим ила. Нисёдес қасрини ўраб олуб, ҳужум қилмоқни ўз устимга оламан.

Дугунди. Тўпхона идораси — менинг қўлимда. Шул кун маълум соатда мустабид ҳукуматнинг қасрини тўпга тутуб, бўмбардимон қилмоқга ҳозирлигимни билдираман.

Рес. Бутун баҳрия аскарим билан шул кун таъйин соатда уруш кемаларининг ҳаммасин шаҳар атрофига

лангар тўқуб, подшоҳнинг қасрини нишонга олмоқ ила баробар, шаҳардан қочмоқчи бўлгон «шоҳпараст»лар жамияти аъзоларин биронтасини ҳам қочирмасдан қўлга туширишни ўз устимга оламан.

Гарсио. Демак, тамом Лиссабон шаҳрин ҳозирдан ҳам ўз қўлимизга кирди, десак мумкин. Ҳозирги қурилган пилон билан шул кеча соат 12 да пойтахтда ҳаракат бошлаймиз. Лекин вилоятларни(нг) ҳам унутмаслик керак. Бу кундан эътиборан вилоятларда ҳам иш кўрмоқга тўғри келадур. Агарда шул кундан чорасига киришмасак, шоҳпарастлар вилоятларга қочуб боруб, бизларга қарши қора халқни қўзғотсалар, аллақанча қонлар тўкулмоғига сабаб бўладур.

Синъйўр. Дохийий ишларни эътиборга олмоқ ила баробар Хорижни ҳам ўйламоқ керак. Бизнинг бу ишимизга қонхўр Ёвропо давлатлари қайси назар билан қарар экан. Ҳар бир ишга бурнини тикўб келган Ёвропо тожпарастлари мудохила қилмасмукин?

Дифроро. Агарда мудохила қилса, фақат дунёнинг ҳаммасини мустамлака қилмоқ ниятинда бўлгон тожпараст инглиз ҳукуматининг мудохила қилуви эҳтимоли бор.

Гарсио. Мен Англетерада кўб вақт юруб келдим. Уларнинг хатти-ҳаракати менга маълум. Кўбдан келуб, бунда иш кўруб юрган инглиз шпийнлари оз эмасдур. Аларнинг «шоҳпараст»лар жамияти билан алоқалари бор. Лекин ишни тезлик билан юза(га) чиқара билсак, идорани тезлик билан қўлга олсак, халқни тинчита билсак, шундагина мудохила қилолмас. Агарда идора тездан қўлимизга кирмай, кўп вақт тортишувга тўғри келса, албатта инглиз ҳукумати бурнини тикса керак.

Брога. Агарда биз тезлик билан ишни саранжом қилсак, чет давлатларнинг ҳеч бир мудохила қилув эҳтимоли йўқ. Тездан халқни тинчитсак, мудохила қилишга ҳақлари ҳам йўқдур. Фақат биз пилон-программизни(нг) яхшилаб тузуб ҳар биримиз рўлларимизни яхшилаб ўйнасак, ҳам дохилдан ва ҳам хориждан амин бўлурмиз.

Тауфиль. Ҳозирда программани тузмоқ керак. Менимча, пилонни шундоқ ҳозирламоқ керакки, ҳамма ерда ҳаракат бирдан бошлануб, 24 соат ичинда бутун шаҳарнинг энг муҳим ўринларига ҳужум қилуб қўлга олмоқ керак.

Долқориё. Букунги мажлисимиз энг сўнгги мажлисимиз. Бу кундан сўнгги мажлисимиз очуқ жумҳу-

прият мажлиси бўлса керак. Мана, бизнинг маромномизнинг биринчи моддаси: Ҳозирда уч кишидан иборат муваққат ҳукумат тузуб қўймоғимиз лозим. Мен мажлисга уч кишини таклиф қиламан.

1. Раисликга: Синъйўр.
2. Ноиб раис: Тауфиль.
3. Бош котиб: Брога.

Ичимизда буларга қарши киши йўқми? (*Мажлисда сукут*). Мана, мен ҳозир буларни(нг) товушга қўяман. Шул кўрсатилган ўртоқларнинг муваққат ҳукуматнинг идора қилмоқга хоҳлаган кишилар қўлларни кўтарсун.

Ҳаммаси бирдан қўл кўтарадур.

Иккинчи модда. Бутун шаҳарни ўраб олуб атрофдан ҳужум қилмоқ:

1. Ҳужумни 4 ўктабр кеч соат 12 да бошламоқ. Ўртоқ Рес зирҳли парохўдлардан 12 маротаба тўп отадур. Шундан кейин умумий ҳужум бошланадур.

2. Мен (ўз устимга бутун) подшоҳнинг қасрини ва атрофидаги казармаларни ўз аскарим ила ўраб оламан.

3 Рес ҳамма уруш парахўдларини «Тоса» наҳрининг лабига келтуруб, лангар ташлаб, керакли ўринларни бомбардимон қилмоқга бошлар.

4. Дугунди ҳама батареялар ва тўпчи аскарлари билан шаҳарнинг энг муҳим ўринларин тўпга тутар.

Учинчи модда. Шул кун кеч бутун аскарлар орасига жумҳуриятнинг маромномасин, мақсад ва муддаосин бостуруб тарқатмоқ.

Тўртинчи модда. Бизнинг муваққат ҳукуматимиз Дўқтур Бруганинг уйинда туруб, ишнинг боришига қараб, бизларга таълимот беруб турмоқ(и).

Бешинчи модда. (*Ўртоқ Тауфилга*) Шу кунгача зовудларда ишловчи ишчиларга яроқ тарқатмоқ ва аларни шул кунга ҳозирламоқ.

Олтинчи модда. Шоҳни(нг) вазирлари билан шул кеча бошинда тутуб қамамоқ ва шунга ҳозирдан кишилар ҳозирламоқ ва чорасига киришмоқ(дур).

Бу маромномага қарши сўйловчи кишилар бўлса, ўз фикрини сўйласун.

Дифроро. Менимча, бу маромнома жуда яхши. Лекин «шоҳпараст»лар жамияти ҳам кучсиз эмас. Уларнинг тарафида(ги) бутун вазирлар ҳам пўплар тинч ётгонлари йўқ. Калисоларда яроғ-аслаҳа тўплашуб,

бизнинг қаршимизга авом халқни қутуртуруб ётиб-дурлар. Шунинг учун буларнинг умидларин узмоқ учун подшоҳни тутуб ўлдурмоқ керак.

Дифроро. Яхши, маромноманинг бошқа моддаларига қарши киши йўқ. Фақат олтинчи моддадаги кўрсатилган шоҳни қамамоқга қарши бир киши сўйлади. Шунинг учун бу моддани товушга қўяман. Ҳар ким шоҳ қамалсун деса, қўл кўтарсун (*Саккиз киши қўл кўтарар*). Ўлдурмоқ тарафдорлари бўлгон кишилар қўл кўтарсун (*Дифроро ва Гарсиолар қўл кўтарур*).

Демак, мажлиснинг қарори шоҳни қамамоқ. Бунинг учун ҳозирдан чорасига киришмоқ керак.

Дифроро. Бу вазифани мен билан Афрўдитўга қўясиз. Гарсио ҳам бизларга ёрдамчи бўладур.

Гарсио. Агарда шул кундан илгари илож қилсам, ўзим подшони ўлдураман. Йўқса, сизларга иштирок этаман.

Афрўдитў. Ул мени сўзимдан чиқмайдур. Мени яхши кўрадур. Шул кун бир илож қилуб, ўз уйимга олиб келурман. Шунда Гарсио билан Дифроро иккиси тутуб, афтомобилга босуб, зиндонга олиб борадур.

Долқориё. Мажлиснинг қарори шул: ҳар ким ўз вазифасин инсоният номиндан ўз вақтида адо қилсун. Ҳозир мажлис ёпилди. Бундан сўнгги мажлисимизни подшоҳнинг қасрида қилурмиз. Яшасин жумҳурият! (*Ҳаммалари бир-бирлари билан кўришуб чиқурлар*).

Гарсио (*Долқориёни қайтаруб олуб кирар.*) Мен Лондўн шаҳаринда туруб, бунда инқилоб бошланишин сезуб, тезлик билан келдим.

Долқориё. Қандай хабарлар бор?

Гарсио. Энг муҳим хабар сизга шулки, 2 нафар инглиз шипўни машҳур хуфия политса бошлуқлариндан энг ишлик «сишшик»лар Лондўндан бул ерда иш кўрмоқ учун, шоҳга ва «шоҳпараст»лар жамиятига ёрдам бермоқга, жуда бўлмаса шоҳни Лондўнга олиб қочуб кетмоқга таълимот олуб, мен ила қорама-қора Лисабўнга келдилар.

Долқориё (*генерал бироз хаёлга кетуб.*). Бу хабарнинг чинлиғига далилингиз борми?

Гарсио. Агар далил истасангиз, бу кеча соат 11.00 да шоҳни боғига марҳамат қилингиз. Шул ерда Мануиль билан икки инглиз жосуслариндан Шекспир ва Арманд исмли кишиларнинг сўйлашганин кўрурсиз.

Долқориё. Жуда яхши! Бу ишни таҳқиқ қилмоқ учун соат 11 да албатта бораман.

Гарсио. Бундан бошқа яна бир муҳим маълумот бор.

Долқориё. Қандай маълумот, сўзланг!

Гарсио. Бу жосусларни кўрмоқ истасангиз, бугун-эрта ўз уйингизда кўрмоғингиз мумкин.

Долқориё (*аччиқлануб*). Мени уйимда инглиз жосуслари нима қиладур? Ким билан алоқаси бор?

Гарсио. Сизнинг қизингиз билан аларнинг алоқалари бор. Пайдан бўлсангиз, ўз уйингиздан кўра билурсиз. Менга рухсат беринг, муҳим ишларим бор (*хайрлашуб чиқиб кетар*).

Долқориё. (*аччиқланиб, уёғ-бу ёқға юруб*). Ажабо! Бу қандай хабар?! Бу қандай иш?! Мен ўзим жумҳуриятчиларнинг раиси бўлайин-да, меним қизим «шоҳпарастлар» жамиятининг аъзоси бўлсун. Бизнинг муддаоимизнинг қаршисига инглиз жосуслари билан иш кўрсун. Агарда бу гап рост бўлса, бундай қизни(нг) қорини ёрмоқ керак. Уч кечадан бери инқилоб ҳаракатинда ухлагоним йўқ. Бир оз ухламоқ керак. (*Чиқиб кетар.*) (*сўнг.*)

Парда тушар.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Марғарет (*Ҳожиб ила бирга кирар*). Сен тезлик ила боруб, «Гранд отель» нумеринда 12-рақамлик уйда Шекспир ва Арманд исмли кишиларни чақириб кел. (*Ҳожиб чиқиб кетар.*)

Булар ўйлайдурки, ҳукумат буларнинг ишлариндан ҳеч бир хабари йўқ деб. «Шоҳпарастлар» жамиятининг ҳар гўшада минг қулоғи, ҳар бурчакда минг кўзи бор. Булар инқилоб қиламиз деб, ўзларин алдаб, юпатиб юраберарлар. Инқилоб ясамоқ осон иш эмас. Бу хаёлпарастлар йўқ ерга бошларин қотурадилар, умрларин турли хаёлотлар билан ўткармоқдан бошқа, мажлисларинда қилгон хаёлий қарорлари ва пилонлари коғаз устинда қолмоқдан бошқа бир нарсанинг ухдасидан чиқмаслар. Буларнинг қилгон мажлислари, ишлагон пилонлари, тузгон маромномаларини, ўйлайдурларки, ҳукумат, «шоҳпарастлар» жамияти билмайдур деб. Ҳолбуки булар қарор қилуб, тамом қилмасдан аввал

ул қарорларин кўниясин «шоҳпарастлар» жамиятига юборилуб, ондан Лондўн борғонидан хабарлари йўқ. (*Хохолаб кулар.*) Онлар ўйлайдурки, душманлари уйқуда. Ҳолбуки ул хаёлпарастларнинг ўзлари тамом ғафлатдадурлар. Мана мен ҳозир... (*Ҳожиб кирар.*)

Ҳожиб. Сизнинг йўқлағон одамларингиз эшик олдида кутуб турган эканлар. (*Чиқиб кетар.*)

Шекспир Арманд ила иккиси кирар, Марғарет билан кўришуб ўлтурурлар.

Арманд. Хоним, Сиз революционерларнинг бошлуғи, машҳур Гарсиони танисангиз керак?

Марғарет. Оҳ, шоҳ Карлос билан валиаҳдини ўлдуруб қочиб кетган Гарсиони айтасизми?

Арманд. Ҳа, шул инқилобчи Гарсиони айтаман.

Марғарет. Мен уни фақат исмини эшитганман. Аммо ўзини танимайман. Ҳозирда ул Лондўнда бўлса керак. Чунки мундан қочғон муттаҳамларни ҳаммаси шунда боруб йиғилғонлар.

Шекспир. Биз сизга аниқ маълумот берамизки, Гарсио биз билан олдин-кейин бунда келди.

Марғарет (*изтироб билан*). Оҳ, оҳ...! Гарсио бунда?

Арманд. Бале, ҳозир шунда! Кеча-кечаси Сиз бизни(нг) нўмердан қайтувингизда ул сизни орқангизга тушғон эди. Лекин биз ҳам Сизни орқангиздан келган эдук. Сизнинг хабарингиз йўқ! Агар биз бўлмасак, йўлда, шубҳасиз сизни отар эди.

Марғарет. Йўқ, сизлар янглишгандурсиз. Ул бошқа одамдур. Мен яқин фурсатда Лондўндан маълумот олдим. Ул онда эди.

Шекспир. Бизлар фақат Гарсионинг ортиндан келганмиз. Биз онинг ҳар бир қўйғон қадамин ва қаерга борганин биламиз. Агар биз бўлмасак, мунда ҳар кун «шоҳпарастлар»дан бир неча кишини отадур. Ул букун сизнинг уйингизда меҳмон эди.

Марғарет. Бизнинг кечаги мажлисимиз чала қолғон эди. Бир-бирларимиз маслак жиҳатиндан яхши сўзлашолмадук, шуни тамом қилайлук. Сизлар(нинг) Гарсионинг орқасиндан юрувдан мақсадингиз нима? Ва нима қилмоқчисиз? Ва мунда келувдан асл мақсадингиз нима?

Шекспир. Сиз бундай саволларни бизга берувдан аввал мени бир неча саволларимга жавоб беринг. Бу кеча бунда бўлғон мажлисда нималар музокара қилинди? Бу мажлисда кимлар бор эди?

Марғарет. Мен уйда эдим. Бунда бўлган мажлисдан хабарим йўқ.

Арманд. Хабарингиз йўқ?! Деразадан қараб қулоқ солуб тургон ким эди?

Марғарет. Мен ҳозиргача сизларнинг дўст ё душманлигингизни билолганим йўқ. Маслак ва мақсадингиздан хабардор эмасман. Гарсиони ортиндан охтаруб юрувингиздан мақсадингиз нима? Балки сизлар онинг энг яқин дўстларидурсиз.

Шекспир. Асло! Бизнинг Гарсио билан ҳеч бир алоқамиз йўқ. Бизга тўғриси сўзланг. Бу уй кимни (нг) уйи?

Марғарет. Бир мансабдорни (нг) уйи.

Арманд. Ул мансабдорни биласизми? Қайси фирқа аъзоси? Сизнинг нимангиз бўладур?

Марғарет. Ул мансабдор меним отам бўладур. Эҳтимол, «жумҳуриятчилар» фирқасин аъзоси бўлса, яхши билмайман.

Шекспир. Хоним, сиз бизни алдаб қўлга тушурмоқчига ўхшайсиз. Гарсио ҳозирда отангиз билан узоқ муддат сўзлашиб кетди. Яна сиз бизга, Гарсио сизнинг дўстингиз, дерсиз?

Марғарет (*бироз сукутдан сўнг*). Гарсио бунда бор эдими? Оҳ!.. Унга ўзингни раҳминг келсун, ўзинг сақла!

Арманд. Ундан мурод ким? — Подшоҳми? Нимага дилингиздагини очуқ сўзламайсиз?

Марғарет. Оҳ!.. Нимага инсоф қилмайсиз? Ёш подшоҳга нимага раҳмингиз келмайдур?

Шекспир. Сиз бизларни бундай сўзлар билан алдай олмайсиз. Очуқ сўзланг, қайси фирқа аъзосидан бўласиз? «Шоҳпараст»ларданмусиз «жумҳуриятчи»ларданмусиз?

Марғарет. Сиз инглиз халқи учун бизнинг Пўртўғолиё ҳукуматининг ва ондаги сиёсатнинг нима муносабати бор? Ва нима аҳамияти бор? Нима учун келуб биздан маслак суруштўрасиз? Ҳар бир мамлакатнинг сиёсат ишлари ўз аҳлига оид бир нарса. Лекин сизлар мунда келуб иш кўрмоқдан асл мақсадингиз нимадур? Гарсионинг орқасинда юрувингиз нима учун? Менга тамом ҳуррият билан сўйлаб берувингизни ўтунаман.

Шекспир. Агарда сиз «шоҳпараст»лардан бўлсангиз эди, ул вақтда сиз билан очуқ сўзлашмоғимиз мумкин эди.

Маргарет. (Кулуб, қўлини Шекспирга қараб узатуб). Келингиз! Маслакдош сифатида янгідан кўришайлик! (Кўришурлар.) Сиз мени «шоҳпараст»лар аъзоси эканлигимни қайдан билдингиз?

Арманд. Сиз «шоҳпараст»лардан бўлмасангиз эди, ул куни ярим кечағача Дўқтур Брогани(нг) уйида бўлгон жумҳуриятчиларни(нг) мажлисиға қулоқ солуб юрмас эдингиз. Сизга бизнинг ишончимиз бўлмаса, энг хавфлик бўлгон «жумҳуриятчи»ларнинг раисининг уйинда сиз билан сўзлашуб ўлтурмас эдук. Бугун ҳам бул ерда мажлислари борлигин билуб, мунда келган эдук. Мунда ҳам дераза орқасинда сизнинг қулоқ солуб тургонингизни кўрдук. Сиз хотиржам бўлинг. Биз, инглиз халқининг киролмаган эшигимиз ва эшитолмаган сўзимиз бўлмас. Шунинг учун бутун дунёни эгаллаб, ҳамма ерни истило қиламиз.

Маргарет. Гарсиони мунда келиши бежиз эмас. У албатта подшоҳни ўлдурмоқ учун келган бўлса керак. Сизларнинг они орқасиндан қувиб юрувингиздан мақсадингиз нима?

Арманд. Албатта, унинг мақсади бизга маълум. Шунинг учун ул Лондўндан ҳаракат қилди. Биз ҳам қорама-қора етуб келдук. Бизнинг энг улуғ мақсадимиз бундаги «шоҳпараст»ларга ёрдам бермоқ ва уларни «жумҳуриятчи»ларнинг шарриндан халос қилмоқ. Инқилобчиларнинг, хусусан Гарсиони(нг) шарриндан подшони асрамоқ йўлинда бизға зўр таълимот берилуб юборилгон. Биз ҳар ҳолда ўз вазифамизни адо қиламиз. Лекин сиз ҳам бизга ҳаммаслак бўлишингиз жиҳатиндан қўлингиздан келгунча ёрдамингизни аяманг. Аввал куни Дўқтур Брогани уйинда ҳамда букун мундаги мажлисларда бўлгон қарорлардан бизни огоҳ қилсангиз. Бизлар шунга қараб иш кўрсак.

Маргарет. Илгариги кундаги мажлисларинда у қадар муҳим қарорлар бўлгани йўқ эди. Бугунги мажлис жиддийлашиб кетди. Баъзилари шоҳни ўлдурмоқни таклиф қилди. Баъзилари тутуб қамамоқчи бўлди. Охирда қамамоқға қарор қилдилар. (Кўкрагидан бир қоғазни чиқориб.) Мана мажлисда бўлган бошқа қарорларнинг кўпияси. (Шекспир қоғазни олуб чўнтагиға солур.) Мени сиздан қиладургон ўтинчим шулки, нима бўлса ҳам шоҳни Гарсиони(нг) шарриндан сақлангиз.

Арманд. Сиз хотиржам бўлингиз. Бизнинг бош мақсадимиз—шул. (Долқорие бирдан 2 аскар ва Дугун-

ди билан кируб, ҳар иккисини тутуб, Дугундиға тоб-шуруб, аскарлар билан зиндонға юборар.)

Долқорие. *(аччиқланиб).* Эй, номуссиз қизим! Меним уйимда бу икки инглиз жосуси билан нималарни сўзлашасан?! Энди сенинг «шоҳпараст»лар жамиятига аъзо эканлигингни очиқ билдим. Қани сўзла, нималар сўзлашдинг?

Марғарет. Отажон! Мен фақат подшоҳни Гарсионинг шарриндан сақламоқ учун бу ишга журъат қилдим. Ҳозирда сиз қамоқға юборғон икки киши Лондундан подшоҳни Гарсионинг шарриндан асрамоқ учун келган кишилардур. *(Сўзламоқчи бўлғонда Долқорие сўзини кесуб.)*

Долқорие. Мен уларнинг ким эканлигини сендан яхши биламан. Шоҳни биз ҳам ўлдурмоқчи эмасмиз. Мени билмайди деб ўйлайсанми, сени «шоҳпарастлар» билан алоқанг бор.

Марғарет. Отажон! *(Отасига яқин келуб.)* Уларни зиндондан халос қилинг. Онлар сизнинг жумҳуриятингизга зарарлик кишилар эмас. Онлар шоҳни Гарсионинг шарриндан сақламоқ учун келганлар.

Долқорие *(ёнидан қиличин суғуруб, қизига аччиқлануб).* Сен мenden ул жосусларни озод қилмоқни тавалло қиласан? Сен инглиз халқининг қандай хиёнаткор эканлигин билмайсан! Онлар — бизнинг жумҳуриятимиз учун энг зарарли кишилар! Онларнинг зиндонда ётувлари муваққат — фақат бизнинг жумҳурият байроғимиз тикилгунча. Ондан сўнг озод қиламиз. Сен ҳам бугундан эътиборан ўз уйингда маҳбуссан. Бор, кўб сўйлама! *(Ҳожибни чақирар.)*

Ҳожиб кирар

Ҳожиб. Нима хизмат?

Долқорие. Сенга хизмат шулки, Марғарет бу соатдан эътиборан қамалган ҳисобланадур. Ўз ўрнидан ҳеч бир ерга қимирламас. Эшикига қоровул ҳам қўяман. Лекин хат билан ҳам, бирор киши билан (ҳам) алоқа қилмасун. Ҳар кун менга маълумот бериб тур.

Ҳожиб. Бош устига. Амрингизга ҳозирмиз.

Долқорие *(аччиқланиб).* Тез бор, уйинга кир! Меним энг зўр душманларим оёғ(им) остидан чиқиб қолди. Нима қилайинки, маслакталаш. Агарда маслакталаш бўлмаса эди, қизимни бир минутга қўймас эдим. *(Чиқиб кетарлар.)*

Парда тушар.

ИККИНЧИ ПАРДА

Воқеъ бўлур зиндон ичинда. Вақт кечани кўрсатур.

Ўюнга иштирок этувчилар:

Шекспир, Арманд, Маргарет, зиндон бон.

Ўюнга керакли нарсалар:

Бир ханжар. Зиндондагиларга таом. Қўюн соати.

Шекспир. Мен сенга айтмадимми? Биринчи маротаба бу золим қизи билан сўйлашган кунимиз орқасиндан пойлаб борганимда, шул уйга кирган эди. Кўчадаги палисадан, бу кимнинг уйи, деб сўраганимда, машҳур жумҳуриятчиларнинг бошлуғи Долқориёнинг уйи деган эди. Мен сенга, бу қиз бизлар учун бир тузоғ, десам сен қабул қилмадинг. Мана кўрдингми, бу золим қизи, бизни қандай найранг билан бутун сиру асроримизни билуб олуб отасига тутуб берди.

Арманд. Мен қайдан билайин, бу Пўртўғолиё халқи сиёсат ва найрангбозликда бизни(нг) инглиз халқини бир чўқишда қочирар экан. Нима бўлса бўлди, қўлга тушдик.

Шекспир. Мен сенга бу қиз ҳар ерда «жумҳуриятчи»ларнинг мажлислари бўлуб турган вақтда четда туриши қоровуллик тариқасинда десам, сен, йўқ, бу бошқа жамиятлар тарафдори ва аларнинг жосуси, дединг. Кеча мен бу уйга кирмайлуқ, десам яна сен қўймадинг.

Арманд. Бу золим қизига шундай алдандукки, алданганимизни ўзимиз ҳам билмай қолдук.

Шекспир. Утган ишга гузашт, дерлар. Ҳар нимарса бўлса, бўлуб ўтди. Энди келажакни қайғурмоқ керак.

Арманд(соатига қараб). Ҳозир соат 8 бўлубдур. Биз қачонгача бу қоронғу зиндонда ётамиз. Агарда, инқилоб бошлануб, шоҳни ўлдуруб қўйсалар, бизни(нг) бутун меҳнатимиз бир пул бўладур. Биз Лондўнга қайси юзимиз билан борамиз.

Шекспир. Албатта бир чорасини кўрмоқ керак.

Арманд. Нима чора қиламиз?

Шекспир. Агарда бу кеча шул зиндондан чиқмасам, отимни бошқа қўяман. Бу кеча соат 12 да Гарсио шоҳни ўлдурмоқга тайёрлангон ва чораларинда кўргон. Бундан чиқуб боруб, ул золимни чангалидан шоҳни қутқармасак, Пўртўғолиё мамлакатинда инглиз пўлтиқоси бир пул бўладур.

Арманд. Шоҳни қайғурасан, нима учун ўзингни қайғурмайсан?

Шекспир. Биз учун нима хавф?

Арманд. Нима хавф эмиш. Агар саломат бу қасрдан чиқсанг, мен сенга бошимни кесуб бераман. Агар инқилоб бошлануб, иш инқилобчилар қўлига ўтса, Гарсио ва шериклари бизни омон қўяди, деб ўйлайсанми?—Танимизни бир бурдадан қилади.

Шекспир. Бизлар сурат эмасмиз, одам боласимиз. Инсон боласи ғайрат қилса, тоғни кўпаради. Дунёда мумкин эмас иш йўқ. Инсон ҳаракат қилса, чорасин кўрса, ҳар ишни ухдасидан чиқадур.

Арманд. Биз икки мусофир маҳбус, қўлимизда яроғимиз бўлмаса, қуруқ қўл билан нимани ухдасидан чиқамиз? Дуруст, инсон ғайрат қилса, ҳар ишни қилдур. Фақат асбоб билан.

Шекспир. Мен қўрғонда ханжаримни этугимни (нг) қўнжиға ёшириб олиб қолгон эдим. Сен шошма. Мана, мен бу ханжар билан бир нафасда бу золимларни (нг) турмасини тешаман. Кейин қочамиз.

Арманд. Ҳар нарса бўлса ҳам тўрт соат ичинда чиқуб боруб, шоҳни Гарсионинг шарриндан халос қилмасак, қанча тортган кулфатларимиз ҳавога кетадур. *(Шекспир туриб бир тарафдан девор остиядан лаҳим кавлар).*

Ханжар билан девор остини кавлаб, тешуб чиқмоқчи бўласанми? Хотиржам бўл, уч кунда ҳам теша олмайсан.

Шекспир. Умидсизликни ёдингдан чиқар. Соат 11 да сени бундан олуб чиқиб кетаман! *(Кавламоқға машғул бўлар.)*

Зиндонбон ош олуб кирар. Ҳар иккиси апир-шапир таомни ер. Зиндонбон коса-лаганларни олуб чиқуб кетар. Марғарет шошган ҳолда кирар.

Марғарет. Тез бўлингиз, тез! Қанча заҳматлар билан қоровулни бир ишга буюруб юбордим. Тезроқ чиқиб қочингиз! *(Бу воқеадан булар яна ҳайрон бўлур.)*

Шекспир *(кулумсираб.)*. Хоним, сизнинг бўйла лутф ва марҳаматингиздан мамнунмиз. Лекин бизни чиқмоқға таклиф қилманг.

Марғарет. Нимага ғанимат вақтни бекорга ўтказасиз? Мен икки соатдан бери ҳаракат қилуб, базўр қоровулни йироқ қилдим. Нимага мушоҳада қиласиз?!

Шекспир. Хоним, вақт ғанимат бўлса, бизни (нг) жонимиз ҳам ғанимат. Бизлар учун заҳмат чекманг!

Маргарет. Нима заҳмат? Нима учун?

Шекспир. Сизни (нг) бизларни чиқарғонингизни агар отангиз билса, соғ қўймайди.

Маргарет. Соғ қўймаса қўймасун, тез бўлингиз — вақт ўтмасун, шоҳни (нг) ҳаётига зарар етмасун!

Шекспир. Бизга ҳозир шоҳни (нг) ҳаётидан сизни- (нг) ҳаётингиз керак. Биз чиқсақ, сизни (нг) ҳаётингиз хатарда бўладур. Ҳар вақт инсон бошига икки қийин иш келса, осонроғин чорасин кўрмоқ керак. Инсон ўз саломати учун бошқаларни фидо қилмоғи инсониятдан эмас. Сизни мунда келганингизни отангиз билса, сизни, балки бизни ҳам соғ қўймас. Тезроқ марҳамат қилуб, киши келуб қолмасдан кетмоғингиз матлуб.

Маргарет сўзи ўтмаганига ҳайрон бўлуб чиқуб кетар. Шекспир девор тагин кавламоқға машғул бўлар.

Кўрдингми, бу золим қизини. Бизнинг бошимизга яна қизиқ ўюнлар келтурмоқ учун яна бошқача тузоқлар қўуб келубдур.

Арманд. Менимча, қиз ростдан «шоҳпараст»га ўхшайдур. Мана бу бир-икки кун ичида жуда ранги кетуб қолибдур. Аввалги юзларнинг таровати қолмабти. Агар ул «жумҳуриятчи»лардан бўлса эди, ҳозир мунда кундан-кун «жумҳуриятчи»ларнинг ишлари олдинга кетаётган бир замонда мундоғ озиб, ранги ҳам кетмаса керак эди.

Шекспир. Севинчи бер ўртоқ, тешук очилди.

Арманд. Ростданми? (*Боруб қарар*).

Ҳар иккиси тешукдан чиқуб қочар.

Парда тушар.

УЧИНЧИ ПАРДА

Воқеъ бўлур подшоҳни (нг) қасри ёниндаги боқчада. Дарахтлар, гуллар.

Бу ерга керакли нарсалар: 5 тўфангча, хуштак, Фовус.

Бу пардада иштирок этувчилар: шоҳ Мануил, Маргарет, Шекспир, Арманд, Гарсио, 2 политсвия, Долқориё, Карлос, Дугунди.

Парда кўтарилганда Шекспир ва Арманд кўривур.

Арманд (*Шекспирга ҳазин товуш билан*). Уртоқ,
ўзингни панага ол, Долқориё келаётибдур.

Шекспир. Ул бу ерда нима қилсун.

Арманд. Бўлмаса, ул дарахтни(нг) орасида
ёшрингон киши ким?

Шекспир. Эҳтимол, ул Гарсио бўлса.

Гарсио дарахт орасиндан тўфангча билан буларга ҳамла
қилур. Уқ чиқарар. Шекспир ўзини дарахтни(нг) панасига
олур. Арманд секин Гарсиони орқасиндан келуб ушлар.
Гарсио ўзини силтаб, Арманд қўлидан чиқуб қочар.
Маргарет бир тарафдан кўринур-кўринмас бўлуб, Гарсио-
га қараб ўқ чиқара бошлар.

Арманд (*ҳазин товуш билан*). Уртоқ Шекспир,
Гарсио қочишда ишни битириб қочди. Бизни(нг) шунча
меҳнатимиз ҳавога кетди. Ул шоҳни отди.

Шекспир. Ҳар нима бўлса, ётуб қолгунча, отуб
қолиш керак. Юр, биз-да ҳамла қиламиз (*Ҳар иккиси
югурурлар.*) (*Яна тўфангча овози чиқар.*)

Политсия (*2 киши, қўлида фонус билан келуб.*).
Ерингизда тўхтаг!

Шекспир Арманд билан иккиси бир ерда тек турар.

Қўлингизни юқори қилуб мунда келингиз! (*Булар
борурлар.*)

Гарсио шул вақтда сурулуб келуб саҳнани(нг) бир
четига йиқилуб ўлар. Бир тарафдан Мануил, Долқориё,
Карлос, Дугундилар кирарлар. Ўлукни тепасига келур-
лар.

Мануил (*Шекспир, Армандларга хитобан*). Сиз
ярим кечада мунда нима қилуб юрибсиз? Бу ўлган
кимдур?

Шекспир (*Мануилга яқин келуб*). Бу киши сиз-
ни ўлдурмоқ қасдида келган машҳур инқилобчилар
бошлуғи Гарсио!

Мануил. Буни сизлар отдингизми?

Шекспир. Биз мунда Сизни Гарсиони шарриндан
халос қилмоқ учун келган эдук. Ул бизни кўрган замон
дарахт орқасидан бизга ҳамла қилди. Биз ҳам ҳужум
қилгон эдук, қўлимиздан чиқуб қочди. Қочгон вақтида
бир неча мартаба дарахт орасидан ўқ отилди. Гарсио
ҳам онга қараб ўқ узди. Охирда мунда келуб
йиқилди.

Мануил. Агарда буни сиз отмаган бўлсангиз, ким отган бўладур?

Шекспир (*Мануилга яқин келуб, саҳнани бир четига олуб боруб*). Буни отган киши агар меним гумоним саҳиҳ бўлса, Маргарет бўлса керак. Агарда отаси мунда бўлмаса эди, дарахт орасидан ўзини кўрсатур эди.

Мануил. Сизларнинг меним борамда қилгон ҳаракатларингиздан мамнунман. Мен сизларни бунда кўрган замон душман хаёл қилуб, сизларга қараб бирикки ўқ узгон эдим. Ҳолбуки сизлар дўст экансиз. Яхшики отган ўқим сизга тегмабдур.

Политсияларни чақируб, ўлукни касалхонага олиб бормоқга буюрур. Икки политсия кўтаруб олуб кетар.

Долқорие (*Шоҳни четга олуб*). Шоҳим, бу икки киши инглиз жосуслариндандур. Қандай қилуб, улар бизга дўст бўлсун. Мен буларни кеча тутуб қамагон эдим. Билмадим, қандай қилиб турмадан қочибдурлар.

Мануил (*Заҳарханда қилуб*). Ажабо, буларни қандай айб билан тутуб қамадингиз?

Долқорие Жосусликда айблануб қамалгонлар эди.

Мануил. Сиз ҳарбия кишиси эдингиз, қонунни яхши билардингиз. Булар бошқа давлат тобеълари эди. Адлия маҳкамасида сўралуб қамалсалар керак эди.

Долқорие. Ҳозир инқилоб тўлқунлари кучайиб тургон бир замонда ўзингизни ҳарбия назоратига берган фавқулодда фармонингиз билан қамадим. Булар бизни(нг) ҳарбий пилонларимизни текширмоқда айбланганлар. Булар бизнинг давлатимиз учун энг зарарлик кишилардур. Ҳозирда мен буларни яна турмага юбораман. (*Дугундини чақириб.*) Ол, буларни турмага олиб бор!

Мануил (*аччиқлануб, Дугундига қараб*). Буларни олиб борма! (*Долқориега қараб.*) Сиз буларни айблаб қамамоқчи бўласиз. Лекин мен буларни ҳар қандай гуноҳлари бўлса ҳам авф этдим.

Долқорие (*Бир четга қараб*). Сени авф қилишинг, фармон ва қувватингни умри оз қолди. Бу кечадан эсон-омон чиқишингга кўзим етмайдур. Бу энг охириги буйруғинг бўлса керак.

Мануил. Булар менинг энг мухлис ва ишончли кишиларимдандур. Ҳозирда меним ўлумдан қутулишим-

га булар сабаб бўлдилар. (Шекспир, Армандага қараб)
Сизлар эрта билан соат 9 да меним қасримга ташриф
буюрингиз. Сизлар билан сўзлашадиган сўзим бор.
Ҳозирда ҳам сўзлашсам мумкин эди. Лекин зарур ишим
бор. (Шекспирни бир четга олуб ишорат қилур).

Ҳаммалари хайрлашуб, бирин-бирин чиқуб кетарлар. Шоҳ уйга
кируб қайтуб чиқар. (Ўзича.)

Долқориё буларнинг меним ҳақимда инқилобчиларга
қарши қилгон ҳаракатидан хабари йўқ. Англиз ҳуку-
матининг «шоҳпараст»ларга қиладургон хайрихоҳлиги-
ни билмайдур. Ҳозирда мен булар билан сўзлашмоғим
керак. Инқилобчиларнинг бошлуқлари бўлса, ҳозир
отилди. Қолгонларин ҳам чорасин кўрмоқ керак.

Марғарет дарахтлар орасиндан чиқуб, шоҳни(нг) олдига
келур.

Марғарет. Бу кеча сиз Афрўдитўнинг уйига бор-
манг!

Мануил. Нима учун?

Марғарет. Қўрқаманки, сизни тутуб қамамоқға
ул ерда тузоқ қурғон бўлсалар керак.

Мануил. Хоним, сен мени йўқ хаёлотлар билан
қўрқутма! Ҳар кун боруб-келуб юрган ерим, ким бор
дейсан.

Марғарет. Ҳар нимарса бўлса ҳам меним сўзим-
га кирсангиз. Бу кеча маҳбубингизни(нг) ёнига бориш-
дан сақланинг. Ёш жонингизга раҳмингиз келсун.

Мануил. Хоним! Бу қандай қўрқоқликки, сизни
ўраб олибдур. Мен кимдан қўрқаман. Ким менинг
йўлимни тўсадур! Баъзи, халқ оросинда шойеъ бўлгон
сўзлар сени юрагингни чиқоруб юборубдур. Киши бун-
дай қўрқоқ бўлмаса керак. Ўзинг Лисабўндаги «шоҳ-
параст»лар жамияти қандай куч ва қувватга молик
эканлигини билуб туруб, яна шундай хаёлот ваҳима-
ларга йўл берасан. Бор, тезроқ уйингга бор! Кеч қол-
ма!

Марғарет. Меним сўзимга кирсангиз, бу кеча
маҳбубингиз ёнига борманг! (Чиқуб кетар.)

Арманд билан Шекспир дохил бўлурлар.

Мануил. Қани сўзланг, нима янги хабарлар бор?

Шекспир. Сизнинг энг зўр душманингиз бўлган
Гарсиодан қутулдук. Лекин сиз ёш юраксиз. Бундаги

инқилобчилардан яхши маълумотингиз бўлмаса керак. Биз уч-тўрт кун ичида тўплаган аниқ маълумотимизга қараганда, бунда инқилобиюн жумҳуриятчилар мукамал суратда тайёрланганлар. Мен ғалат гумон қилмасам, ёнингизда бирга юрган кишилар ҳам сизни (нг) дўстларингиз эмас. Инқилоб Гарсиони (нг) ўлуви муносабати билан бу кечадан қолмай бошланса керак. Сиз ҳам «шоҳпараст»ларни бу ҳаракатдан огоҳ қилиб, бу кеча ўзингизни сақламоқ учун ҳеч ерга чиқмовингиз матлубдур.

Мануил. Сизларни, албатта, «жумҳуриятчи»лар қўрқутғон бўлса керак. Бошингиздан бўйла авҳом хаёлотларни чиқориб ташланг! Мен ҳар бир тўғрида чораларни кўрганман. Хотирингиз жамъ бўлсун!

Шекспир. (Арманд билан иккиси шоҳ билан хайрлашуб чиқуб кетарда, бир четга қараб.) Бу, сиёсатдан хабарсиз шоҳни сўзга кирита олмадук. Бу кеча шоҳ қай ерга борса ҳам орқасидан пойламоқ керак.

Мануил. Ҳақиқатан англиз халқи ҳар қанча сиёсат оламига ошино кишилар бўлса-да, зотида бу халқни қўрқоқлик бор. Бир шаҳарни (мамлакатни) подшоҳи бўлсун эмиш-да, уйиндан қўрқоқлик қилуб, кўчага чиқмасун эмиш. «Жумҳуриятчи»ларда куч ва қувват бўлса, бизда ҳам тўп ва пулемўт бор. Қани, кўрайлуқ, иқбол кимнинг тарафида жилвагар бўлур. (Уйига кируб кетар.)

Парда тушар.

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Афрўдитўнинг уйи. Тамом ёврупоча зийнатлангон. Тилифўни ҳам бўлур. Самовар, чойнак, истакон, чойқошқуқ ва бошқа керакли нарсалар: Осма соат, 2(та) кишининг юзига тутадургон маска (ниқоб), беш-олти тўфангча, таом.

Бу пардада иштирок этувчилар:

Афрўдитў, Дифроро, Мариўна (ходим қиз),
Дугунди, Шекспир, Арманд, Марғарет.

БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Афрўдитў. Олдида самовар. Чой ичуб ўтургон ҳолда,
Мариўна ҳам ёнида ўтургон ҳолда парда очилур.

Афрўдитў. Ҳали чиқонингда ошпазга айтгил, букунги таомни яхшиласун. Бугун, эҳтимол, шоҳ бизга меҳмон бўлса...

Мариўна. Яхши, чиқганимда яхшилаб тайинлайман. Ўзим ҳам боқишиб тураман.

Эшик қўнғироғи жинғирлар.

Афрўдитў. Чиқуб қара, ким экан?

Мариўна (*Кируб*). Дифроро келибдур. Кирмоқга рухсат сўрайдур.

Афрўдитў. Айт, кирсун.

Дифроро кирар, Афрўдитў билан кўришуб-сўрашуб ўлтурар.

Афрўдитў (*Хизматчига*). Мариўна санга рухсат, бориб ошпазга боқишгил (*Мариўна чиқуб кетар*).

Дифроро. Нега, кечаси мақсадни ҳосил қилмадук. Шоҳни тайин қилингон ерга олиб боролмадинг.

Афрўдитў. Кеча мен шоҳни уйдан бошлаб олиб чиқгон эдим. Йўлда икки манга номаълум одамлар учраб, шоҳни(нг) бошин ойлантуруб олиб қолдилар. Мумкин бўлмади.

Дифроро. Очиқ маълумдурки, сен аҳдингга вафо қилмайсен.

Афрўдитў. Қачон ваъдамга вафо қилмадим? Шоҳни бирга олиб чиқдим, лекин...

Дифроро (*сўзини кесуб*). Нима «лекин...?» Шоҳни олиб чиқдинг, лекин бизни(нг) махфий сиримизни унга айтдинг. Шоҳ қайтуб уйига кируб кетди, шундайми?

Афрўдитў. Бу қандай гап?!

Дифроро. Қандай гап бўлар эди. Сен айтмаган бўлсанг, бизни(нг) сиримизни ул икки киши қайдан биладур?

Афрўдитў (*аччиқлануб*). Тўғри сўзга инонмай-сиз. Мен ўз орамиздаги сирни шоҳга айтуб, жинни бўлганим йўқ! Уйдан чиқгондин кейин икки киши келуб, бир четга олуб сўзлашди. Сўнгра шоҳ менга узр баён қилди. Зарур ишим чиқуб қолди, деб, уйга кируб кетди.

Дифроро. Кечадан бери нима қилдинг, ҳеч йўлуқдингми?

Афрўдитў. Йўқ, кўруб сўзлашганим йўқ, лекин тилифўн ила сўйлашдим. Кеч соат 12.00 да мунда келмоқга қатъий ваъда берди.

Дифроро. Яқин фурсатда гаплашдингми?

Афрўдитў. Сен келмасдан илгарироқ тилифўн ила сўйлашгон эдим. Эҳтимол, бугун кеч қошингга бо-ролмасам, деб жавоб берди.

Дифроро. Сабабини сўрамадингми?

Афрўдитў. Сўраган эдим. Бир оз тобим келиш-май турубдур деди.

Дифроро. Бизга берган ваъдангга мувофиқ шоҳ-ни бу кеча мунда келтурмасанг, ўзингни ҳаётинг таҳ-ликада.

Афрўдитў. Қандай оғир таклиф...

Дифроро. Бу таклиф мени таклифим эмас, жа-миятнинг таклифи. Ё шоҳни бу кеча келтурасан, ё жо-нингдан айириласан!

Афрўдитў. Кел бўлмаса ўзингни олдингда тили-фўн билан сўзлашайин. Берган жавобини эшитуб, хо-тиржам бўлгин. (*Дифророни қўлидан тутуб, тилифўнга боруб сўзлашур*).

Афрўдитў. Қасри Нисъйодўс, кабинети шоҳ!
(*шоҳ тилифўнга келур*). ...Бале, сизнинг ороми жонин-гиз Афрўдитў! Ўзингизга маълум икки кундан бери сизни(нг) дийдори покмонингиздин маҳрумман. Сизсиз ҳар бир ўтган дақиқам манга йилдан узоғ кўринадур. Бу кеча ҳам бизни(нг) кулбамизга марҳамат қилмай-сизми?! Ҳм... Ҳм... Ҳм...

Нима янги хабар бор, азизим? Жумҳуриятчилар қалай? Баъзи хабарларни эшитуб, хафа бўлуб ўлту-рубман. Ҳм... ҳм... ҳм...

Жоним! Мард киши инқилобдан қўрқадими? Инқи-лоб бўлади деб мени тарк қиласизми? Ҳар қандай за-рур ва оғир ишингиз бўлса ҳам бу кеча соат ўн иккида келиб, беш дақиқагина бўлса ҳам ширин суҳбатингиз-дан мени маҳрум қилмасангиз эди?! Ҳм.. Ҳм... Ҳм...

Жоним, нима учун?! Келмоқдан қўрқасизми? Ҳм... ҳм... ҳм... Хўп, хўп, азизим... соат 11 да. Агарда кеч қолсангиз, 12 да. Хўп, хайр. Тилифўнни қулоғини қўюб келуб ўлтирурлар.

Афрўдитў (*кулимсираб*). Эй беинсоф, тағин бошқа нима муддаоинг бор? Бу кеча шоҳни қўл-оёғини бойлаб қўлингга берсам бўладими? Тез бўл. Ҳарака-тингни қил (*Девордаги соатга қараб*). Ҳозир соат 10 дан ошибдур. Тез бўл! Чорангни кўр! Келтуруб бериш мендан, саришта қилиш сендан.

Дифроро. Жоним, сариштаси қийин дейсанми? Фақат мунда келса бўлгани. Ўзинг яхши биласан маж-лисни қарорини. Бу кеча соат 12 да инқилоб бошла-

надур. Мажлисда ўзинг ҳам бор эдинг. Мен ҳозир боруб бош идорамизга маълумот беруб, ёнимга Дугундини олиб келаман. Биз иккимиз иккинчи уйда ёширинуб турамыз. Қачонки шоҳ келди, тутуб, аёқ-қўлин бойлаб, бир уйга қамаб қўямиз-да, тилифўн билан бош идорага хабар берамиз, инқилобни бошлайдилар. Сўнгра афтомабил чақируб, шоҳни турмага олиб боруб тикамиз, вассалом.

А ф р ў д и т ў. Жуда яхши, тез бор, ўз ишингга муқид бўл. Вақт ўтмасун. Дифроро хайрлашуб чиқиб кетар. Афрўдитў хизматчи чақируб, уйларни уёғ-буёғин тузатур.

А ф р ў д и т ў. Бор таом тайёр бўлгон бўлса, олиб кел!

М а р и ў н а. Хўб хоним, тез олиб келайми? (*Чиқиб кетар.*)

А ф р ў д и т ў. Тез олиб кел! Тез! Мана бу кеча бизлар учун ўлум ёки нажот кечаси. Ким билсун, бир соатдан сўнг бошимизга қандай қунлар келади. «Шоҳ-парастлар» ҳам кичкина ёв эмас. Уларнинг тарафида бутун бойлар, пўплар, генераллар, казо ва казолар бор. Ҳозирги дақиқа Пўртуғолиё халқи учун, оғир дақиқа, энг оғир минут. Иккинчи тарафдан бизнинг жумҳуриятчилар тарафинда ҳам киши оз эмас. Энг ишлик, ҳақиқий халқ тарафдори бўлган генераллар, офицерлар, ишчи-меҳнаткашлар, ижтимоий-инқилобиюнларнинг ҳаммаси бизнинг тарафдадурлар. Мана бу икки куч, икки қувватнинг тўкушадиган, сўкушадургон дақиқаси шу соат, шу дақиқадур. Ким билсун, зафар кимнинг тарафида бўлур. Ким енгур, ким енгилур. Мана бу зўр драмманинг бош пардаси бизнинг уйимизда ўйналинажак. Ким билсун, қолгон пардалари қандай руҳда бўлуб ўтар. Эҳтимол, бизнинг жумҳуриятимиз кўб қонлар тўкуб, қурбонлар берилуб олинур. Ҳар ҳолда инқилоб қонсиз, ҳуррият қурбонсиз олинмас. Биз, жумҳуриятчилар, ўлимга ризо бўлгон кишилармиз. Шул йўлда ўлимга бошимизни тикканмиз. Мен ҳам ҳозирланмоғим керак. (*Кўкрагига бир тўфангчани жойлаштуруб қўяр.*) Ким билсун, ишнинг сўнгги на ерга боруб тиралур?

Тездан қоринни тўйгазуб олмоқ керак. (*Эшик олдида боруб хизматчини(не) чақирар.*)

М а р и ў н а таом олиб келур. **А ф р ў д и т ў** тез-тез таомни еб, самовару асбоблари(нг) бериб юборур. **М а р и ў н а** олиб кетар.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Эшик қўнғироғи жинғирлар. А фр ў д и т ў ўрнидан туруб боруб, эшикни очар. Д и ф р о р о Ду г у н д и билан бирга кирурлар, келуб ўлтурурлар.

А фр ў д и т ў. Хўш жоним, нима янги хабар? Нима ишлар битируб келдинг?

Д и ф р о р о. Хотиржам бўл, ҳамма иш ўрнида. Тамом бизнинг кишиларимиз курашга ҳозирланганлар. Ишнинг боши биздан бошланур. Бу ўюнда бош рўлни бизлар ўйнаймиз. Қачон шоҳ мунда келди, сен ёнига ўлтуруб, гапга солуб турасан. Биз иккимиз бирдан иккинчи уйдан чиқуб, тутуб банд қиламиз-да, дарҳол адмирал Ресга тилифўн билан хабар берамиз. Зирҳли кемалардан 12 маротаба тўп отуб юборадур. Демак бу тўплар отилдиғи замон бизнинг фирқамиз огоҳ бўладур. Ҳамма ерда бизнинг тарафдан ҳужум бошланадур. Иккинчи тарафдан бу зўр тўплар отилдиғи замон бутун халқ ярим кечада ширин уйқудаги шоҳ-парастларга шундай бир зарб берадурларким, улар шошилишуб, нима қилишларин билолмай, фақат ҳар тарафга қочмоқға мажбур бўларлар.

Д у г у н д и. Қани гапни кўп чўзмангиз. Бизни бу уйда сўзлашиб туришимиз яхши эмас.

А фр ў д и т ў. Сизлар иккинчи уйга кируб, ҳозирлануб туринг (*Соатга қараб*). Шоҳни келадургон вақти бўлди.

Ҳар иккиси иккинчи уйга кируб, қўлларига тўфангча олуб турар. Ва юзларига ниқоб (маска) киюрлар. Шул вақтда эшик қўнғироғи жинғирлар. А фр ў д и т ў эшикни очур. Шоҳ билан кўришуб бирга олиб келуб ўлтурурлар.

А фр ў д и т ў. Жоним, нима янги хабарлар бор? Жумҳуриятчиларнинг ҳаракати қалай?

М а н у и л. Азизим, «жумҳуриятчилар»нинг ҳаракати, менимча, у қадар хавфлик эмас. Тегишлик чоралари кўрилган. Ҳозир уйдан чиқуб келаётганимда йўлда тўсиндан дарахт орасиндан чиқуб, Гарсио менга қараб ўқ узган эди. Чаққонлик билан ўзимни панага олдим. Мең ҳам унга қараб бир-икки ўқ уздим. Қочуб кетаётган вақтида, билмадим, кимдур бир одам тарафидан отуб ўлдурулди. Жоним! Йўлим устида кўз олдимда шундай қонлик фожиалар бўлуб турса ҳам

сенинг муҳаббатинг мени қўймади. Ваъдам хилоф бўлмасун деб келдим.

Диффроро билан Дугунди юзларинда ниқоб, қўлларинда тўфангча бирдан шоҳга ҳужум қилуб, оёқ-қўлларин ва оғизларин бойлаб, ўзлари турган уйга олиб кируб қамарлар. Афрўдитў булар ҳужум қилгон вақтларида билмаган ва қўрқгон киши бўлуб учинчи уйга кируб кетар.

Дугунди (*дарҳол тилифўнға боруб*). Вазорати баҳрияни беринг! Адмирал Ресни(нг) чақириб беринг! Тезлик билан чақиринг! Адмирал Ресмисиз? Мен Дугунди(ман). Зоти олийингиза бош идорани(нг) буйруғи бўйинча тилифўнўғром! Биз шоҳни Афрўдитў уйида тутуб қамадук. Тезлик билан маълумингиз бўйинча зирҳли парахўдлардаги зўр тўплардан 12 маротаба ўқ отилурга ва тахти идорангиздаги бутун аскарларни(нг) ҳужумға буюруб, ҳама парахўдларингизи устига жумҳуриятимизнинг қизил байроғини тикасиз! Бош идора вакили—Дугунди.

Шу вақт саҳна орқасиндан 12 маротаба тўп овози эшитилур. Афрўдитў кириб кетган уйдан белида тўфангча осган ҳолда чиқар.

Афрўдитў. Нима қилдингиз, шоҳни саранжом қилдингизми?

Диффроро. Бир саранжом қилиш бўлса, қилдук. Энди иш сариштада қолган. Дугунди, Бош идорага, Брогани(нг) уйига 482-номерга тилифўн бер. Тезлик билан афтомобил юборсун. Шоҳни турмага олиб борамиз.

Дугунди. (*Тилифўн қулоғини бурар*). 482-номерга! Қимсиз? Дўқтур Брога! Мен—Дугунди! Тезлик билан афтомобил юборинг! Биз мунда шоҳни тутуб қамадук. Ҳозир мундан турмага олиб борамиз. Бу муҳим хабарни бошқа ерларга тезлик билан еткурурсиз.

УЧИНЧИ КҶРИНИШ

Бу вақт бирдан эшикдан Шекспир, Арманд, Маргаретлар киралар. Ароларинда отишувлар бошланур. Афрўдитў, Диффроролар ўқ тегуб йиқилурлар. Дугунди ёлғиз қолдиғиндан, ўқи тамом бўлдиғиндан ноилож эшикдан чиқуб қочар. Шекспир, Армандлар шоҳни уйдан олиб чиқуб, оёқ-қўлларин ечуб, олиб чиқуб кетарлар.

Парда тушар

БЕШИНЧИ ПАРДА

Воқеа бўлур подшоњи қасринда. Мукамал Еврупо усулинда бежалган уйда. Керакли нимарсалар: Қизил байроқ, музика, 12 сон милтиқ, 5 дона қлич, энг аъло мебеллар, бениҳоя гўзал устоллар, 5 дона тўфангча.

Бу пардада иштирок этувчилар:

Мануил.

Дўк — подшоњи амакиси, 60 ёшинда.

Корд — генерал, 55 ёшинда.

Тогро — генерал, 50 ёшинда.

Витту — генерал.

Истур — офитсар, 40 ёшинда.

Русто — офитсар, 35 ёшинда.

Маргарет

Шекспир

Арманд.

Синъйўр.

Тауфиль.

Брога.

Икки офитсар, икки аскар.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Подшоҳ, Дўк, Корд, Тогро, Витту, Истўр,
Русто ўлтурушгон ҳолда. Парда қалқар.

Мануил (*Дўкга қараб.*). Амаки, иш жуда оғирлашуб кетди, нима қиламиз?

Дўк. Болам, нима қилар эдук, энди иш ишдан кечди. Мен сенга аввалларда минг маротаба гапурдим: «жумҳуриятчилар» қувват олуб кетаётубдур, олдини ол, уларни тутуб қама, от, ос, — десам сен ўзинг мени сўзимга қулоқ солмадинг, бепарволик қилдинг. Ешлик қилдинг. Энди нима қила олар эдук?! Иш бошинда турган кишиларнинг аксари жумҳуриятчиларга қўшулуб, аскарларнинг ҳам тўртдан уч ҳиссаси уларнинг тарафида, ҳозирда энг муҳим ўринларни ишғол қилдилар. Энди сени(нг) ҳукуматингни умри оз қолди. Эндиги чора манимча, ё қочиш, ё ўлим!

Корд. Йўқ, маңча, ҳоло ҳам ноумид бўлмоқ керак эмас. Чунки бизлардан бошқа ҳам генераллар, қанча офитсарлар ғаюрона суратда урушуб турубдур. Бизлар

ҳам яна онлар орасига боруб, муҳорибага киришмоғимиз лозим. Онлар бизни мунда подшоҳни(нг) фикрин ва фармонин олиб кел, деб юборганлар. Ҳар ҳолда энг охирғи муқобиламизни қилиб қолмоғимиз лозимдур.

Тоғро. Нима бўлса ҳам яна бир зўр беруб қолиш керак. «Ётуб қолғунча отуб қол»моғимиз керак. Чунки бир ердан агар аларга зарба ура билсак, бошқа тарафлар ҳам бизнинг манфаатимизга ва бизнинг тарафимизга оға бошлайдур. Уларнинг тарафиндаги аскарлар орасинда бизнинг тарафдорлар кўп. Лекин иш бошланувинда бизнинг мушоҳадамиз сабабли онларни ўз тарафимизга ололмадук.

Витту. Ҳар нима бўлса ҳам тез ҳаракат қилмоқ керак. Ё нажот, ё ўлум — деб энг охирғи муқобиламизни қилиб кўрайлук. Қани иқбол кимга ёр бўлур.

Мануил (*Ҳазин садо билан маъюсона*). Боринг! Тез боринг! Суюклу генералларим! Мендан бизнинг тарафда туруб тожу тахт душманлари билан мубориза қилишуб, кўксларин душман ўқиға сифар қилуб урушуб турган ҳамма мужоҳидларга меним эҳтиромим ва дарун дилдан йўллаган саломларимни элтингиз!

Ҳаммаси бирдан ўрниндан туруб чиқуб кетарлар.

Мануил. (*Кўлни чаккасига қўюб маъюсона*). Оҳ!.. Фалаки кажрафтор! Бошимга қандай оғир кунларни солдинг! Тахту бахтимдан айриладурғон соатим яқинлашуб келди... Оҳ!.. Бутун ноз-неъмат менга видоъ қиладурғон дақиқаси, ўйнамоқ-кулмоқ, айш-ишрат қилмоқ учун ясалғон бинолар шул минутдан эътиборан кўзумга бегона кўруна бошлади. Эй вафосиз дунё! Эй мурувватсиз фалак! Эй инсофсиз, мурувватсиз инсонлар! Мен сизга нима гуноҳ қилдим, сиз мени ўз оронгиздан қувасиз? Кечагина мени(нг) ошимни еб, вазифамни олиб тургон эдингиз. Бугун менга душман бўлуб, жонимни олмоқчи, қонимни тўкмоқчи бўласиз! Хайр, хайр! Мен яшамагон дунёда сиз ҳам яшай олмасиз.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ.

Шекспир, Арманд, Маргарет билан кириб ўлтурурлар.

Маргарет. Шоҳим, хотирингизга малол келмасун. Биз сизни бир ерга меҳмонга олиб кетмоқчи бўлуб келдук.

Мануил. Ҳозирги замонда меним меҳмонга борадургон вақтимми? Мени қайга бормоқга таклиф қиласиз?

Марғарет. Меҳрибон онангиз ёнига Одемира шаҳрига! Чунки кўб вақтдан бери онангиз сизни кўрмоқга муштоқдур.

Мануил. Йўқ, жоним! Мени ҳоло онамни(нг) зиёратига бормоқга вақтим мусоада эмас.

Шекспир. Сиз бизни(нг) маслаҳатимизни қабул қилинг. Ҳозирланинг, вақт ғанимат. Мунда турмоғингиз ҳикматдан эмас.

Марғарет. Жоним, сиз мени(нг) сўзимга кирмасдан қанча балоу кулфатларга учрадингиз! Эмдиги таклифим, жонингизни саломатлиғидур.

Мануил. Азизим! Сизни(нг) отангиз манга тиф тортуб урушуб турубдур. Сиз менга мунча меҳрибонлик қиласиз?

Марғарет. Сиз мени Афрўдитўга ўхшаш бевафо деб биласизми?!

Мануил. (ҳайрат билан). Оҳ... Афрўдитў менга нима қилди?

Марғарет. Сизга ҳеч нарса қилгани йўқ. Сизни алдаб, уйига олуб боруб «жумҳуриятчи»ларнинг қўлига қўл-оёғингизни бойлаб берди.

Мануил. Йўқ, бу бобда анда гуноҳ йўқ!

Марғарет. Унда гуноҳ бўлмаса, ҳамма гуноҳ сизни(нг) ўзингизда.

Мануил. Нима учун?

Марғарет. Сизни иқболингиз кетганлиги учун! Яхши кўрадургон маҳбубингизни хиёнаткорлиги учун бошингиз(г)а шундай оғир кунлар келди. Мен сизга шул кеча йўлингизни тўсуб, уйингизга боруб, қанча илтижолар қилдим. Ул юзи қорани(нг) уйига борманг, деб. Сиз қабул қилмадингиз! (*Шекспир ва Армандларни кўрсатур.*) Мана гувоҳларим ёнимда турубдур. Агар да биз боруб ул жаллодларни(нг) қўлидан ажратуб олмасак, ҳозирда ўзингизни иккинчи дунёда кўрар эдингиз. Ҳаммаси маҳбубингизни ҳийласи эди.

Мануил. Мени(нг) асир бўлувимда Афрўдитўни (нў) қўли борлигин қайдан билдингиз?

Марғарет. Мен мундан бир неча кун илгари ўзимни(нг) тилифўнимни(нг) симини сизни(нг) маҳбубингизни тилифўнини симига улаб қўйғон эдим. Кеча кундуз сиз билан они(нг) сўзлашган сўзларингизни эшитуб-билуб турган эдим. Сизнинг ул бевафо маҳбу-

бингизни «жумхуриятчи»лар билан қилгон алоқасиндан ҳам хабардор эдим. Нима қилайки, сизни(нг) иқбол юлдузингиз туғмагон экан. Бизнинг қилгон ҳамма саъйу ҳаракатларимиз ҳавога кетди!

Мануил. Офарин, сиз қилгон ҳаракатга офарин, азизим! Сени менга қилгон муҳаббатингга (*Қўлини узатуб, Марғаретни қўлини тутуб.*) Ташаккуримни изҳор қилиб қўлингни ўпайин (*Ўпмоқчи бўлур, Марғарет қўлини тортур.*)

Корд шошилгон ҳолда кирар.

Корд. Шоҳим! Зоти олийингиза арз ўлсун. Революционерлар ҳаммани ўраб олдилар. Ҳамма ерда жумхурият байроғи кўтаруб, муваққат ҳукумат барпо қилдилар. Ҳозирда бутун қувватларини қасрингизни атрофига тўпладилар. Бир тарафдан батарея тўплари, иккинчи тарафдан баҳрия тўплариндан шаҳарни кулли бўрон қилмоқдалар. Бутун халқ ҳаяжонда!

Саҳна орқасиндан тўн садолари эшитилар.

Мануил (*маъюсона, ҳазин товуш ила*). Ҳарбия вазирим саломатми?

Корд. Тургон ерига шарофил тушуб мажруҳ бўлди.

Мануил. Русто қайда?

Корд. Зоти олийингизни саломатлиги учун ўқ тегиб ўлди.

Мануил. Тогро, Виттулар саломатми?

Корд. Улар ҳам ўлдилар.

Мануил. Истур-чи?

Корд. Ул ҳам марҳум бўлди. Зоти олийингизга арз ўлсун. Бизнинг тарафдаги ҳукумат бошлуғлариндан бандангиздан бошқа саломат киши қолмади.

Мануил. Бошқа вазирларим қайда?

Корд. Кеча ҳаммалари Лиссабўнни ташлаб қочгонлар.

Мануил. Тез бор, тез! Амаким Дўкни мунда олиб кел!

Корд. Амакингизни революционерлар тутуб қамагон эмишлар.

Мануил. Бор! Тез бор! Миш-мишларга қулоқ солма! Амакимни мунда ҳозир қил!

Корд. Бош устига, хўп. Сўраб кўраман. Саломат бўлса, олиб келаман (*Чиқуб кетар*).

Мануил. Тез бор! Тез кел! (*Ўрнидан туруб у ёқ*)

бу ёқга юруб.) Ҳозир чиқиб ўзим халқга насихат қиламан. Шояд...

Шекспир (*Шоҳни сўзин кесиб*). Ҳозирда халқга насихат қиладургон вақтингиз ўтди. Энди халқ сизни (нг) шояд-моядларингизга қулоқ солмайду. Ҳозирда сиз фақат ўз жонингизни қутқармоқдан бўлак чора қолмади. Вақт ғанимат, фурсатдан истифода қилмоқ керак (*Саҳна орқасида тўп садолари*). Мундай ишлар оламда кам воқеъ бўлгон эмас. Мингларча сизга ўхшаш шоҳлар, султонлар адолатсизлигидан, тadbирсизлигиндан, золим ва қонхўрлигиндан тожиндан, тахтиндан ажралуб, ўз қўли ила камаридан шамширин ечуб, ғолиб бўлгон душманнинг қўлига таслим қилгон. Зероки ҳукми қазо ва аҳволи олам шуни тақозо қилгон.

Б а й т:

Чунин аст ойини чархи дурушт
Гаҳе пешт барин, гаҳе зер ба пешт.

Шекспир Арманд ва Марғаретга қараб ишорат қилур.

Марғарет. Жоним, холо ҳам вақт ғанимат. Боя айтганда, кўнмадингиз. Энди биз сизни кучлаб онангизни олдиға меҳмон қилуб олиб борамиз. Халқ сиздан безгон бўлса, онангиз сизга муштоқ.

Арманд. Шоҳим дунёни (нг) орқаси кенг. Сизни пўртуғол халқи қувласа, биз инглиз халқи бошимизга кўтарамиз.

Саҳна орқасинда тўп садолар.

Бирдан шоҳга ҳужум қилиб, Арманд ила Шекспир иккиси судраб олуб чиқуб кетарлар. Улар чиқиб кетар-кетмас, иккинчи тарафдан иккинчи эшикдан жумҳуриятнинг муваққат ҳукуматлари кирадилар.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ.

Синъйўр, Тауфийль, Брогалар кирадилар. Буларни (нг) орқасидан офитсарлар, қизил байроқ кўтаруб, орқасида аскарлар кирар. Саҳна орқасида музика марсельеза марш чалар.

Парда тушар.

МАҚОЛАЛАР*

* Вақтли матбуот намуналаридан танлаб олинган ушбу мақолалар қисмини Олим Тўлабоев нашрга тайёрлаган.

МАДАНИЯТ ТЎЛҚУНЛАРИ

I

Ҳар кимга маълумдирки, денгизларнинг тўлқунлари бир тарафдан иккинчи тарафга кўчуб юрийдир.

Бу кун бир тарафда тўлқун бўлса, эртаси иккинчи тарафда бошлануб, аввалги шовуллаб, қичқируб, шодлигинданми ёки бошқа бир сабабданми бир неча сажин юқорига сакрашуб тургон ерлари сукут ва сокит бўлиб қоладир. Шунга ўхшаш Бани башар¹ (Одам болалари) орасида ҳам маданият тўлқунлари қувишуб ва суришуб юрийдир. Бир аср ичинда тараққий ва маданият дунёсинда ғўта уруб, сузишуб юрган бир қавмни кўрасанки, иккинчи асрда таназзул дунёсига юзлануб, ваҳшийлик оламининг энг оғир нуқтасига боруб етадур. Бунинг сабаби ижтиҳод ва ғайратнинг озаюви, иттифоқ, инсоф ва адолатнинг йўқолуви, халқнинг илму маърифатдан узоқлашуб, бузуқ ишларга майл ва рағбатлари ортувидир.

Ҳар бир миллат маишат тарафиндан тараққийга юз қўймаса, маънавий тарафдан, яъни маърифат тарафидан ҳам тараққий қилолмас, бир кишининг ўз маишатиغا етарлик молу ашёси бўлмаса ва буларнинг сабабига ҳаракат қилмаса, моддий ва маънавий ишларни қилмоқдан ожиз қолур. Ва бундай очу яланғоч ўз авқотини ўтқараолмайтурган бир халқга маърифат, маданият, улум ва фунундан дарс вермак муносиб бир иш ўлмаса керак, чунки фақир халқларнинг кеча-кундуз фикри-зикри нон топмак ва бола-чақасининг қорнини тўйғузмақдир. Таажжубки, мамлакатимизнинг ерлари, ўсимлик тупроғи баракатлик бўлиб туруб, ерли халқ оч ва яланғоч, бойқуш каби вайроналарда умр ўтқарадирлар.

Қария² ва қишлоқ одамларини бир тарафга қўюб туриб, шаҳардаги маданияларимизга кўз солсак, маданият тўлқунлари бизларни кемаларимиз ила қаю ерга олиб кетуб турғонлиғи, очик маълум бўладир. Халқимизнинг юздан тўртини бойга, иккисини уламога, учини эшонга, бешини деҳқонга чиқарсак, қолган 86 си кўмирчи, темирчи, ямоқчи, фанарчи ва қоровулчилик каби энг

¹ Инсоният.

² Овул

паст хидматларда туруб, кунлик авқотларини зўрға ўтказадилар. Буларнинг орасида ойда, йилда бир мартаба гўшт, ёғ кўрмай умр ўткарадурғонлари, бутун йилни (нг) биргина кийим ила ўткарадурғонлари, ҳифзи сихҳат қайси, маданиятни на эканини тушунмайдирганлари кўбдир. Буларга они тушундирмак, ердан туруб, юлдузларга қўл сўзмак ила баробардир.

Бу тараққий замони ва маданият асри, билмам, бизни на ерга олиб боражак, ибрат кўзи ила Эски шаҳримизнинг мусулмон даҳаларига назар солган киши ҳар маҳаллада юздан тўқсон хоналарни (нг) бузилган, ёрилган, вайрона ва инқироз дунёсига юзланган бир ҳолда кўрадир. Гўё бу хоналарнинг деворлари, томлари лисони ҳол ила бизни илмсизлик, тарбиясизлик, тўй деб мингларча ақчаларни беҳуда исроф қилмак, тўйларда жомафурушлик қилмак вайрона ва харобазорликға солди, деурлар. Эмди, вайрона соҳибларина фақир ва хорликда яшаган, бола-чақаларини қўл кучи ила тўйдирадиргон, тўй деган ерда муқаддас Ватанини сотуб, сарф қилмоқдан тортинмайдирган «ҳозирам ҳузурам» деб истиқболини ўйламаган ва болаларининг саодатини тушунмаган бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмак-керак? Оч-яланғоч, кулфат, меҳнат ва заҳмат балолари орасида ўралиб қолган бир қавмга: «Маданиятга киригиз, мактаб солингиз, ўқунгиз, тараққий қилингиз» каби сўзларнинг фойдаси ўлмадиғи офтобдан ҳам равшандир. Бу фақирликнинг энг қўрқунч тўлқунлари орасида эзилган халқимизни тўй маразидан қутқарурга тиришмак ва илож истамак лозимдир.

Бунинг давоси ва чораси учун ҳеч бир табибига муҳтож ўлмасдан, балки бир оз орқа-ўнгға қарамак, ҳамёнининг оғзини маҳкам қилмак, иқтисодни риоя қилмак, исрофдан сақланмак лозимдир. Ажабо. Бу исроф тўлқунлари бизларни на ерга олуб борадир?.. «Дард устига чипқон» дегандек, кундан-кун бидъат устига бидъат ортмакда. Уламо, фузало ва эшонларимиз зикр ва тасбеҳ ўрнига «тўй устига тўйлар бўлсун» сўзини вирди забон қилмакда. Ағниё ва сарватдорларимиз тўй пойғаси қилуб, бир-бирларининг бор-йўқларига қарамасдан, фақир ва камбағалларимиз уйларини, боғларини, отларини, тўнларини сотиб тўйга сарф қилмакдадурлар. Бир тарафдан, маданият тўлқунлари шоширмоқда, иккинчи тарафдан фақирлик ва мискинлик кўпаймакда, яна бидъат устига бидъат ортмакдадир. Мундан беш-олти йил муқаддам энг сарватли кишиларимиз уч кундан ортиқ ош ҳам йигирма-ўт-

тиздан ортиқ чопон бермас эдилар. Ҳозир бу тарафдан кўб тараққий қилиб, олти-етти кун ош ва юзлаб чопон бермакдадилар. Аввалда бир ярим икки сўмлик чопон берадиган кишиларга, ҳозир 20-25 сўмлик зарринлар, баҳмаллар берурга бошладилар. Мана шул тариқада биз кейинга қараб тараққий қилмакдамиз, билмам, бизим бу исроф ва бидъатларимиз қачон йўқ бўлиб кетар?!..

Ҳама поён ба боло метариқад.

Ман аз боло ба поён метариқам.

II

Муҳтарам ўқувчиларга ибрат учун маданиятнинг кони, манбаъи ва чиқгон ери ўлан Осиё қитъасидаги Арабистон ярим отосини гўстаражагам. Олтинчи асрда дини мубийн Ислом ила баробар маданият денгизлари ҳаракат қилди. Ва бу қитъада яшамиш араблар ўзлари борган мамлакат ва қитъаларга маданият сувларини ҳам суруб бордилар. Орадан бир аср ўтар-ўтмас маданият тўлқунлари Осиёдан кўчуб, Оврупо қитъасини босди. Овруполилар ҳозирги йигирманчи асргача маданият тўлқунлари ичра яшадилар ва бу чолишқон овруполилар маданият тўлқунларидан кўрқмадилар, қочмадилар, ҳаракат қилдилар, асбоб ва машиналар ҳозирладилар. Ва бу маданият тўлқунларини ўзларига асиру мусаххар қилуб олдилар. 15 нчи асрда маданият сувларини суриб, Амриқо қитъасига олиб бордилар. Амриқонинг ерли ваҳший халқлари «эшиқларидан оқгон сувнинг қадрини билмадилар», маданиятга киришмадилар, қабул қилмадилар. Ота-боболаридан қолгон одатларини ташламадилар, ўзларича ваҳшатда авратларини япроқлар ила ўртуб, бошларига товус патларини санчуб, яланғоч гоҳ дарахтлар устида, гоҳ кафаларда, гоҳ ертўлаларда дўмбира ва чирмандаларни чолуб, яшай бердилар, маданият орқаларидан қувди, қочдилар. На ерга борсалар, маданият ҳам борди, қочиб қутулолмадилар, охирида маданият ғалаба қилиб, инқироз дунёсига кузатуб юборди. Мана шу жумладан, ярим-ёрти ваҳшатда яшаш Ўрта Осиёга, Туркистонимизга Русия ҳукумати ила баробар маданият сувлари келуб кирди. Ҳозир ярим асрдурки маданият бизни орқамиздан қувиюр. Биз қирдан-қирга қочурмиз, қаршимизда майшат машаққатлари чиқуб ҳужум қилур, ўнгимиздан билимсизлик ва жаҳолат келуб, жонларимизни сиқур, сўнгимиздан мусрифлик, фақирлик

ва бидъатлар чиқуб йўлимизни тўсур. Дангасалик, ялқовлик, ишсизлик устимиздан босуб бўлмак истарар. Ажабо! Бизлар ҳамон бу эскинча ромка орасидан чиқуб қочмак истамаймиз. Бир оз тушунмак ва ўйламак лозимки, бу ромка орасиндан чиқуб қочмак ва қутулмак мумкинми? Йўқми? Бизим фикримизча, қочмоқнинг имкони йўқ, қутулмаку халос бўлмакнинг фақат биргина чораси бордурки, маданиятни қабул қилмак ва маданиятга киришмакдир. Лекин киришганда ҳам маданиятнинг ҳақиқатини билмак ва ҳақиқий маданиятга киришмак лозимдир. Баъзи ёшларимизга ўхшаш усти ялтираган, ичи қалтираган бўлуб, бошларига ёвропо қалпоғини киюб «Маданият!», «Маданият!» деб оғизларини кўпуртуруб, озмоз мусулмонча, чала-ярим русча сўйлашуб кулгу бўлиб юрмак маданият бўлмай, масхарабозликнинг бир шуъбасидур. Агарда табиатнинг жиловини нафсимиз қўлига берсак, ул бизларни на ерга олуб бормасун? Чиройлик ва чикка бел қизлари ила ўйнашмакни, рестуран ва фивахоналарга боруб, қимор ўйнамак ва ичкулик қилуб, тонг отқузмакни, бир оз қизишгандан сўнг одобдан ташқари маданиятга ярашмаган сўзларни айтишмакни, ҳатто урушмакни, жабр ва зулм қилмоқни хоҳлайдир. Лекин маданият қонунида (устофида) мундай фано ва бузуқ ишлар бўлмаса керак. Маданий бўлмак ва маданиятга кирмак учун ундай ёмон сифатлардан сақланмак ва ҳазар қилмак ила баробар ҳақиқий маданият илми, маиший ва ахлоқий ишлар ила уч қисмга бўлинадир. Агар миллат болалари бу хислатни мукамал суратда ўзларига дарбар олсалар, мана шул вақтда биз «маданиятни қабул қилдук, маданий бўлдук» деб лоф урсак, мақтансак кулги бўлмаймиз.

Ёшларимиздан маданиятга лойиқ равишда ўқуб, диний ва маданий кишилар ҳозирланса, тарбия ва таълимга моҳир олим ва олима, адиб ва адибаларимиз етушса, мактаб ва мадрасаларимиз мунтазам ва тартиблик бўлса, зироат, саноат ва тижорат ишларига моҳир кишилар етушуб, замонага мувофиқ равишда иш юритилса, тартиблик «Дору-л-ятим» — етимхоналар, «Дору-л-ожизин» — камбағалхоналар, кутубхоналар ва қироатхоналар очилса, ширкат (товаришество)лар барпо қилинса, юқорида дейдигимиз каби, халқимиз орасидан замонага лойиқ улум ва фунундан бохабар уламоларимиз кўпайса, оч ва яланғоч кишиларимизнинг маишатларини тузутмак учун ҳаракат қилинса, ўқутилса, ахлоқ ва одоб ўргатилса, шул вақтда эскинча орасидан чиқуб, ҳақиқий мада-

ният бўстониға юзлангон ҳамда маданият тўлқунларидан қутулуб, соҳили саломатға чиқгон бўлур эдук. Соҳили саломатға чиқувимизга замон мусоид верурми, вермасми билмаймиз.

Илм ила олам мусаххар бўлди, биз жоҳил ҳануз,
Хоби гафлат бошимизға етса ҳам гофил ҳануз,
Очмайин ибрат кўзин биз уйқуға мойил ҳануз,
Илми ҳикматларға бизлар бўлмадук қобил ҳануз.

Шеърини вирди забон қилмакдан бошқа чорамиз йўқ.

ТИЁТР ХУСУСИДА МУНОЗАРА

I

Кунлар баҳор фасли ўлдиғиндан дарахтлар уйғонуб, яфроғлар орасидан ранг-баранг гуллар чиқармиш, ер олти ойдан бери қорнида сақлаган алвонларини юзага чиқаруб, кўм-кўк бахмал каби ёзмиш. Ҳар тарафга қишнинг зулмидан қочган қушлар келиб, ҳар хил овозлар ила нағма ва фарёд бошламиш. Гўё бутун олам уйқудан уйғонган каби ҳар бирининг юзидан янги бир «ҳис» — туйғу ва ҳаёт асари кўринур эди. Ўлтурган ерим бир яқин дўстимнинг боғи ўлуб, мендан бошқа икки меҳмон ҳам келиб қолди. Саломлашуб ҳол сўрашуб ўлтурдук. Дўстим хонасида йўқ ўлдуғидан бир оз кутмакға тўғри келди. Келган меҳмонларнинг бири муллогина, аҳволи оламдан хабардор, бир киши эканлиги сўзи ва қиёфасидан маълум эди. Иккинчиси эса, ўқумаган, чапан, қизикроқ бир киши кўринурди. Суҳбат орасида сўздан сўз урунуб кетуб тиётр хусусида сўз очилуб кетди. Буларнинг мунозараларига бир оз қулоқ солмак менга лозим бўлди.

Ч а п а н (и): — Мулло ака! Ман ул куни тиётрға бориб эдим. Хўб яхши тамоша бўлди. Кейинроқ бориб қолган эканман, арзон билет тополмай, икки ярим сўмға билет олиб кирдим, сиз ҳам бориб эдингизми?

М у л л о: — Ман ҳам борган эдим, ўйинлари кўб яхши чиқди. Ҳеч бир тиётр ўйнамаган кишилар қандай бўлур экан? Бошқа миллатлар назарида кулги бўлуб қолмасалар эди, деб хавотирда эдук. Жуда хурсанд бўлдук. Бошқалар қошида бутун мусулмонларни обрўларини олуб бердилар. Тиётр кўнгилдагидек бўлуб ўтди. Шул тиётр хусусида Тошканд одамлари етмиш фирқага бўлиндилар. Баъзилари: «Тиётр ҳаром, тиётрдан келган

оқча ҳам ҳаром», — дерлар. Ҳолбуки тиётр ҳаром эрмас, бидъат. Бидъат бўлса ҳам «бидъати ҳасана». «Бидъати сайъа»лардан эмас. Тиётр ҳар бир миллатнинг ямон урф ва одатларини йўқ қилмак учун, ўзини аҳволини тузатмак учун боқадурғон ойинасидир. Ушал ҳаром дегон кишиларнинг ўзлари мадраса ва ё меҳмонхоналарда бировни қиздан сулу(в) боласини кўзларидан мўлдир-мўлдир ёшларини оқизиб, бошига кокил солуб, «айлансун-ўргулсун» деб юрган кишилар! Ёки даллол ва яллочиларни(нг) ўйнатуб, тишларини оқини кўрсатуб, танга ташлатуб турган кишиларга билмайман нима учун бул ибратхона маъқул бўлмабдир.

Ч а п а н (и): — Йўқ, мулло ака, тиётр ҳаром бўлмаса керак. Мани бир акам ҳажга борган эди. Истанбул, Миср, Қуддуси Шариф, Қозон, Урунбургни уч-тўрт йил юруб, саёҳат қилуб келди. Тиётр тўғрисида анинг бирлан ҳам сўзлашган эдим. Ул Қозон, Миср, хусусан Истанбул тиётрларини кўб мақтайдир. Ўзинг боруб, кўзинг бирла кўрмагунча, гафуруб берган бирлан тушунмайсан, дейдир. Агар ҳаром бўладирган бўлса, Қозон, Миср, Истанбул уламолари нима учун манъ қилмаганлар? Ул ерлардаги уламолар бизнинг Тошканд уламоларини бир чўқишда қочирадирлар, дейдир. Уни-муни қўйинг, шул куни тиётрдан қанча фойда қолибдир?

М у л л о: — Салкам бир ярим минг сўм соф фойда қолибдир.

Ч а п а н (и): — О ... Аскиёчилари... Ўзлари ўн беш кишича бор эдилар. Бир кечада ҳар бирлари бир юз сўмга яқин тушурубдурлар. Мендек одам буларни бир кечада топган пулларини бир йилда қанча меҳнатлар қилуб зўрға топарман.

М у л л о: — Булар ўз нафсларининг фойдасига ўйнаганлари йўқ, миллат фойдасига, яъни жаъмияти хайриянинг фойдасига ўйнаганлар. Тиётрдан келган соф фойдани, ўзлари бир тийин олмай, ҳаммасини жамиятга берибдурлар. Аввалги Томоша боғидаги бўлган тиётрни ҳам, рамазонда мозорда бўлган Шарқ кечасидан келган оқчаларни(нг) ҳам жамиятга берган эдилар.

Ч а п а н (и): — Айтгандек, эсимда борида сиздан сўраб қолайин, Томоша боғидаги тиётрга ҳам борган эдим. Ушал куни ҳам томошада халқ кўб эди. Муллолар, бойлар ҳам бор эдилар. Нимага ўшал тиётр ҳаром бўлмай, пули ҳам ҳалол бўлуб, ҳеч ким лом-лум демасдан ўтуб кетди. Эмди бул тиётр нимага дуруст бўлмай, пули ҳам ҳаром бўлуб чиқди. Мунда нима сир бор, биласизми?

Мулло: — Ман сирини яхши билмайман, лекин эшитаманки, баъзи фирқалар бизларнинг ота-бобомиздан қолуб келган одатий тўйларимизни шеърга солуб ўқуб, ҳажв қилдилар, чилонбонка деб бойларимизни масхара қилдилар, болангни ўқутмасанг, қорнинг ёрулуб ўласан, деб кулги қилдилар, дер эмишлар.

Чапани: — Мен бир кун Пиёнбозорга чиқуб эдим, бир баққолни дўконида бир неча киши жамъ бўлуб, сўзлашуб турубдирларки, «Курьер» газетида Куръони Каримни бир жуҳуд шеър бирла ҳажв қилуб ёзибдур, деб. Мана ул, тиётрда бизни ҳажв қилди, деб ул бечораларга тишу тирноқлари бирла ёпишган ботирлар, Куръони Каримни ҳажв қилғон жуҳудни тегишлик жойда сўралмоқ учун биргина ариза ҳам қилуб бера олмадилар. Мунга нима дерсиз?

Мулло: — Эй биродар, «ямонни кучи япалоқға етар» деган сўз тўғридир. Ул жуҳуд, булар ўз мусулмонларидир. Биз, мусулмонлар ҳар вақт бир-бирларимизни чинишмоқдан бошқа қўлимиздан бир иш келмайдир.

Чапани: — Мулло ака, ўшал кун яна миллат, миллат деб бир шеър ўқудилар. Шул сўзга яхши тушунмадим, лекин қулоғимга яхшигина кирди. Бир оз йиғлаб ҳам олдим, ёнимда ўлтургон баъзи мулло ва бойлар ҳам фирқ-фирқ йиғлашуб ўлтурдилар. Аммо баъзи шул сиз айтган қўрумачиларми ё тош юракларми қиқир-қиқир кулишуб ўлтурдилар. Шундай аччиғим чиқдики, қўлимдан келса ҳаммасини тиётрдан чиқаруб юборур эдим.

Мулло: — Бизларнинг миллатимиз ислом миллати, русларники насоро миллати, жуҳудларники яҳуд миллати деб айтилу! Шул кун бизлар нимага бошқа миллатлардан кейин қолдук, нимага ҳаракат қилуб ўқумадук, ҳаммага оёғ ости бўлдук, дунёда яшамоқчи бўлсак, ҳар хил илмларни ўқийлук, ҳар хил янги ҳунарларни ўрганайлук, Биз ҳам бошқа миллатлар бирла бир...¹ кетайлук, деган мазмунда шеър ўқигон эдилар.

Чапани: — Балли тақсир.

Байт:

Қаромуғ донаси бўлгунча, буғдойни сомони бўл,
Ямонни яхшиси бўлгунча, яхшини ямони бўл, —
дегон байтни бир мулло ўртоғим ўргатуб, ҳар вақт муллолар бирла ҳамсуҳбат бўл, чапаниларга жўрабоши бўлганингдан муллаларга ошфазлик қилганинг яхшироқдир.

¹ Газета саҳифасининг шу жойи уринган, ўқиб бўлмади.

Чунки муллолардан ҳикматлик сўзлар эшитуб, яхши хулқлик киши бўларсан, чапанилардан баччабозлик, ич-кулик, қиморбозлик, самовардан самоварга юруб, саф-сатабозликдан бошқа нимани ўрганурсан деб эди. Ҳозир ман сизнинг олдингизда тавба қилдим, эмди асло муллоларнинг суҳбатидан айрилмасман. Ўзум мусулмон бўлуб туруб, ҳозиргача биргина миллат деган сўзга тушунмай-дургон даражада нодон ва жоҳил бўлуб юрган эканман. Афсус, ўтган умрларимга эмди сиз гувоҳ бўлинг, миллат деган жойда жонимни ҳам аямасман, деди. Кун кеч бўлдиғиндан бошқа фирқалар хусусида маълумот бермоқни мулло бошқа бир кунга ваъда қилди. Бир-биримиз ила хайрлашуб, боғдан чиқуб кетдик.

II

Ахшом соат бешда мулло ва чапан биродарларимиз топушуб, иккинчи бир ўртоғимизнинг боғига бордук. Борган боғимиз Тошканднинг энг ҳаводор, энг яхши ерларидан баланд бир тепалик усти бўлуб, атрофининг манзараси (кўриниш) гўё бошқа бир олам каби ёхуд Асвиҷра¹ мамлакатининг манзараси каби кўринур эди. Рўбарўмизда ўн тўрт кечалик ойнинг бизнинг мажлисимизга электр каби ишиқ ва зиё вериши, бир тарафдан, тоғларнинг устида чўқуб ётган бам-баёз қорларнинг, икки(нчи) тарафдан, кўм-кўк дарахтларнинг орасидан намоён бўлиши кўк бахмалга ўралмиш маҳбуб каби кўринур эди. Бир тарафдан, катта бир наҳр—йилғанинг суви ойнинг шуъласи ила оппоқ сут каби бўлуб, чоғлая-чоғлая оқуб келиши, жаноби Ҳақнинг қудратини исбот этмақда, табиатни (нг) хурсанд қилмоқда эди.

Мулло:—

«Ажаб ибратнамодир бу жаҳоннинг боғу саҳроси,
Тўлин ой сайр этадир-да, ит ҳурардин йўқту (р)
парвоси»,—

деб сўзга киришуб, бу байтни ўқиди:

«Умринг ўтса, хуш ўтсун, дунёда аҳли дил ила,
Меҳнати жондир, вале ўлтурма ноқобил ила.»

«Ухшатмай учратмас» деганларидек, биз бир-биримиз ила хўп яхши танишдик, тез-тез суҳбат қилишуб, дилларимизнинг чигилини ёзишиб турайлук.

¹ Швейцария

Ч а п а н (и) : — Аввалги мажлисда менга тиётрдан тушкан оқчаларни жамъиятга берурлар, деб эдингиз. Ул қайси жамъият? Руснинг жамъиятими ёки мусулмонларнинг ўзлари бошқа бир жамъият очканларми?

М у л л о : — Вой-бўй! Ҳозиргача билмас экансиз, бу йил беш йил бўлди, мусулмонлар ўзларига махсус «Жамъияти хайрия» очганлар. Тиётрдан тушган оқчаларни шул жамъиятга берурлар.

Ч а п а н (и) : — Жамъият бу оқчаларни олуб, қаю ерларга ва нималарга сарф қиладир?

М у л л о : — Жамъият тарафидан очилган камбағалхоналарга, бева-бечораларга, мактаб ва мадрасаларга, муҳтож ўқувчиларга ёрдам қиладир ва шуларга ўхшаш ерларга сарф қиладир.

Ч а п а н (и) : — Ой... дуруст, Қаландархонага яқин кўнка йўлида очилган камбағалхона шул жамъиятникими? Бир кун бориб кўрган эдим, беш-олти кўр, шол ва камбағаллар ётар эканлар. Ҳар бирларига алоҳида қарават, жойлари озода, ҳар ҳафта кийимларини ювдуруб, ўзларини ҳаммомга олиб бориб турар эканлар. Махсус бир хизматчи ҳар куни палов—ош қилиб берур экан. Иттифоқо, бир куни бошқаларини сўзлари ила хидматчи сўк оши қилиб берган экан, бир кўр «Ман сўк ошингни ичмасман!» — деб аразлаб кетибдир. Хидматчи боруб, они Хадрадан зўрға қайтаруб, олиб келибдир. Мундай яхшиликни кўрларга оталари ҳам қилган эмасдир. Тақсир, бу жамъиятнинг бошлиқлари ким?

М у л л о :—Раиси ҳурматлик Боқихонбой Додахонбой ўғиллари. Муовун Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Хазинадор: Илҳомжон Инъомжон ўғли, муовини Ҳусанхўжа Додахўжа ўғли. Саркотиб: Башириллохон Асадуллахўжа ўғли. Муовин: Абдусамиъ Қори Ҳидоятбой ўғли. Идора аъзолари: ҳурматлик Абдували ҳожи Абдулмаликбой ўғли, ҳурматлик Тожимуҳаммад Исомухаммад ўғли, Мунаввархон Абдурашидхон ўғли, Низомиддин Қори Мулло Ҳусайн ўғли, Убайдуллахон Асадуллахўжа ўғли, Қаримқори Кўчакбой ўғли, Абдусамиъ Қори Ҳидоятбой ўғли, Қаримбек Норбек ўғли ва мулло Абдуллоҳ Авлонийлардир. Тафтиш аъзолари: Ҳурматлик Қошифхон эшон, Орифхўжа қози ва Тошҳожи Туёқбой ўғлидирлар.

Ч а п а н (и) : Балли, тақсир, жамъиятни яхши билдим, худо хоҳласа, қўлимга пул тушса, олти сўм беруб, ман ҳам аъзо ўлурман. Эмди тиётрга қаршу бошқа фирқалардан маълумот берингиз.

Мулло: — Тиётр хусусида баъзи фирқалар шамъ каби ўз этларини ўзлари еб, куюб, ўртануб, ичларидин қиринди ўтуб юрган эмиш. Ўзларининг куюб ўртанганлари бир сари, тиётр ўйновчи бечораларни ҳам тинч қўймай, қора кўнгиз каби ҳар бир ерда сосуб, куракда турмайдургон сўзлар ила мактублар ёзуб, ул бечораларни (нг) яқин кишиларига махфий тарқатиб юрган эмишлар. Ҳозирда буларнинг қўлларига ул виждонсизларнинг ёзган хатларидан йигирмага яқин тушган эмиш. Ул мактубларни кимлар ёзганлиғи, конвертларини қаердан олинганлиғи, адрисларини кимлар ёзганлиғи сезилуб қолибдур. Аммо булар ҳар бир ишни очуқ-ойдин ва ошкор қилиб юрган кишилар ўлдиғиндан бу ишни ҳам тейишлик жойларда майдонга чиқарсалар керак.

Чапан (и): — Мен ҳам эшитган эдим, тиётр ўйнаган кишиларнинг ҳақларида ямон сўзлар ёзуб, уёт жойларига тил текизибдурлар.

Мулло: — Нима дедингиз?

Чапан (и): — Уёт жойларига тил текузубдурлар. ... Тил! ... Тақсир! Мулло бўлуб туруб шунга тушунмайсизми? Яъни ямон жойларига оғиз солуб, чайнамишлар. Буларни қўяберинг, ўзларидан ўзлари куюб, кул бўлуб, ёки сил бўлуб, ўлуб кетурлар. Бошқа фирқалардан сўйлангиз.

Мулло: — Баъзи фирқалар тиётрларнинг ҳаром эканлиғига фатво сўраб, эшик-баэшик саргардон бўлуб, юрган эмишлар. Аммо тиётр ўйновчи кишиларнинг қўлларида Тошканднинг машҳур муфтилари тарафидан қилуб берилган фатволари бор эмиш. Мард киши майдонда сайлансун! Мана ҳозирда, нуфуси Тошкандда турки тилда чиқадургон газетамиз икки бўлди, баним фикримча кучлари бўлса, қоронғу ва ҳеч киши йўқ уйда туруб бақирмасдан, матбуот воситаси ила кўнгилдаги ғарази ҳабжўшоналарини ёхуд хаёли фосидоналарини жаридаларга ёзуб, очуқдан-очуқ сўзласалар, яхши бўлур эди.

Чапан (и): — Тақсир! Қоронғу уйда сўзламай, очуқда сўзласунлар, дейсиз. Товушимни одамлар эшитсунлар, деб уйни томини очуб сўзлагунча, эшикларини очуб сўзласалар, бўлмасмукин?

Мулло: — Йўқ, сўз унда эмас, буғдойда. Тиётр ўйновчи кишилар Жаноб губернатордан ижозат олуб, бош ҳокимларининг фармойишлари ила сўзлайдирғон сўзларини эълотномага ёзуб чиқаруб, ҳар кимга маълум ва ошкора қилуб сўзламишлар.

Ч а п а н (и) : — Ул қоронғу хужрада хат ёзган кишиларнинг сўзлари ҳам маълум ва ошкор бўлибдур-ки, мана, сиз эшитубсиз, мен эшитибман. Бошқа одамлар ҳам эшитгандир. Ҳукуматимиз ҳам эшитган бўлса керак. Мунга эълотнома нима керак, эълотнома ёзуб, чиқаруб қоронғу хужрада маймун ўйнатиб берадирларми?

М у л л о : — Ман сизга қачон хужра дедим? Ман уй десам, сиз хужра дейсиз!

Ч а п а н (и) : — Тақсир! Уй нима, хужра нима? Иккиси бир маъни. Яъни масалан: уй бир оз каттароқ, хужра бироз кичикроқ бўладир. Аммо уй бир оз ёруғроқ, хужра бир оз қоронғуроқ бўладир. Сиз қоронғу деганингизга маним хаёлимга хужра келиб, оғзимдан хужра чиқиб кетибдур. Афу қилинг, айбга буюрманг, тақсир!

М у л л о : — Айб сиз ва бизда эмас, индамасда. Утган мажлисда ўзаро сўзлашган сўзумизни оқузмай-томузмай, ҳамасини «Садойи Туркистон» жаридасига ёзиб чиқарибдир. Ул махфий мактуб ёзғучилар эшитиб қолуб, бизларга ҳам мактуб ёзсалар, нима қилурмиз?

Ч а п а н (и) : — Ғам чекмангиз! Аларнинг ёзадурғон хатлари менга маълум. Конверти сариғ, маркаси йўқ, адреси ҳам билиниб турадир. Олмаймиз—қўямиз!

М у л л о : — Бизга ёзмаса, Индамасга ёзар, Индамас жаридага ёзар, онда нима қилурмиз.

Ч а п а н (и) : — Ёзса ёзаберсун! Бизга нима ғам. Бизлар қоронғу уйда сўз сўйлашиб турганимиз йўқ, опочуқ сутдек ойдинда сўзлашуб турубмиз.

М у л л о : — Биламан, бизларга ғам йўқ, лекин бизни «хафа қиламан» деб, мактуб ёзган кишиларга ачинаман. «Қинғир иш қирқ йилдан сўнг маълум бўлур» деган сўз бор. Бир кун эмас, бир кун қилган ишлари юзага чиқуб қолуб, «бизлар учун қазиган чуқурларига ўзлари йиқилуб кетмасалар эди», деб қўрқаман.

Ч а п а н (и) : — Ғам еманг, тақсир! Тифлисда чиқадирган «Мулло Насриддин» деган бир журнал бор. Шунинг бир мухбири баъзи вақтларда жаҳаннам чуқурига тушуб туриб, хат ёзадир. Бу махфий хат ёзадирган кишилар ҳам «Асфаласафилин»га тушуб кетсалар ҳам хатларини ёза берадирлар. Буларни қўё беринг, эмди иккинчи тиётрнинг бўлишидан сўзланг!

М у л л о : — Иккинчи тиётр яқинда бўладир, ҳозир муни қўюб турайлук, ўтуб кетган бир тиётр мунозарасини шунча чўзуб, хаёлий сўзлар ила умримизни ўтказдук. Эмдики мажлисимизда сўзланадурган сўзларимизни миллий, адабий, фанний, илмий ва ахлоқий сўзларга олиш-

тирмоғимиз лозимдир деб сўзига хотима чекди. Бир-биримиз ила «Ахшомингиз хайрли ўлсун!» деб боғдин чиқуб кетдук.

КИМ НИМАНИ ЯХШИ КЎРАР?

Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, ҳунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдур-ғондурсиз? Йўқ, бу фикрингиз ёнглиш. Эшонларимиз тоат ва ибодат, панду насиҳат, зикру тасбеҳ ўрнига тўйларда тўн киюб кўп ошаб, кўп ухлашни яхши кўрурлар. Уламоларимиз дарсу таълим ўрнига, бир-бирлари ила ўрун таллашиб мукаррир ва мударрис бўлишни, ўзлари бўлолмаё қолсалар, эшикма-эшик юруб сайловни бузишни яхши кўрурлар. Имомларимиз, халойиқга ваъз ва насиҳат ўрнига, тўй ва жанозаларда юруб, жома кийишни яхши кўрурлар. Бойларимиз орқа-ўнглирига қарамасдан, фойда ва зарарларини ойирмасдан бир-бирларига рақобат қиламан, деб «бонка» ва «кредит»ларини кўпайтуруб, дўффилари тор келганда рус ва яҳудийларнинг молларини букуб-синишини яхши кўрурлар. Мўйсафидларимиз намоз ва ниёз ўрнига, масжид эшигига йиғилуб ўтуруб, ҳар кимни ғийбат ва шикоят қилишни яхши кўрурлар. Муаллимларимиз бир-бирларидан қизғонишиб, болаларни арзон ўқитаман деб, бир ўзларига юз, юздан ортуқ бола йиғуб, ўзлари тўй ва маъракаларда болаларнинг умрини бекор ўтқаришни яхши кўрарлар. Савдогарларимиз: «тўйликни тўйи ўтар, тўйсизни кўни ўтар» деган сўзга амал қилмай, қайси маҳаллада тўй бўлса, дастурхончилик қилишни яхши кўрурлар. Муаззинларимиз азонни яхшилаб адоён махраж қилуб айтишни ўрганмай, бир жойда тўй бўлуб қолса, «Фалончиникига ошга-ҳо!» деб қироат ила қичқиришни яхши кўрурлар. Дўкандорларимиз ишларини тартиб-ла солмай, замонага мувофиқ иш юритмай, Маллахон замонидан қолғон эски дўкон, эски тос, эски тартибларини яхши кўрурлар. Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-таллашуб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар. Оталаримиз болаларига ўқутмак ва таълим бермак ўрнига «Ўғлум эмди каттакон йигит бўлдинг, шунча ўқуганинг етар, пул топ!» — деб «ташишка» — ҳаммоллик қилдиришни яхши кўрурлар. Косибларимиз бир-биридан молларини арзон сотаман деб тезгина йиртиладурғон, тикишлар ундан уруб, мундан чиқғон, сувни етти чақирим ердан чақирадурғон маҳси ва этиклар тикуб, сотишни яхши кўрурлар. Заргарларимиз йигирма тийинлик кумуш, ўн тийинлик

тилло орасига мум ва сақичлар жойлаб, исмини қиз ҳайрон, зебигардон қўюб, беш-ўн сўмга сотишни яхши кўрурлар. Табибларимиз долчин, занжабил, ҳуббул малик, филфил каби бир неча атторни қутисида йўқ нарсалардан мураккаб дору ва маъжунлар ясаб, бечора нодон халқни пулини олишни яхши кўрурлар. Машшоқ ва ҳофизларимиз тўй ва базмларга бир мардакни (нг) исмини бачча қўюб, ўзлари ила баробар олиб юруб, «миллий адабиёт» ўрнига «Хоним ялола, бегим ялола» деб баччага ташлаётган пулларни бўлуб олишни яхши кўрурлар. Саводхонларимиз жарид ва журналлар, тарих ва рўмонлар ўрнига Дақенус замонидан қолгон, хурофотлар ила тўлгон «Андоғ урдиларки, гард-гард бўлуб кетди», деб лофлар ёзилгон китобларни оғизларини кўфуртуруб ўқумоқни яхши кўрурлар. Йигитларимиз миллий мажлис ва суҳбатлар ўрнига тўкма ва самаварларда, раста ва дўконларда ўлтуруб, «Фалончининг ўғли хўб яхши бола бўлубдур, кеча фалончининг меҳмонхонасига қамаб, қийқиртируб базм қилдук. Эмди фистончининг ўғлини (нг) ҳам бир базм қилсак, дунёдан армонсиз кетар эдук» деб, исломиятдан узоғ инсоният номига ярашмаган ишларни қилмоқ ва сўзлашмоқни яхши кўрурлар. Ёшларимиз илм ва маърифатли бўлишни, ҳунар, санъат ўргонишни ўрнига, ўзларига зеб беруб тор шим ила калта камзул, қотирма ёқаларга бино қўйишни яхши кўрурлар. Ишчиларимиз илм ва ҳунардан маҳрумлиги сабабли бошқа миллатлар илму маърифатлари соясида кунига 4—5 сўм ишлаб турган бу замонда кунига уч тангага мардикорликни, ойига ўн беш сўмга қоровулликни, йигирма сўмга фанар ёқишни, ўн сўмга кўнка йўлини тозалашни ва шуларга ўхшаш энг паст ва оғир хизматларни яхши кўрурлар. Болаларимиз оталаримизнинг илм қадрин билмаган, илм учун пулни кўзлари қиймаганлик сабабли ўқумоқ ва ўрганмоқ ўрнига «Оҳ пул, жоним пул», — деб «ташишқа» ҳаммолликни яхши кўрурлар. Муҳаррирларимиз кўб-кўб оқча олиб, оз-оз ёзишни яхши кўрурлар. Муштарийларимиз фойдали мақолалар ўрнига хабарларни яхши кўрурлар. Думаларимиз мажлисга келиб, устулга суёлуб фароғат қилиб тургон вақтларида, бир тарафдан қаттиқроқ товуш чиқса чўчиб уйғонишни яхши кўрурлар. Шоирларимиз миллий шеър ва адабиёт ёзишни ўрнига мувашшаҳми ёки «қошингдан, кўзингдан», — деб, жавонларни мақтаб фасод ахлоқга сабаб бўладургон шеърлар ёзишни яхши кўрурлар. Аммо мен бўлсам, ҳозирги замонда индамасдан туришни яхши кўрурман.

ЎЗ ШАҲРИМДА САЁҲАТ¹

Кўраманки, баъзи одамлар саёҳат қиладилар. Жарида ва журналларга қилган саёҳатларини, кўрган-кечирганларини оқизмай-томизмай, игнасида ифигача ёзадирлар. Ман уларнинг ёзганларини кўруб, аччиғим чиқуб айтур эдимки, «саёҳат нима деган гап, мундан нима маъно чиқар?» деб. Эмди бир оз ақлимни бошимга йиғиб ўйлаб кўрсам, тушунсам, кўз олдимга аллақанча фойдали ишлар ва манфаатлик шайлар келиб чиқди. Масалан, бир киши ўз шаҳридан чиқуб, ўзга бир вилоятга борса, ул ердаги инсонларнинг турмушидан илм ва маърифатидан, ҳунар ва санъатидан, тил ва адабиётидан, қиёфат ва ҳайъатидан, шаън ва шавкатидан, ҳол ва қутидан, қадр ва қийматидан, савдо ва тижоратидан хабардор бўлуб, ўзига ва ўз миллатига фойдалиқ аллақанча ҳисса ва маълумотлар олур экан. Эмди мен ҳам ўзумга жазм қилдимки, бир саёҳат қилсам деб. Лекин бир тарафдан йўқлигим, иккинчи тарафдан ёрдамсизлигим асар қилуб, бир тарафга бормоқга йўл бермас эди. Ҳимматлик бир киши йўқки, «мана, индамас афанди, бу оқчани ол, сен ҳам бир саёҳат қилиб кел!» — деса. Эмди, нима қилай, бошқа вилоятларга бормоқга кучим етмаса, худо бир мўмайроқ пул берганда қиларман-де. Унга ҳеч бўлмаса ўз шаҳримни айлануб, саёҳат қилиб турай, деб, уйимдан чиқуб, раста ва бозорларни айланмакчи бўлдум, йўлда кетатуруб, кўнка аробасига туштум. «Юрганда юрагим эланур» деганидек шундоғ қаттиғ совуқда кўкраги ва елкалари очуқ бир неча мусулмонларни кўруб онларга боқуб:

Б а й т :

Динингиз Ислому исмингиз мусулмон сизи,
Шаклингиз инсониятдан қанча ўзғондир сизи,—

деб, кўнкадин тушуб йўлимга жўнаб кетдим.

Андоғ нарироғ борсам, қайси кўз ила кўрайки, бир мусулмон бир баққол ила ёқалашуб, муштлашуб хотун демай, қиз демай, оғиз демай, бўғиз демай сўкишуб турибдурлар. Ва бир неча мусулмонлар орачилаб ўртага тушуб, оларни зўрға ажратуб қўйдилар. Сўрадимки, баққол ака, нима талашуб урушдингиз?

Б а қ қ о л : Эй ўртоқ, нимани сўрайсан?

¹ Мақола сарлавҳасиз босилган, шартли равишда шундай номланди (О. Т.)

Олти ой бўлди, насяга мол олғониға, эмди пулни бер десам, ёқалашуб кетди.

Б а й т :

Бировга нася қилма, эй дўкондор,
Олур вақтингда муштлашмоқ на даркор, —

деб, йўлимға жўнаб кетдим. Мундан нарироғ борсам, бир самавар — чойхона ичи тўла мусулмон, бир-бирлари ила чағир-чуғир сўзлашурлар, оғизлариға боди кириб, шоди чиқадур. Сўзлашвотган сўзлари авбошнинг кафшига ўхшаш пойма-пой.

Уйла бир «яхши» ва «мазали» сўзлар сўзлашурларки, курак бир тарафда турсун, занбилда ҳам турмайдир. Хайр, бизим миллатнинг ёшларининг аҳволи шундай бўлса, кимдан яхшилик умид қиламиз.

Б а й т :

Миллатинг авлоди сизлар бўлсангиз, эй ёшлар,
Сўзларингизға йилонлар пўст ташларни бошлар —

деб, йўлимға жўнаб кетдим. Мундан бир оз юруб, бир мадрасанинг эшикига бориб етдим. Мадрасанинг ичига кириб бир муллабаччаларнинг аҳволини, дарс ва мунозараларини, такрор ва мутолааларини, имтиҳон ва муколамаларини кўрмоқчи бўлдим. Мадрасанинг ҳужралари бутун муллабаччалар билан тўлгон, ҳар бир ҳужралардан мунозара ва муколама қилгон муллабаччаларнинг товушлари қулоқларингизни жангарлатуб юборадур. Бутун ҳужра гумбазларини бошлариға кўтарадирлар. Бир ҳужранинг эшикиға боруб, қулоқ солсам биргина «алиф-лом» тўғрисида аллақанча жанжал ва муноқшалар чиқарурлар. Бири: «Бу ердаги алиф-лом «аҳди хорижи», бири деюрки йўқ, «аҳди зеҳний», бири деюрки, «йўқ, жинс», яна бири: «йўқ бу ердаги алиф-лом «истифроқ», — деб, ҳар бирлари ўз сўзларин мақбул қилмак хусусида қанча далил ва мисоллар келтирар эдилар. Иккинчи ҳужрага боруб қулоқ солсам, бир жумла хусусида бир неча муллабаччалар суғро ва кубролар тартиб этуб, мунозара ва муноқашалар қилур эдилар. Мундан боруб дарсхона эшикиға қулоқ солсам, домла ҳазратлари бир неча муллабаччаларга «Шарҳи мулло»дан бутун хавашлар ила жиҳор қироат қилуб, дарс бериб турубдирлар. Ва ул дарс ўқуб тургон муллабаччаларнинг аксари ила тонишлигим борлиғидан қувваи илмиялари манга маълум, фақат матн ўқимоқға зўрғагина кучлари етадургон

кишилар эди. Домла ҳазратларининг беруб турғон дарслари қозоқға Бедил ўқуб берган қабалинда ўлса керак, деб хаёлимға келуб турғон вақтда, бир муллабачча ёнимга келуб: «Қимда ишингиз бор, нима қилуб юрубсиз?», — деди. Ман муллога: «Мадрасангизда фикҳ, ҳадис каби улуми диниядан дарс этадирғон домла борми?» — десам, муллобачча: «Йўқ, биродар бизлар аввал шул сиз айтган илмларнинг арра-тешасини, яъни асбобини ўқуймиз. Бизлар шул наҳв, сарф илмини яхшилаб билуб олсоқ оят, ҳадисларға ҳам маъно беруб кетаберамиз», — деди. Ман: «Мулло ака, шул сиз айтган даражада билабилмак учун неча йил ўқумоқ керак?». Муллобачча: «Агар худо лойиқ кўрган бўлса, ўн беш, йигирма йилда тамом қиламиз». Ман: «Нимага биргина наҳву сарф учун шунча кўб умр керак бўлсун, тезроқда тамом қилиб бўлмайми?» Муллабачча: «Бизнинг йигирма йил деганимиз «ҳисобда бор, ҳамёнда йўқ» қабалиндан бўлуб, фақат йил ҳисоби илагина йигирма бўладир. Аммо кун ҳисобиға келганда ҳисобимиз чатоқ». Ман: «Нима учун чатоқ бўлсун, бир йил ўн икки ой, қамарий ҳисоб бирла 354 кун, шамсий ҳисоби бирла 366 кун бўладир-да». Муллабачча: «Эй биродар, бир йил 366 кун бўлишини бизлар ҳам яхши биламиз. Сиз бутун йил, бутун ой ва тун-кун ўқийдур деб ўйлайдирғондирсиз, йўқ, бизларда олти ой таҳсил, олти ой таътил, яъни ҳафтада тўрт кун таҳсил, уч кун таътил деган гап бор. Мана шул тўрт кун ичида ҳар кун бир соатдан дарс ўқусак, бир йили комилда неча кун дарс ўқуғон бўламиз?» Ман: «Олти ойда, ҳафтада тўрт кун, ҳар кун бир соатдан дарс ўқусангиз, бир йили комилда 136 соат дарс ўқур экансиз. Аммо тартибли мадрасаларда бу сизнинг бир йилда ўқуғон дарсингиз ҳафтада олти кун, ҳар кун олти соатдан ўқуб, тўрт ҳафтада тамом қилурлар». Муллабачча: «Биродар, бу айтвогган сўзингиз тушингизми, ўнгингизми? Қайда ул сиз айтган мадрасалар? Бизнинг Тошканд мадрасаларининг ҳар бирида шул тариқа ўқиладур. Балки Бухоройи шарифда, Ҳўқанд, Андижонда, Марғилонда, Наманганда ҳам шундай тартиб бирла ўқуладур?» Ман: «Мулла ака, мен сизга Туркистон мадрасаларини айтмайман, Қозонда, Уфада, Уринбургда, Истанбулда, Мисрда, Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунавварада ҳам шул тариқа ҳафтада олти кун, ҳар кун олти соат дарс берадирғон тартиблик мадрасалар бор. Мана кўб узоғга кетмасдан яқингина ҳукуматимиз ўлан Русия мактабларининг ҳам ибтидоийсидан бошлаб то дорилфунунларигача ҳафтада олти кун ҳар кун 5—

6 соатдан дарс ўқуладур». Муллобачча: «Биродар, сиз манга рус мактабларини кўрсатасиз, ман русча ўқимоқчи эмасман, аввал сиз айтган Қозон, Уфа мадрасаларида ҳам русча ўқитиладир деб эшитаман. Аммо ман русча ўқуб тилмоч бўлмоқчи эмасман. Худо хоҳласа, ўқушимни тамом қилуб, мулло бўлғонимдан сўнгра бир ерга имом бўлмоқчиман», — деди-да, нафасини ичига олуб, узун бир оҳ тортуб юборди. Ман: «Хайр, жаноби Ҳақ умрингизга, илмингизга баракат берсун, тезгина тамом қилуб мақсудингизга етингиз».

Б а й т :

Ҳар кимни иши эмас улоғ овламоқ,
Мадрасада ётуб тупроғ ёламоқ, —

деб, индамасдан тўғри уйимга қараб жўнаб кетдим.

КАЙФИМ УЧДИ

Бир кун томоша боғ ёнидаги Қауфман губирнатурнинг ҳайкалига яқин бир чорпояда ҳушум оғуб ўлтуруб эдим. Тошкандимизнинг машҳур бойларидан бирининг бир ақллик оти бўлур экан. Мазкур бойнинг банкга тўлайдургон «платужуи» бўлур экан. Бой афанди шул кунни тўловни эсидан чиқаруб, тўйдаи, зиёфатдаи тўловдан кўра ошовни ғанимат билиб, кайфи сафо қилиб юрган бўлур экан. Жонивор ўрганган отни кўрсангиз, «вақти ўтмасун, вексил натариусга чиқмасун», — деб, қуруқ каласкани тарақлатуб олиб қочуб, келиб тўғри подшоҳлик банкининг эшигида тўхтади. Инсоф қилинг. Бой афанди тўйда юрса, тўловга тўлайдирган оқча уйда турса, жонвор ақллик от Хулоқунинг итидек югуруб юрса, борса-ю вексилнинг муддати ўтуб, протес бўлуб қолса, бечора отнинг чеккан меҳнати бекорга кетармукин? — деб мунда бир «ҳангим учди».

Ултурган еримда ўзумдан ўзим дунёнинг бевафолигидан, ҳозирги замонда баъзи бойларимизнинг маккорлигидан шикоят қилуб туруб, юқорида мазкур бой афандининг оти қуруқ каласкани олиб қочганига ўхшаш мени ҳам хаёл олуб қочуб, уйқу дунёсининг эшигига олуб боруб тўхтабдур. «Белбоқсизни тушига икки қари(ч) бўз кирар» деганларидек, тушимда ажиб бир воқеани кўрдимки, шундай бир қизиқ воқеани жонли суратда ҳам кўрганим йўқ эди. ... — бой... — бой ўғли деган бир бой ҳамма ёру биродарларини чақируб, улуғ бир зиёфат қилуб, илтимос қиладирки, «Биродарлар! Мени ҳолим танг,

Б а й т :

Бар ин равоқи забаржад навиштаанд безар-
Ки, жузи некуйи аҳли карам нахоҳад монд,

Т а р ж и м а с и :

Забаржад тоқ уза олтун била бу сўз ёзилмишдур,
Карам аҳлининг эҳсонидин ўзга қолмағай боқий,

САНОЕ НАФИСА¹

Инсон болалари энг эски замонларда йиртқич ҳай-
вонлардан ўзларини сақламоқ учун тоғ тешукларида,
фор (моғора)ларда яшаган вақтларида тинч ётмаганлар,
жим турмаганлар.

Секин-секин тоғ тешукларидан бошларини чиқариб,
табиатнинг ясаган ва ўсдирган, вужудга чиқарган жон-
лиқ ва жонсиз нарсаларини синчиклаб текшириб қарай
бошлаганлар. Кўнгилларига ёқишган, кўзларига яхши
кўрунган ҳайвон ва бошқа нарсаларнинг расм, ҳайкал-
ларин (гавдаларин — А. А.) қандай қийинчиликлар би-
лан бўлса-да, тошларга, тошлардан ва темирлардан чў-
кичлар ясаб, суратларини, расмларини ўйганлар. Кел-
гуси учун ёдгор қолдирганлар.

Масалан икки кийик бир-бири билан сузишиб тур-
ганлиги ёхуд бир тоғ такасининг семируб кўграб юрган-
лиги ёки бир тоғ буқасининг бақириб, ҳайқируб, думи-
ни хода қилуб, озод ва сарсин юрганлиги ёки йиртқич
ҳайвонларнинг бошқа ҳайвонларга қилиб турган зўрлиқ
ва йиртқичликларин кўрганлар-да, мутаассир бўлган-
лар. Мана бу дилларидаги таъсир ва ҳиссиётни тўхта-
та олмаганлар ва шу ҳиссиёт тўлқунини ўзларидан сўнг
қоладирган болаларига англатмоқ нияти билан минг ма-
шаққатлар билан тошларга ўйиб қолдирганлар. Мана
бу гавда (*ҳайкаллар* — А. А.) лар бизларга ишланган
(*ёдгор* — А. А.) эскартмалардир.

Барги дарахтон сабз дар назари хушёр,
Ҳар варақаш табиати рўзгор² —

Мана бу дунё юзида инсон болаларининг саное нафи-

¹ Мақолани нашрга ТошДУ аспиранти У. Жўрақулов тай-
ёрлади.

² Дарахтларнинг ҳар бир яшил барги, Хушёр назарида бу
турфа оламнинг варақларидир.

сага қўйган биринчи одим (*қадам* — А. А.)лари ҳисобланадир.

Олар шунинг билан тўхтаб қолдиларми?

— Йўқ!

Яна шул текшириш, синчиклашдиришларинда давом қилдилар. Ҳайвонларни текширувдан сўнг қушларни суришдиришга ўтдилар. Баҳор мавсумларида чечакларнинг ҳажрида маст бўлиб сайраган қушларнинг ёқимли товуш (*садо* — А. А.)лари ҳушларига ўтирди-да, онлар ҳам ихтиёрсиз равишда шу қушларга товушларин ўхшатмоқ, гўё қуш каби сайрамоқчи бўлдилар.

«Сайра булбул, сайра чинорни шохи синсун,
Ёр айриламам деди айрилиб кўнгли тинсун» —

деюб улар ҳам нағма ашула қила бошладилар. Мана бу даврни саное нафисанинг адабиёт даври дейилур. Лекин аввалги санъатларига қараганда сўнги санъатлари аввалгидан муҳимроқ ва яхшироқ бўлиб, мутаассир бўлмоқ ҳар кимга насиб бўлмас эди.

Узоқ ерларда яшовчи ўртоқлари келуб кўрмоқлари лозим келарди. Аммо бул иккинчи ишлаб чиқарган санъатларин шундоғ қулайлиги бор эдиким, тилдан-тилга, оғиздан-оғизга, элдан-элга кўчуб юрарди.

Шундоғ қилиб шодлик кунларин шодлик қўшиқлари билан тасвир қилсалар, ғамлик кунларин қайғулиқ ашулалари билан изҳор қилар эдилар:

«Булбулим учди қўлумдан қайда меҳмондир букун,
Булбулимни йўқотиб, кўнглим паришондир букун».

Гўзалларидан, маҳбубаларидан, борларидан ажралганликларин бошқа ўртоқларига ҳам маълум қилар эдилар. Бора-бора шунга ҳам қаноат қилмадилар.

Дарахтларнинг шоҳларига илиниб қолгон ҳайвонларнинг ичакларин ҳавонинг таъсири билан қуриб, шамолнинг таъсири билан «тинғир-тинғир» қилган товуши (*садо*си — А. А.) кўнгулларига ўтурди, хуш келди.

Ўзларининг ашула ва қўшиқларига жўр-жўравоз қилмоқ учун ҳайвон ичакларидан «тор» ясаб мусиқий асбобларин юзага чиқардилар. Бу санъатлари аввалгиларига қараганда энг нафис, энг муҳим, энг руҳлик бир санъат бўлиб чиқди.

Лекин онлар бу санъатларни текширув ва қайғирув орқасида чиқордилар-да, бизларга ёдгор ўлароқ қолдириб, ўзлари кўздан ниҳон ўлдилар.

«Инқилоб» журнали, 1922, 1-сон, 41-бет.

АФҒОН САЁҲАТИ*

1336 ҳижрий 16 рамазон
1919 мелодий 15 июн.

1919 мелодий 15 июнда кеч соат 6 да Тошкандан Афғонистонга қараб ҳаракат қилдук. Бизим ила бирга

* 1978 йилда Авлоний таваллудининг юз йиллиги муносабати билан шоирнинг шахсий архивини кўздан кечирар эканмиз, Афғонистон сафари кундаликларига дуч келиб қолдик. Абдулла Авлоний республика партия ва ҳукуматининг топшириғи билан 1919 йилда РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссариатининг вакили Н. З. Бровинга муовин тайинланиб, Афғонистонга борган. Уша йили сентябрда афғон ҳукумати билан олиб борилган музокара-ларнинг барчасида иштирок этган. 1919 йилнинг 26 октябридан 1920 йилнинг 28 июлига қадар Шўроларнинг Ҳиротдаги мухтор элчиси бўлиб турган эди. Бу маълумотлар шоир таржимаи ҳолида, шахсий архивидаги қатор ҳужжатлар, хусусан, Афғонистон сафарига оид расмий ҳисоботларида бор эди, албатта. Чунончи, Авлоний ва унинг ҳамроҳлари Тошкентдан Кобулга 68 кун деганда етиб борганликлари, йўлда жуда қаттиқ қийинчиликларга дуч келганликларини билардик. Шунга қарамадан, кундаликларнинг топилиши катта воқеа бўлди. У аввало, халқимиз, мамлакатимиз тарихида гоят оғир бўлган 1919 йил воқеаларини, очлик, вайронгарчиликни самимий ва рўйроқ етказгани билан муҳим эди.

Иккинчидан, кундаликнинг узоқ вақт ёруғлик кўрмай келганлиги сабаблари ҳам англашилгандек бўлди. Муаллиф миллий муносабатларда ўша пайтлари кўзга тез-тез ташланиб қоладиган шовинизм хусусида фикр юритган эди.

«Афғон туфроғига ўтгандан сўнг ўзини женерол—чор ноил эълон қилган», «хатти-ҳаракатида Николайнинг генераллари рафториндан» қолишмаган Н. З. Бровин ҳамда большевик либосидаги колонизаторлар ТуркМИК раиси А. А. Казаков ва ХКС раиси К. Е. Сорокинлар ҳақида кескин фикрлар айтган эди.

Энг муҳими, озодлик ва тенглик ваъда қилган рус инқилобининг рибкорлигини, шўро ҳукуматининг хиёнатини фош этган эди.

«Афғон саёҳати» қора муқовали қалин дафтарга қизил сиёҳда муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган. Ҳажми 79 бет. Қўлёзма мусаввада—қораламага ўхшайди. Тузатиш ва киритмалар, такрорлар, саҳифаларни рақамлашда чалкашликлар анча бор.

Ундан дастлаб «УАС»да (1989 йил 35-сон, 25 август) эълон қилинди. Сўнг «Шарқ юлдузи» журналида (1990 йил 7-сон) жузъий қисқартишлар билан чоп этилди. (182—200 бетлар). Кундаликлар муаллиф қўлёзмаси асосида нашрга тайёрланди.

машхур мусташириқлардан ўртоқ Бровин ҳам бор эди. Ўртоқ Бровин бир неча ёвропо тилларин билмоқ ила баробар мукамал форси тилини (ҳам) билурди. Бизлар ила бирга Туркистон Жумҳуриятининг «военни атташе» — ҳарбий қўмисари ўртоқ Иванўф, савдо ва тижорат шўъбаси тарафиндан ўртоқ Куликўф, сиёсий қўмисар ўртоқ Зиборўфлардан бошқа бир неча техниклар, ҳаво тилгиромчилари, афтомобил усталари, ўн бир нафар қизил аскарлар ҳам бўлуб, булар(нинг) 9 нафари мусулмон эди. Булардан бошқа Афғонистондан Туркистонга келмиш афғон ҳайъати ваколасиндан Абдулраҳимхон ила бирга элли(к) афғон аскарари ва бир сартарош ҳам бор эди.

1) Абдулраҳимхон валади Абдулқайюм — амир(н)нинг мирзоси;

2) Қандилхон валади Меҳрдилхон — амир(н)нинг мулозими;

3) Соҳибхон валади Абдулкаримхон — амир(н)нинг мулозими;

4) Усто Абдулғани валади Абдулраҳмон — амир(н)нинг сартароши.

Булардан бошқа ҳинд инқилобчи фирқасиндан З. Х. Зикриё афанди-да бизлар ила йўлдош эди. Ўртоқ Зикриё афанди лисони форсни(нг) мукамал билмоғи ила баробар инглизча мукамал сўзлаша биларди, озмоз русча-да сўйлашурди.

16-июнда кеч соат 8 да келуб, **Хавос** истансасида қолдук. Йўлларда бў(л)сун, истансаларда бў(л)сун, яланғоч, авротлари очуқ, кийимлари пора-пора мусулмон хотун-қизлари, ёш-ёш болалар кўрилуриди. Албатта, илмсиз ва тарбиятсиз, аҳволи оламдан хабарсиз мусулмонларнинг ҳол-аҳволлари биргина Ўрта Осиё йўлинда эмас, бутун Туркистоннинг ҳамма ўлкасинда шўйла фано ва аянч ҳолда эканлиғин ҳеч ким инкор қилмайди... Бизим Туркистонда ҳар ерда ҳозирда иш бошинда ўлтургон рус товаришларимизнинг ўзлари иш бошига ўлтуруб олуб, ўзлари ошалаб, биз мусулмонларга ялатувларининг натижасидур.

Мазкур аҳолилардан сўралганда, алҳамдулиллоҳ, бу йил бултургига, қараганда ҳолларимиз яхши. Бу йил фақат яланғоч бўлсамиз, ҳам бир оз емакликга гадолик ва тиланчилик қилуб умр ўткарамиз. Агарда бултур келган бўлсангиз эди, бул йўлда «оҳ, нон!...» деб жон бериб ётган мусулмонларни кўрар эдингиз, дея бу ҳолларига ҳам шукур баён қилардилар.

17-июнда сабоҳ соат 8 да Хавосдан Самарқандга қараб равона бўлдук. Бизим бу минган маданият айғиримиз пишқири-пишқири равон бўлди. Ҳозирда Туркистонда ер мойи — дугут — қора мой оз ўлдиғиндан ўтув ёқилуб юрарди. Бу маданият мошинамизга ўтув ёқиладиғиндан бу айғирнинг оғзидан йўлнинг ҳар икки тарафига ўтлар сочилурди. Йўлнинг икки тарафида офтобнинг ҳарорати ила қоқ бўлуб ётган ўтларни (нг) гуруллатиб ёндуруб юборурди. Хусусан, кечалари йўлнинг икки тарафидаги ўтларнинг мошинадан тушган учқундан ёнмоғи-ла чароғон бўлур эди. Ногаҳоний ўлароқ бизим мошинамиздинг ўти сўнуб, икки соат йўлда тўхтаб қолди. Шул вақт бир неча бизим қирмизи аскарлар ила (Ар...) ¹ вагон хизматчилари рўбарўмиздаги фақиргина бир одамнинг боғига деворидан ошуб тушуб, ўрук ва олмаларин олуб, емоқга бошладилар. Бир неча хотунлар келуб, йиғлашуб, «Биз фақирларнинг озгина мевамизни (нг) сизлар еб кетасиз, бизлар қиш кунда нима еб овқат қиламиз», десалар-да қулоқ соладургон киши йўқ эди. Раҳм қилмоқ ўрнида ҳатто хотун бечораларни (нг) муштлаб урардилар. Уртоқ Бровин ёнимга келуб:

— Авлоний афанди, Сиз ижроя қўмита аъзоларидансиз ², юринг, бирга боруб, онлари фиртақўл қиламиз, — дея, иккимиз бирга онларнинг қошига борувимиз ила ерларина қайтдилар.

17-июнда кеч соат 4 да Самарқанд шаҳрига етушдук. Бу кеча Самарқанд истансасида қолдук. Эртаси Тошкандан ўртоқ Иванўф ўртоқ Казакўф ила етуб келди. Чунки бу(н)лар биздан бир кун сўнг Тошкандан чиққан бўлсалар-да, буларнинг минган маданият айғирларининг еми ер мойи ўлдиғиндан тез чопар эмиш. Шунинг учун икки кунлик йўлни бир кунда тай қилмишлар. Кеч соат 4 да Бухорога қараб жўнадук.

18-июнда кеч соат 4 да Бухорога эришдук. Бу кеча Когонда қолдук. Кеч соат 9 да Когон ижроя қўмитасининг идорасида махфий мажлис бўлди. Бу мажлисда аксари Туркистон Марказий Ижроя Қўмитасининг аъзолари ҳозир эдилар. Мажлисга раисликни Казакўф адо қилди. Мажлис ёпиқ ўлдиғиндан бу мажлисда ҳал

¹ Муаллиф қисқартмаси, тушуниб бўлмади.

² 1919 йил 7—31 мартда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон Советларининг Фавқулодда VII съездида Авлоний Туркистон Марказий Ижроя Комитети (ТурЦИК) аъзоси қилиб сайланган эди.

қилинган масалаларни(нг) очиқ ёзмоқ мумкин эмас-дир.

19-июнда сабоҳ соат 10 (да) бутун Қогондаги қизил аскарларнинг кўриги бўлди. Туркистонда биринчи ўлароқ барпо қилинган боевой поезд — ҳарб оташ аробасининг йўлга қўйилуви муносабати ила ҳамма ҳукумат арбоблари тарафидан турли мавзуда нутқлар сўйланди. Ҳамда бурадаги қирмизи аскарларга ТурЦИК тарафидан қизил алвон байроқ тақдим қилинди. Соат 11 ларда Марида бурада Тошканда муаллимлик вазифасида кўп вақтдан бери хидмати ила танилган уч турк зобит(лар)ининг қўлга тушуб, турмада ётганликларин хабарин манга эришдирдилар. Бурадан жўнамоғимиз соат 12 да ўлдиғиндан бир соат ичинда қўлимдан келгунча ҳаракат қилсам-да, онларни(нг) боруб кўрмоқга мумкин ўлмади. Бул хусусда Қогон президенти Печёникўфга, Қазакўфга учраб, мазкур маҳбуслар хусусида сўйлашдим. Онлардан олган жавобим «Бу иш особий отделни(нг) иши, бизлар қўлдан келгунча ҳаракат қилуб, бу(н)ларинг ишларин тез кўрилуб, тамом қилинмоғига ҳаракат қилурмиз. Сиз хотиржам бўлингиз!» — дея мени қуруқ сўз ила қаноатлантирдилар. Фақат на чора, қуруқ сўзга юпануб, вақтим ўлмадиғиндан соат 12 да маданият йўрғамизга минуб, Қогондан ҳаракат қилдук.

Бироз юргандан сўнг йўл ишлаб юрган бир неча қафказлик биродарлар вағонимизнинг мошинасини(нг) олдини(нг) тўсуб тўхтатдилар. Қазакўф тушуб, онлар сўйлашгандан сўнг манга қараб, «Уртоқ Авлоний, боруб онлар ила сўйлашуб келинг, буларнинг орасида нима бўлган экан», деди. Ман боруб, узоғда турган бухороликлар ила сўйлашғонимда, маълум бўлдики, ўтин ила юрадирғон мошинадан ўт чиқиб, бухороликларнинг бирмунча буғдойларини (ё)ндуруб юборган экан. Шул сабабли Бухоро фуқаролари темир йўл ишчиларидан икки бошлиқ(лар)ни тутуб, қамаб қўйган эканлар. Маним таржимоним Абдулматлаб афанди ила иккимиз боруб, кўб сўзлар (билан) бухороликлар қўлидан икки қамалган кишини(нг) қутқаруб олдук. Бухороликдан бирини чақуруб келуб, Қазакўф олдида Бухорога, Қогонга тилгиром ила аҳволни(нг) маълум қилуб, «Айб бу ишчиларда эмас, оташ аробанинг мошинасида — бул аҳволни(нг) маълум қиламиз. Қогондан комиссия келуб, буғдойларингизни баҳо қиладур. Туркистон Жумхурияти зарар-бурдингизни тўлайди», — деб жўнаб кет-

дик. Кеч соат 12 да **Чоржўйга** етушдук. Бу кечани Чоржўйда ўткардук.

20 июнда кундус соат 10 да **парахўдга ўтуруб, Каркига** қараб жўнамоқға ҳозирландук. Парахўдимиз ўзига керакли нимарсаларин ҳозирлағунча соат 2 бўлди. Бизим бу сув айғири бақира-бақира жанубга қараб **со(ат)** икки яримда жўнади. Бизим бу тушган парохўдимиз ниҳоятда эски бўлуб ҳамда орқасида аскар ва уруш асбоблари юкланган «баржа» исмли ўзи юралмайдиғон думи ҳам бор эди. Бу орқасига бойлаб олган дарди бедаво думини Дақиюнус замонасидан қолган эски ва чурук арқонлар ила бойлаб олгон эди. Чоржўйдан Каркига бориш бизим бу кўҳна парохўдимиз ила беш кунлик йўл бўлуб, Қаркидан Чоржўйга келиш икки кунлик йўл эмиш. Чунки дарёнинг манбаъига, қараб юрмоқ бу кўҳна парохўдимиз учун оғир ўлуб, сувнинг мансабига—оқадурғон тарафига қараб юрмоқ енгил эмиш. Бу Ому(р) дарёнинг боргунча икки тараф соҳили кичик-кичик қишлоқлардан иборат бўлуб, ернинг аксари Бухоро хонлиғига тобеъдур. Бу ерда ватан қилуб ўлтурғон халқларнинг аксари туркманлардир. Туркманлар табиат жиҳатиндан ниҳоятда ғаюр ва жасур, худрой, илмсиз,... тутган ерини кесадиғон халқдирлар. Табиий дарё соҳили ўлдиғиндан ери ниҳоятда ўсумликдир. Ҳар хил экин ва мевалар ўсади. Хусусан, бу дарё лабларида битган қобун бутун дунёга ширинликда машҳурдур. Ҳавоси мўътадил ўлдиғиндан одамлари ниҳоятда соғломдурлар.

21—22 июнларни(нг) дарё соҳилинда кемамизни(нг) лангарандоз қилуб ўтказдук. Бизим бу кемамиз кўб эски ўлдиғиндан кўб ери сувга ботуб юрар эди. Шул сабабли кўб ерларда дарёнинг саёз ерига тўғри келуб, қумга ўлтуруб қолуб, кемачилар бир соат, икки соат овора бўлуб, бу «бобой кема»ни қумдан аранг халос қилурдилар.

23 июнда кеч соат 8 да энг хавфлик аталғон **Бурдалиқ** исмли ерга етушдук. Уртоқ Иванўф ила ўртоқ Бровин менинг қошимга келуб, «Биродар Авлоний, Сиз афғонлар ила бу қишлоқга боруб, аҳволот олиб келинг. Чунки энг хавфлик ҳисобланган жой ушбу ердир, — дедилар. Кеч соат 9 да ман, ҳиндистонлик Зикриё афанди ҳамда тўрт афғон меҳмонлар ила баробар Бурдалиқ қариясига бордук. Бир неча қўрғончаларга боруб, хабар олдук. Бу ерда Карки бекларининг бармоқлари ила

тўпланган, бизим қаршимизга ҳозирланган аскарларнинг бор-йўқлигиндан маълумот олғонимизда маълум бўлдики, бул ерда бизимча хавф қилинган душмандан асар йўқ. Икки соат чамасида йўл юруб қишлоқлардан икки товуқ, йигирма беш дона тухум сотуб олуб, парохўдимизга қайтуб келдук. Улардан олгон маълумотни(нг) келуб, ўртоқ Иванўфга баён қилдук. Бу кеча хотиржам Бурдалиқ соҳилинда ётдук.

23 июннинг тонги отди. Бизим-чун бу кунги тонг(нинг) энг хавфлик, энг даҳшатлик эдиги айтишиндан маълум бўлуб турар эди. Сабоҳ соат 4 да парохўдимиз Карки тарафига қараб равона бўлди. Ярим соат чамасида йўл юргандан сўнг ўнг тарафимиздан ту(р)кманлар тирборон қилмоқга бошладилар. Ўртоқ Бровин ила ўртоқ Иванўф менинг қошимга келуб, «Авлоний, сиз боруб, афгонлар ила ул туркманлардан аҳволот олуб келингиз!» — дедилар. Ман меҳмон афгонлар ҳамда ҳиндистоний Зикриё афандини(нг) олуб, Абдулматлаб афандига оқ байроқ кўтартируб, тўғри туркманларнинг аркони ҳарбларига бордук. Бизларни йироғдан кўрган ҳамон икки отлиқ аркони ҳарбдан чиқуб, бизим қаршимизга келдилар. Бул кишиларнинг иккиси(н) да олтамиш ёшларинда, қўлларинда милтиқ, белларинда қилич туркман беклариндан эди. Отлариндан тушуб, бизлар ила кўришдилар. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, ман:

— Бизлар сизларга меҳмонмиз. Дарё узориндан Каркига боруб, урадан Афғонистонга ўтуб кетамиз. Балки сизнинг аскарларингиз бизнинг кимлар эканлигимизни(нг) билмасдан, балки бизларни(нг) душман ҳисоблаб, отиш очгандирлар?

Туркман беклариндан бири:

— Болам, сиз билганни(нг) биз ҳам биламиз. Бизлар руслар ила қирқ йилдан бери яшаб, дўст келдук. Аммо шул кунларда оромиз бузулди. Каркида руслар бизларга кўб жабру зулмлар қилдилар, бир неча бекларимизни тутуб ўлдирдилар. Уйларимизни ёндирдилар. Бола-чақамизни ҳам ўлдирмоқдан тоймадилар. Бизлар инсоният нуқтаи назариндан бундай хўрликга чидашга тоқатимиз қолмади. Ҳукуматга қарши қиём қилмоқга мажбур бўлдук. Ё нажот, ё ўлим дея ишга киришдик. Ё ишимизни(нг) ўнгғаруб оламиз, ё баримиз қирилуб битамиз.

Ман:

— Сизлар Бухоро хонлиғина тобеъ кишиларсиз. Бу-

хоро ҳукумати бизларга тазминот¹ беруб, йўлда сизларга ҳеч хавф-ҳарос йўқдир. Агарда сизларга бирор нимарса вуқуъ бўлса, бизлар жавобгармиз, деган эди. Бобо, сизлар нима учун хонларингизга итоат қилмайсиз, оқ байроқ кўтаруб кетуб ётган бизим парохўдимизга оташ очдингиз?

Туркман беги:

— Болам, бизлар қатъиян қарор қилганимизки, Чоржўй тарафиндан келган парохўдни Каркига ўтказмасликга. Бул хусусда Бухоро амирининг фармони бўлса ҳам итоат қилмасмиз. Бизлар қайдан биламиз, эҳтимолки, сизлар парохўдда Каркига ёрдамга ўқ-яроқ олиб кетаётгандирсиз.

Ман:

— Бобо! Агарда сизлар парохўдда яроқ-ўқ бор деб хавф қиладиргон бўлсангиз, рухсат берингиз, бизлар қайиқга тушуб ўтуб кетайлук.

Бек:

— Йўқ, болам, дарё ичиндан қайиқ туруб, чибинни(нг) ҳам ўткармасмиз!

Ман:

— Бобо! Бўлмаса, бизлар Афғонистонга қандоқ қилуб кетамиз?

Бек:

— Болам! Агарда сизлар хоҳласангиз, сизлар бизларнинг меҳмонимизсиз. Элчига ўлим йўқ! Сизларнинг ҳаммангизни бизлар бошимизга кўтарамиз. От ила, ароба ила бир қўндуруб, эртаси кун Афғонистон чегарасига еткуруб қўюб келамиз. Агарда бизим сўзимизга ишонмасангиз, хат қилуб, муҳр ҳам босуб берамиз. Сизларнинг бирортангизни бурнингиз қонаса, бизлар жавобгардирмиз!

Ман:

— Биз ила бирга кетуб бораётган бир неча руслар ҳам бор, уларга нима дейсиз?

Бек:

— Болам, боя санга элчига ўлим йўқ, дедим. Ким бўлса бўлсун, бизлардин айирмасиға қарамасдан, неча киши бўлсангиз, ҳаммангизни ўтказуб юборамиз.

Ман:

— Бобо! Агарда бизларга тўғри парохўд ила дарёдан ўтуб кетувга рухсат берсангиз бўлмасми?

¹ Кафолат

Бек:

— Болам! Ман санга боғона¹ дедим-ку, ҳеч мумкин эмас. Агарда бизлар ўткаруб юборсак-да, йўлда бошқалар бор. Алар ўткармаслар. Ушбу ердан бошлаб то Қаркиғача дарёнинг ҳар икки тарафида аскар бор. Мутлақо сизларни(нг) ўткаргани қўймаслар. Агарда менинг сўзимга кирмасдан илгари қараб юрсангиз, бекорға овора бўласиз. Албатта, бироз юргандан сўнг кейин қайтмоқға мажбур бўласиз.

Ман:

— Отажон! Бўлмаса, ман сиздан олган маълумотни(нг) парохўддаги ўртоқларға боруб сўйлайин, онлар нима маслаҳат кўрсалар, шунга қараб иш қилурмиз. Балки тез яна ёнингизға келурман, — дея хайрлашуб, парохўдимизға қайтуб келдук. Урадан олингон маълумотларнинг ҳаммасини келуб, парохўддаги аркони ҳарб ва Афғонистон ҳайъати ваколасин жамъ қилуб, бирин-бирин сўйлаб бердим ва ўз фикримча, бек бобонинг сўзи тўғридур. Нима бўлса ҳам қайтмоқ маслаҳат. Менимча, ўтиб кетмоқ маҳол кўринадур, — дедим. Мажлис менинг фикримға қўшулмади. Нима бўлса ҳам қатъиян дарёни(нг) ёруб, куч ила бўлса-да, ўтуб кетмоқға қарор қилдилар. Мажлис асносинда баъзи ўртоқлар, Казакўф бизларға ҳар нимарса бўлса ҳам иш қилуб, уришсангиз ҳам дарёдан Қаркиға бир илож қилуб ўтушга ҳаракат қилингиз, деган, эди. Туркманларда нима қувват бор дейсиз. Қарс-қурс беш-ўн ўқ отган ила бўлди-қўйдими? Нарироқ боруб тўпдан, пулемётдан, бўмбамётдан, милтиқдан бир оташ² очсак, туркманлар ўзлари қочурға жой тополмай қоладирлар, дея сўзлаган кишилар-да бўлди. Соат том бир эди. Парохўд ичида ҳамма аскарлар мукамал яроғландилар. Бизим бу икки парохўдимизда бир тўп, бир пулемёт, бир бўмбамёт, юз киши интернационал Австрия — Мажор аскарлардан бошқа бизлар ила бирга Афғонистонға кетуб бораётган 11 киши — фирқа олойи ва бир неча парохўд ходимлари, қарийб бир юз қирқ киши, ҳаммаси мукамал яроғланди. Тўп ва пулемётларнинг атрофлари тойланган пахта ила ўралди. Ҳамма аскарлар-да ўзларини пахта тойлари ила иҳота қилдилар-да, парохўдимиз ҳуштагини чалди-да, «ҳар чи бода бод»³ дея равона бўлдук.

¹ боя, ҳали

² муаллиф «оташ очмак» шаклида қўллаган.

³ Нима бўлса, бўлди.

Бизлар боруб сўйлашгон туркманлар дарёнинг ўнг соҳилиндан кемамиз йироқ ўлдиғиндан отган ўқлари етушмас эди. Онлар ўқларининг етган-етмаганига қарамасдан, пайдарпай ўқ равон қилмоқда эдилар. Толеъга қаршу бизим парохўдимиз борган сари дарёнинг сиқиқ ерига борур эди. Бора-бора ўнг тарафдан ўқ етадиргон ерга бориб қолди. Соат 3 дан 20 минут ўтган эди. Дарёнинг сўл соҳилиндан Оқтепа исмли ердан қумлик баланд-баланд тепалар устидан дурбин ила қаралганда, ўрмалашган туркман аскарлари кўрина бошлади. Кемамиз беш дақиқа чамаси илгари кетган эди. Бирдан ўнг тарафдан ҳамда сўлдан оташ очдилар. Бу ногаҳоний икки тарафдан бирдан очилган оташнинг ўртасида қолган бир ҳовуч инсон каттаси ўзини йитуруб, ақлини шоширмоғи табиийдур. Бизим қўманда ҳайъати бизим тарафдан оташ очмоқга парохўд ҳуштагини таъйин қилмишди, толеъга қаршу бирдан бир ўқ келуб кемамизнинг пар қозонини тешуб юборди. Бир тарафдан дўл ёқгондек ўқ парахўднинг мошинахонасига қараб келса, иккинчи тарафдан кают(а)ларга қараб чизиллаб ўқлар келмоқда эди.

Парохўднинг пар қозонининг тешиливи-да бизим учун бир бало бўлди. Бутун кемадаги кишиларнинг қулоқлари(ни) шавуллаб, гаранг қилуб юборди. Қулоқларимизга пахта тиқуб қўйсак-да чидаб турмоқ имкон хорижинда эди. Шул вақт овози хаста бўлган одамға ўхшаш кемамиз уч маротаба хириллаб юборди. Бизнинг аскарлар тарафиндан-да оташ душман тарафиға қараб очилди. Лекин толеъга қаршу иш ишдан кечган эди. Чунки бу вақтда ўртоқ Иванўф ила аскар бошлиғи ва улардан бошқа 22 киши мажруҳ бўлуб, 3 киши ўлган эди. Бизим каютамызда бизлардан бошқа тўрт рус, австрия(ли), арман ўртоқлар-да бор эдилар. Буларнинг ҳаммалари англиски беш отар милтиқлар ила қуролланган эдилар. Фақат ман ила биродарим Абдулматлабға винтовка етушмай қолгон эди. Бу бизим баҳодир ўртоқларимиз «Сизлар милтиқ отишни(нг) билмайсиз. Ҳали қараб туринг, бизлар қанақанги душманни урамиз», — дея аввалда яроғланган вақтларида мақтануб-да қўйган эдилар. «Мард киши майдонда шайлансун» фаҳвосинча, бирдан (бир) бизим каютанинг тепасида отишуб тургон австрия(ли)ға ўқ тегуб, бизнинг каютага юмалаб тушмасинми. Буни кўрган замон ҳамма ўртоқларимизнинг ғайрат ва баҳодирликлари сувға уруб кетди. Бўғумлари бўшашуб, тарвузлари қўл-

туқларидан тушуб, иккинчи милтиқни(нг) қўлларига олишга ҳолатлари қолмади — журъат қила билмадилар. Фақат биргина Гриша исмли ўртоқдан бошқалари каютадан юқорига чиқмоқға-да журъат қила олмадилар. Бизнинг ила бирга кетаётган австрия(ли) дўқтуримизда ҳеч нимарсани(нг) билмайдирғон, вақт ганиматда ўзининг номин дўқтур қўюб олғон бир киши экан. Каютамизга юмалаб тушган австрия(ли)нинг қони бутун хонамизни(нг) қонга бўягандан сўнг, ародан бир соат кечгандан сўнг ўларча маст ҳолатида келуб, бечорани(нг) ярасини боғлади. Ярани(нг) боғлаган вақтида бир фи(л)шир дўқтуримизнинг камоли мастлиғидан қўлтуғидан кўтаруб турарди. Агарда ўз ҳолина, қўйса, йиқулиб кетувӣ шубҳасиз эди. Ҳарна ўлса, иш ишдан кечмиш эди. Парохўдимиз борган сари сўнг(сўл) тарафимиздаги душманнинг энг қувватли отишининг остига яқинлаша борур эди. Толёнинг бадлиғина қаршу шу аснода бизим парохўдимизнинг орқасига боғлангон баржамизнинг бир арқони узилиб, биргина арқони қолган эди. Агарда иккинчи арқони-да узилса, бир кемамиз — қанча асбоб, қирқ-эллик чамасида одам, бир тўп, бир бўмбамёт душман қўлига тушган бўлур эди. Иш ўнгидан келмаса, шўйла бўлар экан. Пулемётимиз-да «тит-тит» дея уч-тўрт ўқ чиқоруб, бир тўхтаб, тузуккина отилмади. Тўпимиз-да беш-олтидан ортуқ ўқ чиқара олмади. Бўмбамёт эса икки ёки учдан ортуқ ўқ узолмади. Табиий, инсон жонидан умид узгандан сўнг кўб-да кўрқмас экан. Парохўд ичидаги инсонларнинг ҳаммасида бутун иш қўлдан кетганлигин сезган эдилар. Парохўдимиз бўлса, қоқ душманнинг уяси бўлган қумлик тепанинг тагина борган эди. Шул вақт парохўднинг устига чиқуб қарасам, бир-икки киши мастшо, ҳама сувга уруб кетубдур. Ҳар замонда бир бизнинг тарафда-да ўқ отилуб қўядур. Тездан душман қўлига ҳаммамизнинг асир тушажагимиз муқаррар эди.

Ўртоқ Гришани(нг) чақируб дедимки, «ўртоқ Бровин қаю ерда бўлса, боруб айт. Ўртоқ Иванўф мажруҳ бўлуб, ўзи ила ўзи овора, Авлоний айтадурки, тезлик ила сиз расфаражени қилинг. Парахўд кейинга қараб қайтмаса, қолганларимиздан-да айриламиз», — дегил дея ўртоқ Бровинга ўртоқ Гришани юбордим.

Тездан ўртоқ Гриша «Сенинг сўзингни боруб ўртоқ Бровинга айтдим, мақбул бўлди. Парохўднинг қайтмоғига буйруқ қилди», — деди. Демак, парохўдимиз секин ўнг тарафина бурилуб, сувнинг оқишига қараб, маъю-

сона равона бўла бошлади. Ҳариф душман қайтсак-да, отишни шиддадландирур эди. Соат 4 дан 30 дақиқа ўтган эди. Демак, маъюсона бир суратда кейин қараб чекилдик ва душманнинг отган ўқларининг аксари «разрывной» бўлуб, охири вақтларда кўпроқ «боевой» ўқ ёғдира бошлаган эди. Табиий, душман тарафида-да зоеъот бизим тарафдан икки ҳисса ҳисоб қилинурди. Душман бизнинг кейин қараб қайтувимиздан истифода қилуб, ярим соатлик йўлғача отиш ила кузатуб келди-да, жим бўлди. Демак, бу бизим кўҳна парохўдимиз душманнинг тўрт соатлик ёғдиргон ўқига чидаш берди. Олингон маълумотларга биноан, душман тарафинда рус офисарлари ўлмак ила баробар инглис агенлари-да борлиғи маълум бўлди.

Тошкандан Афғонистонга ҳайъат ила бирга кетадиргон мусулмон фирқа олойиндан 2 си оғир, 2 си енгил яраланмиш эди. Ҳисом Жалолий ила Валихўжа ўғли енгил, Мустафо Тиллобек ўғли ила Аваз Самад ўғли оғир яраланмиш эдилар. Парохўднинг атрофидаги душман ўқиндан урилган тешуклар бир мингдан зиёда эди. Бизим бу кўҳна парохўдимиз кейин қараб қайтишда сувнинг оқимиға қараб юрганлигиндан аввалда юқори қараб бир кун юрган йўлини 3 соатда таъ қилди. Демак, кеч соат 8 да дарёнинг ўртасида бир отоға лангарандоз ўлди. Дарёнинг баъзи ери чуқур, баъзи ери саёз ўлдиғиндан кечалари юрмоқ мумкин эмас эди. Кундуз кунлари-да баъзи вақтларда дарёнинг саёз ерига тўғри келуб қолуб, «бобой кема»миз қумға ўлтуруб қолуб, бўкура-бўкура бир соат-икки соат сарсонлиғдан сўнг базўр қумнинг қўлиндан яқосин қутқаруб, равона бўлурди. Шул сабаблара мабни¹ агарда соҳилда қарор олса, эҳтимол душман тарафидан янада ҳужум бўла қолса, яқосин соҳилдан қутқармоқ оғир бўлуви эҳти-моли бор (э)ди. Ҳамда душман ила бизим орамиз 3 соатлик сув йўли ўлдиғиндан, эҳтимол, душман бизим ортимиздан қувиб келуб, кечаси бирдан ногаҳоний ҳужум қилув эҳтимоли-да бор эди. Мана шу ҳолларни (нг) эътиборга олуб, кемамиз дарёнинг ўртасидаги отода лангарандоз ўлди. Бу энг хавфлик кечани (нг) дарё юзинда, ото ёнинда ўткарурга қарор қилдук. Кечанинг соат 4 инда отоға қўйилган қоровулимиз «Туркман келди!» — дея амон қичқирди. Бутун аскарлар тўпдан, пулемёддан, тўфангдан отоға қараб оташ оча бошладилар.

¹ Биноан.

Ярим соатдан сўнг отиш тўхтади. Тафтиш асносида туркманларнинг юрак қилганликлари очиқ маълум бўлмади. Ярадор бўлгон аскар бошлуғининг ўрнига янги тайин бўлгон командиримизнинг ярим соат миёнасида отилган 4—5 минг чамасида ўқнинг ҳавога кетганлиги очиқ маълум бўлди. Тонг ёришар-ёришмас, парохўдимиз Чоржўйга қараб равона бўлди. Бу бизим парохўдимиз ҳазрати Нўҳнинг кемаси ила шовла еган энг эски «систем», 1900 йилинда Петроградда ясалгон, ҳар одимда бир тўхтайдиргон парохўд эди. Лекин сувнинг оқишига қараб юрганда учар қуш ҳам етолмас эди.

Б а й т:

Гунбази даврон каби айрилмадинг бир нуқтадан, Тўрт кеча-кундуз юруб, Чоржўй қайтиб келдимиз, дея 24 июнда соат 4 да яна ўзимизнинг тўрт кун илгари чиқуб кетгон Чоржўйимизга қайтуб келдик. Бу кун кечгача ярадорларимизни(нг) Чоржўй хастахонасига извошчиклар ила узатдук. Бу кеча(ни) Чоржўй истансасининг шимол тарафинда, тахминан, истансадан 7 чақирим йироқликда парохўд ичинда ётдук.

25-июнда кеч соат 4 да парохўддан ашёларимизни(нг) чиқоруб, вағона ўлтурдик. Бизим бу маданият йўрғаси кеч соат 5 да Асхобод тарафига қараб равона бўлди.

26-июнда соат бирда «Анника» истансасига етушдук. Йўлларда қайси кўз ила кўрайлук, йўлларнинг ҳар икки тарафи бутун харобазор. Вайрона бўлган хоналар, бузилган вағунлар, бурда-бурда бўлуб ётгон темирлардан бошқа ҳар бир одимда ҳайвон ўлумтиклари. Яқин-яқин ерда инсон мазорлари. Назари диққат ила боққан инсонга жигарсўз бу қумлик гўё маҳшаргоҳ каби кўринурди.

Бу манзарани кўрган инсон:

(р у б о и й)

Гуллар хазон ўлмиш, тикони қолмиш,
Боғлар барбод ўлмиш, хазони қолмиш,
Золим фалак бу элларга қаҳр этмиш,
Хонавайрон, синган қозони қолмиш, —

демакга мажбуур бўлурди.

Йўлларнинг ҳар икки тарафидаги қирғиз уйлар(и), туркман хоналариндан асар ўлароқ хароба айвонлар,

бузилган деворлар, қорайган ўчоқлар қолмиш. Бизинган вагонимиз ҳам бу даҳшатлик Ишқобод муҳорабасига иштирок этган(и) сабабли эшиклари бузилган, ойналари синган, сувхоналари хароб бўлганлиқиндан мариз кишидек суст ҳаракат қилурди. (Поезд) «Анника» истансасинда бироз истироҳат қилди-да, Марига қараб секин ҳаракат қилди.

27 июн кундуз соат 12 да **Марига** келуб тўхтади(к). Мари истансасинда бизлари(нг) рус ва мусулмон ўртоқлар мусиқа ила қаршу олдилар. Соат 2 да Марининг махсус ҳукумат боғинда бизлар учун бир зиёфат вердилар. Бу зиёфатда Туркистон жумҳуриятининг Ишқобод муҳорабасига махсус аркони ҳарб аъзолари ҳозир эдилар. Зиёфатдан сўнг Афғонистондан келмиш вакилларнинг Туркистон Жумҳурияти номиндан бир неча ўртоқлар оташин нутқлар ила қаршу олдилар. Буларга жавобан Мирзо Абдулрахимхон нутқ сўйлади. Туркман атамлариндан Ўроз сўфи сўз олуб, «Мен афғон биродарларимизнинг Туркистонга қадам босуб, Афғонистонга ҳам ҳудуд ўлан Туркистон Жумҳурияти ила дўстлашмак ниятинда келарин табрик этарам», — деди. Мажлис тамом бўлгандан сўнг ўз ётоқхонамиз ўлан вагонимиза келуб ётдук.

28 июнда кеч соат 8 да вагонимиз секин Кушкага қараб ҳаракат қилди. Кеч соат 10 да **Кушка**(га) келиб тўхтади. Бурадаги рус, мусулмон ўртоқлар бизи мусиқа ила қаршу олдилар. Афғон ҳукуматининг сарҳад ҳокими Ермуҳаммадхон тарафиндан келуб бизлари(нг) кутуб турғон чопар — отлиқ аскар Абдулрахимхондан мактуб олуб, биз 22 киши учун от ва бошқа керакли ашёлар — нимарсалари(нг) рўйхатин олди-да, равона бўлди.

29 июнда қиладургон ишимиз йўқлиғиндан Кушка қалъалари ва бошқа керакли ерлари(нг) айлануб, тамошо қилдук. Кушка қалъаси Туркистоннинг Афғонистон ҳудуди ўлдиғиндан эски ҳукумат замонинда «тилсимот» қилуб ишланмишдур. Мундан ташқари, қалъа кичик бир тоғнинг водисинда бино қилиндиғиндан атрофиндаги тоғлар табиий бир буюк истехком хидматин адо қилур. Бурада симсиз тилғироф—ҳаво тилғирофи ради(о) ҳам мавжуддир. Ҳавоси гўзал, ери ўсумликдир. Оқар сув ўлмадиғиндан тоғ этаklarиндан чиқадирғон булоғ—чашмаларнинг бир нечасин симинт¹ ила ишлаб, бир ерда жам қилуб, водофровод—ер остиндан

¹ цемент

юрадигон сув ижро қилинмишдир. Шимол тарафиндан оқадиргон Кушка ирмоқи ўлса-да, шаҳар баландликда бино қилиндиғиндан тубанроқдаги қариялари(нг) суғорур. Бул ердаги мусулмонлар рамазон рўзасин Тошкандан бир кун сўнг ушладиғиндан ийдни(нг) 29 июнда душанба куни ясадилар. Бу кун кеч соат 2 да бир неча рус ўртоқлар ила бирга афгон фуқаролариндан бири бизлари(нг) зиёфатга чақирди. Афгон халқи туркистонлик каби бисёр меҳмоннавоз эмиш. Зиёфатдан қайтуб, хонамиз ўлан вагонимизга келдук. Бу вақт бир неча рус ўртоқлар Мирза Абдулраҳимхонга ариза олиб келди. Бурада афгон фуқаролариндан жамшидий исмли бир қабила бор экан. Мазкур жамшидийларнинг бир қисми Туркистон туфроғинда туруб, ўғрилиқ ва қароқчилик ила иш кўрур экан. Русия тупроғиндан аёғлик моллари(нг) ҳайдаб кетуб, афгон туфроғидаги шерикларина беруб, Кушка атрофидаги шерикларини афгон туфроғидаги ўртоқлари ҳар хил аёғлик моллари(нг) келтуруб беруб, шўйла ўғрилиқ ила касби маишат қилур эканлар. Яқин замонда Кушка атрофиндаги хохуллар(нг) уч юз қадар қўйини ҳайдаб, афгон туфриғига ўтказуб юбормиш эканлар. Мана шул хусусда мазкур хохуллар йўқолган қўйларин борасида ариза келтурмишди. Абдулраҳимхон хохуллар қўлидан аризани олуб, тездан бу аризани(нг) ерина еткурмоқни ваъда қилуб, хохуллари жўнатди. Бурадаги руслар сарҳадга яқин яшадиклариндан Афғонистоннинг лисони умумийси ўлан форсича тилни(нг) мукамал суратда билурлар.

Тошкандан чиқондан буён ҳамма ерда бизим мажлисларимиз қизиқ ва мароқли борурди. Чунки аромизда турли-турли миллатлар ўлдиғи каби турли-турли лисонда сўйлашувлари ила баробар тўрт хотун киши ўлдиғиндан кўб вақтларда мажлисимиз гуллаб-қизуб кетар эди. Баъзи мажлисларда бир тарафда бир-икки киши инглизча сўйлашса, бир тарафда бир-икки киши форсийча сўйлашур. Бир тарафда бир-икки киши русча сўйлашса, бир тарафда бир-икки киши немисча сўйлашур. Бир тарафда хотунлар бир-бирлари ила ҳарзагуйлик қилсалар, бир тарафда бир-икки киши туркча гаплашур эдилар. Баъзи вақтларда бир лисонда сўйлануб турган сўзни(нг) иккинчи лисонга таржима қилдурур эдилар. Аксар вақт бир лисондан иккинчи лисонга таржима қилдирмоқга аромиздаги хотунлар сабабчи бўлур эдилар.

29 июнда кеч соат 4 да ужин—кечлик емак вақтинда ўртоқ Бровин Мирзо Раҳимхонга хитобан форсий лисонда «Ман сиз халқни яхши билурман, сиз кўп ҳийлакор одамларсиз, сўзларингизни эътибори йўқ. Чунки, уч кун бўлди ҳамон бизларнинг кетмоғимиз учун от ва бошқа аёшлар ҳозир ўлмади».—деганда ғазавангирнинг бири ўлан сиёсат дунёсиндан тариқча хабарсиз Мирзо Раҳимхоннинг ранглари ўчиб, еб турғон таоми талх бўлуб, ранги ўзгарди-да ва у бир калима ўлсун, жавоб бера билмади. Фақад «соиб меояд, меояд»¹ ила кифояланди. Агарда Абдулраҳимхон ўрнинда аҳволи оламдан хабардор бир киши бўлса эди, шўйла жавоблари верур эди: «Товариш Бровин! Бошқа киши сўйласа ҳам сиздек мусташриқ бир киши бўйла сўзларни сўйламасангиз керак эди. Чунки сиз бизим Афғонистоннинг йўллари ила тониш киши эдингиз. Бизнинг йўлларни яхши биласизки, тоғлик, чўл-биёбондир. Сизнинг Туркистонингизга ўхшаш бу чўлистонда афтомобил ёки оташ аробамиз йўқки, сизни (нг) дарҳол ўтқазуб олуб кетсак. Ёки сиз 3—4 кишидан иборат эмассизки, дарҳол 3—4 от тайёр қилуб, миндуруб кетсак. Сиз 24 кишидан иборат ҳайъати ваколанинг минмагингиз учун 24 от, олуб борадирғон юкларингиз учун 30 от, сизларга йўлда тикмак учун 15 чодир-хайма учун 15 от, ҳар-хил асбоб ва таомлари(нг) юклаб юрмоқга 15 от, сизларни(нг) муҳофазат қилуб кетмоқга, оз бўлғонда 50 отлиқ аскар, буларни(нг) бир ерга жам қилғонда 134 «бегун» от ҳосил эдар. Бу отлар ила бошқа ашёлари(нг) ҳозирламак учун бизим бу қишлоқ сипоҳдор ҳокимина, энг оз бўлғонда, 3—4 кун вақт лозимдур», — деб жавоб вера билурди.

30 июнда Мирзо Раҳимхоннинг кучи фақат ўзига етди-да, кеч соат 5 да ёнига 2 афғон аскарин олуб, сарҳад ҳоқиминдан хабар олуб келмоқга жўнаб кетди. Соат 8 да бизим учун ҳамма ашё ва отлар ҳозирлик хабарин олуб келди ва Ҳирот ноиб ал-ҳукумаси тарафиндан юборилган форси мактубни(нг) ўқуб берди.

Келган мактубнинг қисқача мазмуни шундан иборат:

Муҳтарам азиз меҳмонлар!

Сизлар учун сарҳадга от, ҳайма ва хидматкорлар, аскарлар юборилди. 1 июлда сабоҳ соат 8 да Кушкада

¹ Келади, келади, соҳиб.

ҳозир ўлса керак. Сиз, азизимонлар, шунга қараб ҳозирланувингиз матлубдир.

Имзо: Ҳирот волийси.

1 июлнинг тонги отди. Туркистондан Афғонистонга борадирғон ҳайъати ваколанинг дилиндаги энг қизиқ иштаҳолардан биринчиси от ила сафар қилмоқ бўлса, иккинчи(си), Афғонистон сарҳадиндан кечуб, Афғонистон туфроғин кўрмак, аскар, таълимот ва тартиботларин мушоҳада қилмак эди. Ароларинда бир-бирларига бу қумлик, тоғлик саҳро узоринда афғонлар бизларга қаю тариқа меҳмондорлик қилурлар экан, дея ўз ароларинда сўзлашуб-да қўярлар эди.

Вақтики, соат сабоҳ 8 ни сўқмиш эди, Кушка истансасинда бир юз отлиқ афғон аскарари, 60 адад эгарланмиш отлар ҳозир ўлдиғин кўрдик. Мол ва ашёлар ортмак учун тева қавмига ўхшаш қавм урилган отларга юкларимизни бир онда ортуб, тайёр қилдилар. Бизларга минмак учун келтурган отларининг устидаги эгаржабдуғлари том ёврупоча ўлуб, отлари-да энг яхши отлардан эди. Соат 10 да отларга миндук-да, Кушка шаҳрига хайр, дея Афғонистон ҳудудига қараб равона бўлдук.

Йўлда бизим кетишимиз жуда мароқли ва қизиқ кетиш эди. Олдинда ҳайъати вакола, орқада юз адад муслиҳ¹ афғон аскарари, унинг орқасида 30 отга юклангон ашёларимиз келарди. Биз ила бирга келаётган афғон аскарларининг ҳаммаси кавалерски милтиқ ила муслиҳ ўлуб, отлари ҳам яхши, кийимлари Австрия аскарларининг кийимларининг худди ўзи эди. Фақат ранги малла. Оёғларида яхши ботинка, иликларида малла рангда чулғов чулғонгон эди. Бош кийимлари ҳам малла рангда бўлуб, ўнг тарафига афғон тамғо ўткузулгон эди. Бул аскарларнинг кийимларининг Афғонистонинг ўз корхонасида ишланган ашёларидан ўлдиғи ўз-ўзидан маълум эди. Бу Осиё азаматларининг турмушлари ёвруполик ўртоқларимизнинг назари диққатларин жалб қиларди.

Ичимизда умринда от минмагон, от ила сафар қилмагон кишилар ҳамда бир неча хотунлар ўлдиғиндан масофаси 3,5 тош бир йўлни(нг) тай қилгунча, она сутлари оғзиларина келди. Йўл узоринда баъзилар отдан юмалаб-да тушди. Бири йиқилуб, қўли чиқди. Хотунлардан

¹ қуролланган.

бири-да отдан бир юмалаб олди. Кетуб бораётган йўлимизнинг икки ёни паст-паст тоғлардан иборат бўлуб, йўл бу тоғларнинг адирида эди. Йўлнинг бир тарафида кичкина сув ҳам оқуб турар эди.

Алҳосил, соат бир яримда **Чиҳлдухтарон** исмли бир манзилга эришдук. Чиҳлдухтарон ила Кушка (ва) Шайх Жунайд¹ ароси 22 чақиримлик масофадир. Чиҳлдухтарон хусусида сўрагонимда, Тошкандаги Чиҳлдухтарон хусусида мардумлар қиладургон нақлиётни(нг) айни ўзин сўйлаб бердилар. Бурада бизлар учун 15 адад ҳаймачодирлар тикилгон кенг бир кўкаламзор майдонга келуб тушдук. Бу майдоннинг ҳар тарафида фахса девордан ясалгон қалъа бор. Бизлар учун турли-турли таомлар ҳозирлангон, ҳар бир ишга бошқа одамлар-хидматкорлар тайин қилингон эди. Чодирларни(нг) ичига кируб, истироҳат қилдук. Бу чодирларнинг игнасида ифигача ўз корхоналаринда ясалганлиги устиндаги тамгалариндан маълум бўлуб турар эди. Бироз истироҳат қилганимиздан сўнг ҳозирланмиш таомларни(нг) алоҳида таом чодирини муҳайё қилдилар-да, бизларга «Марҳамат кунид, нон тайёр шуд», — дедилар.

Боқинг, бўйла кўҳистонда бизлар учун 7—8 турли таом ҳозирламишлар. Ошубталагон вақтимизда Кушкада Абдулраҳимхонни(нг) хафа қилгон ўртоқ Бровин оғзига таомлар тотди, лаззатлик келуб, мундан икки кун илгари қаҳру ғазаб ила сўйлагон сўзларин унутди-да, беихтиёр, «Абдулраҳимхон соиб² афгонҳо бисёр хўб таом пухта мекунад»³, — деб юборди. Бизлар-да, берган худога ёқибди, дейинча, икки кун илк ваҳарлик мажлисининг заққум тамоларин, оғу каби сўзларин эшитган букун тамиз суфра устида, ғариз таомлар олди(миз)-да ширин сўзлар сўйланганига таажжуб хандаларимиз келди-да, қаҳ-қаҳ уруб кулишуб юбордук. Ўртоқ Бровиннинг ранги бироз ўзгарди-да, бизлара хитобан: «Чароханда мекунед?»⁴ — деб қўйди.

2 июлда сабоҳ соат 8 да бурадан ҳаракат қилдук.

¹ Мари ила Кушка аросинда Жунайд исмли мазор ўлдигиндан қадимдан афгонлар буралари(нг) Шайх Жунайд исми ила юртиулар экан.

² «Соиб» калимаси аслида «соҳиб» ўлуб, Афғонистонда Туркиянинг «афандим», Туркистоннинг «тақсир», Тотористоннинг «ҳазрат», Хитой мусулмонларининг «хожам» калимаси ўрнида истеъмол қилинур. (*Авлоний изоғлари*).

³ Афғонлар овқат қилишни бошлашади-да.

⁴ Нега куляписизлар?

Соат 11 да **Чордара** исмли манзилга етишдук. Бизлар келуб етушганча, ҳаймадорлар биздан илгари келуб, чодирлари(нг) тикуб, таомларини(нг) ҳозирлаб қўймишлар эди. Афғонларнинг тезкорлиги ва чидамли(ли)-ги, фидокор, озга қаноат қилувчи, табиий ва жиддий, жанговар бир халқ эканлиглари юриш ва туришиндан, иш ва ҳаракатлариндан маълум бўлуб турар эди.

Бу икки манзил ораси 18 чақирим масофадир.

Чордара кичик бир қишлоқ. Аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ила касби маишат қилурлар.

3 июл

3 июлда бурадан ҳаракат қилуб, соат 9 да Хожа Милол исмли қишлоқга етушдук. Бу қишлоқнинг-да аҳолиси экинчилик, чорвачилик ила тирикчилик қилурлар. Бу икки манзилнинг ораси 18 чақирим масофадир. Бу қарияда Хожа Милол исмли бир кишининг мақбараси ўлдиғиндан бу қишлоқ шул мазор исми-ла тасмия қил(ин)мишдир.

4 июл

4 июлда сабоҳ соат 4 да бурадан жўнаб, соат 12 да **Парвона** исмли қишлоқга етушдук. Бурада бизларни бир юз қадар мунтазам афғон отлиқ аскар ила нақоралар, найлар ила қаршу олди(лар)¹. Бу қишлоқнинг қадим замонларда Фарғонадан келмиш бир зот бино қилдиғиндан бу қариянинг исми ила тасмия қилинмишдир. Бу қишлоқда Фарғона отанинг мақбараси-да вордир. Афғонлар «соҳиб»ни(нг) «соиб» деб юритганларидек, «Фарғона» отани(нг) «Парвона» деб юритурлар эмиш. Бу аскарларнинг оросида туркманлардан ҳам бор эди. Туркманларнинг биридан «Нечук сиз афғонларнинг оросида юрубсиз? Сизлар на вақт бурая келдингиз?» — деб сўрдиғимда шўйла жавоб бердилар: «Вақтоки, Эрон шоҳлариндан Нодиршоҳ туркманларни(нг) тахти идорасиға олғондан сўнг туркманлардан аскар ясаб, Афғонистонга ҳужум қилуб, Афғонистонни(нг)-да тахти ҳимоясини олғон вақтида бир минг уйлик туркманлари(нг) кўчириб келуб, ерлашдирмишдир». Бу ту(р)кманлар афғонча сўйлаша билувлари баробаринда ўз оталарини(нг)-да унутмаишлар.

Бу икки манзил ораси 45 чақирим масофадир. Бу

¹ Нақоралар бизим Туркистоннинг буюк нақораларига ўхшаш отнинг эгарининг қошига ўрнашдирилган, атрофиға қизил бахмалдан ўров ўралган сурнайлари эса, Еврупо сурнайларидан эди. (*Авлоний изоти*).

икки манзил ороси бутун тоғ ила чўлдир. Йўлда тоғнинг тор ерлари — дарбандлари бордир-ки, ёз кунларида улов ила юрмоқ мумкин ўлса-да, қиш кунларида юрмоқ четан ва хавфликдир. Бу тоғни (нг) афғонлар Кўҳи Бобо—Бобо тоғи атарлар. Бу тоғ бурадан бошланиб Афғонистонни (нг) шарқ тарафин иҳота эдан табиий истехкомлардан ўлуб, шунақаси Кобулдан 4 тош беридан ўтуб кетуб, Ҳиндустон чегарасига боруб тираладур. Бу тоғ Туркистон учун Афғонистонга бир садои сангиндир, ҳамкандадир. Бу тоғнинг йўлида—дарбандида Истанбул бўғозининг қуйруғидан бу тоғ оросинда (ўтган) йўл узоринда эски замонлар турклар тарафиндан бино қилинмиш Чуқурқалъа исминдан бир қалъани (нг) харобаси вордур. Бу қалъа ердан қирқ газ чамасинда қовланиб, ер остига бино қилинмишдир. Тебасида ердан йигирма газ чамаларида юқори ишланган тарзи меъмори Туркистон мадрасаларининг пештоқларининг кўфия нухасидир. Ичкарасига қирқ зина ила тушиладир. Бир тарафи ҳужралардан иборат ўлуб, ҳаммаси пишган гиштдан ясалган. Баъзи тарафлари бузилгон, емирлгон ҳолда турган кишига гўё бўйнини эгуб, «Эй, турк уруғлари, (ман) сизлари учун айтарлик туҳфалар (ин)данми?» — дея салом берган каби қийшаюб, кулимсираб турар эди. Бу қалъани ёнида бир ирмоқ бўлуб, бу ирмоқ устига айни замонда ишлангон, кўфрукнинг устунлари энг қадим асрлардан эканлигин маъюсона изҳор қилур эди.

Бу қалъанинг шарқ тарафинда 3 чақирим қалъадан йироқликда давраси 15 газ чамасида бир минора вордур¹. Бу тоғ ила Фарғона ота ороси 22 чақирим масофа ўлуб, Туркистоннинг Мирзачўлига ўхшаш тошлик, қумлик бир чўлдир. Бу чўлнинг ўртасида йўловчилар учун ясалмиш кенглиги 12 газ, бўйи 20 газ чамасида қудуқ вордурки, бу қудуқ (нинг)-да юқорида мазкур қалъаларнинг биноси ила бир замонда бино қилинмиш, усти пишган гиштдан гунбаз қилинуб ёпилмишдир. Бу қудуқнинг суви бу чўлда сафар қилгон кишилар учун нукул оби ҳаётнинг ўзгинасидир.

5 июлда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 8 да Ҳирот шаҳрига етушдук. Бул икки манзил ороси 18 чақирим масофадир. Кушкадан то Ҳиротгача бу йўлдан

¹ Бу осорлари (нг) афғонлар Шоҳрух подшо бино қилмиш, дея сўйлаюрлар (*Авлоний изоҳи*).

бошқа яна бир йўл бордур. Чиҳлдухтарондан чиқуб, Дўғи работига келинур. Бул икки манзил ороси 24 чақирим масофадур. Ҳирот ила Кушканинг ороси бутун тоғлик ўлуб, йўл бу тоғларнинг дарбандлари оросиндан кетадур. Бураларинг ери аксар, қумлик, тошлик ўлдиғиндан ўсумлик ерлари оздур. Унда-мунда кичик қишлоқлар ўлуб, уйлар лойдан ясалғон паст-паст иморатлардан иборатдур. Булардан бошқа, унда-мунда овул тикуб ўлтурғон кўчмалари-да бордур. Экинлари: буғдой, арфа, жўхори, тарик. Баъзи ерларда беда ҳам экар эканлар.

Буранинг аҳолисининг бир қисми экинчилик ила қолганлари аёғлик мол—чорбочилик ила касби маишат қилурлар. Тоғларнинг устларида, адирларида ўтлаб юргон тева, от, қорамол, қўй, эчулар ҳар одимда кўзга тўда-тўда учрарди. Ҳозирда Туркистонда аёғлик молларнинг уруғи қуруғонликдан бир неча йилдан бери бўйла подаларни(нг) кўрмагонлиғимиздан, жин кўзига чақа чилдирма кўринғонидек, бизим кўзимизга бир турли бўлуб кўринур эди. Ихтиёрсиз, «Оҳ!.. Туркистон! Бу Европо қонхўрларининг оламсўз, оташфишон жаҳон муҳорибалари натижасида на ҳола келдинг?!» — дея хўрсинуб-хўрсинуб қўярдик. Баъзи ерларда қовун, ҳандалак, бодринглар сувсиз битар экан.

Бурадаги муқим халқ жамшидий ҳамда хазора, бироз афғонлар-да вордир.

Туркистоннинг сарҳади ўлан Чиҳлдухтаронда афғон ҳукумати тарафидан бир рисоладор ила 400 чамасида аскар турадир.

Ҳирот ила Парвона ороси-да тоғлик йўлдир. Биз тоғлар оросидан чиқғонимиздан кўзимизга 9 адад минор кўринди. Бу минораларнинг-да бир қисмин Шоҳрух, бир қисмин Мир Ҳусайн бино қилдиғин сўйлаюрлар. Бу минораларнинг бир тарафида бино қилинғон мадраса — замонасининг дорилфунунларининг Ҳирот шаҳрининг қўрғонидан ташқарида ўлдиғиндан марҳум Абдулрахмоннинг замонида англизлар, «Руслар Куш(ка)дан ҳужум қилса, бура онлар учун ол-веришли»,— дея ҳаммасини(нг) буздируб юбормишдур. Бу минораларнинг баландлиғи 22 газ, айланаси 20 газ чамасидадур. Сар то по'ложувардий нақшинкорлик ўлуб, жуда эски ўлдиғиндан нақшлари емирилуб, барбод ўлмиш

¹ бошдан-оёқ

эса-да, баъзи ерларинда хатти кўфий ила ёзилмиш оятлар киши онгламаслик даражада ялтираб турадур.

ҲИРОТ

Ҳирот шаҳри энг қадим бир шаҳар ўлуб, Ҳирирўд наҳри бўйига айланаси бир тош — 8 чақирим, эски замонда ту(р)клар тарафиндан (475 ҳижрийда салжуж туркларидан Жалолиддин Мукдашод) ясалмиш, кўрғон ила иҳота, атрофи тоғ бир водийга бино қилинмишдир. Яқин замонларда афгонлар бул эски кўрғоннинг ташқарисидан янги усулда яна икки қат девордан кўрғон ясамишлардирки, баландлиги 2 газдир. Бу деворларнинг ташқарисига чуқурлиги 10 газ ўр—хандақ қазиб қўймишлар.

Ҳирот Афғонистоннинг машҳур шаҳарлариндан ўлдиғиндан бура бир ноиб-ал-ҳукума (губернатор) тарафиндан идора қилинур. Аскарий ишлар идорасини(нг) ноиби солор (военный губернатор) идора қиладир.

Ҳирот, бир тарафдан, Эрон сарҳади, иккинчи тарафдан Туркистон чегарасига яқин ўлдиғиндан тинч замонларда (мирное время) 7—8 минг аскар тутиладир. Бурада бир юзи ўттиз отиш тўпи вордурки, булардан 84 (таси) қадим замонлардан қолмиш оғзиндан ўқланадурғон (даҳанпур), қолғон 70 адади янги усулда (системада) ясалмиш турли тўплар ва пулемётлардан иборатдур. Бурада Европо муҳорабаси замонида Гирмониядан олинғон 40 минг 11 отар милтиқ (винтовка)дан тўрт минги ўлуб, қолғонлари Кобул корхонасида ишланғон биротар (берданка) ила муслиҳдирлар.

Аскарлар маишати:

Афғонистоннинг аскар олув усули умрийдур, ҳозирда аскарга отлиқ бўлса, бир ойга 32 рупия, пиёдага 20 рупия оқча, 2 пуд бугдой берилур. Отлиқ аскарларга от емига 3 пуд арпа берилур. Агарда отлар ўла қолса, тамга босилғон от терисининг ҳукуматга олуб келуб кўрсатуб, отнинг ярим-ёрти оқчасини(нг) ҳукуматдан олуб, етмаганини(нг) ўз ёнидан қўшуб, бошқа от олурлар.

Кийимлари:

Аскарларнинг киядурғон кийимлари ўз ёнлариндан ўлуб, фақат вақти сафарда ёки маневра — кўрук замонларида ҳукумат амборидан (интендант) кийим берилур. Аскар сафарга чиқғон вақтида қаю ерға борса, ҳукумат тарафидан қўюлғон кадомдордан арзон баҳо ила озуқ олурлар.

Афғон халқи:

Умуман афғон халқи жангжўй, урушқоқ бир халқ ўлдиғиндан аҳлининг яроқ-аслаҳасизи йўқ ҳукминдадур. Милтиқ, тапонча олмоқға кучи етмаганларининг қилич, шоф ва ханжарлари бордур. Буларга қодир бўлмаганларининг қўлларида ойболта ёки шашвар, жуда йўқларининг қўлларида «марҳабо таёқ»лари бордур.

Кийимлари:

(Афғон) миллий кийимлари узун кўйлак, кенг иштон, калтагина суртуқча (жилетка) ила салладан иборатдур. Баъзилари 20 газ иштон, 12 газдан кўйлак қилуб киядурғонлари-да вор. Хотунлари бизим Туркистон хотунлари каби сатрга ўралуб юрурлар. Лекин сатрлари бизим Туркистон фаранжисига ўхшамай, қора фардадан иборатдур. Юзларига оқ ифдан тўқулғон тўр тутарлар. Афғонистонда, кўпданким, соқол, мўйлаб бахшина хотима ворилмишдир. Ёвропо либосини (нг) киймак одат ҳукмина кирмишдир. Уламоларидан тортуб, авомларига қадар калта кийим, бошларина шлафа кўярлар. Қўлларини(нг) фешоналарина кўтаруб, салом верурлар. Бизим Туркистоннинг мутаассиб уламолари Афғонистонға саёҳат қилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Қасбу маишатлари:

Афғон халқининг кўби деҳқончилик, чаҳорпочилик¹ ила касби маишат қиладур. Туркистонда ўсадурғон ҳар хил ғалла ва мевалар мавжуддир. Атрофга мол олуб боруб, олув-сотув ила кун кечурадурғонлари-да чўхдур. Ҳар хил қўл ҳунарлари ила-да умр ўткарадурғонлари-да оз дагилдир. Баъзи амалдорларининг қиладурғон ишлари бизим марҳум...² замонидан қолишмай-дур. Отларининг олдида яёв бир-икки «шотир» исмли инсондан мураккаб*** «ҳайвон» чопуб юрадир. Каттароқларининг отларининг жиловидан жиловдор, икки тараф узангиларининг ёнида «рикобдор» исмли «ҳайвон»лар от чопса, чопуб, йўртса, йўртуб кетадур.

Аксари ерлар тоғлик-тошлик ўлдиғиндан ўсумлик ерлари озлик сабабли оч-яланғоч халқ ниҳоятда кўпдур.

Афғон халқи мазорларга ихлос қиладирғон, мазор устларига қўчқор шохи қўядирғон, оқ-кўк латталар бойлайдурғон, тумор ва бозубанд тоқадурғон эмишлар.

¹ чорвачилик.

² жой қолдирилган.

Баъзи катта-катта «кирнилмирнил» ларингда билакларига тумор ва бозубанд тоқилғонин кўруб ҳайрон қолдук.

Тўғри келуб, Қалъаи Тупроққўрғон ичига кирдик. Бурада бизим Ҳирот ноиб-ал-ҳукумаси ила ноибус солор бир минг қадар муслиҳ аскар ила 7 маротаба тўф отўб қаршу олди. Бу аскарларинг ҳаммаси 11 отар милтиқ ила муслиҳ эдилар. Булар ила саломлашгандан сўнг қалъадан 2 чақирим йироқ тоғ яқинида бизлари(нг) Боғи Шоҳий исмли боғларига олуб боруб тушурдилар. Бу боғнинг жануб тарафига мунтазам шарқ усулида ясалган икки қат иморат, ичи 4 ботмон чамасида мевазор, гулзор, бир тарафи фахса девор ила ихота, фараҳбахш бир боғ эди. Бу боғнинг ўртасида биридан бирига сув оқадурғон 4 ҳовуз ўлуб, бу ҳовузлар ичида қирмизи балиқлар бир-бирлари ила ўйнашуб юрурди. Ҳаммамиз шу боғдаги хоналарга ўрнашдук. Таом вақти етди. Турли-туман таомлар, ҳар хил мевалар ҳозирлаша эдилар. Еб-ичуб, ўз хонамиза мурожаат қилдук. Истироҳат қилдук.

7 (июл)

7 июлда ҳукумат пойтунлариға минуб, бозор тамо(шо)сиға кетдук. Бозорларининг растаси у қадар торки, бизим Туркистон аробаси юрмоғи мумкин эмасдир. Бураларда ароба деган нимарса мутлақ йўқ ҳукминдадир. Фақат ҳукуматға махсус бир-икки пойтун ила 5—4 ҳўкуз аробалари вордур. Алҳосил, бозор ичига пойтун ила кирмоқ мумкин ўлмади. Орқамизда бирга келган аскарларнинг отлариға минуб юрмоқға мажбур бўлдук. Расталари-да мунтазам ўлмаюб, дағдошнинг кафшига ўхшаш пойма-пой эди. Бир дўкон читфуруш, ёнида кафшфуруш, унинг ёнида аттор, унинг ёнида баққол — аралаш-қуралаш эди. Кўчалар, бутун ҳифзи сиҳҳатға муғойир¹ ифлос, чанг-ғубор. Одим ерда кўча тарафга хонадонлардан чиқорилгон (а) (хла) (т)ларнинг бўйига инсон боласи тоқат қилуб юра билмайди. Тиланчилик у қадар кўбки, боз у кўчаларда сизни(нг) кўз очирғони қўймайдур. Бизим йўлбошчи афғон биродаримиз бозор ичидан далаға олиб чиқуб кета бошлади. Ман тўхтатуб, «Мирзо соиб, бизлар(ни) қаён олиб борурсиз, бизларнинг бозордан оладигон нимарсаларимиз бор», — десам, ул манга қараб: «Соиб! Бизим Афғо-

¹ Бегона

нистоннинг расму таомили сизнинг Туркистоннинг расмига ўхшаган эмас. Четдан келган кишилар ким бўлса бўлсун, бозордан мол оладурғон бўлса, ноиб соибдан рухсатсиз ололмайди. Бир бошқа куни ноиб-ал-ҳукумадан ижозат олуб, сўнгра келуб олурсиз», — деди. Мен ҳамроҳларима русчалаб аҳволни маълум қилдим. Онлар-да таажжубга қолуб, иккинчи йўл ила «Жаннат-да кўрмак бор, емак йўқ экан», — дея манзилимизга мурожаат қилдук.

8 (июл)

8 июлда ноиб-ал-ҳукуманинг ҳузурини меҳмон бўлдук. Чаҳорбоғ исмли ҳукумат ўрдасида бизларни(нг) 300 мунтазам аскар ила қаршу олдилар. Тарзи меъморини шарқ усулида ясалган Чаҳорбоғ ичида хонада бизлар учун улуг зиёфат верилди. Бутун Ҳиротнинг ҳукумат арбоблари ушбу ош мажлисида чақирилгон эдилар. Ошдан сўнг сиёсат оламиндан сўзлар бўлуб, бизлар бироз нутқлар сўйлашдук. Сўнгра мажлисга хотима верилди. Ўз манзилимиз(га) қайтуб келдук.

10 (июл)

10 июлда ноиб-ал-ҳукума бизим манзилимизга меҳмон бўлди. 2 соат ўлтуруб, бизлар ила бирга боргон хонимларга бир неча адад тарихий, эски замонлардан қолгон брошка ва тангалар ҳадя қилуб, хайробод қилуб, қайтуб кетди. Мақсади аслимиз ўлан Қобулга жўнамоқга бир кун мулла Бровин боруб ноибдан сўраса-да, кетмоғимизга то Қобулдан фармон келмагунча, юрмоғимизнинг мумкин эмаслигин хабарин олуб келди. Қобул хабарин кутуб, бир неча кун мунда қолдук.

22 (июл)

22 июлда Қобулдан бизларнинг юрмоғимизга фармон келдигин ноиб тарафиндан маълум қилинди.

23 (июл)

23 июлда мажруҳ бўлуб, Чоржўй касалхонасида қолгон ўртоқ Ивануф икки ёвари ила яхши бўлуб келуб қолди.

23 июлда ноиб-ал-ҳукума келуб, яна бизлар ила кўришуб, сўйлашуб, хайрлашуб эртаси кунга сафарга ҳозирлик кўрмоғимизни(нг), афгон ҳукумати тарафидан ҳамма ҳозирлик мукамал суратда тайёрландигин маълум қилуб, бизлар ила бирга кетмоқга Абдусаттор-

хонни (нг) меҳмондор¹ таъйин қилинғонлигин маълум қилуб, жўнаб кетди. Букун ҳаммамиз-да, мақсади аслимиз ўлан Кобул жўнатмоқға ҳозирланурдик. Бу кеча йўл хусусида музокарामиз ўлди.

Ҳиротдан Кобулга уч йўл ўлуб, биринчиси Қандаҳор йўлидирки, 56 манзил (работ) ўлуб, масофатан 1846 чақиримдир. Иккинчиси, Ҳазора йўлидирки, 31 манзил (работ) ўлуб, масофатан 1000 чақиримдир. Учинчиси Мазори Шариф йўлидирки, масофатан 1556 чақирим ўлуб 46 манзил (работ) дир. Бошқа йўлларга қараганда Ҳазора йўли тоғлик ва хавфлик ўлса-да, яқин ўлдиғиндан, ҳар чи бода бод, дея Ҳазора йўли ила кетмоқға жазм қилдук.

24 (июл)

24 июл сабоҳ соат 6 да ҳаракат қилуб, соат 10 да **Поли ири** исмли работға боруб тушдук. Бу работ ила Ҳирот ороси 4 тош 32 чақирим, 8 куру бўлур. Бизим бу сафаримиз ҳақиқий ҳамда энг мароқли бир сафар эди. Чунки 25 ҳайъати вакола(т)дан бошқа бизларға тайин бўлғон меҳмондорнинг тахти идорасинда 5 чойдор, 7 ошфаз, 4 фаррош, 6 меҳтар, 4 тахта равончи, 5 кадомдор (бор) эди. Мундан бошқа бизлар ила бирга кетмоқ учун тайин бўлғон қўми(н)дон аписарнинг тахти идорасинда 25 отлиқ аскар-да вор эди. Мундан бошқа юкларимизни(нг) ортғон корвоннинг 45 оти ўлуб, жамъан 128 отлиқ бирдан ҳаракат қилдимиз эди.

Бизим бу келуб тушғон манзилимиз икки таноб — 800 мураббь сажен чамасида ўлуб, бир тарафи меҳмонхона ўлуб, ўртасидан девор ила айрилғон, иккинчи тарафи отхона ўлуб, бу(нинг) бир тар(з) ҳукумат тарафидан ғалла-озуқалар сақланадурғон кадом омборхонадан иборат эди. Тарзи меъмори бизим Туркистоннинг мадрасаларининг ҳужраларининг аинидир. Бураларда йиғоч камёб ўлдиғиндан биносининг ҳаммаси хом ғишдан, томининг усти-да гумбаз қилинуб ёфилмишдир. Бу работларнинг ҳаммаси бир суратда, бир қолибда, бир усулда ишланмишдирки, бириндан иккинчисига кўчуб борғон киши аввалғисиндан иккинчисини(нг) айирмоқға буюк зеҳн соҳиби ўлмоғин тақозо этар. Ҳар бир

¹ Афғон ҳукуматининг ҳамма шахринда-да махсус ҳукумат тарафидан тайин қилинуб қўйиладурғон меҳмондор бўлур экан. Меҳмондорнинг идорасинда ошга қарайдирғон «ошдор», чойга қарайдирғон «чойдор», кўрфага қарайдирғон «фаррошбоши», отларга қарайдирғон «мирохўрбоши» бўлур экан. (*Авлоний изоҳи*).

работда ҳукумат тарафиндан қўйилмиш бир арбоб, бир кадомдор ва ҳар бирининг хидматинда бир неча хидматкорлар вордир.

Арбоби ҳукумат солиқларин халқдан йиғуб, кадомдор қўлига топшураб. Кадамдор бу йиғилмиш озуқа ва бошқа нимарсаларни(нг) ҳукумат тарафиндан юрадургон кишиларға ва хусусий йўловчиларға қатъий ҳамда арзон баҳо ила сотуб, оқчасини(нг) ҳисоб юза ҳукуматға топшураб экан.

Афгон ҳукуматин «казонний» нимарсаларининг исмини(нг) «саркори» исми ила юритур экан. Масалан, отларини «аспи саркори», идишларини «зуруфи саркори», чодирларини «ҳаймаи саркори» каби.

25 (июл)

25 июлда сабоҳ соат 4: да бурадан чиқуб, соат 10 да Турон исмли работға бордук. Бу икки манзил ороси 6 тош 12 куру, 48 чақирим йўлдир. Бизим йўл узоринда кетувимиз гўзал бир кетиш, суюмли бир юриш, мароқли бир саёҳатлар эди. Чунки бизлар турли-турли миллатлардан мураккаб ўлсамиз-да, аромизда муҳаббат ва муваддат барпо ўлдиғиндан бир шокилаи инсон ўлан, бир тўда инсон юғунтаси ташкил эдан юриш ҳар хил назариётлари пешгоҳи назарға келтуради. Хусусан, отлар(н)инг аёғларининг тоғларинг тошлари(н) гумбурлатуб уран замонларда чиқгон садолар, кўз ва ниётлар олам-башарият(и)нинг ҳиссияти ижтимоийясин на қадар гўзал, на қадар суюмли ўлдиғин бир мисоли мужассамаи эди. Бу кўрувиятлар, бу садолар, бу гулдурослар шўйла чуқур-чуқур ҳиссиётлар сездиради. Гўё биза:

«Эй, мухталиф¹ одам болалари! На учун сиз бу қадар бир-бирингиза душман ўлдингиз? Токайғача бир-бирингизни қонларингиз ичажаксиз? Токайғача бир-бирингиза душманлик ва ҳақорат назари ила боқажаксиз? Токайғача ҳаёти ижтимоийянинг йўлларина хобил ўлажаксиз? Йўқ! Бу фикрингиздан қайтингиз! Бу рафторингиздан ўсонингиз! Бу мутаассиблик, бу жаҳолатингиз берақингиз! Бир кун келур, бу эдиғингиз, бадкирдорингиздан пушаймон ўлажаксиз! Лекин сўнг ўнгажагингиз фойда вермаз!» — садоларин англатадур:

¹ Турфа хил

(назм)

На кўрди дунёда инсон бузуқ бу ихтилофидан,
Туғулди турли шўришлар маншат ихтилофидан.
Бўлуб бир-бирга душман кун кечурди, кўрмади роҳат.
Қирилди, маҳв ўлди, кечди улфат иттифоқидан.
Ойилди молу сарватдан, қариб ўлди шақоватга
Йироқ кетди адолатдан ҳама миллат хилофидан.

Банда Ҳиротдан чиқгон кундан бошлаб оғримиш-
дим. Иккинчи куни от устида юрмоқга дард йўл верма-
ди. «Тахта равон»га тушуб юрмоқга мажбур ўлдим.
Бу афгонларинг тахта равон исмли аробалари Туркист-
тоннинг ўлук кўтарадургон анбарларин ўзгинасидир.
Фақат айирмаси узун-қисқалиғиндадур. Бу аробанинг
бўйи-да, эни-да бир ярим газ ўлдиғиндан инсон ичинда
аёғ узатуб ётмоқ(и) имкон хорижиндадур. Бу ароба-
нинг олди ила ортига икки от қўшилуб «равон» қили-
нур экан. Мабодо бу отлар йўрта қолса, ичиндаги одам
соғ бўлса, оғруб, оғриқ бўлса, ўсал бўлуви табиийдур.
Бу «роҳатижон маофа»да бир кун юрғондан сўнг тав-
ба ва тазарруълар ила эртаси от минуб юрмоқга маж-
бур бўлдим.

26 (июл)

26 июлда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 12 да
«Мизво» исмли работға тушдук. Бу икки манзил оро-
си 7 тош, 14 куру, 56 чақирим бўлур.

27 (июл)

27 июлда сабоҳ соат 4 да бурадан чиқуб, соат 10 да
«Уби» ёки «Хўби» исмли работға тушдук. Бу икки
манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чақирим бўлур.

28 (июл)

28 июлда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 11 да
«Шоилон» исмли работға тушдук. Бу икки манзил
ороси 5,5 тош, 11 куру, 44 чақирим йўлдир. Бурада
Хубони санги кирдор исмли мазор вордир. Афгонларинг
нақллари, мундан 7 юз йиллар муқаддам бурада бир
«аждаҳ» пайдо бўлуб, кўб кишилари(нг) нобуд қил-
миш. Охирда бу мазор соҳиби бир неча киши ила ке-
луб, фалахмон тош ила уруб ўлдирмишдир. Бу мазор-
(н)инг устига афгонлар ўн пут чамасида келадургон
юмоқ бир тошни(нг) келтуруб қўймишлар. Бу работ-
нинг исмини(нг) «Шоилон» қўйилувин шул сабаби маб-
нии дея сўйладилар.

Бу работнинг бир ёниндан катта сув ўтдиғиндан чиқуб, тўфанг ва бўмба ила балиқ ов қилдук. Бир бўмба ўртоқ Иванўфнинг ёвари ўлан австрия(ли) Волпрамнинг қўлинда портлаб, ўнг оёғиндан мажруҳ бўлди. Иванўфнинг иккинчи ёвари Афаштин оғриқ бўлуб, 2 ўз аскаримиз, 2 афгон аскар ила Ҳиротга «тахта равон» ила қайтуб кетди.

29 (июл)

29 июлда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 11 да **Хожаи Чаштга** етишдук. Бу икки манзил ороси 5,5 тош, 11 куру, 44 чақирим йўлдир. Бу работдан бир тош масофада **Хожаи Мавдуд** исмли мазор вордир. Ушбу мазор(н)инг бир тарафинда санги мармар узорина ушбу байт ёзилмишдир:

Эй дил, ба хуш бошки, одам тамом рафт,
Пиру жавон, шоҳу гадо, хосу ом рафт...*

Бу зотнинг лақаби **Чашти** ўлуб, «**Хожа Чашти**» исми-ла маъруф ўлдиғиндан бу қария ҳамда бу ердаги работнинг исми-да **Хожа Чаштий** исмила юритилмишдир.

Бурада эски замонларда жаҳонгир турклар тарафиндан ясалган миноралар, мадрасалар, масжидлар, шарқ усулида бино қилинган қўрғонларнинг харобалари вордир. Бу харобаларнинг илк замонда турклар бино қилдиғин шул қариянинг мўйсафид одамлари сўйлдилар.

Бу қабрнинг бош тарафина санги мармар узорина ушбу сатрлар муҳрдур:

(назм)

Офтоби сипеҳри фазлуллоҳ
Орифи баргузидан маъбуд.
Сарвари оли саййиди кавнайн,
Садри султон Қутбиддин Мавдуд.
Ғавсул Аъзами амин ҳазрати ҳақ
Қутби дин, подшоҳи соҳиби жуд.
Шайхи оламки, аз жалоли шараф,
Хайма зад барфарози чархи кабуд.
Хожаи Мавдуд Чаштий, онки, фалак
Пеши қадраш ниҳоди сар ба сужуд,
Хисравонаш ғуломи даргоҳаш,
Хаст чун арши каъбаи мақсуд.
Мухлисонаш ба ҳар ду кави азиз

Мункиронаш зи фазли раб мардуд.
 Ояти аржаи з-ҳақ чу чашид.
 Мурғи руҳаш ба садри бол кушуд.
 Сад фиғон аз жафоу жаври сипеҳр
 Ки ба кас жуз жафо вафо на намуд.
 Аз хирад жуст соли фавташро
 Сорамий ин бино чу мефармуд.
 Дод фосиҳи хирад зи-ризвон гуфт:
 Қудси олло сирриҳу Мавдуд.**

тарихи вафоти 555

Қабрнинг аёғ тарафина санги мармар узорина ушбу
 сатрлар муҳрдур:

(назм)

Шоҳеки азиз карда маъбудаст,
 Ғавсеки амин офият маҳмудаст,
 Шайхеки дараш каъбаи мақсудаст.
 Султон Сайид қутби дин Мавдудаст.
 Он хожаки, мири коинот аз жудаст.
 Маҳбуби илоҳ ин замин мавжудаст.
 Чаштастки ҳожатгаҳи ҳар неку рост
 Чун руҳи малак равзаи он пурсуд аст.
 Эй Сорамий, аз ҳиммати султони жаҳон
 Дар рӯйи замин Чашт яқин донки беҳишт аст.***

Бу қабрнинг узорина йиғочдан ясалмиш фанжара
 мундан 783 йил илк ўлса-да, ҳоло бир ери-да бузилма-
 миш ҳамда ойна каби ярақлаюр. Бу фанжара ул вақт-
 даги устоларинг сўнг даража нафискор ва моҳир ўл-
 диқларин англатадур.

30 (июл)

30 июлда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 11 да
Хори зор исмли работга тушдук. Бу икки манзил ороси
 6 тош, 12 куру, 48 чақирим масофадур. Бу работда Бро-
 вин ҳайъати ваколага Тошкандан таржимонлиқ сифа-
 ти ила чиқгон Ҳиндистоннинг ҳақиқий социалистларин-
 дан ўлан мавлавий Зикриё афандини(нг) арзимаган
 ишдан сабаб топуб, ичкари ҳовлидан ташқарига қув-
 лаб чиқорди ҳамда кўб ўринсиз ҳақоратлар қилди. Бан-
 да Тошкандан чиқгондан Зикриё афанди ила унсият
 пайдо қилдиғимдан ҳамда то ушбу манзилгача бир(га)
 ётуб, бир(га) туриб келдиғимдан бу хўрликға мен-да

шерик ўлдим-да, мен ҳам Зикриё афанди ила ташқари хонага чиқмоқға мажбур бўлдим¹.

31 (июл)

31 июлда сабоҳ соат 3 да бурадан чиқуб, соат 12 да **Танги азоб** исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 9 тош, 18 куру, 72 чақирим йўлдур. Бу икки манзил олис ўлдиғи ила баробар, ҳаммаси баланд-баланд тоғлардан иборатдур. Бошқаларға қаратганда бу манзилнинг йироқлигин сабаби, бу тоғларнинг орасида работ солишга лаёқатлик ер ўлмадиғи ҳамда бураларда қария, қишлоқ йўқлиғидир². Бирдан бир кунда дам олмасдан от устида бир ўлтурганча 9 тош йўлни босмаклик на қадар оғир ўлдиғи табиий ўлдиғиндан бу кечадан бир неча кишиларим (из) оғруб чиқдилар.

Бу манзилдан тахминан 3 чақирим йироқликда тоғнинг тefасида Банди Жамшидий исминда бир ер вордирки, 3 мураббаъ саржин бир тош узорина иброний хати ила ёзилмиш бир мактуб вордир. Мундан 4 йил муқаддам Германия тарафиндан келгон ҳайъати вакола (посол)лар бу хатнинг кўфиясини (нг) сурф ила олуб кетмишлар. Бу тош тоғга муттасил³ бир тарафга мойил ўлдиғиндан ҳамда чўқ эски замондан қолмиш асар ўлдиғиндан ҳамда устина кўб замонлар қор-ёмғурлар ёға-ёға ҳарфларинг баъзи ерлари ўқуб бўлмаслик даражасиға келмишдир. Аммо баъзи ҳарфлар очиқдан-очиқ хатти иброний ўлдиғина мусбит⁴дир.

1 (авғуст)

1 авғустда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 8 да **Гузарфам Чангалбод** исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 3 тош, 6 куру, 24 чақирим йўлдир.

2 (авғуст)

2 авғустда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 10 да **Гузарфам** исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чақирим йўлдир. Бу работнинг рўбарўсида бир қабр вор. Устина ёзилмиш тари-

¹ Бурадаги ичкари хоналар деганимиз работларнинг бир бурчидан улуг меҳмонлар учун девор ила айлантуруб ажратилгон беш хонадан мураккаб таркиб топган бир ҳовличадир.

² Ҳама работлар йўлчиларга озуқа ва бошқа нимарсалар топилоғи осон ўлсун учун йўлак ҳамда қишлоқ яқиниға бино қилинмишдир.

³ уланиш, боғланиш

⁴ далил, исбот

хи санаи ҳижрий ила 133 да вафоти маълум ўлса-да, ҳожининг исми маълум эмасдир. Афғонлар-да, исмини (нг) ким ўлдиғин билмас эканлар.

3 (авғуст)

3 авғустда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, **Тийрабулуқ** исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чақирим масофадур.

4 (авғуст)

4 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 12 да **Оҳангарон** исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош 12 куру, 48 чақирим йўлдир.

5 (авғуст)

5 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 9 да **Қоҳи** исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 3 тош, 6 куру, 24 чақирим масофадир. Бу манзил-да гўзал бир дилоро ерга бино қилиниб, Ҳирируд наҳрининг соҳилинда манзарали бир ер (дадир).

7 (авғуст)

7 авғустда сабоҳ соат 5 да бурадан ҳаракат қилуб, соат 2 да **Давлатёр** исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 9 тош, 18 куру, 72 чақирим масофадир. Бу манзил Ҳирот ила Қобулнинг сарҳади (чегара)си ўлуб, бурада Ҳирот тупроғи тамом бўлуб, бу ердан бошлаб Кобул туфроғи ҳисобланур.

Ҳиротдан то Давлатёрғача йўллар узоринда тоғлар оросинда ватан эдан халқнинг аксари тожиклар ўлуб, бироз афғонлар-да вордир. Буларинг касби маишатлари экинчилик, тўрт оёғлик мол-чаҳорпочилиқдир. Ҳар одим жойда гуруҳ-гуруҳ ўтлаб юрган тева, йилқи, қора мол, қўйлар кўрилмоқда эди. Экинлар эса буғдой, арфа, шоли, мошдан бўлак майда кўк экинлари-да ора-сира кўрилуриди. Аммо дарахт мева йўқ ҳисобиндадир. Экинлари ниҳоятда яхши битган эди. Маълумотлик кишиларинг сўзларига қараганда, агарда чет давлатга сотилмаса, бу йил Афғонистонда битган ғалланинг бир неча йилга етажагин сўйлаюрдилар.

Аёғлик молларнинг кўплиғина далил бир катта қўйни (нг) 4 рупия, 12 танга бухорига берур эдилар. Яхши отлар 500 рупиядан тортиб, 50 рупия (гача), 150 тангаи бухорига йўлга ярайдирғон, минса бўладирғон отларни (нг) ўз ичимиздан олғон кишилар бўлди. Сигирнинг баҳоси 100 рупиядан тортиб 25 рупиягача эди. Буғдой, арпаларинг баҳоси бир пути бир ярим рупия ўлуб, шунга ҳам оладирғон киши топилмас экан. Деҳ-

қонларнинг бир неча йилги ғаллалари бов устига бов ўлуб, босилиб ётмишдир.

8 (август)

8 августда сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 12 да Қизил исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 7 тош, 14 куру, 56 чақирим йўлдир. Буранинг работи иморатлиқ ўлмадигиндан чодирлар тикилуб, бу кечани(нг) чодирлар ичинда ўткардук. Ҳиротдан то ушбу манзилғача иссиқ ҳавода келмуш эдик. Бурада ўйлаб бир совуқ ҳавоға дучор ўлдуқки, кўп кишилар кечанинг совуқлигиндан юруб тонг оттирдилар. Бул манзилғача саратон ҳавосинда келуб эдук.

Бурадан бошлаб ул баҳор ҳавосига дучор ўлдук. Бураларда арфа, буғдой эндигина ердан чиқуб, келаётибдир. Ҳолбуки Ҳиротда қовун-тарбуз еб келмиш эдук. Давлатёрдан бошлаб, бураларда паст-паст дарахтлар кўрина бошлади.

9 (август)

9 августда бурадан сабоҳ соат 6 да чиқуб, соат 10 да Лаъл исмли работға боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чақирим йўлдир.

10 (август)

10 августда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб соат 9 да Кирмон исмли работға келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 3 тош, 6 куру, 24 чақирим масофадир.

Давлатёрдан бошлаб то Кобулғача йўл узорина ва тоғ ороларинда ватан эданларинг аксари ҳазоралардир. Бироз тожикларда вордир. Булари(нг) «барбари» исми ила-да юритилур. Бу халқларинг қиёфатлари ва кийган кийимлари, хотунларининг бошидаги «дакана»лари, эрларининг бошидаги телфак-бўрклари, алҳосил бутун турмушлари бизим Туркистон қирғизларининг айни ўзгинасидир. Ҳеч бир ерда айримлари йўқдир. Фақат айримлари лисонлариндадир. Бунлар форси лисон ила сўйлашурлар, турки билмазлар. Ҳазораларинг мўйсафидларининг сўзларина қараганда, бунлар Чингизхон замонасида келуб, бураларда ерлашуб қолмишлар. Асл ватанлари Туркистоннинг ва Баҳри Ҳазари(нг) тарафинда эмиш. Лисонлари, Нодиршоҳ ва Шоҳ Аббос бураларинг истило қилдиғин замонида, форсилашмиш ҳамда мазҳаблари-да шиалашмишдир. Бунлари-да афғонлар оросинда мазҳаб даъволари ҳукмфармодир. Илм ва маорифсизлик натижаси ўлароқ қадим замонларда бизим Туркистонда ту(р)клар ила қирғизлар оросинда шўйла қабила низолари ўлуб, иш бо-

шина қирғиз минганда, турклари (нг) исканжа оросина олуб, иш бошина турклар минганда, қирғизлари (нг) тутуб, «бугдой» дегил дея, бечора қирғизларинг тили «бугдой»га келмай, «буйдай» дея, бош кесувчилар, қон тўкувлар бўлғани каби Афғонистонда ҳозирда ҳам ҳукмфармон ўлан «сунний-ший» муноқашлари (га) Бухородаги «жадид-қадим» даъволари каби бу ислом ҳукуматининг тахти идорасинда ўлан бу икки хил қавм бир-бирлари ила анису улфат тута билмас эканлар. Аро-сира бир-бирларига ҳақорат назари ила боқиш бир тарафда турсун, отишув, қон тўкишувлар-да бўлуб турар экан. Бунларинг қабила даъволари ул замонларда бироз сустанғон бўлса-да, мундан 25 йил муқаддам марҳум Абдурахмонхон замонинда бутун ҳазоралар бирдан ҳукуматга ёғий бўлуб, ҳукумат ила бир неча вақт урушгонлариндан сўнг ҳар тарафдан аскар келуб, ўйларинг қилуб қўл қўл (қалъа)ларин ер ила яксон қилинуб, ўзларин қиличдан кечурилмишдур. Мана бу воқеадан сўнг яна оролариндаги қабила даъволарина кучаюб, ҳозирда ҳам бир-бирларина қийшиқ кўз ила боқув ҳукмфармодир. Шул сабаблар (г) а мабни ҳазоралардан аскар олинмаюб, фақар қора хидматларгагина ишлатилар экан.

Аммо ҳазора қишлоқларининг бошлуқлари арбоб, элбош, закотчи, кадомдор, хазиначи ва буларнинг тахти ҳимоясиндаги хидматчилар ҳазораларинг ўзлариндан қўйилар экан. Арбоб қўл остиндаги фуқародин йиғилғон ушр ва хирожлари (нг) жамъ қилуб, кадомдорға топшурар, кадомдор бунлари (нг) сотуб ёки моллик ҳолатинда ҳукуматға топшурар.

Тартиб ва низомлари яхши ўлса-да, олинғон маълумотларга қараганда ёғоч кесадиғон болтанинг софи ўзидан бўлғонга ўхшаш, ҳазораларинг ўзлариндан бўлғон кадомдор — арбоблари ҳукумат буйруғида (н) ортиқча ушр ва хирож олуб, бечора фуқароға жабру зулм қилур экан. Аммо молдор, давлатманд кишиларға бўйла жабр-зулм қила олмадиқларин, бутун оғирлиқ, фақир-фуқаронинг устига тушғонлигин кўз ёш ила сўйлатон кишилар бўлди. Ҳатто устларида яхшироқ кийимлар, остларида яхши отлар бўлса, зўрлик қилуб, тортуб олур эканлар. Туркистонликларнинг «ўйнашма (гил) арбоб ила, арбоб урар ҳар боб ила» дея сўйлайдиғон зарбулмасаллари шўйла арбоблар ҳақинда (б)ўлса керак. ✓

Ҳазоралар бизинг Туркистон қирғизлари каби кўч-

ма ўлмай, ҳаммаси турғундур. Кўчмалари ниҳоятда оздир. Умуман афғон халқининг кўчмалари бутун йил бўйи кўчуб, умр ўтқарар экан. Чунки Афғонистонда йилнинг тўрт фаслинда-да баҳор бўладирғон ерлари бор (э)кан. Бир ерда агар куз бўлуб, ўт адо бўлса, иккинчи баҳор бўлган ерга қараб кўчарлар.

Ҳазоралар ахлоқ жиҳатиндан бизим Туркистон қирғизларига яқин келмаюрлар. Бир минг меҳмонни(нг) бир сариф чақага олмаюрлар. Бир нимарса борми, дея сўрасангиз, бор бўлса-да, йўқ деюрлар. Қўлларига оқча берганингиздан сўнг аранг чиқориб берурлар. Бермаққа сиздан 2—3 баҳо олурлар. Буларнинг ороларинда қизларни(нг) хотунликка сотув айб эмас экан. Ҳазораларнинг ораларинда бобий мазҳабинна кирганлари-да вор экан.

12 (авғуст)

12 **авғустда** сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 11 да **Азғарот** исмли работ(ға) келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 12 куру, 40 чақирим масофадир.

13 (авғуст)

13 **авғустда** сабоҳ соат 5 да бурадан чиқуб, соат 11 да **Панжоб** исмли работға келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чақирим йўлдир. Бу работнинг Панжоб аталувин сабаби 5 тарафдан беш ирмоқ келуб, бурада бир ерга қуйилур экан.

14 (авғуст)

14 **авғустда** сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 10 да **Зарсанг** исмли работға келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чақирим йўлдир.

Бу манзилда Қобулдан Туркистона тайин ўлинмиш ҳайъати вакола бизлара йўлуқди. Бошлиқлари жене-рол Мирза Муҳаммадхондир. Бу ҳайъат ичинда тўфчи, муҳандис, юзбоши, дўқтир ва бир туркистонли таржимон Муҳаммадшариф Сўфизода-да вор эди. Бу ҳайъат 20 кишидан иборат эди. Бу ҳайъат бизлара амир соиб тарафиндан истиқбол саломлари сўйладиқдан сўнг амир бизлари тўрт кўз ила кутуб турдиғин сўйладилар. Муҳораба аҳволиндан савол қилиндик-да, генерал жаноблари:

«Ғалаба бизим тарафда муторака қилинди. Ҳиндистон аскарлари бизларга қарши муҳорабадан алмутанозеъ қила(ди)лар. Белужилар бизим тарафға яроқ-аслаҳалар ила гуруҳ-гуруҳ ўтдилар. Инглизларнинг бизларға қаршу олуб келуб уруштирғон аскарлари «шот-

ланс»лар, «гуркас»лар ила «будда»дан иборат эди. Сўнг замонлар (да) инглизлар бир неча матўр ҳавойи — ойирфилон кетурғон бўлсалар-да, мақсудларина эриша олмадилар. Галаба бизим тарафда ўларақ муҳорабая муторака ёпилди», — дея сўзин тамом этди.

▣ Бу кеча ўртоқ Бровин таклифи уза Мирзо Муҳаммадхонга Тошкандаги мусулмонларнинг Марказий бюросина бир мактуб ёзуб вердим.

Мазкур мактубнинг кўфияси:

КУФИЯ

Сана 1919 мелодий, 13 августус. Туфроғ Афғонистон, работ Зарсангда ёзилди.

РУСИЯ ИШТИРОКИЮН ҚУМИТАСИНИНГ ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ МАРКАЗ — БЮРОСИНА!

Зоти олийларингиза маълум эдарамки, ушбу зот шавкатмаоб Мирзо Муҳаммадхон генерал Афғонистон амири тарафи олийлариндан буюк ваколат ила бизим Туркистона ташриф буюражақлар.

Муҳтарам афандилар! Ҳар ҳолда бу зотинг эҳтиромларин ерина етурувингиза аминам.

Боқий эҳтиром.

Русия Шўролар Жумҳуриятининг Афғонистон вакиллариндан

Имзо

15 (август)

15 августда сабоҳ соат 6 да икки ҳайъати вакола бир-бирларимиз ила хайрбодлашуб, афғонлар Туркистон тарафина, бизлар Кобулга қараб равона ўлдуқ. Соат 12 да **Морхона** исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чақирим йўлдир. Бу манзилдан чиқишдан бошлаб, иккинчи манзилга етушғунимча афғонларинг кўчма халқларина учрадук. Бу икки манзил оросиндаги ўр—водий бутун тева, йилқи, қўй, қорамоллар ила тўлғон эди. Бунларинг бола-чақалари ила, мол-ашёлари ила узундан-узоқ бўлиб кетишлари бир-бирларининг бақируб-чақиришлари, қўйларнинг, қўзиларнинг маъраши, отларнинг, тойларнинг кишнаши, теваларнинг, бўталоқларинг ўнграши ҳар кимнинг назари диққатини (нг) ўзига жалб қилурди. Лекин бунлари ичинда ёш йигитлар оз кўринарди. Яроғ-

лиқ йигитлари ҳаммаси муҳорабага кўнгилли бўлиб кетганлигин сўйладилар.

Бу кетиш манзарасининг энг гўзал ери, инсоннинг диққат-назарини жалб этадиргон жой уч-тўрт яшар ёш-ёш болалар шўйла баланд-баланд тоғлардан, тошлар оросиндан пилдираб, бошяланг, оёқяланг, оналариндан, оталариндан илгарига тушиб, чопа-чопа кетарлар эди. Буларинг ҳаммалари Қобул атрофинда яшайдиргон афгон кўчма халқлариндан эди. Бунлари ахлоқ жиҳатиндан юқорида мазкур ҳазораларга қараганда маданий дейилса мумкиндир.

16 (авғуст)

16 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 11 да **Элбанд** исмли работға келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чақирим йўлдир. Бу манзилдан бир тош масофада Элбанд дарёсиндан кечуб ўтдук.

17 (авғуст)

17 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 12 да **Роғул** исмли работға келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чақирим масофадир.

18 (авғуст)

18 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 10 да **Боди Осиё** исмли работға келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чақирим йўлдир. Бу манзилда олма, ўрик эндигина пишгон эди. Олма-ўрукларнинг бир ман — 8 қадоғи 1 рупиядан эди. Демак, бурада баҳордан чиқуб, жавзоға кирдук.

19 (авғуст)

19 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб соат 10 да **Човғил** исмли работ(ға) келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чақирим масофадир.

20 (авғуст)

20 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 11 да **Сарчашма** исмли работ(ға) келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чақирим йўлдир. Бурада Имом Абу Жаъфар Содиқнинг зиёратгоҳ мақбараси вордир. Ва бу зиёратгоҳ ёнида тўрт чашма ҳавзлар вордирки, ҳар биринда мингларча балиқлар сузишиб, ўйнашиб юрур.

21 (авғуст)

21 авғустда сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 11 да **Кўҳи Ҳаштрўға** келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чақирим йўлдир.

Шул кунни соат 12 да бурадан чиқуб, соат 3 да **Қози-**

қалъа исмли работға келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чақирим йўлдир.

Хиротдан бошлаб то Қобулга келганча, йўлларда у қадар мазор кўпдурки, йўлнинг ҳар икки тарафи бир мазористон манзарасин ташкил эдар. Йўллар тоғ-тошлардан иборат ўлдиғиндан чуқур қазилуб, кўммоқ мумкин ўлмаюб, ўлуклари атрофига тош теруб, устига тош бо(с)тируб қўяр эканлар.

Бу Ҳазора йўли Қобулнинг энг яқин, энг қаттиқ, энг қатнов йўли ўлдиғиндан халқ чумолидек ўлуб турар экан. Бу бир ойлик йўл оросида тиббий ёрдам йўқлиқ сабабли оғирроқ касал бўлгон кишиларни(нг) йўлнинг бир четига ётқизуб, устига тош бостируб кета берар эканлар.

22 (август)

22 августда сабоҳ соат 9 да Қобул(дан) юборилган «коди» пойтунларга ўлтируб, Қобул шаҳрина дохил бўлдук. Йўлда бизлар учун тайин бўлингон меҳмондорлар бизлари Маҳтоб боғига тушуриб, мусиқий бир юзга яқин отлиқ аскарлар ила расм-гимн(?) ижро қилуб, бизларга чой тутдилар. Бу Маҳтоб боғида бир соат(лик) чой-зиёфатдан сўнг такрор аробаларимизга минуб, бир неча ҳайъати вузароларинг бизлара пешво(з) чиқмоқлари ила эҳтиромлар сўнгида Қобул шаҳрида энг машҳур ўлан Боғи Мустафога ерлашдук. Ерлашган хоналаримиз мукамал Ёвропо усулида ясалмиш бинолар ўлуб, ўй ащёлари-да том ёвропоча эди. Бизим учун тайин ўлгон меҳмондор, ошпазлар-да, таомларимизи-да ёвропоча ҳозирлаб берур эдилар.

Бир неча кун(лик) сафар машаққатин истироҳат қилуб, азола қилдук. Бу арода Англетара давлати ила Афғон ҳукумати орасинда олти ойга муторака қилинуб, муҳорабага хотима верилдиғин очиқ суратда англадук.

25 (август)

25 августда Англетара давлати тарафиндан Қобулга бир ҳайъат келмиш дея бир хабарни Бровин сўйламиш эди. Бу хабарни(нг) собиқ Кушка коменданти 26 августда сиёсий қўмисаримиз ўлан Зиборўфдан рухсат олуб, нозири хорижи Маҳмуд Тарзи афандининг ҳузурини воруб аҳволот олдим. Ярим соат суҳбатдан сўнг бу шойеъ ўлан хабаринг асилсиз ўлдиғи очиқ маълум бўлди. Бу хабаринг асилсиз ўлдиғин келуб, ҳайъати ваколамиза сўйладим. Бу хабаринг не сабабдандир, Бровин тарафиндан сўйландиғиндан асилсиз ўлдиғин аввалан ҳозирда Қобулда мусулмон динини(нг) хотуни

ила қабул қилмиш. Севаладатскидан нақлан сўйламиш эди. Келуб сўйлағон вақтимда ўртоқ Бровин манга такфир назари ила боқуб, бир неча калима нолойиқ сўзларнида сўйлади. Бан-да сукут этмоқдан бошқа чора бўламаюрдим¹.

28 (август)

28 августда но(зири) хорижи Маҳмуд Тарзи афанди бир неча кишилар ила бир ҳайъат (ўлуб) Афғон ҳукумати тарафиндан бизлари табрик қилмоққа келдилар. Ароларинда Ҳиндистон инқилобийон қўмита аъзолариндан-да киши бор бўлуб, ҳарбия мактабининг мудири Муҳаммад Висоми афанди-да бор эди.

Бир соат суҳбатдан сўнг бу табрик мажлисива хотима верилди.

30 (август)

30 августда Маҳмуд Тарзи афанди бир ҳайъати ила бизим ҳузуримиза ташриф буюрдилар. Суҳбат асносинда «агитация» қилмасликға ҳамда брошура—инқилобий рисоалар тарқатмасликға бизлардан сўз олуб, минбаъд бозор ва кўчаларға чиқмоқға ва кезмоқға ҳукумат тарафиндан рухсат ва изн ўлдиғин маълум қилуб кетди.

Ийди қурбоннинг 3-куни амир соҳиб ила кўришмак муқаррар ўлса-да, шул кунларда Қобул шаҳрида вабо қўзғалуб, бир неча кишилар вабо касали ила оғриганликлари мушоҳада қилиндиғиндан, амир ийд кунларин шаҳардан ташқари бир қишлоқда ўткардиғиндан кўришмоғимиз кейинга чўзилди. Аммо бу миёналарда ўртоқ Бровин — «хусусий амир» ила бир неча маротаба суҳбатда бўлинди.

1 (сентябр)

1 сентябрда ҳукумат тарафиндан тайин қилинмиш афтомобилларға минуб, амир Ҳабибуллохон бино қилғон **Чиҳл сутун** исмли боғга бордук. Бу боғ Кобулнинг машҳур боғларидан ўлуб, тамом Европо усулида бир кичик тоғнинг устига бино қилинмишдир. Бу бинонинг атрофи турли мевалар ва гулзорлар, йўллар йўлка ила зийнатланмиш ўлуб, хонанинги ичларидаги ашёлари-да том Европо асбобларининг сўнг даражадаси усули(и)-да — (мода)да ясалмиш ашёлардан эди. Хона ичларини мукаммал мўрча водапровод — сувмошинлар ила зийнат верилуб, жануб тарафинда хонанинги саҳни узорина бир понтон сув шалоласи-да бино қилинмиш эди.

¹ Топа олмадим.

Бу иморатнинг устида ўлтирғон кишининг бутун Қобул шаҳрининг манзараи умумийсини(нг) кўруб ўлтируви нақадар баланд бир ерга бино ўлиндиғина шоҳиддур. Бу қасрнинг рўбарўсида баланд бир тоғнинг устина балаидлиғи олти ғаз чамасида оқ санги мрамардан марҳум Ҳабибуллохон номина ёдгорлик (фомитник) бино қилинмишдир.

3 (сентябр)

3 сентябрда маъруф боғлариндан ўлан Боғи Бобурга бордик. Бу боғнинг шимол тарафинда Бобуринг...¹ мақбараси вордир. Мақбаранинг жануб тарафинда том санги мрамардан бино қилинмиш бир масжид бор. Бу масжидда замонинда қирқ минг руфия харажот ўлдиғин, биносининг Заҳириддин шоҳ бино қилдиғин сўйлдилар...² Бу боғда Бобурнинг ўз қўли ила экилмиш чинорлар ва бошқа дарахтлар мавжуддир.

6 (сентябр)

6 сентябрда ўртоқ Бровиннинг фақат ўзи амир ила боруб, сўйлашуб келди-да, ҳозирда Қобулда фақат Зиборўф ўзи қолиш(и)га, қолган ҳайъати ваколага қайтуб кетмоқға амир тарафиндан рухсат бўлғонлиғин маълум қилди.

8 (сентябр)

8 сентябрда 15-нўмералик буйруқ ёзуб, биринчи ўртоқ Иванўф, иккинчи ўртоқ Куликўф, учинчи манга, тўртинчи Маминга ва икки канвоердан бошқаларига-да Тошкандға қайтмоқға рухсат ўлдиғин маълум қилди.

9 (сентябр)

9 сентябрда ўртоқ Маминнинг хонасинда шул хусуда мажлис қилинди. Бу мажлисда ўртоқ Бровин-да бор эди. Ўртоқ Иванўф ила ўртоқ Куликўфлар юқорида ёзилмиш буйруқға иродлар тегдира бошладилар. Ўртоқ Бровин ўзин шошируб, жавоб вера билмадиғиндан охирда «Сизлар сабр қилинг, бан эртага боруб амир ила сўйлашуб кўрайин, сўнгра сизлара келуб чиқғон натижани (результат)ни маълум қилу(р)ман. Сизлар шунга қараб амал қилурсиз», — деди. Мажлис эртанинг натижасига таваққуф қилинуб ёфилди.

10 (сентябр)

10 сентябрда Бровин боруб, амир ила сўйлашуб келди-да, аввалги қарор ўзгарганлиғин ҳамда 15-нўмералик ёзуб бизларга верган буйруқномасин саҳв ўлғон-

^{1,2} Фактик чалкашликлар учраган ўринлар тушириб қолдирилди.

лигин маълум қилмоқ ила баробар эртаси кун бутун ҳайъати вакола амир ила воруб сўйлашмоқға муқаррар бўлгонлигин маълум қилди.

11 (сентябр)

11 сентябрда сабоҳ соат 10 да афтомобилларга минуб, **Боғи Фогмонға**, амир соибнинг ҳузурини вордик. Фогмон Қобулдан 12 чақирим масофада тоғ орасина бино қилинмиш бир қишло(қ) да ўлуб, ҳаво жиҳатиндан гўё Туркистоннинг Чимёнининг айни ўзи эди. Бу боғнинг ичинда том Ёвропо усулинда бино қилинмиш бир неча гўзал бинолар ўлмоқ ила баробар ашёу асбоблар-да бутун ёвропоча эди. Бу боғнинг шарқ тарафинда гўзал гулзор тефасинда 10 газлик бир ёғочнинг учинда ўртасина Афғон тамғаси нақшлангон қизил байроқ кулумсираган каби бўлуб, бизларни (ҳ)илфиллаб саломалаюрди. Афтомобилларимиздан ушуб 22 ёшинда ўлан жавон—Афғон амири ўлан Омонуллахон ила бир тарафи ойнабандлик, чоҳордаралик қасрда кўришдук. Икки соат сиёсий суҳбатдан сўнг мажлисга хотима чекди. Мажлис охиринда амир соиб ўртоқ Бровинға «Эртан ман фақат мусулмонлар ила кўришажакман, чунки сизинг ила бирга келмиш мусулмонлар фақат бугун иккигина киши келмиш, сабоҳ ҳаммасини баним ҳузурима кўндирмалисиз», — дея афтомобилларимиз ёнина қадар келиб бизлари кузатди.

12 (сентябр)

12 сентябрда сабоҳ соат 9 да яна афтомобилларга ўлтуруб, бутун ҳайъати вакола ҳамма мусулмонлар ила вормиш эдук. Бизлар ила бирга во(р)миш меҳмондор Муҳаммад Алини(нг) амир соиб чоқирди-да, бир неча калима сўз сўйлаб, қайторуб чиқорди. Муҳаммад Али бизим ёнимиза ранги тағйир топгон ҳолда келуб, ўртоқ Бровинға хитобан: «Ман сизга сўйласам-да, сиз қабул қилмадингиз. Кеча сизга амир соиб, ман эртага фақат мусулмонлар илагина кўришаман деган эди. Руслар мусулмонларга инонмас экан, кеча ман сўйлаган вақтимда нима учун «бисёр хўб, бисёр хўб» деб кетди-да, бугун нима учун биргалашуб келди. Бориб айтғил, агарда мусулмонларга инонмас экан, онлар(ни) нима учун Қобулга олиб келди. Ман фақат бугун мусулмонлар ила суҳбат қилмоқчиман. Агарда бу иш онлара ёқишмас экан, ҳаммаларинан-да рухсат, дея манга ғазаблануб сўйлади»,—деган вақтида ўртоқ Бровиннинг ранги ўчуб, «Хўб, хўб мо мерим» дея онлар: «Сизлар қолуб, амир Соиб ила

сўйлашуб кетасиз»,—дея афтомобилга минуб кетдилар. Бизлар қолуб навбат ила қиёмгача сўйлашдук. Қиёмдан сўнг ўлтуруб, бирга ош ошашдук. Бизлардан сўнг Фарғонадан келмиш кишилар-да бор эди — суҳбат онлар ила бўлди. Бу Фарғонадан келанлар уч кишидан иборат эди. Бошлиқлари андижонлик марҳум Худоёрхоннинг набираси эди. Булар ила бирга келмиш, 36 йилдан бери Кобули ватан эдан Худоёрхон уруғиндан Акрамхон тўра ҳамда Акрамхоннинг кичик биродари-да бор эди. Бунларинг амир ила суҳбатлари то асрғача чўзилди. Биз бу миёнада гулзорлар атрофинда кезуб юрдик. Аср вақтинда мажлислари тамом бўлди, ҳаммамиз бирга ўлтируб чой ичуб, манзилимизга авдат этдук. Фарғонадан келанларнинг ким тарафиндан келуви бизга маълум ўлмаса-да, буюк бир ваколат ила келдиқларин сездик. Албатта, бунлар Фарғонада ҳукуматга қаршу қиём қилмиш кишилар тарафиндан келгонликларига жазм ҳосил қилдук.

20 (сентябр)

20-сентябрда умуми ҳайъати вакола амир ила сўйлашмоққа аввалги мажлисда нотамом қолгон масалаларни(нг) хитома эришдирмак хусусида йўлга чиқмиш эдук. Нозири хорижий тарафиндан йўл узоринда амирнинг шу кунлари бироз нотоблиғи сабабли сўзлашмоққа имкон йўқлиғин бир қосид мактуб ила англатди. Йўлимиз қисқа бўлди. Манзилимиз(а) авдат¹ этдук. 18-сентябрдан бошлаб, бандага кўкрак оғриғи касали ориз бўлмиш эди. Вақтдан истифода қилуб, меҳмондор Муҳаммад Алига мени шифохонага бормоғимизга рухсат вермагин истидьо² этдим. Муҳаммад Али ман ила бирга шифо(хонага) бордик. Шифохона мудирини ўлан Мизбек ила Муҳаммад Али мени тоништирди. Мизбек усмон(л)и турклариндан ўлуб, бир неча йиллардан бери Кобул шифохонасида буюк хидматлар ёпмиш. Мукамал ўлан бу шифохонани(нг) йўлга қўймиш. Ўзи прописур бир зот ўлуб, ташриҳ илминда буюк маҳорати вордир. Ҳар йили уч-тўрт юз чамасида кишиларни(нг) оператсия қилмоқда экан. Фақат юздан беш фрасенти ўлуб, қоланлари соғалар эканлар. Бу шифохонанинг мукамал ашёнлари ва бир неча йилга етадирғон даволарин Мизбек ўзи боруб, мундан бир неча йил муқаддам Франсадан кетурмиш

¹ қайтмоқ.

² сўрамоқ.

экан. Бу шифохонада хотунларга махсус шўбаъси-да вордир. Оператсия қилиб турғон ҳолатларинда ўз кўзимиз ила мушоҳада қилдук. Бу шифохонанинг бир тарафинда болаларга махсус чечак шўбаъси-да вордур.

Бурадан дармонни(нг) олуб, йўлга чиқдик. Йўл узоринда кўн корхона-мошинхоналарина кирдик. Бу корхонада 400 киши ишлар экан. Бу корхонада бир чеккадан хом тери кируб, бир чеккадан ўтук, ботинка, эгар, юган, алҳосил бутун чарм зотидан ишланадирғон ҳамма ашёлар мунтазам суръатда ҳозирланмақда эди. Бу нарсаларнинг аксари машина ила ишлануб, жузъий бир ерлари қўл ила ишланур эди. Бурадан чиқуб, манзилимизга авдат этмишдим. Келган замон ичи қаро товаришларимдан бири банго хитобан: «На ерға вормиш эдингиз? Амирнинг зиёфатина-ми вордингиз?»— деди. Жавобан ман товаришга шифохонани(нг) ҳамда корхонани(нг) кўрганлигимни баён қилуб: устол устина дардима дармон учун кетурғон даволарни(нг) чиқаруб қўйғон вақтимда ул манго ўринсиз савол берғон ичи қора товаришнинг нафаси ичига тушуб кетди-да, «Ман сизга ул сўзни мазох тариқасида сўйламишдим»,— деди. Оҳ, на инсоният, на баробарлик, на сотсиолистлик, на миллат тафриқа қилмайдирғон интернасиёлистлар дунё юзинда топилармукин? Балки бордир, топилур, лекин вужуди анқонинг тухумидек камёб эканлигин Афғонистон сафарига чиқғонда аниқ билдим. Афғонистонга чиқғон беш ҳайъати ваколанинг ичида биргина мусулмон ман ўлдиғимдан ҳар бир оғир меҳнатлар, ҳар бир кулфат ва азиятлар мани(нг) устимга юкланди. Ҳиротга яқин Пар(в)она қишлоғиндан бошлаб товаришларимизнинг ораларига тафриқа тушди. Тафриқанинг сабаби ўртоқ Бровин афғон туфроғига ўтгандан сўнг ўзини(нг) женерол—чор ноил эълон қилмиш эди. Ҳамда бутун тутғон тактика, хатти-ҳаракати-да Никўлайнинг генералларини(нг) рафториндан қолишмас эди. Бу ҳаракат бошқа ўртоқларимизга оғир келуб, Парвонада мажлис асносинда шу борада сўз очилди. Лекин «ғат-ғат этар карнайчи, балога қолур сурнайчи» мақолинча, ўз мақсад ва ғояларина ва ғарази шахсияларина ман бечорани(нг) олат¹ қилдиларда, мажлисда ўртоқ Бровинга хитобан «Ўртоқ Авлонийга бўйла қилдинг, ўйла ёфдинг, бизлара ўйла деди, бўйла деди»,— дедилар. На чора, ишнинг ҳақиқ(ат)и очилғунча сукут

¹ дастмоя; сабаб, баҳона маъносида

этмоқға мажбур ўлдум. Ўртоқ Бровин манга қараб,
бир неча калима оғир сўзларни(нг)-да сўйлаб олди.
Қолбуки ман Тошкандан чиқондан бу она қадар ҳеч
кима малол келадурғон сўз-да сўйламамиш, оғир ке-
ладурғон иш-да қилмамиш эдим. Лекин иш эса, «Қол-
вани(нг) ҳаким ер, калтакни(нг) етим ер» қабилиндан
эди.

(н а з м)

Дунё кездим, кўбни кўрдим, ҳеч ҳақиқат кўрмадим,
Хуррият номин эшитдим, лек адолат кўрмадим.
Маслаку мақсадға ишлармиз, дея лоф урдилар,
Ишламак-да сўзларига ҳеч садоқат кўрмадим.
Қайда ул инсоният, қай мусовот, оҳким,
Тилларига дилларин асло лаёқат кўрмадим.
Мажлису минбарда оғиздан чиқар озодлиқ,
Жойи хилватгоҳда бир тўғри нийят кўрмадим.

Ҳосили бир неча маслакдош ила қилдим сафар.
Ҳеч ерда биргина ҳузру ҳаловат кўрмадим.
Чин ҳақиқат, чин вужуди дунёда анқо каби,
Марди майдон кўрдим, аммо соф тийнат кўрмадим.
Қайда ул озод, ҳурлик, ҳам баробарлик қаён?
Қатъан авлоди башарда унс(у), улфат кўрмадим.
Қайда борсанг, ғолиби мағлубни айлар поймол,
Марҳабо, эй ҳуррият, сандан мурувват кўрмадим.

Хайр, келдим мақсадға. Натижада ишнинг асли
очилди. Бровин аввалда мандан хафа бўлмиш эса-да,
сўнг мақсадни англаб, маним боримда ёнмиш ғазаб
ўтиға сув қуйилди, паст бўлди. Бровин Ниқўлай замо-
насида Москвадаги «восточни покултет» мактабин та-
мом қилмиш. Сиёсат, тадбир бобларинда...га сабоқ бе-
рар эди. Фасоднинг манбаи на ердан чиқонлигин ан-
лади-да, чорасига киришди. Товаришлара «Хўб, бу
масалани(нг) эртан Ҳирот воруб, урада¹ ҳал қиламиз»,
— дея мажлиса хотима верди. Аммо товариш Бровин
Ҳирот келғунча ишни(нг) яхши юритди. Бу борадаги
тадбир ва сиёсат рўлин яхшигина ўйнади. Москвадан
ўзи ила бирга олиб келаётган секретарша—саркотиба
Райуна Петровнани Ҳиротда Боғи Шоҳийда товариш
Зиборўф ила (бир) бировига бирлаштирди-да, орога
тушган тафриқани(нг) осонлик ила ҳал қилди. Дарҳа-

¹ у ерда

қиқат, асли фасоднинг боши шул нуқтада эди. Чунки Тошкандан чиққондан бошлаб, Зиборўф қизгинага яқин келса, бурнини кўрсатур эди, яъни иккинчи иборат ила айтганда, олдиндан келса тишлаб, орқасидан келса тефар эди. Мана шул асов қизгинани(нг) Бровин политически руководитель — сиёсий бошлиғимиз ўлан товариш Зиборўфга ром қилуб берди-да, ғалва жанжалдан халос бўлди. Мана бу орода «Тўйдан тўфиқча» мафҳуминча, икки товаришнинг муноқашасин ўртасида эзилуб, дасмоя бўлуб, баҳона бўлуб, олат бўлуб, сўкуш эшитуб, алҳосил икки тош аросида чоқилуб, икки дарранда оросида талануб келаётган ман бечора-да, бу никоҳ тўйидан сўнг озодликга чиқдим.

22 (сентябр)

22 сентябрда саёҳат тариқасида **Боғи Баландга** бордик. Бу боғ Кобулнинг ғарб тарафинда ўлуб, Лаълошох бино қилмишдир. Сўнгра марҳум Абдурраҳмонхон таъмир қилмишдики, бу боғ Кобулнинг энг маръий, машҳур боғлариндандир. Кобулда бир неча маъруф боғлар ўлса-да, бу боғларга кезмак, сайр этмак, ҳавохўрий қилмак¹, касби ҳаво этмак учун уммий² халқларга йўл йўқдир. Фақат бирта қисм ҳукумат арбобларинагина кезмак ва баҳр олмак мумкиндир.

23 (сентябр)

23 сентябрда саломхонада бутун ҳайъати вакола амир ҳузурина вордик. Шул кунлар банда ниҳоятда оғир бетоб бўлсам-да, бора олмаслиғим(ни) ўртоқ Бровин(ға) изҳор қилсам-да, Бровин ўзи баним ёнима келиб, фақат мусулмонлардан биргина оромизда сан ўлуб, сан-да вормойин қолмоғинг яхши ўлмаёжак, ҳар на қилсанг-да, қувватингни ўзингга йиғуб, бир илож қилуб бормасанг ўлмаз,—дея бани-да олиб вормиш эди.

Бу кун мажлисда сўйланмиш сиёсат масалалариндан энг аҳамиятлилари: Амир тарафиндан бизим ҳукуматдан талаб: 1) Кушка қалъаси; 2) Термиз қалъаси; 3) Карки қалъаси; 4) Радиостанса — ҳаво тилғироми, мукаммал суратда асбоблари ила. Агарда бу мавжуд бўлмаса, мукаммал Кушқадан то Кобулғача симлик тилғиром. Бу талабларга Бровин шўйла жавоб берди: Термиз ила Карки қалъалари (бўлса), аслда Афғонистоннинг ери ўлмай, Бухоро туфроғига тобеъдур. Шул

¹ ҳаво олмоқ

² авом, омма.

хусусдан бул хусусда ман бир нимарса дея олмайман. Чунки, агарда талаб қилмоқ лозим ўлса, бу ерлари Бухоро ҳукумати талаб қилмоғи лозимдир. Шайх Жунайд (Кушка) хусусида бул ер аслда афгонларники бўлса, балки шўролар ҳукумати берса ҳам ажаб эмас. Лекин бизда бўйла буюк ишларга ҳукм қилмоқға ёхуд бўйла бир туфроқ масалаларида бермоғ-олмоқға ҳаққимиз йўқ. Бизға бир мўнча муддат лозимдурки, марказдан бу талабларни(нг) тилғиром воситаси-ла сўраймиз. Бу талабларнинг рад ёки қабули марказнинг ҳукмига вобастадир. Аммо ҳаво тилғироми ёхуд симлик тилғиром хусусида қатъий ваъда бера оламизки, бизим ҳукумат бермоғи муқаррардур,—деди. Мана шул хусусда кўб музокаралардан сўнг икки муддат муқобилиндан юқорида мазкур талабларни(нг) «Марказдан савол қилмоқға ва бу саволларга жавоб келгунига қадар ним расмий уч ерда Туркистон жумҳуриятининг кўнсули турмоқға амир-да изн верди. 1) Майманда; 2) Мозори Шарифда; 3) Ҳиротда; 4) Кобул — пре(д) ставитель қабул қилинуб, мунда 15 киши, бошқа кўнсулхоналарда беш кишидан ортиқ одам турмамоқ шарт ила. Бунинг муқобилина ўртоқ Бровин қайнаб кетуб, амир тарафиндин Туркистоннинг қаю шаҳрига кўнсул қўймоқ ва қанчадан одам қўймоқ Афгон ҳукуматининг ихтиёриндадир, одамнинг ададига биз чегара қўймамиз, деди.

Бу масалалардан бошқа Туркистон жумҳуриятининг адолатсиз идораси хусусида ҳамда Туркистон хусусида «Марказ»дан келадиргон «декрет» буйруқларнинг ижр(о) қилинмаюб, устол устунда, қоғаз юзинда қолиб келвотгани хусуслариндан эди. Бу масалага ўртоқ Бровин қисқагина «Большевикларнинг оросинда дуруст одам кам топиладур, шунинг учун Туркистонда дуруст одам оз ўлдиғиндан идора ишлари тартибсиздир»,— дея жавоб берди. Ман бу хусусда сўз олуб, бу берулгон саволларнинг бир неча моддалари мусулмонларга тааллуқлик ўлдиғиндан бирин-бирин жавоб бериб ўтдим.

Бу вақт соат ўн иккини(нг) сўқмиш эди. Амир тарафиндин таомға таклиф қилинди. Таом асносинда дардим ўлтурмоқға ихтиёр вермадиғиндан мажлисдан рухсат олуб, манзилимга авдат этдим.

Сўнградан баним вердигим мажлисда жавобларимдан амирнинг мандан қаттуғ хафа бўлгонлиги англашилди. Чунки ман мажлисда сўзлагон сўзларим ҳақи-

қат ўлдиғиндан, ҳақиқатга жон қурбон дедим-да, амир хафа бўлса-да, ман хафа бўлмадим.

25 (сентябр)

25 сентябрда ўртоқ Бровин қошимға келуб, Ҳиротга қўнсул, Абдулматлаб Орифжон ўғлини(нг) манга ноиб тайин қилмоқлиғини маълум қилди. Банда бўйла улур хидматға лаёқатим йўқлиғин, мақсадим ўртоқ Иванўф ила Тошкандға кетмоқлик ўлдиғин изҳор қилуб, илтижо қилсам-да, мандан бошқа киши йўқлиғин ҳамда бу ўта муваққат ўлдиғин, балки тездан Тошкандға ёзуб, мани(нг) халос қилажағини билдирди. На чора, ўзимнинг кучим ўзимга маълум. Бўйла оғир бир хидматнинг ифосина¹ иқтидорсиз ўлсам-да, Туркистон жумҳуриятина ожизона бир хидмат дея зўр ила қабул этдим.

26 (сентябр)

26 сентябрда тасдиқнома (мандат)ларимизни(нг) ёзуб, қўлларимизға топширди. Мазори Шарифга канвоерлардан Киселофни(нг) қўнсул, Муҳаммад Юсуф Зокир ўғлини(нг) ноиб, Майманаға Хусан Исҳоқ ўғли Маминни(нг) қўнсул тайин қилди-да, шул кундан эътиборан сафар тадорикин кўрмоқлиғимизни(нг) маълум қилди.

27 (сентябр)

27 сентябрда хайрбод қилмоқға амир сойиб ёнига бордик. Бироз сиёсий суҳбатдан сўнг амир ўз қиличин ўртоқ Иванўфға тақдим қилди. Иванўф ўз қиличин амирға тақдим қилди. Бундан бошқа амир тарафиндан ўртоқ Иванўфға бир яхши от, бир тилло соат, бошқа бизлар ила борган рус ўртоқларнинг ҳаммасига бирор қумуш соат ва бир неча кийимлик Кобул корхонасининг мовутиндан (суконни трикасиндан) берилди. Мукулмонларнинг ҳаммасига бир салла, бир чафон, бир дўффидан берилуб, баъзиларина қумуш соат ҳам тақдир ўлинди-да, хайрбоддан авдат ўлинди.

Мундан биринчи ўктабрғача сафар тадорики кўрилди-да, биринчи ўктабрда Кобулға хайр дея яна Ҳазора йўли ибал Ҳиротға қараб равона ўлдуқ.

(Кобул шаҳри)

Кобул шаҳри умуман манзара(лик), гўзал шаҳр ўлуб, наҳрнинг бўйига бино қилинмиш-да, бир тарафи бутун тоғ, бир (тарафи) водийдадир.

Эски шаҳарнинг кўчалари тор, ҳифзи сиҳдатга му-

¹ ижросига.

ғойир бинолар ўлсада, янги шаҳарда янги бино ўлинмиш гўзал Еврупо усулида ясалмиш итмома эришдиримиш мошинхона—корхона игнадан тўфга қадар Афғон ҳукуматининг эҳтиёжина керакли ашёлар тайёрланмоқдадир. Бурада мукаммал мактаби тарбиядан бошқа бир неча мактаби рушдий ва бир неча янги усулда мукаммал ибтидоий мактаблар мавжуддир. Ва булардан бошқа бутун эски мадрасаларда ислоҳот ясалуб, бутун фанлар мукаммал сувратда ўқитилмоқдадур. Тижорат жиҳатиндан бутун Еврупода мавжуд ашё мукаммал сувратда мавжуддир. Ахлоқ жиҳатиндан одамлари таассуб деган нимарсадан бутун воз кечмишлар. Соқолларига қўшуб мўйлабларини(нг)-да қирдирурлар. Уламолари-да, авомлари-да қалта кийим киюрлар, хотунлари-да еврупача кийинурлар, ёш-ёш болалари-да қўлларини(нг) чаккаларига қилуб, салом (честь) верурлар. Бошларига эрлари ила баробар хотунлари-да шлафа киуб, юзларина тўр тутуб юрурлар. Бир кимса нафрат назари-ла боқмаюр.

Қобулда экон вақтимда «Иштирокиюн» газетасини(нг) ҳар бир нўмерасини(нг) қолдурмай, ўқуб турар эдим. Тошкандан чиқгон вақтимда Туркистоннинг еттинчи қурултойи Марказдан ўртоқ Қўбузўф келуви муносабати ила Марказнинг Туркистонга назари бўлакча, Туркистон идораси бўлак равишда, Марказнинг хатти-ҳаракати (тактика)сига мағойир дея ўртоқ Қўбузўф бақуруб-чақирса-да, Туркистоннинг тол чумчуқлари еттинчи қурултойда Қўбузўфга қарши чиқуб...¹ кўтаруб Марказнинг Туркистон хусусидаги тўғри фикрига Туркистоннинг Казакўф, Успенскийлар тўдаси (груффаси) ҳар тарафдан садлар чекуб, ўз хоҳишларинча зўрма-зўраки (кайфа ма яша)² ҳукумат тузмушлар эди. Охири Қўбузўф бечорани(нг) «тўғри сўз туғонига ёқмас» мақолинча, бу мусулмон тарафдори дея иш бошиндан сурмишлар эди.

Бу жумҳурият қурултойидан бир неча ой сўнгра фирқа қурултойи чоқирилуб, уларда хоҳ жумҳурият қурултойи бў(л)сун, хоҳ фирқа қурултойи бў(л)сун, «Тобулин муноқашаси»—жанжоли—ғалваси тамом бўлса, мана энди «Тобулин»нинг ўрнига «Қўбузўфнинг муноқашаси»н чиқардилар. Мана бу чақирилмиш фирқа қурултойи-да, сар то по Қўбузўф жанжоли-хархашаси

¹ ўқиб бўлмади.

² хоҳлаганларича.

ила кечмиш эди. Ман, банда бу қурултой охирларинда Афғонистонга қараб ҳаракат қилмиш эдим. Бизим бу Афғонистон сафаримиз узоғ чўзилдиғиндан Қобулда экон вақтимизда олти ой тўлув муносабати ила 8-Шўролар қурултойин чақирилдиғин хабарин ғазиталарда ўқуб, бу қурултой нима натижа веражак, дея тўрт кўз ила мунтазир эдик. Ҳар бир нўмера ғазитларни(нг) иттисолан¹ кўздан кечурмакда эдик. Бу миёнада бирдан ғазиталар Тошқанда гимназистлар бироз бош кўтаруб, ҳукуматга қаршу ҳаракатда бўлуб-да, мунҳазм² ўлдиқларин, сўнгроқ Туркистон ҳукумат аъзолари, яъни Казакўф, Успенскийлар фирқа (группа)си Қўбузўфга ғалба чолуб, Қўбузўфни(нг) тутуб қамаганларин сўнгра яна қамоқдан халос бўлғонлиғин, сўнгра яна Қўбузўф қўрқувиндан қочуб ёширинганлиғин хабарин кетурмиш эди. Бу хабарни(нг) эшитғон кеч бизим ўртоқлардан бир нечалари шодлиқ ясаб, қиём-да кўтаришдилар. Уртоқ Иванўф ҳақиқатпараст ва ҳақиқатдан хабардор бир одам ўлдиғиндан бунларнинг бу шодлиқларина иштирок этмаюрди. Қўлидан келгунча Қўбузўфнинг тутғон йўлин ҳақ эканлиғин англамоқ ҳаракатинда бўлурди. Лекин VIII қурултой натижасин англаёлмасдан Қобул йўлига чиқмиш эдик.

1 (ўқтабр)

1 ўқтабрда сабоҳ Қобулдан чиқуб, Ҳазора йўли ила...³

26 (ўқтабр)

26-ўқтабрда ҳама ўртоқлар ила саломат Ҳирот шаҳрина келуб тушдук. Ҳирот ноиб-ал-ҳукумаси Ҳиротда машҳур Чаҳорбоғ, ҳукумат ўрдаси ёнидан бир саройчадан бизларга ер верди.

Бизлар Қобул чиқғон вақтимизда 11 киши ҳаракат қилмиш эдик.

1) Уртоқ Иванўф; 2) ёвари: 1) Алиштин, 2) Волпрам; банда—Ҳирот қўнсули; ноиби ман Абдулматлаб Орифжон ўғли, сафоратхона учун бир аскар—Ҳазратқул Мавлонқул ўғли. Уртоқ Иванўф ила Тошқандга кетадирғон уч мастеравой, бири механик, икки тилғирофист,—Фовлўф, Тиркузуф икки аскар—бири Ҳисом Жалолий, бири Вали Ҳожи эди. Ҳисом Жалолий ила

¹ қўлга тегиши билан

² мағлуб

³ матн узилган

механик Фишкол «австрия»нинг хотун-болалари-да бор эди.

27 (ўктабр)

27 ўктабрда ўртоқ Иванўф ила ноиб-ал-ҳукума ҳузурини кируб, кўришуб, бир оз сўйлашуб чиқдук.

28 (ўктабр)

28 ўктабрда ўртоқ Иванўф кетув(и) муносабати ила хайрбод қилмоқға икки ёвари ила ноиб-ал-ҳукума қошиға кирди. Ноиб-ал-ҳукума ўртоқ Иванўфға пируза кўзлик, Алиштин ила Волпрамға олмос кўзлик узук сийлов берди.

30 (ўктабр)

30 ўктабрда сабоҳ ўртоқ Иванўф ҳама одамлари ила Ҳиротдан Тошкандга қараб равона ўлди. Бизлар маъюсона бурада хайрлашуб қолдук.

Нўябр

4 нўябрда Тошканддан Афғон ҳукуматига ёллануб, бир офисарибиз (гирмон), бир меньшевик учувчи (лўдчик) келди. Мана шул кунғача Русия аҳволотиндан Туркистондаги саккизинчи қурултой натижасиндан ҳеч хабаримиз йўқ эди. Тошкандда чиқадиғон русча «Коммунист» газитасининг 21 нўмири(ни) қўрмоқға мушарраф бўлди. Бу нўмир газитада шўролар Туркистонининг сайлов натижалари мукамал суратда ёзилуб, Туркистондаги тол чумчуқларнинг аксарларин хиёнатлари зоҳир бўлуб, баъзилари ҳибс қилинуб: баъзилари фирқа(дан) чиқорилуб, ҳукумат бошига «марказчи»лар, яъни марказ Масқванинг таълимоти(ни) комил суратда Туркистонда ижро қилмоқ керак, деган фикрдаги одамлар ўтирғонликлари очиқ суратда ёзилган эди. Ҳақиқат ўлсун бу хаёл, дея бироз таскини хотир ўлдук.

9 (нўябр).

9 нўябрда ўртоқ Суритса бошлиқ Афғонистонға Масқвадан тайин ўлинмиш ҳайъат келди. Бу ҳайъатга раис ўртоқ Суритса, бир саркотиб, бир ёвар матрос, буларнинг ҳар учи Масқва қўмитасидан тайинланмиш кишилар. Яна булардан бошқа Масқва қўмита тарафидан қўндирилмиш Ҳиндистон инқилобчилариндан: 1. Абдулраб афанди, Пешовар шаҳринда туғилғон, ўзи афғон наслиндан Юсуфзай қабиласиға мансубдир. 2. Рожа Маҳандра Протов афанди Ҳиндистоннинг аввалги ҳукмдорларининг оиласиға мансуб зотдир. 3. Бирбатво Даҳонгра Очорпор афанди Ҳиндистон бараҳманлариндан ўлуб, ул Ҳиндистонда ҳинд тилинда «Ҳиндис-

тон» исминда ҳамда инглиз тилинда «Ганж(и) Ҳиндис-тон» исминда газиталар нашр қилмишдир. Булардан бошқа Тошкандан мухбирлик сифати-ла қўшилмиш Ислом Шоаҳмадуф...¹ мусулмонлариндандир. Булардан бошқа бир дўхтур, бир таржимон, 12 адад аскарлар-да вор эди.

12 (нўябр)

12 нўябрда бутун ҳайъати ваколани(нг) ноиб-ал ҳукума Чаҳорбоғда меҳмон қилди. Ўртоқ Суритса ноибга 20 қадоқ чамасида келадургон кумуш «ваза» ила бир олмос кўзлик «брошка» жиға тақдим қилди.

13 (нўябр)

13 нўябрда ноиб-ал-ҳукума ўртоқ Суритса ёнига боруб, икки соат чамасида гаплашуб, қайтди.

14 (нўябр)

14 нўябрда ўртоқ Суритса сафоратхонамиза бутун ҳайъати вакола ила ташриф буёрди.

17 (нўябр)

17 нўябрда ўртоқ Суритса Ҳазора йўли ила Кобулга қараб жўнади. Ноиб-ал-ҳукума Ҳирот(дан) тўрт чақирим йироқ бир ҳукумат боғида йўлда Суритсага чой тутиб, бир яхши сувсар пўстин ила машҳур жун-чакмон тақдим қилди.

18 (нўябр)

18 нўябрда ўртоқ Суритсанинг маслаҳати ила Тош-кандга сафоратхонамизга кераклик нимарсалар ила оқча олиб келмоқга ҳамда бурадан пўшталарни(нг) олиб бормоқга «дипломатический курьер» (қилуб) юбордум.

¹ ўқиб бўлмади

ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ¹

1878 йил мелодийда, 12 июлда Тошкентнинг эски шаҳар Шайхантавур даҳа Мерганча маҳалласида фақир-ҳол бир оилада туғилганман.

Отамнинг исми Миравлон, онамнинг оти Фотимадир.

Отамнинг туб касби тўқувчилик (бўзчилик) бўлиб, сўнг замонларда Ярманка бозорида ёймачилик қилиб, бўз ва чит билан савдо қилур эди.

1885 йилдан бошланғич мактабда ўқидим. Уқчи маҳаллада Ақромхон домлада хат-саводим чиқди. Шул вақтларда (11—12 ёшимда) отам мени хатна тўй қилиб, қўлидаги бор-йўғидан айрилиб, фақир ҳолга тушиб қолди.

1890 йилда мактабни битириб, маҳалладаги мадрасада дарс ўқий бошладим. Ёшим 13 га етгач, йўқсуллик менга таъсир қилди. Ёз кунларида мардикорлик қилиб, ота-онамга биров ёрдамда бўлиб, қиш кунларида ўқир эдим. Сўнгра Уқчи маҳалладаги домламининг кам ҳавсалалигидан, ўқувда давомсизлигидан Уқчи мадрасасин тарк қилиб, 14 ёшимда Шайхантавурдаги Абдулмаликбой даҳмасига (мадрасасига) келиб, Мулло Умар Охунддан дарс ўқий бошладим. Бу чоқларда ҳам қиш кунларида ўқиб, ёз кунларида мардикор ишламоққа мажбур эдим.

1894 йилдан бошлаб шеър ёзишга тутиндим. Замонга мувофиқ ҳар хил мавзуъда шеърлар ёза бошладим. 18 ёшдан бошлаб, мардикорликдан қутулиб, усталик даражасига эришдим. Ёшт устчилиги, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик усталигини қилар эдим.

1900 йилда уйланиб, оила бошлиғи бўлиб қолдим. Шу йилда отам ўлиб, ўгай онам билан бир укам мени қарамоғимда менга боқим бўлиб қолди. Бу вақтда бутун оилани боқмоқ учун қиш кунларида ҳам ишламоққа тўғри келганлигидан қувваи муҳофазам ўрта даража бўлгон ҳолда мадрасани ташлаб чиқиб кетувга тўғри келди. Шул чоқларда ўзим меҳнат ичида яшаганлигимдан бойларга ва муллаларга қарши шеърлар ёза бошладим. Мадра-

¹ Адиб таржимаи ҳоли 1993 йилги нашри («Миллий уйғониш» Т., Университет, 108—114 бетлар) дан қисқартириб олинди.

садан чиқиб кетсам ҳам маориф ишларидан чиқиб кетмадим. Турли газеталар ўқишга тутиндим. Шул замонларда Русиянинг турли шаҳарларида чиққан матбуот—газета ва журналлар билан танишиб, ўқиб маълумотимни орттира бордим. «Таржимон» газетасин ўқиб замондан хабардор бўлдим. Шул замонда ерли халқлар орасида эскилик-янгилик (жадид-қадим) жанжали бошланди. Газет ўқувчиларни муллалар «жадидчи» ном билан атар эдилар. Мен ҳам шул жадидчилар қаторига кирдим. 1904 йилдан жадидлар тўдасида ишлай бошладим. «Жадид мактаби» очиб ўқитувчилик қила бошладим...

1904 йилда рус-япўн уруши чиқиб, бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз сиёсий маслақларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзин очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газет чиқармоқни муносиб кўриб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди.

1906 йилда «Тараққий», «Хуршид» газеталари чиқиб, эски ҳукумат томонидан тўхтатилгандан сўнг 1907 йилда мен ўз муҳаррирлигим билан ҳамда темир йўл ишчиларининг социал-демократ фирқасининг алоқа ва ёрдами билан «Шухрат» исминдаги газетни Сапёрний кўчада чиқардим. Темир йўл ишчиларининг комитетлари томонидан «Рафиқ Собиров» исмли қозонли татар орқадошимиз мени (нг) газетимга келиб, ёзув жиҳатлариндан ёрдамлашур эди. Шул вақтда Урунбурғда чиқадаургон, фо-фирус коғазига босиладургон «Солдат» исмли русча махфий (тайний) газетани ва мундан бошқа русча ёзилмиш турли фроқламацияларни «Рафиқ Собиров» билан иккимиз турли кишиларнинг воситаси билан тарқатур эдик. Бу русча фроқламацияларга қаноат қилмай, мусулмонча типограф билан махфий суратда фроқламация босуб шаҳар ва қишлоқларга ҳам тарқата бошладук. Бу фроқламацияни (нг) ёзувчиси — Утаб котиб, Эски шаҳарга тарқатувчи — Эшонхўжа, Янги шаҳарга — мен, қишлоқларга — Умарқул Анорқул ўғли эди. Бизнинг ҳаракатимизни эски ҳукуматнинг сезганлиғи билинди. Менинг уйимда ёлғон паспорт билан турғон «Собиров»ни қочирдик. Ул Урунбурғга бориб, қўлга тушиб қолди. Суд ўлимга ҳукм қилиб, Тошкентдаги қўмитани очиб берсанг, ўлим жазосин ўзгартамиз, деб шарт қўйдилар. Ул ўлимдан қўрқиб, тамом қилғон ишларин, «Шухрат» газетасин шул қўмитани (нг) ёрдами билан чиққанлиғин ва ин-

қилоб қўмита аъзоларин тутиб берди. Қўб кишиларнинг ўлимига, Сибирь ва турмага ёпилувиға сабаб бўлди. 10-номеринда «Шухрат» газетасин тамом нимарсаларин бутун идорадаги хат ва қоғазлар билан мусодара қилиб, «чрезвычайни охран» кучи билан чиқармасқа мендан имзо олиб тўхтатди. Йиқилгон курашга тўймас, дегандек, 1908 йилда ёзувчиларимиздан, идорамда хизмат қилгувчи Аҳмаджон Бектемиров номига «Озиё» исмли газетга рухсат олиб, идорани ўз уйимга кўчириб яна чиқара бошладим. 6-номериди ҳукумат жониворлари келиб, буни ҳам мусодара қилиб, беркитиб кетди. Мундан умидим узилиб, 1908 йилда (яна) Мирободда «усули жадид» мактаби очиб, муаллимлик қила бошладим. Шул замонда Тошкентда очилмиш 9 «усули жадид» мактабнинг саккизинга ҳукумат томонидан рухсат берилиб, менга рухсат олмоқ учун уч йил овора бўлмоқға тўғри келди.

1909 йилда бир неча ўртоқлар билан қонун тузиб, «Жамияти хайрия» очдик. Олти ой раис бўлиб турдим.

1913 йилдан бошлаб халқни кўзин очмоқ, маданиятга яқинлаштирмоқ учун театруға киришиб, театру ишларин йўлга қўювчиларнинг бошлуғи бўлиб, Туркистоннинг бир неча шаҳарлариға бориб, ўзбеклар орасида театруға йўл очдим. 10 га яқин озарбайжон пьесаларин ўзбекчага таржима қилиб, саҳнага қўйдим. 3 пьеса ёздим. «Турон» исмли театральни блағотворительний жамиятни юзага чиқардим. Шул йилда Эски шаҳарда очилгон потреби-тельний обшествонинг таъсис аъзоларидан-да эдим. Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бир-лаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди.

1915 йилда Тошкентда чиқгон «Садойи Туркистон» газетасига ёзувчилик, муҳаррирлик қилдим. Ҳамда шул йилда устав—қонун тузиб, «Жамияти хайрия» очдик. Ҳукуматдан рухсат олмоқ учун бир ярим йил овора бўлмоқға тўғри келди. Икки маротаба берган аризамиз рад қилиниб, учинчи маротабада рухсат бўлди. Мен шул «Жамияти хайрия»нинг муассис аъзолариндан бўлиб, бошлаб очилувида бир йил раислик хизматин адо қилдим. Андин сўнг то ҳуррият давригача аъзоси бўлиб, мактабларга, етим ва ғарибларга ёрдам қилиб келинадур.

1915 йилда маҳалла халқи, «домламиз «театрчи» бўлди», «масхарабоз» бўлди», деб мени мактабдан қувиб, Миробод маҳалладаги бошланғич мактабни ёпдилар. Мактабни Эски шаҳар Дегрез маҳалласига кўчириб, 2-босқич (ўрта) мактаб очиб, ўзим мудир бўлиб, Низо-

миддин қорини муаллим қилиб турдим. Хадра маҳалладаги общество томонидан очилган «Мақтаб кутубхонаси»га бир ойига йигирма беш сўмдан моҳиёнага приказчик (хизматчи) бўлдим. Бу миёнада бир неча мактаб китоблари ва бир неча шеър китоблари ёздим.

1917 йилда ўзгариш бошланиши билан «Турон» жамияти томонидан «совет солдатски рабочи депутат»га вакил сайланиб, шўрода ишладим. Шўро томонидан Эски шаҳар озиқ қўмитасига контрол тайин этилдим. Тошкентда ерли халқлар орасида бош (лик) бўлиб, «Ўқитувчилар союзи» ва бошқа бир неча рабочий союзлар ташкил қилдим. Шул йилда масъул муҳаррир бўлиб, «Турон» номли газета чиқара бошладим. Шул газетанинг 2-нумеринда муллаларга қарши ёзилган Мирмуҳсин мақоласи тўғрисида «Шўройи исломия» идорасинда барпо бўлган зўр бир йиғинда уламолар томонидан мени ўлдирмоққа ва тошбўрон қилмоққа ҳукм қилмоқчи бўлдилар ва газетамга бойқот эълон қилдилар. Бир неча ёвруполик ўртоқларнинг ҳаракатлари билан аларнинг чангалидан қутулдим. 3-нумеринда яна муллаларга қарши аввалгидан қаттиғроқ мақола босиб юбордим. Бундан сўнг ўз аҳбобларимизнинг баъзи ўнг фикрлиларининг иштироклари билан мени ўртоқлар орасида суд қилдилар. Бу ўртоқлар судида менга икки хил ҳукм қилмоқчи бўлдилар. Бири уламоларнинг қутқуси билан қозихонага олиб бориб жазо бермоқ, иккинчиси, газета чиқармаслиққа мендан имзо олмоқ. Мен бунга рози бўлмадим. Бир гуноҳга бир жазо дея жавоб бердим. Охирда ўз исмимга газета чиқармаслиққа мендан имзо олиб, газетани боғладилар. 5-нумерасин ўртоғим Низомиддин қорининг номига чиқардим. Бу нумерида жўрттага уламоларга қарши хотинқизлар ҳақида ёзилган ўртоқ Абдулҳай Тожининг мақоласин босиб юбордим. Мана мундан сўнг уламолар мени йўлимни тўса олмасликларига кўзлари етиб, бошқа йўллар изладилар. Матлабим мусулмон матбааси бўлиб, мундан бошқа матбаада газета чиқарурлик мусулмонча ҳарф йўқлиғиндан, бошқа бир матбаада ҳарф бўлса ҳам ҳукумат газета босилиб турғонлиғиндан истифода қилиб, уламолар матбаа эгаларининг уйларига вакиллар юбориб, агарда сиз Авлоний газетасин матбаангизга боссангиз, ўлсангиз сизга жаноза ўқи (т) масмиз, деб қўрқитиб, мени газетимни босмаслиққа сўз олмишлар. Мана шул кундан эътиборан мени газетим Тошкентда матбаа кўп бўлса-да, ҳарф ва наборшик йўқлиғиндан тўхтамоққа мажбур бўлур. Лекин мен яна нима бўлса ҳам газетани

чиқармоқ чорасига киришдим. Бисотимда бор оқчани, «Турон» жамиятидан бироз оқча олиб, Бокуға бориб, 25 пуд ҳарф ва икки наборшик олиб келиб, «Харидмон» матбаасинда «Турон» газетасин чiqармоқга бошладим. Бу замонда Тошкентда зўр куч олгон «Уламо» жамиятининг бармоғи билан «Турон» газетасининг тўхтатувнинг чорасига киришса-да, чора тополмай, фақат исмин ўзгар-туб, «Турк эли» исми билан чиқаруға ўз аҳбобларимиз бир мажлисда қарор қилдилар. Мана шул кундан эътиборан газетадан қўлимни тортдим. Юқорида сўйланмиш «Жамияти Хайрия» идорасига муовини раис сайланиб, шу йилғи очлик билан курашдим. Тиловой рабочилар ор-ганизациясига иштирок этдим. Идорада аъзоси-да бўлиб хизмат қилдим. Бундан бошқа солдат ва рабочи депу-татлар шўроси томониндан Эски шаҳарда барпо бўлгон озиқ қўмитасига муфаттиш тайин қилиниб, ишлаб турдим. 1917 йилда 2-краевой съездга вакил бўлиб сайландим. 5-краевой съезддан 10-краевой съездгача вакил бўлиб ҳам член ТурЦИК бўлиб сайланиб, турли масъулиятли ўринларда хизмат қилиб келдим.

1918 йилда коммунист фирқасига кирдим.... Эски шаҳарда қоровуллар, тунукасоллар, собун ишловчи-лар союзин ташкил қилдим. 1918 йилдан 1923 йил-гача Тошкент шаҳар ҳам Эски шаҳар шўросига член бўлиб сайланиб ишладим. 2-фирқа қурултойида ва-кил бўлиб, Туркистоннинг Марказий Фирқа қўмитасига — крайқўмга член президиум бўлиб сайландим...

1919 йилда 15 июлда ТурЦИК томонидан Афғонистон-га юбориладурғон ҳайъат ичида сиёсий вакил муовини — замполпред тайин бўлиб, Афғонистонга кетдим. Зампол-пред ҳам Хирот шаҳарида генералний консул бўлиб турдим. Бир йилу уч ой Шўролар Ҳукуматининг хорижия хизматинда юруб, 7 ой консуллик вазифасин адо қилуб, касаллигим сабабли қайтиб келдим.

1920 йилда «Қизил байроқ» газетасига ЦК томонидан редқоллегия аъзоси тайинланиб ишладим. Комземда член коллегия бўлиб ишладим. 1920 йилда Туркбюро ЦСПС мени ЦКдан сўраб олди. Нашриёт шўъбасига му-дир бўлдим. «Касабачилик ҳаракати» журналинни ҳам газетасини чиқариб турдим.

1921 йилда ЦК мени Туркбюродан ўз ихтиёрига олиб, Эски шаҳар маориф шўъбасига муовини раис тайин қил-ди. 7 ой ишлаганимдан сўнг 1921 йил 6 сентябрда ЦК, ТурЦИК, Маориф қўмиссарлиғининг вакиллари томони-дан тузилгон бир мажлисда Улка Узбек Билим юрти му-

дири тайин этилдим. Мунда бир ярим йил ишлаб, чарчагонлигимдан ариза бериб чиқдим.

1922 йилда хотин-қизлар билим юртига тайин қилдилар. Мудир бўлиб олти ойча ишладим. Миллий комиссарнатда член коллегия бўлиб ишладим.

1923 йилда Ўқитувчилар Союзининг конференциясида жамиятга сайланиб, Эски шаҳар маориф союзига раис тайинландим. Райком профбюро президиум аъзолигига сайланиб ишладим. Биринчи райкомда исполбюро бўлиб ишладим. Эски шаҳар шўросида ижроқўмға президиум сайланиб ишладим.

1924 йил 15 январда Туркфронт томонидан юборилган қоғазга биноан Биринчи райком мени Туркфронт қошидаги миллий шўъбага — миллий, ҳарбий-сиёсий мактабга командировка қилди. Она тили муаллимлиги вазифасини ўтадим ҳам биринчи ротада фирқа ячейкасида ишладим. Янги шаҳар шўросига қўшчи союзи томонидан вакил сайланиб унда ҳам ишладим. Ҳарбий мактабда 6 йил ишлаб, қартайганимдан ариза бериб, 1929 йил охирида бўшадим.

1925 йилдан бери САКУда илмий ҳам ўқитув ишлари билан машғулман. Ҳозирда ҳам САКУда кафедрада предмет комиссия раиси, тил ва адабиёт ўқитувчилик хизмати бажараман.

1929 йилда Ўзбекистон Марказий Ижроқўмига аъзо бўлиб ишладим.

1929—1930 йилда САКУнинг рабфагида предмет комиссияга раис ҳам ўқитувчи бўлиб ишладим.

1930—1931 йилда САГУнинг педфак бўлимида ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига раис ҳам ўқитувчилик хизматин бажардим.

А. АВЛОНИЙ, 1932 йил 26 ноябр

ИЗОҲЛАР

Абдулла Авлонийнинг «ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ» асари биринчи мартаба 1914 йилда чоп этилди. Уни замондошлари «зўр шодлиғ» билан кутиб олдилар. Ва «Туркистон учун энг керакли... «ахлоқ китоби» сифатида қабул қилдилар. Унинг тарғибу ташвиқи билан шугулландилар. Бу китобнинг ҳар бир оиллага кириб бориши уларнинг орзусига айланди. Айниқса, мактаб муаллимлари ва адабиёт муҳибларига «муҳим асар» сифатида тавсия қилдилар. «Садойи Туркистон» жаридасининг 1914 йил 3 декабр сонидида босилган «Туркистонга зўр шодлиғ сарлавҳали хабар бунга далил. Мана унинг матни:

«Кўпдин бери кутилган Туркистон учун энг керакли «Туркий гулистон» исмли ахлоқ китоби очуқ тилда, Туркистон шеvasида Шайх Саъдий усулида Абдулла Авлоний тарафидан ёзилуб, тошбосмада босилуб, 132 бетдан иборат муҳим асар майдонга чиқди. Ҳар бир адабиёт ошиқларина, хусусан, муаллим афандилара бирор нухасини тавсия қилурмиз.

Дарҳақиқат, Авлонийнинг таълимий-ахлоқий асарлари орасида «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» алоҳида ўрин тутати. Адиб инсонларни «яхшиликка чақирғувчи, ёмонликдан қайтарғувчи бир илм» — ахлоқ ҳақида фикр юритиб, бу ўринда тарбиянинг ҳал қилувчи ролини алоҳида таъкидлайди.

Авлоний инсонга хос хулқни иккига — яхши ва ёмонга ажратади. Муаллиф уларни тасниф қилади. Ҳар бирига алоҳида сарлавҳа ажратиб, махсус тўхталиб ўтади. Ўз мулоҳазаларини далиллаш учун Қуръон оятлари ва ҳадислардан, шунингдек, Арасту, Суқрот, Ибн Сино, Саъдий, Мирзо Бедил сингари машҳур мутафаккирларнинг фикрларини келтиради. Ҳар бир ахлоқий категорияга ўз муносабатини билдиргач, ўша фикрнинг мазмунини ифодаловчи байт ё бирор мақол-ҳикмат илова қилади. Асарнинг ширали тили, келтирилган хилма-хил мақол-ҳикматлар, равон, таъсирчан услуб уни ўша даврдаги кўпгина таълимий-ахлоқий асарлардан ажратиб туради. У, айтиш мумкинки, ўзига хос бадиий асар ҳамдир. Авлоний дорини асалга қўшиб беморга егизган табибга ўхшайди. Ўзининг ахлоқ ва таълим, борлиқ ва жамият ҳақидаги қимматли фикрларини ўқувчига нафис ва гўзал либосда тақдим қилади.

Авлоний ўз асарини яратишда кўпроқ шайх Саъдийга эргашади. Китобга «Туркий гулистон» деб ном берганлиги ҳам бежиз эмас. Адабиётшунослар ҳақли эътироф этганларидек, эски ўзбек мактабларида асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилиб келган. «Гулистон» форс мумтоз адабиётининг энг кўркам, энг «бар-

жаста»си эди. Унга эргашиб ёзилган асарлар кўп бўлди. «Туркий гулистон...» ҳам мана шу буюк обидага ўзига хос назира, ўзига хос жавоб, шоғирднинг устозга таъзими бўлди.

Авлоний ахлоқ тўғрисида асар ёзар экан, анъанавий ахлоқ муаммоларини замонасининг муҳим, дардли масалалари билан боғлади. Инсон ва замонга, борлиқ ва тафаккурга, ахлоқ ва тарбияга ўз муносабатини билдиришда даврнинг илғор қарашларига таянди. Шоир ҳар бир ахлоқий категорияни талқин қилганда бевосита ўз даври масалаларига мурожаат этади ва китобга ўша замон нафасини олиб киришга муваффақ бўлади. Масалан, бир ўринда яхши хўлқларни тавсиф қила туриб, мустамлака Туркистоннинг миллий эркислиги, чоризм тазийқи, меҳнаткашларнинг машаққатли тирикчилигига бориб тақалувчи гапларни қистириб ўтади: «Биз осийлилар, хусусан, туркистонлилар думба сотиб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак типлаймиз».

Хуллас, Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари асримиз бошларидаги нафақат педагогик фикр тараққиётида, балки бу давр ижтимоий-эстетик тафаккур ривожиди ҳам сезиларли из қолдирди.

Уйғур — Маннон Уйғур (1894—1955). Ўзбек театрининг асосчиларидан, режиссёр, актёр, драматург, Ўзбекистон Халқ артисти (1932). «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг 1917 йилги нашри М. Уйғурнинг моҳир хатот бўлганлигига ҳам гувоҳлик беради.

Авлонийнинг «**МУХТАСАР ТАРИХИ АНБИЁ ВА ТАРИХИ ИСЛОМ**» асари бошланғич мактабларнинг ўқувчиларига мўлжалланган. Унинг мухтасар (қисқа)лиги ҳам шундан. Ислом тарихи фанида пайғамбарлар тарихи, пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (с.а.в.) ҳаётлари ва Ислом дини тарихи, шунингдек, илк халифалик даври тарихи уч босқичда ўрганилади. Масалаи, Носируддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарлари пайғамбарлар тарихига оид бўлса, Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий»си иккинчи, ва ниҳоят, Ризоуддин ибн Фахруддиннинг «Хулафои рошидин» асари учинчи даврни ўз ичига олади. Авлоний асари эса мана шу уч даврни ўзида мужассамлантиради. Гарчи қисқача бўлса-да, зарур воқеа ва ҳодисалар ҳақида маълумот беради. Авлоний Ислом тарихига оид йирикроқ асар ёзиши ҳам мумкин эди. Лекин унинг ўз олдига қўйган вазифаси бошқа. Адибнинг мақсади миллат келажаги бўлган болаларни бошланғич синфданоқ қисқача бўлса-да Ислом тарихи билан таништириш, диний маърифатларини ошириш, алаалоқибат, уларнинг қалбларига иймон нуруни сингдиришдир. Мана шу йўлда Абдулла Авлонийнинг бу асари таҳсинга сазовор иш. (Аллоҳ ундан рози бўлсин).

АДВОКАТЛИК ОСОНМИ?! — Авлоний музейида сақланаётган қўлёзма-автограф асосида нашрга тайёрланди.

ПИНАК. Комедиянинг уч қўлёзма нусхаси сақланган. Ҳар уч-чаласи ҳам рақамланган: (35, 35 д, 35 е).
24 бетли йўл-йўл 18x22,5 см ҳажмли мактаб дафтаридида қаламда ёзилган 35 рақамли автограф нусхада воқеа 4-бетдаёқ узилган.
17,5x22 см ҳажмдаги 16 бетлик катак дафтарга ёзилган 35 д рақамли қалами автограф нусха ҳам тугалланмаган, 14-бетда узилган.
35 е рақамли 21/V—1920 йилда Ҳусан (?) деган киши томонидан дағал картон муқовали 23x18,5 см ҳажмдаги 12 бетлик дафтарга қора сийёҳда кўчирилган учинчи нусха тугал бўлса-да, ғалат ва қусурлари, имло хатолари кўп. Кейинги икки манба нусхадан кўра кўпроқ вариантга ўхшайди. Воқеада: персонажларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларида сезиларли фарқлар бор. Чамаси, асарнинг номи дастлаб «Турсун кўкнори ила Толиб қиморбоз» деб аталган.
35 д рақамли нусхада муаллиф уни ўчириб, устига кейинги номини қўйган. Комедияни нашрга тайёрлашда, асосан мана шу 35 д рақамли автограф нусхага суяндик. Асарнинг якувланишини эса 35 е рақамли тугал кўчирилган нусхадан олдик. Шунингдек, айрим нуқталарни аниқлашда 35-парчадан ҳам фойдаланилди.

БИЗ ВА СИЗ. А. Бобохонов Авлоний ҳақидаги бир мақоласида («Совет Ўзбекистони санъати» журн. 1978 й., 9-сон) уни «Сиз» номи билан тилга олади. Унинг тўла ва аниқ номи «Биз ва Сиз». Ушбу нашрга асос қилиб олинган қўлёзма автограф бўлиб, 18x18 см ҳажмда оқ-сарик сидирга қоғозда очиқ ва хунхат ёзилган, 100 саҳифада. Охирида «1923 йил 28 июн, Тошканд» ёзиб қўйилган ва муаллиф одатдагидек имзо чеккан. Бу сана, бизнингча, асарнинг кўчириб тамомланган вақти бўлиб, у 1917 йилга қадар ёзилган. Негаки, инқилобдан кейин ёзилган бўлса, муаллиф бошқа ўтмиш мавзуда битилган асарларидаги (масалан «Португалия инқилоби») сянғари изоҳ берган бўлур эди.

ИНДАМАС — Авлонийнинг тахаллусларидан бири. Адибнинг «Садоий Туркистон» газетасидаги мақолалари шу тахаллус билан чоп этилган эди.

«МУЛЛА НАСРИДДИН» — 1906 йилдан бошлаб озарбайжон тилида чиққан ҳажвий журнал. Машҳур адиб Жалил Мамадқулизода бошчилигида дастлаб Тбилисида, 1922—1931 йилларда эса Бокуда чоп этилган.

МАЛЛАХОН — Маллахон Шералихон ўғли. Қўқоннинг сўнгги хони Худоёрхоннинг акаси. 1859—1862 йилларда Қўқон хони бўлган.

ДАКЕНУС — юнистонлик зolim бутпараст шоҳ.

ҲУЛОКУ — Ҳулокухон. 1256 йил Эрон ва Ироқда ҳулокулар давлатига асос солган мўғул ҳукмдори. 1256—1265 йилларда ҳукмрошлик қилган.

РИЗО ҚОЗИ — Ризоуддин ибн Фахриддин (1858—1936). Татар маърифатпарвари. Узоқ йиллар Оренбург қозиси бўлиб ишлаган. 1906 йил истеъфо бериб, қолган умрини илмий-ижодий ишга бағишлаган. Дастлаб «Вақт» газетасига, кейинчалик машҳур «Шўро» журнаlining ташкил қилиб, унга муҳаррирлик қилган. «Қавоиди фикҳия», «Хулафон рошидин», «Кутуби ситта», «Осор», «Машҳур хотунлар», «Оила», «Насихат», «Аҳлу аёл», «Тарбияли хотун» сингари бир қанча исломий асарлар муаллифи.

Николай Захарьевич Бровин — Октябр инқилобигача Эронда чор ҳукуматининг дипломати бўлиб ишлаган. Ҳазнада, 1919 йилда августдан Кобулда РСФСРнинг мухтор элчиси. Ўша йили Ҳазнада номатълум сабаблар билан ўлдирилган.

(Қаранг: «Правда Востока» г., 1989 й., 16 июн).

** маъноси:

Эй дил, ҳушёр бўл, дунё бари кетди (келганлар кетди);
ёшу қари, шоҳу гадо, хосу ом — ҳаммалари кетдилар.

*** маъноси:

Илоҳий фазилат осмонининг қуёши, Тангрининг танлаган орифи, икки дунёнинг улуг сарвари, султонлар сардори Қутбиддин Мавдуд Аллоҳнинг улуг ва ишончли мададкори (дир).

Диннинг қутби (устуни), саховат оламининг подшоҳи (дир). Шон-шуҳрати кўккача ёйилган шайхи оламдир. Фалак у кишининг — Хожа Мавдуд Чаштининг қадри олдида сажда қилади. Подшоҳ (хисрав)лар мақсад каъбаси арши сингари (унинг) даргоҳининг қулларидирлар. Унинг мухлис (мурид)лари ҳар икки дунёда азиздурлар, мункирлари илоҳий раҳматидан маҳрум. Ҳақдан ажал ояти етгач, руҳи қуши улуглик томон қанот қоқди. Фалакнинг жабру жафосидан додким, кишига вафоси фақат жафо бўлади. Сорамий ақлга мурожаат қилиб, вафот йилини сўради. Ақл нуқтадони жаннатдан нидо бердиким, (таърифи) «қудси Аллоҳ сирриҳу Мавдуд» (Аллоҳ Мавдуднинг сирларини муқаддас қилгай).

**** маъноси:

Аллоҳ азиз тутган шоҳ (бу) мақтовларга сазовор, ишончли мададкор, эшиги мақсадлар каъбаси бўлган шайх, саййидлар султони Қутбиддин Мавдуддир. Саховат оламининг амири бўлган бу Хожа Аллоҳнинг ердаги мавжуд суюклисидир. Яхшилик ва тўғрилиқ ҳожатгоҳи Чашт у (Хожа)нинг равзан (қабрлари) туфайли малойик руҳи сингари пурфайзdir. Эй Сорамий, шунин билгилки, Чашт жаҳон султони (Мавдуд)нинг ҳикматидан ер юзидаги беҳиштдир.

Яков Захарович Суриц — РСФСРнинг 1919 йилда Афғонистонга юборилган биринчи расмий элчиси.

ЛУҒАТ

А

Авбош — бебош
 Аврат — инсон баданининг
 номахрамларга кўрсатилиши
 мумкин бўлмаган аъзолари

Ажз — кучсизлик
 Амора — амр этувчи
 Анонийят — манманлик
 Арасот — майдонлар
 Аскиё — аскиячи
 Атолат — мутаассиблик
 Афрод — ёлғизлар
 Афрод — ёлғизлар
 Афъи — заҳарли
 Афъол — ҳаракатлар
 Аъмо — кўр, сўқир
 Аъмол — амаллар
 Ақсом — қисмлар
 Ағниё — бойлар
 Аҳком — ҳукмлар

Б

Баъд аз намоз — намоздан
 кейин
 Банд — йироқ, узоқ
 Балиғ — нафис, силлиғ
 Балоҳат — аҳмоқлик
 Бам-баёз — оппоқ
 Басит — содда, оддий
 Бебок — бепарво
 Болиғ — балоғатга етган
 Бурада — бу ерда
 Бухл — бахиллик
 Буъз — кийна, кек

В

Валад — ўғил, фарзанд

Вирди забон — тилда такрор-
 лаш
 Вожиб — бажарилиши зарур
 Вуқур — бардошлилик

Г

Гўша — бурчак, хилват
 Гўшанишин — хилватда ўти-
 рувчи

Д

Даражот — мартабалар
 Дигар — бошқа
 Диёнат — диндорлик, понлик
 Дор — уй

Ж

Жавориҳ — бадан аъзолари
 Жаҳд — тиришиш,
 Жаҳим — жаҳаннам
 Жибонат — қўрқоқлик
 Жид — астойдил ҳаракат
 қилиш
 Жинон — жаннатлар
 Жиҳор қироат — Қуръон су-
 раларини овоз чиқариб
 ўқиш
 Жовидон — абадий
 Жомафурушлик — кийим со-
 тиш
 Журм — жиноят, гуноҳ

З

Зако — зийраклик
 Залил — хор, тубан
 Замима — ёмон, ярамас
 Зарф — идиш

Эя — тирик, жонли
Эяроат — деҳқончилик

И

Ижтиҳод — тиришини
Ийзо — озор бериш
Инс — инсон
Иода — қайтиш
Иртиқоб — киришини
Истиҳбоб — севиш, маъқул-
лаш

Ифрот — ҳаддан ошиш
Ифтиро — бўҳтон, тухмат
Иқтидор — қодир бўлиш
Иҳота — ўраб олиш
Иҳтироз — сақланиш

К

Кабир — катта, улур
Кавнайн — икки дунё
Каззоб — ёлгончи
Каром — чегара, қирғоқ
Кас — киши, шахс
Касир — кўп, мўл
Касолат — сузлик
Катмон — яшириш
Кизб — ёлгон
Кин — душманлик
Ком — тилак, мақсад
Кор — иш, меҳнат
Кубро — катта, улур
Кўнка — трамвай
Кўшини — ҳаракат

Л

Лафз — оғзаки сўз
Лаъл — қизил рангли тош
Лобуд — мажбурий

М

Мабно — асос, ўзак
Мавт — ўлиш, вафот этиш
Мадфун — дафн этилган
Мазиййат — ортиқлик, зиёда-
лик
Мазмум — ёмонланган

Мазҳаб — йўл, маслак
Мамдуҳ — мақталган
Мамнуъ — ман этилган
Мамот — ўлим, вафот этиш
Мариз — касал
Масмум — заҳарланган
Масрур — хурсанд, шод
Масъуд — бахтли, саодатли
Матин — мустаҳкам
Матонат — бардош, чидам
Мафҳум — фаҳмланган, туши-
рилган
Машварат — мажлис, кенгаш
Машруъ — қонуний, рухсат
этилган
Маъсият — гуноҳ, исён
Маҳд — бешик
Маҳжур — ҳижронда қолган
Маҳсур — чегараланган
Моляъни — маъносиз
Мор — илон
Мубоҳ — рухсат этилган иш
Мубин — равшан, очяқ
Муваддат — дўстлик
Мудоҳана — лаганбардорлик
Мукаллиф — тақлиф этилган
Муколама — суҳбат
Мўлаввас — ифлосланган
Мунис — дўст, ўртоқ
Мунофиқ — нифоқ солувчи
Муоҳада — келишув
Мурид — 1. Талаб этувчи.
2. Эргашувчи
Мурофия — тортиш
Муршид — тўғри йўлга со-
лувчи
Мусаххар — фатҳ этилган
Муслиҳ — қуроланган
Мусовий — тенг, баробар
Мусовот — тенглик
Мусона — ёрдам берувчи
Мусриф — исрофгар
Мустаҳриқ — шарқшунос
Мусҳаф — Қуръон
Мутаҳҳара — покланган

Мухоласат — самимийлик
Мухосара — қамал
Муқабала — қарши чиқиш
Муҳиб — севувчи
Мухораба — уруш, жаанг

Н

Назари ибрат — ибрат қўзи
Назофат — поклик
Назоҳат — нуқсонсиз
Намимат — чақимчилик
Наммом — чақимчи
Нафсоният — ўз нафсига тортиш
Наҳв — морфология
Наҳй — қайтариш
Нифоқ — мунофиқлик
Ниқор — душманлик
Нор — ўт, олов
Нубувват — набийлик
Нуфус — аҳоли, халқ

О

Олат — асбоб, қурол
Ориф — маърифатли
Осий — гумроҳ, гуноҳкор
Осор — белгилар, нишонлар
Осуда — тинч, ташвишсиз
Офият — соғлик, тинчлик
Оғ — ип, тор

Р

Равза — жаннат
Раҷо — умид, тилак
Развоқ — ризқ берувчи, Аллоҳ
Ранж — меҳнат, машаққат
Раховат — танпарвар, дангаса
Риёват — қийналиш
Риоят — эътиборга олиш
Рисолат — расуллик, пайгамбарлик
Риҳлат — кўчиш

С

Сабий — ёш бола
Саййид — бошлиқ, етакчи

Сарват — бойлик
Сафолат — хасислик, тубанлик
Сафоҳат — ақлсизлик, подонлик
Саъй — ҳаракат, тиришиш
Саҳв — хато
Силоҳ — қурол, аслаҳа
Сироят — юқиш, таъсир қилиш
Соил — сўровчи, тилловчи
Сурфа — кўкйўтал
Суъизан — биров ҳақида ёмон фикр қилмоқ, ҳақорат
Сугро — кичик

Т

Таадди — зулм қилиш
Тааййиш — айш қилиш, роҳатланиш
Таарруз — қаршилиқ кўрсатиш
Тавозуъ — адаблилик
Тавфиқ — ёрдам, мадад
Тадови — даволаш
Тажовуз — чегарадан ўтиш
Тазвир — фириб, алдаш
Тай — юриш, ўтиш
Такфир — кофирга чиқариш
Такмил — камолга етиш
Талх — аччиқ
Таоли — юксаклик, кўтарилиш
Тараддуд — иккиланиш
Тафрид — сузлик қилиш

У

Убудият — бандалиқ, қуллик
Узор — юз, чеҳра
Улвийят — баланд мартабалиқ
Улувиййа — улуглик, олий даража
Умрон — ободончилик
Уммул ҳабоне — ёмонликлар онаси
Уҳда — 1. Мажбурият;
2. Масъулият.

Ф

- Фано** — тугалиш, йўқ бўлиш
Фарт — ҳаддан ошиқ, чегарадан ташқари
Фасиҳ — ёқимли сўзловчи
Фасод — бузилиш, айниш
Фасоҳат — ёқимли нутқ
Фатво — шаръий кўрсатма
Фатонат — ўткир зеҳн, зийраклик
Фатҳ — 1. Очиш; 2. Забт этиш.
Фиқҳ — исломий ҳуқуқ илми
Фосид — фасод тарқатувчи
Фоҳиш — ахлоқсиз, зинокор

Х

- Хайма** — чодир
Хайр — яхшилик
Халлоқ — яратувчи, Аллоҳ
Харж — чиқим, сарф
Хасосат — тамаъ қилиш, пасткашлик
Хилоф — тескари, зид
Хирадманд — ақлли, донишманд
Хок — тупроқ
Холиқ — яратувчи, Аллоҳ
Хор — тикан
Хулофат — халифалик
Хун — қон
Хуш — яхши, маъқул

Ч

- Чанм** — кўз
Чилонбанка — банк аъзоси
Чолишмоқ — ишламоқ, ҳаракат қилмоқ
Чузг — бойқуш
Чўх — кўп

Ш

- Шаб** — тун, кеча
Шажий — шижоатли
Шай — нарса

- Шафоат** — восита бўлиш
Шақоват — бахтсизлик, ёмонлик
Шикаста — синиқ, кўнгли озор чеккан
Ширк — Аллоҳнинг шериги бор деб эътиқод қилиш
Шомил — ёйилган, умумга тегишли

Я

- Яд** — қўл
Яъс — маъюслик, умидсизлик

Қ

- Қавл** — гап, сўз
Қаробат — яқинлик
Қибтий — мисрлик
Қироат — ўқиш
Қут — овқат, емак

Ғ

- Ғазавангир** — ғазабли
Ғибта — орзу қилиш
Ғўта — сувга шўнғиб чиқиш

Ҳ

- Ҳавлноқ** — қўрқинчли
Ҳандаса — геометрия
Ҳарисона — очкўзларча
Ҳариф — қарши
Ҳасана — яхши, чиройли
Ҳасосат — хушёрлик, зийраклик
Ҳиддат — тезлик, ўткирлик
Ҳилим — ҳалимлик, мулоймалик
Ҳисор — қўрғон, қалъа
Ҳифз — сақлаш, қўриқлаш
Ҳифзи сиҳҳат — соғлиқни сақлаш
Ҳовий — ўраб олган
Ҳубб — севиш, яхши кўриш
Ҳукамо — ҳакимлар, донишмандлар
Ҳусал — ҳосил бўлиш

МУНДАРИЖА

ПАНДЛАР, ҲИКОЯТЛАР, ИБРАТЛАР

«Биринчи муаллим» китобидан

Муаллим афандилар диққатина	6
Ямонлик жазоси	6
Қаноат	7
Зар қадрини заргар билур	7
Яхшилик ерда қолмас	7
Тўғрилиқ	8
Иттифоқ	8
«Қўшма сўзлар»дан	8

«Иккинчи муаллим» китобидан

Муқаддима	10
Ақл	10
Салавот	11
Мактаб	11
Сахийлик	12
Бахиллик	13
Ахлоқий ҳикоя	13
Арслон ила айиқ	14
Булбул ила эшак	14
Нафси бузуқ ҳайитда ўлар	15
Ақли қарға	15
Боғча	16
Ҳасад балоси	16
Ақли бола	17
Қаламфир ила чул ялпизи	17
Овоз	17
Ялғон дўст	18
Чин дўст	18
Хурус ила бўри	18
Жанжалчилик зарари	19
Тамаъ балоси	19
Ақлсиз бола	20
Болалар боғчаси	20
Тақсим	21
Болари ила пашша	22
Ғил, сана	22
Қамарийя ҳисоби	22
Ғилнинг фасли	24
Ез фасли	24
Куз фасли	24
Қиш фасли	25
Баҳор фасли	25
Мактаба даъват	25

Бўри ила хотун	25
Икки девона	26
Бўри ила узум	26
Яхшилик	27
Очкўзлик	27
Илмсизлик балоси	27
Ақлли борбон	28
Бўри ила қўзи	29
Шайх Саъдий	29
Кўрқоқ	29
Ит ила гадо	30
Мақтанчоқ ғоз	30
Айиқнинг дўстлиги	30
Қаламуш ила сичқон	31
Кўр киши	31
Аҳмад ила отаси	31
Соқи ила онаси	32
Кўр ила чўлоқ	32

ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЕХУД АХЛОҚ

— Ахлоқ	34
Хулқ	34
Яхши хулқ, ёмон хулқ	35
Тарбия	36
Тарбиянинг замони	37
Бадаи тарбияси	38
Фикр тарбияси	39
Ахлоқ тарбияси	40
Яхши хулқлар	40
Фатонат	41
Диёнат	42
Исломият	43
Назофат	44
Саъй ва ғайрат	45
Ғиёзат	46
Шижоат	47
Қаноат	47
Илм	48
Ақсоми илм	49
Сабр	50
Хилм	51
Интизом	52
Миқёси вафс	53
— Виждон	54
— Ватани суймак	55
Хаққоният	56
Назари ибрат	56
— Иффат	58
— Хаё	58
Идрок ва зако	59
Хифзи лисон	60
— Иқтисод	62
— Вижор	63
Хавф ва ражо	63
Итоат	64

✓ Хақшувослик	65
Хайрихоҳлик	65
Мунислик	66
Садоқат	67
✓ Адолат	68
— Муҳаббат	68
Олиҳиммат	69
Афу	70
Емои хулқлар	71
Ғазаб	71
Шаҳват	72
Ақсоми жаҳолат	73
Жаҳолат	74
Сафоҳат балоси	75
Ҳамоқат	77
Атолат	78
Ҳасосат	79
Раховат	80
Анонийят	80
Адоват	81
Намимат	82
Ғийбат	83
Ҳақорат	84
Каримталиқ дунёдур	84
Жибоназ	85
Ҳасад	86
Кизб	87
Нифоқ	88
Тамаъ	89
Зулм	90
Бир-якки сўз	91

МУХТАСАР ТАРИХИ АНБИЁ ВА ТАРИХИ ИСЛОМ 93

ДРАМАЛАР

Адвокатлик осонми?	130
Иянак	146
Биз (ва) Сиз	156
Пўртуғолия инқилоби	187

МАҚОЛАЛАР

Маданият тўлқунлари	210
✓ Тибёт хусусида мунозара	220
Ким нимани яхши кўрар?	227
Уз шаҳримда саёҳат	229
Қайфим учди	232
Закот	233
Саное нафиса	235
Афғон саёҳати	237
Таржиман ҳолим	287
Изоҳлар	293
Луғат	297

Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ
ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

2-ж и л д

Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набиёлар ҳаёти,
драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари

Тошкент «Маънавият» 1998

Муҳаррир *М. Исоқова*
Рассом *А. Пономарёв*
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга берилди, 20.03.98. Босишга рухсат этилди 14.05.98. Бичими 84×108¹/₃₂.
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулда босилди. Шартли б.т.
15,96. Шартли кр.-отт. 16,38. Нашр т. 15,84. 5000 нуска. Буюртма № 50.
Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 6—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг китоб-журнал
фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси,
1-уй, 1998.